



84/59/14
K-59

МАТ ҚОРЖОВОВ

ЗИНДОНБАНД ҚИЗ НОЛАСИ

ҚИССА



Азамат ҚОРЖОВОВ

ЗИНДОНБАНД ҚИЗ НОЛАСИ

Қисса



Тошкент
«Ijod-Press»
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)

Қ-59

Қоржовов, Азамат

Зиндонбанд қиз ноласи: (қисса) / А.Қоржовов. —Т.: «Ijod-Press», 2016.— 280 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)

Тўйдан бир кун аввал кечқурун бўлажак келинчак суюмли синглисини эргаштириб уйдан чиқади. Улар қишлоқнинг нариги чеккасидаги ҳаммомга йўл олишади. Кўча ўртасини қазиб, қувур алмаштираётган бир гуруҳ эркаклардан уялган опа-сингил сой бўйидаги суқмоқдан юришга аҳд қилишади. Сой бўйида эса уларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган воқеа кутиб турарди...

Азамат Қоржововнинг "Зиндонбанд қиз ноласи" қиссасида Ҳилола исмли қизнинг туман ички ишлар бўлими ҳибсхонасидан бошлаб, Абдиян турмаси, кейинчалик Сулаймонтепа аёллар колониясида бошидан кечирган қора кунлари тасвирланган. Матонатли қиз ҳар доим ёруғликка талпинади, эзуликка хизмат қилиш ҳаракатида бўлади. Бироқ панжара ортидаги «дордан қочган» аёллар орасида маъсума қизнинг яшаши айтишгагина осон эди. Қиссани ўқир экансиз, яхшиликнинг ғалабаси осон кечмаслигига, инсон ҳар қандай шароитда ҳам одамийлигини йўқотмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Тақризчи: М.ЙЎЛДОШЕВА — Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси, ёзувчи

ISBN 978-9943-994-37-9

**Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM**

INV № 168532-2019

© "Ijod-Press" нашриёти, 2016

Қиссадаги воқеалар ҳеч кимнинг ҳаётига дахл қилмайди, исмлар ўхшашлиги ҳам тасодиф. Қолаверса, аёллар қамоқхонасида юз берган ҳодисаларга ҳозирги турма ва колонияларнинг алоқаси йўқ. Асаримда кўп йиллар муқаддам, қизлик даврида қамоқхонада утирган аёлнинг ҳикоясидан фойдаланганим ҳам сир эмас.

Муаллиф

1. СОЙ БЎЙИДАГИ ВОҚЕА

Ўша куни Ҳилола ҳаммомга бормаслиги ҳам мумкин эди. Эртага келин бўлиб, ота уйини тарк этажак йигирма тўрт ёшдаги опаси Нурия тикувчиникидан кўйлақларини шод-хуррам кўтариб қайтди. Тўйининг ташвишларидан бир дақиқа бўлсин тиним билмаётган опасига Ҳилола мамнун қараб қўярди, айна дамда хавотир ҳам зоҳир эди нигоҳида. Ҳилола ўн тўққиз ёшдан ошган бўлиб, ҳусн-малоҳатда опасидан ўтолмаса-да, юз-кўзидан соғломлик уфуриб турган, тишлари дурдек, қизил яноқ қиз эди, сочлари ҳам мисли шаршара. Нурия эса синглисидан фарқли ўлароқ туғма юрак нуқсонли туфайли тез-тез шифохонада даволанар, озгин, сийрак соч, ҳуркак, баъзан ҳаддан ташқари тажанг эди. Мактабни тамомлаб, бир неча йил хаста бўлиб ётди, совчи келмади. Бу ёқда ёши ўтиб борарди. Шифокорлар ўзини тарбия қилса, касаллиги бутунлай йўқолиб кетишини айтишди. Худди шу касаллик билан етмиш-саксон ёшга кирган, учта-тўртта фарзанд кўрган аёллар ҳам бор экан.

Шифокорларнинг охириги ташхисидан сўнг қўшни вилоятда яшайдиган, қариндошчилик жиҳатидан Нуриянинг отасига бир авлод нари жиян бўлмиш йигит совчи қўйди. "Нурияни ўзимиз келин қиламиз, узилиб

бораётган томирларимиз улансин", дейишди. Отаси розилик берди. Куёвнинг суратини кўришди, қош-кўзи қоп-қора, хушсуврат йигит экан. Шундан бери Нуриядек толеи кулган қизни қишлоқдан топиб бўлмасди. Ҳамма енгил тортган, Нурияга қўшилиб бошқалар ҳам бахтли эди.

Тикувчиникига боришда ҳамроҳ бўлган икки уй наридаги дугонасини укаси чақириб қолди. Меҳмон келганмиш, онаси йўқлаётганмиш.

— Кейинроқ кел, ҳаммомга борамиз, хўпми? — деди Нурия либослари билан андармон бўлиб. — Шунчалик ишим кўпки, ҳаммом қилиб оламан дегунимча, мана, кеч ҳам тушди... — Дугонаси кабушини оёққа илиб, остона ҳатлаганди, ортидан гапирди: — Аниқ кел-а! Жуда кечга қолиб кетмайлик!

— Мабодо кечиксам, синглинг билан бора қол, — дегани эшитилди дугонасининг.

— Ҳилоланинг иши меникидан ҳам ошиб-тошиб ётибди.

— Аямнинг феълени биласан-ку, Нури!

Дугонаси айтганидек онаси жавоб бермади.

— Ҳилола қанисан? — уйга кириб, девордаги соатга қаради Нурия. — Юр, Чирой холаникига, ҳаммомга борамиз.

— Яхши айтдингиз, опагон, баҳонада мен ҳам сочимни бир чайиб олардим. Икки кундан бери патак бўлиб кетди-ей!

Опа-сингил кўчага чиқишганида, қуёш уфққа алвон пардасини ёйган, сой бўйидан чанг кўтарилиб, пода қайтмоқда, қаердадир машиналарнинг моторлари гуриллаб ишлаб турарди. Чирой холанинг кўчасига бурилганларида, юк машинаси ва кранни, тупроқ уюмини, занг босган қувурларни, пайванд шуъласини, тўпланиб турган одамларни кўришди. Сигирлар қандай айланиб ўтишни билмай гоҳ у, гоҳ бу четга ўзларини урди. Ишчилардан бири: "Молингга қара! Нариги кўчадан ҳай-

даб ўт!" деб бақирди болаларга. Бошқа моллар ҳам бос-тириб кела бошлашди, гала-ғовур кучайиб, опа-сингил ўнгдаги томорқани тўсган симтўрга тақалганча уларнинг ўтишини кутишди.

— Соё бўйидан юрсак-чи, — деди Нурия. — Бу ёқда эркаклар ҳам кўп экан.

— Тўғри айтасиз, қувур ёрилиб, суви чиқиб, атрофийам роса лой бўлиб ётибди, — маъқуллади Ҳилола.

Кўчанинг чап томонидаги ҳовлилар оралиғида йўлак бўлиб, ундан соё бўйига тушиларди. Сўнгра сўқмоқ орқали кун ботиш томонга етти-саккиз ҳовли юрилса, яна шундай йўлакдан қишлоқ кўчасига қайтиб чиқса бўларди. Чирой холанинг уйи соё бўйидаги товукхонали ҳовли рўпарасида, кўчанинг нариги бетида эди. Аслида у ёқлар қўшни қишлоқ эди, аҳоли кўпайгач, уйлар қўшилиб, чегаралар йўқолиб кетганди.

— Кўрдингми? — деди Нурия пастликка тушишгач.

— Нимани? — атрофга қаради Ҳилола.

— Васлини.

— Васли тентакни гапираяпсизми? Қани?

— Усталарнинг олдида турганди. Болаларга қараб сўкинди-ку, эшитмадингми?

— Ўзини ҳам кўрмадим, овозини ҳам эшитмадим. Ўлсин ўша пиёниста! Гапирманг! Хотини билан ажрашиб, аввалгидан ҳам баттар расво бўлиб юрибди. Яна сизга совчи жўнатаман, деганига ўлайми!

Ҳилола шу тобда опаси билан охириги марта соё бўйида, ажойиб оқшомда, болаликдан хотира маконда кетиб бораётганини ўйлаётганди. Вужудини ғамгинлик ва шодмонлик чулғаб олганди. Нурия эртадан бошлаб қўшни вилоятлик, бошқа хонадон бекаси, олисдан келувчи меҳмон бўлади. Ҳа, Ҳилола опасига соё бўйида яна шундай эргашармиди? Ҳар замонда келганида қариндошларникига боришу тўй-маъракалардан бўшамай қайтиб кетади. Ҳаёт шунақа, тақдир шунақа...

Бироқ бугун Ҳилола фақат опаси ҳақида ўйламаёт-

ганди. Юрак-бағрини тилган бошқа бир воқеа ҳушидаю тушида миясини тарк этмаётган эди. Тўрт йил изидан қолмаган, хушомад қилган, ишқий мактубларга кўмган Даврон ўтган ҳафта Гулбаҳорга, яъниким синфдош дугонасига, қўшнисига, болаликдан бирга ўйнаб-ўсган қизга совчи қўйди. Икки хонадон катталари ҳаммасини режалаштириб бўлишди. Тўй шу ой охирида. Ҳилола бу дунёда чин ошиқ, чин дугона борлигига заррача ишончи қолмади. Кун ўтган сайин ўйлайди: "Тўйга боришим керакми? Қандай қилиб қўшни қизнинг, синфдош дугонамнинг тўйига қатнашмайман? Лекин борсам ҳам гап-сўз, бормасам ҳам! Бошимни қайси тошга урай? Қанийди узоқларга қочиб кетишнинг иложи бўлса?.."

Гулбаҳор шу йил тиббиёт соҳасида ўқув юртини тамомлаб, туман марказидаги поликлиникага ҳамшира бўлди. Отасининг бошида мансаб қуши айланиб юрган эканми, вилоятдаги бир мажлисда хизматдош ўртоғини учратиб қолдию ўзларининг туман ҳокимиятидаги ўринбосарига айланди. Гулбаҳорнинг ўқиганлигию отасининг мансаби ошганлиги, қолаверса, ўзига тўқ хонадон эканлиги ёшларнинг тақдирини ҳал қилдиқўйди. Ҳилола шу вақтгача Давроннинг ишқида ҳаддан ташқари жизғанақ куймаган эди, аммо дугонасига уйланаётгани юрагини шу қадар тилка-пора қилдики, ҳатто бевафо дунёда яшашни ҳам истамай қолди. Дугонанинг айтган гапи шу: "Кечир, Ҳилол, уйдагиларим қўймади, Давронга мажбурлаб беришди..."

Ҳарҳолда юпатгувчи сабаблар ҳам йўқ эмасди. Мана, опасининг тўйи. Йигирма тўрт ёш қишлоқда қиз бола учун катта ёш. Улими олдидан бувиси раҳматли (у пайтда Нурия йигирма иккида эди): "Нуриягинамга ҳам куёв чиқиб, уйли-жойли бўлсин", деб дуо қилганди. Тезроқ тўй бўлсайди, деб Ҳилоланинг ўзи ҳам ич-ичидан сиқиларди баъзан. Бахт ёш танламас экан. Опаси орзусидаги шаҳзодасини топган экан,

нега Ҳилоланинг пешонаси ярақламайди? Ҳозир Ҳилола бор-йўғи ўн тўққиз ёшда. Даврон ҳақида бойликка ўч, хотинбоз, қасамхўр деган турли миш-мишлар эшитарди, ростга кўчгани ҳам кўнлига бир оз таскин берди. Иккиюзламачига умрбод алданиб яшагандан кўра бир марта хиёнат азобини татиб, абадий қутулган афзал эмасми?

Опа-сингил сўқмоқдан юқорилаб, қишлоққа кўтарилишди. Бу ерда ҳам икки ҳовли ўртасида йўлак бор эди. Тез-тез юриб, кўчага чиқишди. Подадан қайтаётган сирлар оғир чайқалиб ўтиб бормоқда эди.

Чирой хола кўчада турган экан.

— Келинлар, — деди кулимсираб. — Келинчак биз томонда нега адашиб юрибди?

— Ҳаммомга келувдик, — уялинқираб жавоб берди Нурия.

— Эсизгина, сув қуриб қолганди, — афсусланди Чирой хола. — Қаранглар, ҳув ана, ремонт қилаяпти, шунга ўчирган-да.

— Унда кета қолайлик, — яна сой бўйига бурилди Нурия.

— Тўғри йўлдан юраверинглар. Сойдан айланиб нима зарил?

Нуриянинг юзида норозилик балқиди. Дарров қайсарлик ила сойга шошилди.

— Кўчангизни бутунлай қазиб ташлашибди, хола, — деди Ҳилола тўхтаб, — атрофидан ҳам ўтиб бўлмайди...

— Ўтса бўлади.

— Эртага тўйга борингизлар!

— Худо хоҳласа, борамиз. Илоҳим, бахтларингни берсин! Опангнинг келин бўлаётганини эшитиб, мен ҳам, қизларим ҳам жуда суюндик. Бутун қишлоқнинг оғзида шу гап. Кўз тегмасин, туф-туф-туф...

Ҳаммом ишламаётган эса-да, Ҳилола энгил тортди. Демак, опасининг тўйи атрофдагиларнинг диққат марказида. Юрагида нуқсон бор келинчак бахтли бўлиши, фарзанд кўриши керак.

"Опамнинг бахтига ҳозиргидан ҳам кўпроқ баҳи қўшолсам эди", — ўйлади Ҳилола чопқиллаб Нурияга старкан.

— Ана, ҳамма сизнинг тўйингиз ҳақида гапираётган экан, — завқ-шавққа тўлиб сўзлади Ҳилола.

— Тезроқ юрайлик, негадир кўнглим хижил, — деди Нурия.

Унинг озғинлиги, рангпарлиги, ўзини ниҳоятда авайлаши гўзаллигига сабабчи, дегувчилар ҳам йўқ эмасди. Ҳилола мазкур сафсаталардан аччиқланарди. Одамнинг касаллиги ҳам гўзаллик бўлиши мумкинми? Йўқ, опаси онадан ҳурлиқо бўлиб туғилган. Ҳозиргина Чирой хола кўчадан юришни айтганига ҳам опаси енгил асабийлашди. Негаки, қувурни таъмирлаётганлар орасида Васли турибди, маст, кўзлари бежо, сўкинган, тупуринган. Нега одамлар Васлининг ёшидан ўтишни Нурияга маслаҳат беришади? Тўғри, улар бошқаларнинг юрагидаги ёзувларни ўқишолмайди, Нурия шу жиҳатдан ҳам асабийлашаверарди. Қанчалар нозиклашган эди тўй арафасида. Эртанги кун унинг учун шунчалик катта бойликки, гард қўндирмай асраб-авайлаб етишмоқчи эди бу фаслга.

Ва Васлининг турқини ҳам кўрмаса эди. Бироқ...

— Анави ким? — сўқмоқнинг нариги бошига яқинлашганларида таққа тўхтади Нурия. Қўрқинч оҳангига авж қўшилиб, беихтиёр Ҳилоланинг қўлидан ушлади. — Васлими? Вой, Ҳилолжон!..

Ҳилола ўзини қанчалик дадил тутишга уринмасин, ич-ичига титроқ югурди. Қирқ қадамлар олдинда, сўқмоқдан хиёл пастда, янтоқзор оралаб шимининг камарини маҳкамлаган кўйи Васли уларнинг йўлини қийиб келмоқда эди.

— Тезроқ юринг, опа, — ниқтади Ҳилола. — У сўқмоққа чиққунча ўтиб кетамиз.

— Қара, маст!

— Маст бўлса, югуролмайди, — деди Ҳилола.

Васли опа-сингилнинг режасини дарҳол пайқаб лапанглаб чопди-да, сўқмоққа отилиб чиқиб, Нуриянинг қўлидан тутишга улгурди.

— Аяжон! — қичқириб юборди Нурия ёш қизлардек.

— Қўйворинг, Васли ака! — йигитнинг қўлига ёпишди Ҳилола. — Битта қишлоқнинг одамисиз, уйлангансиз, болангиз бор, хотинингиз бор, уялмайсизми?!

— Э, сен аралашма! — ароқ сасиётган Васли Ҳилолани силтаб ташлади. — Опангда гапим бор!

Нурия юлқиниб қочишга уриндию, эплаёлмади. Ҳилола:

— Васли ака! Илтимос, Васли ака!.. — деб йигитнинг чангалидан опасини халос қилишга уринар, таассуфки, эплотмас эди.

— Хотиним билан ажрашганман! — деди Васли кўзлари олайиб. — Боламдан ҳам воз кечганман! Опангга қанча айтдим, менга тег, деб! Менсимади! Аввал уйлангансан, деди! Боя кўрдим! Шу ёққа юрганларингни кўриб, орқаларингдан келдим. Барибир қўлимга тушдими?

— Юрагининг мазаси йўқ, агар унга бир нарса бўлса... — Ҳилола шундай деган эди, Васли яна итариб юборди.

— Эртага тўйим! Қўйворинг! — йиғлаб юборди Нурия.

— Опамни қўй, ҳайвон! — Васлига ростмана ташланди Ҳилола.

Васли Ҳилолага бор кучи билан тарсаки тушириб, икки-уч қадамга учуриб юбораркан, Нурияга бўкирди:

— Эртага тўйинг бўлса мен нима қилай? Касалсан, сени эр оладими?! Узоқдаги бир довдирга алдаб тегиб олаяпсан! Мен эса касалингга ҳам қарамай рози бўлгандим! Бахтли қилай десам, нозинг ортиқча! Юр! Сой бўйига туш! Тўй-пўй бўлмайди!

Қуёш алвон ёпинчигини оҳиста йиғиштирди, Ер шарининг ярми қоронғилик пардаси билан қопланди. Тепадаги қишлоқ кўчасида машиналарнинг мотори янада кучли гуриллади.

— Опажон! — Ҳилола сўқмоқдан пастда, чим устида олишаётган Нурияга қараб чопди.

— Гаплашадиган гапим бор! Кут, дедим-ку сенга! — Бу гал Васли ёмон урди, Ҳилола гангиб қолди.

Бир пайт яна оёққа қалқиб, атрофга қаради: кишлоқ чироқлари, оқиш сой суви, дўнгликлар, чимзор...

Ҳилола кишлоқдагилар чиқариб ташлаган пойдевор бетонига суянди. Шунда янтоқ ортида чўккалаб ўтирган Нурия ғалати овозда қичқириб, жазаваси тутган ҳолда ерга қозик қоқаетганини кўрди. «Тавба, опам нима қиляпти? — хаёлидан ўтказди у. — Жинни бўлиб қолдимиз?.. Васли қани? Қани у?..»

— Опа... — гандираклаб бораверди. — Опа, ҳозир одамларни чақираман... Ҳаммани чақираман...

Шу пайт Васлининг боши кўринди-ю Ҳилола таққа тўхтади. Ё алҳазар, Нурия қурилиш ташландиғидаги гишт бўлагини чангаллаб рақибига беаёв зарба туширмоқда эди. Чўзилиб ётган Васли қаршилиқ кўрсатишдан аллақачон тийилган.

— Опажон! — Ҳилола ёвузлашган Нурияни Васлидан ажратиб олди-да, нари судради.

Опа-сингилларнинг ҳам ҳуши жойида эмасди, йигирма қадамлар юриб, йиқилдилар.

— Энди нима қиламан? — шалвираб қолди Нурия. — Тамом... Одам ўлдириб қўйдим... — Кейин синглисининг қўлларига бемажол осилди. — Ҳилолажон, бор, унга қара!.. Ҳушига келтир... Сув сеп... Балки ўлмас... Қонини тўхтат... Бор! Бор деяпман сенга!

Ҳилола йиғлаганча жўнади. Афт-башараси қонга беланган йўлтўсар қўлини салгина кўтариб алланима деб гўлдиради. Бироқ адойи тамом бўлгани кўриниб турарди. Ҳилола япроқдек титраб кутди, кутди, нимани кутаётганини ўзи ҳам билмади.

Сўнгра аланг-жалаңг боқиб, гишт бўлагини топди-да, этаги билан телбаларча арта бошлади. Кўнгли тўлгач, бағрига босди-да, опасининг қошига келди.

- Одамларга хабар беринг, опа!
- Ўлдими? – бўғилиб йиғлай бошлади Нурия.
- Ўлиб қолиши мумкин!
- Тирикми? Гапирдими, айланай, Ҳилолажон!
- Менга қаранг, опа! – тишлари гижирлаб кетди Ҳило-

лоланинг. – Сиз унга қўлингизни ҳам теккизмадингиз, келишдикми? Сизга ёпишди, мен қутқармоқчи бўлдим, аввал юзимга урди, кейин тепди. Қўлимга гишт олдимда, сизга тармашаётганида бошига солдим. Йиқилди, яна урдим... Эшитаяпсизми?! Нега кўзларингизни олакула қиласиз?

– Ҳилола, ахир сен... ахир мен...

– Эртага тўйингиз! Анави пиёнистага бир гап бўлса, сизни мелисахонага опкетишади! Тўйингизга ҳам қараб ўтиришмайди!

– Ҳилола, сен-чи? – ўкириб йиғлади Нурия.

– Мен билан ишингиз бўлмасин, опа! Ҳозир қишлоққа югуринг! Одамларни чақиринг, дўхтирга олиб борса, балки... балки ўлмас!.. Ҳаммаси яхши бўлади... Биз... биз ўзимизни ҳимоя қилдик...

– Ҳилола...

– Боринг! – сингил опасини силкиди. – Жўнанг бу ердан!

Нурия сўқмоқдан қишлоққа кўтарилаётганида, шовқин-суронни эшитганлар кўринди. Ҳилола бир муддат гарангсиб тургач, Васлининг ёнига қайтиб, чўк тушди.

Йигит бу гал қўлини ҳам қимирлатмади.

– Шаҳзод... – шивирлади Васи бирпасдан сўнг. – Болам... Қаердасан?..

Ҳилола сесканиб тушди. "Ўлаяпти! – ўйлади қиз. – Опам қилганини мелиса билса... Йўқ, мен қаттиқ тураман! Опамнинг юраги кўтармайди. Мелисахонадаёқ ўлиб қолади..."

У Васлининг юз-кўзини, уст-бошини сийпади, қўли

қонга бұялды. Ҳар бир сония йилларга тенг эди. Одамлар тезроқ етиб келишса, Васлининг бошида ўтирганини кўришса, ажратиб олишса эди.

Ниҳоят, қадам товушлари гурсиллади-да, кимдир Ҳилолани орқага тортди. Бошқа биров Васлининг қўлтиғидан кўтарди. Ваҳимага қоришган овозлар сой буйини тутди:

– Васи, кўзингни оч! Васи! Васи!..

– Бир нарса билан боғланглар, қонни тўхтатайлик!

– Ҳўв, сен, машинага чоп!

Бир зумда қишлоққа совуқ хабар тарқалди: "Нурия билан сингиси Чирой холаникидан ҳаммомдан қайтишаётганида Васи йўлини тўсибди. Ҳилола унинг бошини дабдала қилибди, ҳозир Васи реанимацияда ётганмиш..."

Орадан бир соат ўтгач, эртанги тўйга тадорик кўраётган уй олдиға милиция машиналари келди. Ҳовлида тўпланиб турганлар кайфи тароқ Васлининг Нурияга тегажоғлик қилгани, Ҳилола гишт бўлағи билан бошини ёриб қўйгани, албатта, бетайин йигитнинг айбдорлиги хусусида гаплашмоқда эдилар.

– Ассалому алайкум, келинг, командир? – пешвоз чиқди Ҳилоланинг отаси қовоқ солиб.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, шахслари ҳақида бир-бирига маълумот айтишди.

– Йигитнинг аҳволи оғир, – деди ходим. – Қизингиз қани?

– Иккаласининг ҳам юрағи ёрилиб, уйда ҳолсизланиб ётибди. Ҳайданг ичкарига! Мен ўша ит Васлининг кўзига кўрсатаман ҳали! Боши қонаганига шунча ваҳима кўтариб юрибдими?

– Ака, у одам бўп кетадими, йўқми, вазият чатоқ, – деди ходим. – Қизингизнинг тақдирини ўйласангизчи!

Дастлабки суриштирув узоққа чўзилмади. Қишлоқ оқсоқолининг саъй-ҳаракати туфайли Ҳилолани шу

кеча ҳибсга олишмайдиган бўлди. Эртасига тўй ёмон ўтмади. Айримларнинг, айниқса Нурия ва Ҳилоланинг ичига чироқ ёқса, ёришмасди. Шу куни кечга яқин қўшни вилоятдан ҳориб-чарчаб қайтганлар орасида ранги синиққан, кўзлари мунг тортиб қолган Ҳилола ҳам тушди автобусдан. Сув ичиш учун ошхона сари юрди. Шу он эркаклардан бири "Милициями?" дегани қулоғига чалиниб, бурилиб қаради. Дарвоқе, кўчада туман ички ишлар бўлими машиналари кўринди.

— У ўлди, — деди машинадан тушган бадқовоқ ходим Ҳилоланинг отасига. — Қизингизни қамоққа олишга мажбурмиз, ака.

Ҳилола қамоқ ҳақида кўп эшитган, аммо аёллар қамоқхонаси, қиз боланинг бир йигитнинг гўшангасини бахт билан тўлдирадиган чоғда қамалиб кетиши хусусида кечаги кунгача ўйлаб кўрмаганди. Назарида, Васли ўтакетган разиллиги билан жамиятга кераксиз Худо урган банда эди. Мабодо кимдир қасддан ўлдиргандами, одамлар қотилга: "Ҳа, тўғри қилибсан, Васлини аввалроқ ўлдиришинг керак эди", дейишарди гўё. Бироқ бу хаёллар милиция ходимлари ичидаги формали аёл Ҳилола томон қадамини тезлатганидаёқ тумандек тарқаб кетди. Васли қанақа феълли кимса бўлишидан қатъи назар тирик одам эди. Унинг бошини пишиқ гишт бўлаги билан мажақлаган шахс эркакми, аёлми — қонуннинг ўз атагани бор. Тирик одамни мурдага айлантирган кишига ҳеч ким раҳмат айтмайди, раҳмат кутиш эса қонхўрнинг хаёли.

— Ҳилоламисиз? — сўради милиция ходимаси.

— Ҳа, Ҳилола шу... — ўрнига жавоб берди қишлоқ оқсоқоли.

— Тўхтанг, — деди ходима мулойим оҳангда.

Ҳилола баттар чанқаб, ошхонага шошилди. Сув ичса, босинқираши йўқоладигандек, уни ҳеч ким тергамайдигандек туюлди. Полсиз, салқин ошхона. Тушгача хотин-халаж, бола-чақага тўла, гала-ғовурли эди.

Куёвнавқарларга ош-овқат, нон-майизни шу ердан ташишди. Келинни узатиб кетишгач, Ҳилола нари-бери йиғиштиришга улгурди. Қуда-андаларни тўйга олиб борувчи автобус келган, ҳадемай эллик чоғли одам, жумладан, Ҳилола ҳам келиннинг орқасидан жўнаши керак. Жўнадилар, ҳориб-толиб қайтдилар, мана, хавотир тоқида илиниб турган шум хабар тўп этиб бошга тушди: реанимацияда ётган Васли ўлибди. Энди ўлимига сабабчи бўлган шахс ҳибсга олинади, сўнг суд қилиниб, қамоққа жўнатилади.

Ҳилола ўн тўққиз йилдан бери биладиган ошхонасидан сув идишни тополмай бир сония гарансиб қолди. Неча йиллар шу ерда коса-товоқ ювди, оила аҳлига овқат сузди. Сочи жамалак жимитдеккина қизча эди, бир уйга бека бўлар даражага етди. Онаси турмушга чиқди, навбат унга келди... Ҳа, бугун тўй бўлган эди. Тўй ҳам тугади, навбат кўприги қоп-қора ўпқон тубига шўнғиб кетди. Энди бу ошхонага қачон қайтиб келаркан? Ошхона-ку майли, қайтганида, ота-онаси ҳаёт бўлармикан? Туман марказида бир аёлни ўн беш йилга кесиб юборишгани ёдига тушди. "Наҳотки, мен ҳам ўн беш йилга қамаламан? — деди ичидаги овоз. — Қамоқ ваҳший қотилларнинг, ўғри-товламачиларнинг, қўшмачи-ю гиёҳфурушларнинг макони эмасми? Улар билан бирга яшайманми? Ўн беш йил... Балки бугун ота-онамни охирги марта кўриб тургандирман? Балки... балки Васлини мен ўлдирмаганимни айтарман? Ҳақиқатан, қотил мен эмасман, нега жувонмарг кетишим керак?! Бир оғиз гапим билан уйда қоламан, ўз тўшагимда озод-хур бўлиб ухлайман, ҳар куни ўз уйимда уйғонаман, ҳеч қачон қамоқни кўрмайман..."

— Ҳилола, — деди ошхонага кирган милиция ходимаси.

— Сув ичмоқчи эдим.

Қизил пластмасса кружкани олаётиб қўллари қалтираётганини кўрди. Бунчалар қўрқаётганини бўсаға-

даги формали аёл қандай тушунаётган экан? Барибир эмасми? Флягани очди. Тубидагина сув қолган экан, кружкани зўрга яримлатди. Қулт-култ ича бошлади. Кўзларидан дув-дув ёш оқди. "Уйимда охирги марта сув ичишим, — деди ўзига ўзи. — Тамом, ҳаммаси тамом!.. Отишга ҳукм қилишса ҳам опамни сотмайман! Сотолмайман! Опам ҳозир чимилдиқда. Мен жирканч қиз эмасман! Ўз опамни чимилдиқдан кишанлаб чиқишларини, қамаб юборишларини, қамоқдан ўлиги қайтишини истамайман. Қотил эмаслигимни Художоним билади. Енгиллик беради мен — ожиза бандага..."

У кружкани фляга қопқоғи устига қўйган заҳоти аёл камаридан ниманидир олди. Ҳилола кўз ташлади: кишан! Ошхонадан кишанлаб чиқишадими? Тўйдан қайтган қанча эркак-аёл турибди ҳовлида. Қилмаган жинояти учун кишанлоғлик кетадими уйдан? Гулбаҳор ҳам кўради, Давронга айтади. Тез орада тўйлари бўлади. Келин-куёв кечалари бир-бирининг оғушига сингиб, Ҳилоланинг гийбатини қилиб ётишади. Даврон "Хайрият, унга уйланмабман", деб ўйлайди. Эҳтимол, сиртида ҳам айтар...

— Тўхтанг, опа, кишан тақманг, — ялинди Ҳилола. — Ҳеч қаёққа қочмайман, жанжал кўтармайман.

— Бунинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ, — деди ходима. — Тақмасам, ташқаридаги командири, бўлимга борганда сўкади. Хизматда нималар бўлмаган.

— Ундай қилманг, опажон, ҳеч қаёққа қочмайман...

Бироқ аёл Ҳилоланинг шу вақтгача ҳалқа ҳам тақилмаган билагига аллакимлардан қолган, кирлаган, совуқ пўлатнинг оғзини солди, иккинчи оғзини ўз билагига раво кўрди. Ҳилола остона ҳатлаганини билмади, боши гир-гир айланиб, кўз олди қоронғилашди. Номуснинг бунчалик кучлилигини билмаган эди, сал қолди қотил эмаслигини айтиб қўйишга.

Воқеадан хабар топган онаси ошхонага шошиб келаётган экан, қизини кишанланган ҳолда кўриб:

— Қаёққа олиб кетаяпсизлар? — деб бирдан Ҳилолани қучди.

— Хола, нари туринг, — деди ходима.

— Қизимни нима қиласанлар? — милиция ходимасига тармашди она. — Еч кишанни! Ундан кўра мени олиб кет!

Милиция ходимлари, шунингдек, ҳовлидаги эркаклар чопиб келиб, онани ажратишди.

— Эрта-индин тўй бўладиган қизимни қамоққа тиқиб бебахт қиласанлар-ку! — айюҳаннос солди она. — Битта пиёниста ўлгани учун ойдек қизим юзиқора бўладими?! Қизим ўз-ўзидан одам ўлдирадими? Маст бўлиб итдек ёпишса, қизларим нима қилсин?! Эл-юртга шарманда бўлиб, ўзларини оссинми? Вой дод, уйим куйди, уйим куйди-ей! Қаердан қараб турган бало экан бу?!

— Адвокат бор! Ҳақ-ҳуқуқни ажратиб беради! — деди Ҳилоланинг амакиси. У кеча ҳам, бугун тўйдан қайтаётиб, автобусда ҳам Ҳилолага йўл-йўриқ ўргатган эди. — Васи маст бўлган, ҳужум қилган, тепган, урган! Нега энди Ҳилола индамай қамалиб кетаркан? Йиғламанг, чеча, ҳаммамиз мелисахонага борамиз! Гулдай қизни битта йўлтўсар учун қамайдиган бўлса, юқори ташкилотга ёзамиз! Нега қиз бола нарса сўлақмондек маст эркакдан ўзини ҳимоя қилмаслиги керак? Атайлаб ўлдирмаган-ку! Ўлсин ҳам демаган! Э-э, куйинманг, де-япман, чеча, ҳақиқатни қарор топтирамиз!

Онасининг рўмоли бошидан учиб, ҳушидан айрилди.

— Ая!.. — йиғлади Ҳилола ортига ўгирилиб.

Милиция машинасининг эшиги очилди.

— Ўтир! — қизни судрашди икки ёндан.

Машиналар жойидан қўзғалди. "Ҳаммаси тугади... — деди Ҳилола. — Алвидо, қишлоқ! Улар гапираверади, мени ҳеч ким қутқаролмайди!.."

Муюлишда трактор турган экан, машиналар бир дам тўхтади. Шунда чопон кийиб, бел боғлаган эркаклар, оқ рўмол ўраган аёллар тўдаси ариқ ёқалаб келиб қолди.

— Тинчликми, Сайдулла? — хитоб қилди теляжка устидаги одам.

— Таъзия бўп қолди, ака, — йиғлоқи овоз эшитилди тўдадан.

— Ие... ким?!

— Васли жиян.

— Васли? Ўзимизнинг Васлими?

— Ҳа, кеча "балниса"га тушган экан...

Теляжкадаги одам ҳам, таъзияга кетаётганлар ҳам милиция машиналаридан кўз узишмади. Хотинлар рўмоллари орасидан шундай қаҳрли боқишдики, Ҳилола ростдан қотиллик қилгандек ҳис этди ўзини. Яхшиям, трактор юриб, машиналар олға интилди. Соё бўйига бурилганларида, йўлдан ўттиз чоғли қўй-қўзи чиқиб қолди. Машиналар секинлашганида, Васлининг уйи томондан эркакларнинг йиғи овози эшитилди.

— Таъзия ҳам бошланди, — деди рулдаги милиционер.


— Кечқурун кўп овоз чиқаришмайди, эртага тонгда бошланади, — ўзича изоҳ берган бўлди олд ўриндиқдаги ходим. Кейин ортига ўгирилиб, Ҳилолага ўқрайди: — Қўрқманг, синглим, муҳими, тириксиз, соппасоғсиз. Воқеа аксинча бўлганида, ҳозир унинг ўрнида ётардингиз, онангизни ҳам адойи тамом қилардингиз.

— Ҳозир онасига осон дейсизми? — қўлига қаради аёл ходима. — Билагимни шилиб юборди. Тушунаман, гулдек қизи қамалиб кетади-ю куймайдами! Лекин бунақа ташланади деб ўйламагандим.

2. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ

Улар туман ички ишлар бўлимига етгунча бошқа гаплашмадилар. Куёш ботган, милиция бўлимида чироқлар ёнган эди. Дарвозани очишди, орқа ҳовлига кирдилар. Ҳилолани машинадан тушириб, панжарали эшикдан йўлакка олиб ўтишди.

— Кишанни ечинг, — деди орқадан кетаётган ходим.



Ҳилола кишандан халос бўлган билагини силаб, йиғисини ичига ютиб бораверди. Тўрт йил бурун шифохона йўлагиди жарроҳлик хонаси сари ана шундай одимлаганди. Ўшанда қорни бураб оғриди. Шифокор кўричак эканини айтиб, жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун йўлак охирига етаклаб кетди. "Ҳозир қорнимни кесишади, бу қандай бўлар экан?" — қўрққан эди у. Бугун эса қамоқ кутмоқда. "Наҳотки мен қамаламан?" — юраги гуп-гуп ура бошлади. "Ё Оллоҳ, ўзинг мадад бер..."

Биринчи бурилишдан сўнг зинапоя учради. Иккинчи қаватга чиқишди. Йўлакда қоғоз кўтариб юрган ходимлар ёшгина, кўҳликкина қишлоқ қизига қизиқсиниб қарашди. Бири: "Нима бўйича?" — деб сўради. "Қотиллик", — деб жавоб беришди. "Йўғ-е!" — дейишди хайратланиб.

Йўлак яримига етдилар.

— Менглиев кетдими? — тўхтади ходимлар.

— Кетиб бўлди, — деди қориндор милиционер. — Бошқармага ҳозиргина шошилиш чакориришди. Навбатчи терговчига олиб киришлар.

Ҳилола дарҳол бетон камерага қамаб қўйишади, икки қаватли каравотда тунайман, деб ўйлаганди. Йўқ, уни гилам тўшалган, телевизорли чароғон хонага киргизишди. Сарғиш стол ортида ўтирган мўйловли, бадқовоқ терговчи кутаётган экан.

— Ўтиринг, — деди у.

Ҳилола стулга омонатгина чўкканида кўзларига яна ёш қуйилди. Рўмолча ҳам олмаганини билиб, бошмалдоғи билан кўзёшларини артди. Мўйловли унга еб қўйгудек қаради. Сўнг:

— Ёшингиз нечада? — деб илк саволини берди.

— Ўн тўққизда.

— Нега бу ерда эканингизни яхши биласиз... Рўмолча беринглар унга!.. Хўш, расмиятчиликдан аввал сиз билан худди ақангиздек, тоғангиздек гаплашмоқчиман.

Васли Атоев деган шахсни, яъни ҳар куни ичиб юрадиган, ўша куни йўлларингизни тўсиб, тегажўғлик қилган ҳам-қишлоғингизни ростдан сиз жароҳатладингизми?

— Ҳа.

— Бугун у реанимацияда жон берганидан ҳам хабардорсиз, булар айтишди, шундайми?

— Ҳа.

— Балки қонунларни яхши билмасдирсиз. Демокчиманки, бизга ёлғон гапирсангиз, жазо оласиз.

— Қ... қанақа ёлғон? — овози қалтиради Ҳилоланинг.

— Айтмоқчиманки, уни ростдан сиз урдингизми?

— Мен...

— Неча марта урдингиз?

— Эсимда йўқ.

— Нега?

Ҳилола ёшли кўзлари билан индамай қаради. Терговчи стол устидаги қоғозга кўз ташлаб, сигарета тутатди.

— Саккиз марта зарба берилган. Сиз саккиз марта ура оласизми? Кўзингизга қараб турган одамга пишиқ гишт синиғи билан қандай қилиб уришингиз мумкин? Масалан, мен эркак кишиман, аммо бунақа қилолмайман. Жуда кучим етмаса, бир ураману, йиқилганидан кейин гишти ташлаб қочаман... Опангизмиди?

— Нима?

— Васлини урган опангизмиди деб сўраяпман? — овози дағаллашди терговчининг.

— Йўқ, мен дедим-ку... — йиғлаб юборди Ҳилола.

— Булар кечаёқ иккалангизни ушлаб келиши керак эди! Анави ўлмагани учун раҳм қилишган! Яна ким билади, бировлар аралашган шекилли. Бизнинг ишда шунақа! Бўш кетдингми, иш чигаллашади. "Опанг қамалиб кетмасин, эртага тўйи, айбни сен бўйнингга ола қол", дейишдими? Кўзимга тик қаранг, Ҳилола! Отангиз шунақа дедими, онангизми? Ё опангизнинг ўзи йиғлаб-ёлвордими?

— Йўқ, мен ўлдирдим... мен...

— Сиз ўлдирганингиз йўқ.

— Ўлдирдим.

— У тирик эди, шифохонада ўлди. Сизлар жароҳат етказдиларингиз, холос. Опангиз ҳам қараб турмагандир? Ҳеч бўлмаса, бир марта ургандир? Ўлиб қолиши кимнинг тушига кирибди?

— У ҳозир чимилдиқда... — йиғлаб-йиғлаб гапирди Ҳилола. — Илтимос қиламан, опамни тинч қўйинглар!.. Мен... мен тан олаяпман-ку!

— Лақиллатманг мени! — қўл силкиди терговчи.

— У опамга ташланди. Опам қаршилиқ қилди. Мен ажратиб, кейин иккимиз қишлоққа қочмоқчи эдик... Васли... Васли ака мени урди. Ўрнимдан туриб, яна ёпишдим, қаттиқ тепди, ҳушимдан кетай дедим... Урган, тепган жойлари кўкариб кетган... Опам касалманд, нимжон... Гишт бўлагини олдим-да, бошига урдим... Йиқилди, яна урдим... Неча марта урганимни билмайман...

— Битта нарсага ҳайронман, ниятингиз жиноятни бўйнингизга олиб, қамалиб кетиш, тўғрими? Ўн тўққиз ёшингизда, қиз бола ҳолингизда-я? Қамоқ нималигини биласизми ўзи? Сизга ўхшаган ёш қизларга у ерда дордан қочган хотинлар қанақа нигоҳ билан қарашидан хабарингиз борми? Ўйлайсизки, назоратчилар кеча-ю кундуз сизни баракдаги қутурган хотинлардан ҳимоя қилиб ўтирадимми?

— Илтимос... Мен урдим, деяпман-ку... — қалт-қалт титради Ҳилола.

— Оббо, — деди терговчи. — Ўзини ўзи жаҳаннамга ташлаётган қизни биринчи кўришим! Қамоқда ёш умрингиз хазон бўлади, Ҳилола! Қамалган қизга ким уйланади? Қачон оила қурасизу қачон одамларга ўхшаб яшайсиз? Бир вақтлар келиб, кўча-кўйдагилар сизнинг фарзандларингизга "Онаси одам ўлдириб қамоқда ўтириб чиққан" дейишади, қўлларини бигиз қилиб кўрса-тишади, уларни келин қилишмайди, қиз беришмайди.

Опангиз эса ялло қилиб яшайди. Унинг фарзандларини ҳеч ким маломат қилмайди. Менга айтинг-чи, бўлажак фарзандларингизнинг айби нима? Нега холасининг болалари бахтли яшайди-ю сизнинг фарзандларингиз емаган сомсаларига бир умр пул тўлашади? А?! Гапиринг! Мен кўриб чиқдим, кечанинг ўзида кўриб чиқдим. Сиз ҳаммасини бўйнингизга олаяпсиз, бор гап шу! Менга бунақа "қаҳрамон"нинг кераги йўқ! Милиция терговчисиманми, ҳақиқий жиноятчини тикаман камерага! Сиз кетаверинг! Ўн йилга қамалишингиз керак эди. Кўзларингизга қараб қотил сиз эмаслигингизни билдим, ўн дақиқа ҳам ушлаб турмайман. Ўқишда ўқинг, муҳаббатдан сармаст яшанг, совчилар келсин, тўйингиз бўлсин. Даҳшатли қамоқхонада нима бор? Тўғрими?

— Йўқ... — изиллаб йиғлади Ҳилола. — Мен урдим уни...

— Ё тавба! Эс-ҳушингиз жойидами? Ўзингизни ўзингиз бадном қилаяпсиз, ахир! Қотил эмаслигингиз яққол кўринаяпти!

— Мен урдим...

— Туринг жойингиздан! — бақирди терговчи.

— Мен... — ҳўнг-ҳўнг йиғлади Ҳилола. — Опамга тегинманглар!.. Мени қаманглар!..

Ҳилола ўрнидан тураётиб, гандираклар кетди-ю кўзи тинди. Ўзига келганида, диванда ётарди. Милиция ходимаси тирсагидан тутиб, йўлакка олиб чиқди. Зинапоядан биринчи қаватга, сўнг ертўлага туширди. Бир неча темир эшиклардан, панжаралардан ўтиб, муъжазгина хоначага киришди.

— Нимангиз бўлса, ҳаммасини стол устига қўйинг, — деди юзи чўтир ходим.

Қўлидаги узукни, қулоғидаги сирғани ечди.

— Бўйнингиздаги қанақа ип? Ечинг! — буйруқ жанранг-лади.

— Тумор ипи... — деди Ҳилола. Овози ўзига ҳам бегона туюлди.

Шундан сўнг аёл ходима яна бир тинтув ўтказгач, тақинчоқлар ва туморни конвертга солди.

— Шахсий нарсаларингизни топширганингиз ҳақида қўл қўйинг, — деди ходим қоғозни суриб. — Ташқарида қариндошларингиз турибди. Буларни уйингизга бериб юборамиз.

— Раҳмат, — Ҳилола паст овозда миннатдорчилик билдиргани боис улар эшитишмади.

— Бўлди, камерага киргизинг, — деди ходим конверт-ни елимлаб. — Олтинчида Рихсиева ўтирибди. Ҳозирча Иллюзионистка билан бирга ётсин. Бешинчидаги ҳисобчи хотиннинг томи жойидамас, бечора қизни қўрқитиб юборади. Айтгандай, Жамола, нега иши бит-маяпти унинг? Охири қўриниб қолдимиз?

— Юзма-юз қўриштириладиган, исботланадиган ишлар кўп. Бунинг устига бугун ҳам қўшимча ҳужжатлар кўтарилди.

— Эркак бўлганида ўзим билардим. Бунақа ишжиқ хотинни биринчи кўришим. Банкни у еган, мени кўргани кўзи йўқ. Қамалгани учун айбдор эмасман-ку.

— Абадиянга жўнатишса, кун-кун ора ким олиб келади юз чақиримдан? Шундоқ ҳам конвойга ҳар ойда цистерналаб ёқилғи сарфлашаяпти. Бошлиқлар "Ётсин шу ерда" дейишдимиз, ётсин! Ҳар куни уч-тўрт марта керак бўлаяпти, ҳозирча турмага бермаймиз.

— Бошимга битган бало бўлди-да. Ҳар куни ҳар хил қилиқ! — Ходим шапкасини бир оз кўтариб қўйгач, Ҳилолага тикилди. — Бу қизни дарров олиб кетишса керак, а?

— Сизга қолса ҳамма тезроқ Абадиян турмасига равона бўлса-ю қутулсангиз! — заҳарханда кулди милиция ходимаси.

— Жиноятни тан олган бўлса, қиз бола нарса ўн кунлаб ётмайди-ку, бу ерда. Одам панжара ортига тушди-ми, мана шундай мўмин-қобил тутиши керак ўзини. — У Ҳилолага синчков қараб қўйди. — Қамоққа туша-

диган иш қилган бўлсангиз ҳам, барибир тарбия кўрган қиз эканингиз сезилапти.

— Ўлгудай ғалдир-шалдирсиз-да, Абдумурод.

3. ИЛЛЮЗИОНИСТКА

Ходима камераларнинг темир эшиклари ёнидан Ҳилолани олиб ўтаётганида ичкаридан эркакларнинг йўтали, томоқ қиргани, хурраги эшитилди. Ҳилола умри бино бўлиб бундай файзсиз, қўрқинчли маконни кўрмаганди. Юраги увишиб, бошини ҳам қилиб, оғир одимлади. Торгина қутига қамалиб қолгандек ҳаво етишмай юраги сиқилди. "Қамаманглар!" деб қичқириб ўзини ташқари эшикка уриш ҳам хаёлининг бир чеккасидан ўтди.

— Тўғрига! — деди ходима. — Бунча бўшашасиз! Кечаси билан навбатчи аёллар бўлади, қўрқманг.

Ҳилола Абадиян турмаси ҳақида кўп маълумот билмас-да, ҳарҳолда озгина хабардор эди. Яъники қўшни қишлоқ дўконидаги сотувчи аёл қамалганида, аввал туман ички ишлар бўлимидаги "КПЗ"да уч кун ётганини, кейинчалик икки ой Абадиян турмасига қамалганини, суддан сўнг бошқа вилоятдаги қамоқхонага — "зона" деб аталган жойга жўнатишганини бир маъракада хотинлар гапиришганди. Айтишларича, Абадиян турмасининг бир томонида аёллар ётишаркан. Аёлларга аёл назоратчилар қараркан. Тўполон кўтарганни, йиғлай-вериб назоратчиларни қон қилганни, аёл бўлса-да, калтаклашармиш. "Қамоқда кўнглига қараб ўтирадимиз? Тўполон қилса, уради-да! Қамоқ ўз номи билан қамоқ!" дейишганди аёллар.

— Абадиянга эртага олиб кетишадими? — сўради Ҳилола.

— Йўқ, Абадиянга кетишингизга вақт бор, — деди ходима. — Лекин эртанинг ўзидаёқ бошлашса, балки "иш"ингиз бир ҳафтадаёқ тайёр бўп қолади. Сиз билан

эртага прокуратура терговчилари гаплашишади. Йигитни урган жойингизга олиб бориб расмга туширишимиз керак. Тиббий кўриқдан ҳам ўтказдирамиз. Тиббий кўриқсиз турмага қабул қилишмайди. Хуллас, иш кўп.

— Тиббий кўриқ? Мен соғман... — деб юборди Ҳилола.

Тилини тиймаганидан афсусланди. Марҳумга саккиз марта зарба берилганини милиция терговчиси бежиз ташвишли оҳангда сўзламади. Дарҳақиқат, туман ички ишлар бўлими Нурияга сиртмоқ ташлаётганидан мақсад ҳақиқий айбдорни топишгина эмасди. Ҳақиқий айб-дор ўрнига синглиси жонини қурбон қилса, кўп нарса ўзгармайдигандек кўринарди. Васлининг бош қисмига пишиқ гишт бўлаги билан ваҳшиёна тарзда саккиз марта урилган экан, газабланганда ёвуз одамга айланадиган Нуриянинг очикда қолаётгани кўпроқ ташвишлантираётган эди уларни. Милиция терговчиси вазиятни тушуниб турибди: "қотилман" деган қизни қўйиб, бугун тўйи бўлган келинчакни никоҳ кечасида ҳибс этиш осонмас. Опа-сингил умрбод бахтсиз бўлиши, кейинчалик ўз жонларига қасд қилиши, аламдан ёмон йўлга кириб кетиши мумкин. Қотил топилди. Икки инсон зан-жирбанд этилгандан кўра биттасини зиндонга ташлаганлари афзал эмасми? Бироқ тепада шундай қарорга келишаётганида, нега Ҳилола соппа-соғман дейди? Терговчи ишонмаяпти, ишонтириш учун эса қўрққанимдан, газабланганимдан жазавам тутиб, гишт билан устма-уст урганимни ўзим билмай қолибман, ақлим қочадиган феълимни ҳаммадан яшириб юрардим, дейиши керак-масмиди? Дарвоқе, қонун майдони бозор эмасди, бир инсон ўрнига бошқасини алмаштиришса, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди, қотил сифатида судланувчи бор, тамом-вассалом, деб бўлмади.

— Кўриб турибман, соғсиз, — деди милиция ходимаси. — Ҳамма нарса қонун-қоидага эга. Айниқса, сиз учун тиббий кўриқ шарт.

— Маст одам тармашса, одам қўрққанидан нима қилаётганини билмай қоларкан. Уни ўлдирмоқчи эмасдим... — хатосини тўғрилашга киришди Ҳилола.

— Менга қолса... ўлдириб яхши қилгансиз, — кутилмаганда қулоғига шивирлади ходима. — Кучингиз етмаганида, оқибат нима бўлишини бир ўйланг. Шундай аёллар қамалганини кўрганманки, она-болани машинада уриб юборгани учун куйган, виждон азобига чидасмаган, бошини қайси тошга уришни билмаган. Улар куйса куйгулик хатога йўл қўйишган. Сиз-чи? Қиз бола ўз номуси учун нималарга қодирлигини билиб қўйсин қутурган газандалар! Ароқ ичдими, жимгина уйига кетсин эди. Маст бўлиб қиз болага ёпишишни ким қўйибди у итларга?! Ёки сиз йўлтўсар наҳсни ўлдириб, қамалганимдан кўра номусим топталгани яхши эди, деб афсусланаёпсизми?

— Йўқ.

— Вў, раҳмат.

Жамола темир эшикни очди. Чоғроққина камеранинг икки ёнида қаймоқрангга бўялган икки қаватли қаравотлар жойлашганди. Тўртта ўриннинг учтаси яланғоч эди. Чаптаги биринчи қаватда ётган маҳбуса бошигача чойшаб ёпинган, ақалли сочи ҳам кўринмасди. "Аёлми, эркакми?" — ўтакаси ёрилди содда қизнинг.

— Сизнинг бошқалардан битта фарқли жиҳатингиз бор, — деди ходима Ҳилолага паст овозда, — очилмаган гулғунча қизсиз. Қиз болани қамоққа тиқиш анча маъсулиятли иш. Унутманг, тергов қиладиган, судда устингиздан ҳукм чиқардиганлар ҳам сиздек қизларнинг оталари. Абадиян турмасига қабул қилишаётганида ҳам руҳий соғломлигингиздан кўра қиз бола эканингизга алоҳида диққат қилишади. Психиатр, наркологлари билан бирга гинекологнинг ҳам кўригидан ўтказишиб, ҳужжатингизни имзолашади, муҳр ҳам қўйишади. Қиз бола жазони ўташ муассасасига қандай келган бўлса, ана шундай чиқиб кетиши керак... — Кейин у ухлаётган

махбусага амр этди: — Рихсиева, тулинг ўрнингиздан!

Каравот гижирлаб, қирқ-эллик ёшлардаги аёлнинг овози эшитилди:

— Жамола, битта жойнинг одамимиз. Эрта-индин колонияга кетаман, кейин қачон кўришамиз, ҳеч ким билмайди. Нега ҳадеб бақираверасиз-а?

— Камерангизга одам келди.

— Кўриб турибман, чиройли қиз экан, — чойшабни кўтармасдан гапирди у.

— Мазах қилаяпсизми? — Милиция ходимаси чойшабни юлқиб олганди, қош-кўзи бўялган, оппоқ юзли, тўлача хотин бош кўтарди.

У Ҳилолага қаради-ю бир нафас анграйиб қолди.

— Салом, яхши келдингизми?.. — деди қувониб. — Вой, тилим қурсин, кечиринг, қизим. "КПЗ"да эканим ёдимдан кўтарилибди.

— Шу ерда ҳам тинч ўтирмайсиз, — деди ходима. — Масхарабозликнинг, товламачиликнинг вақти тугаганини, қонун олдида жавоб бериб, бир неча йилни қамоқда ўтказишнинг оқибатини ўйласангиз бўларди. Тенгдошларингиз ҳадемай қиз узатиб, ўғил уйлантиришади.

— Мен товламачи эмасман, одамлар ўзи солда. Сиз асли метиссиз, шуни биласиз-а? Ўзимдан ўн ёш кичик метислар ақл ўргатса, қоним қайнайди.

— Ҳаддингиздан ошманг, Рихсиева!

— Сиз айтаётган тенгдошларимнинг бахтини Яратган менга бермаган, қўлимдан нима ҳам келади?! — ҳасратидан тутун чиқди аёлнинг.

Милиция ходимаси жавоб қайтармади. Ҳилола ичкарига кириб ўртада меровсираб туриб қолди. Ҳозир темир эшик ёпилади ва у илк бор озодликдан маҳрум бўлишнинг ҳақиқатда қандайлигини кўради. Ва шундай ҳам бўлди.

— Ўтир, — деди аёл эшик ёпилиб, қулфлар шарақ-шуруқ буралгач. — Қўрқма, ҳозир кўрпа-тўшак келтиришади. Исмин Зубайра. Сеники-чи?

— Ҳилола.

— Айтиб қўяй, мен жиноятчи аёлман. Жиноят оламидаги лақабим Иллюзионистка. Ҳеч қандай ватандошларинг эмасман. Шунчаки шу туманга келганимда қўлга тушиб қолдим. Жиноят қидирув бўлимининг шунқорлари изимдан тушишганди, охири ушлашди. Аслида кимлигимни улар билишмайди. Сенга айтайми?

— Керакмас... — симкаравотга ўтириб, юзини тўсди қиз.

— Бўлди, тушундим. Қамоқда биринчи бўлишингми?

— Жиноятчимасман, хола, — йиғлади Ҳилола.

— Панжарага тушдингми, унақа гапни айтма. Қайси статьясан?

— Нима у?

— Яхшилаб тергов қилишмабди шекилли. Прокуратурага ҳам олиб боришмадими?

— Йўқ.

— Нима қилгансан ўзи?

— Одам ўлдириб қўйдим.

— Ў-ў, чинданми? Ўхшамаяпсан-ку, Ҳилолаxon.

— Қасддан ўлдирмадим... Опам иккимиз келаётгандик... Эркак маст эди. Опамни ҳимоя қиламан деб... — Ҳилола аччиқ қисматига куйиб, унсиз кўз ёш тўкди.

— Йиғлама, сенга тўқишни ўргатаман, зерикмайсан, — деди Иллюзионистка Ҳилоланинг елкасига қўл ташлаб. — Агар суддан сўнг битта колонияга тушсак, мени опам дейсан, бир-биримизни ҳимоя қиламиз. Қамоқда ёмон аёлларни учратиш осон, яхшилар анқонинг уруғи. Аввал қамалмаган экансан, айтганим билан "зона"ни тасаввур қилолмайсан. Одам ўлдирганинг чин бўлса, сен билан прокуратура қаттиқ шуғулланади. Колонияга жуда яқин турибсан. Агар "КПЗ"-ю Абадиян турмасида ярим йиллаб умр ўтказмасак, кузга қолмай колонияда бўламиз. У ёқларни "зона" дейишади, эшитганмисан? "Зона"да менинг душманларим кўп. Ҳамма хотин-қизларни қўлга олиб, оёқларим остига тиз чўктиришим учун ёрдамчи керак.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сиз ўргатманг... ёлгон тўқимайман, — деди Ҳилола.

Иллюзионистка турма ва колониялар у ёқда турсин, туман ички ишлар бўлими ертўласидаги биринчи кундаёқ ёмон бир фитнага бошлаётганга ўхшарди.

— Мен ҳам ёлгон тўқишни ўргатаман, деганим йўқ. Спицада жундан пайпоқ, жакет, шарф тўқиймиз, — ўткир нигоҳини қадади аёл.

Ҳилола ғалати хотинга қўрқа-писа тикилди. Адашмаётган бўлса, рўпарасидаги маҳбуса пихини ёрган маккора эди. Ҳилола вақтинча сақлаш камералари йўлагиди келаётгандаёқ, у ҳаммасини ўйлаб қўйганди. Қишлоғидан нарини кўрмаган содда қизга ҳеч иккиланмай қармоқ ташлади. Мабодо сотқинлик қиладиган бўлса, гапларидан тонади. Ҳозиргина ўзгартирмадими "тўқишни ўргатаман" деган жумласининг асл маъноси-ни?

— Мактабни битириб ўқишга киролмадим, — кўз ёшларини артди Ҳилола. — Тикувчига қатнадим... тикувчиман. Тўқишни яхши биламан.

— Билмайсан, — деди Иллюзионистка.

— Биламан, хола, сизни алдаб зарилми? — юраги дукиллаб уриб, қўрқув бутунлай забт этди қиз вужудини.

Эшик очилди. Кўрпа-тушак кўтарган Жамола кириб келди. У қўлидагиларни бўш каравотга ташлаб, гапирришга оғиз очганди ҳамки, қўшни камерадан аёл кишининг қичқирғи эшитилди:

— Лаънати сассиқ пиёниста! Сени танимайманми, ифлос?! Кўрасан ҳали! Жигимга текканларнинг ярми Навоийда, ярми Андижонда ётибди!

— Ўзинг ҳозир курортдамисан? — эркак хириллоқ овозда эътироз билдирди. — Томоғимнинг ичи қичишса, қашлолмайман-ку! Нима, сенинг камерангга кириб томоқ қираяпманми? Қулоғингни бекитиб ётавер койкангда! Уҳ-ҳў, уҳ-ҳў... — Йўталга тўлди бошқа хона. — Вой жоним-ей!.. Бой хотинларнинг дастидан томоқ қиришга ҳам рухсат йўғ-а!..

Ходимлар олтинчи камеранинг эшигини қулфлаб, жанжални бостиришди.

— Бугун бўш камералар кам, — деди Иллюзионистка. — Яхшиям, сени ёнимга қўйишди. Нариги хонадаги ҳисобчининг томи кетиб қолган, эрталабгача қулоқ миянгни еб-битиранди. Одамлар банкка ишониб пул қўйса, ҳисобчи хонимимиз эса кассир дугонаси билан бирга судхўрлик мақсадида бошқа бировларга бериб юборган. Аҳмоқ-да!

— Кассир дугонасини қамамадиларми?

— Улгуришмади. Ўзини осиб қўйди.

Ҳилола фаҳмладики, қамоқда ҳеч ким дўнпосламаса ҳам, ҳақорат қилмаса ҳам одам битмас-туганмас азобларни татийверади. Эркинликка ташналик, меҳрибон инсонларни соғиниш, жонажон уйни, оила бағрини ўйлаб куйиш, ўз уйидаги ўз тўшагида тўйиб-тўйиб, бежавотир ухлаш орзуси — барча янги азоблар илакишади ва ўлим ёки озодлик етгунча исканжага олаверади.

Кечки овқат тарқатилди. Ҳилола туз тотмади. Сал ўтмай айримларга уйдан таом келди: мазали ҳид димоққа урилди.

Эшикни очган паст бўйли соқчи аёл:

— Баҳромова! — деди дағал оҳангда. — Шахсий нарсаларингизни ота-онангизга топширдик. Мана, ул-бул кийимлар опкелишибди. — Кейин у мудраётган Иллюзионисткага деди: — Бу қизнинг бошини қотирманг, тўйиб ухласин. Эртага кун бўйи прокуратурада, шифохонама-шифохона тиббий текширувларда юради.

— Хў-ў-ўп, — деди товламачи хотин чўзиб. — Жағимни юмганимга икки ярим соат бўлди, ташвишланманг, командир.

Ҳилола ярим кечагача мижжа қоқмай чойшабни гижимлаб, бир учини тишлаб, деворга қараб ётди. Темир эшикларнинг очилиб-ёпилиши, аллакимларнинг гўнғир-гўнғири, йўтал, хуррак, электр чироқнингми,

трансформаторнингми ғинғиллаши сукунатни бузарди. Мана, Ҳилола қамоқнинг биринчи куни, биринчи босқичи – туман ички ишлар бўлимидаги вақтинча сақлаш камерасида ётибди. Эртага катта тергов бошланади, кейинчалик воқеа содир бўлган жойга олиб боришади, суратга туширишади. Икир-чикирларгача аниқланган сари "Дело"даги қоғозлар сони ошиб бораверади, семиради, шишади. Суд бошланишидан аввал Абадиянга жўнатишади. Суд залига темир қафасли машинада юз чақирим йўл босиб келади. Ҳукм чиқарилади. Иллюзионистканинг гапига қараганда, кузга қолмай Абадиян турмасидаги поймонаси тўлиб, олис вилоятдаги аёллар колониясига олиб кетишади. Қолган йилларни колонияда, қандайдир бригада, гуруҳ рақами остида икки юз кишилиқ улкан баракда ўтказади. Колония биқинида девор-дармиён фабрика жойлашган. Унда озодликдан маҳрум этилган хотин-қизлар ишлашади. Агроф баланд деворлар, тиканли симлар билан ўралган, минораларда автомат ушлаган соқчи йигитлар. Балки Ҳилола фабрикада ишлар, овунар, гурбатда ўтаётган кунларини мисқолчалиқ унутар. Балки навниҳол қиз эканини кўрган қамоқхона раҳбарлари унга енгилликлар беришар, уришқоқ, бузғунчи, ёвуз хотинларни яқин йўлатмас.

"Мени қамаб қўйишганини опам эшитганмикан? – ўйлади қиз милт этиб томган кўзёшини сидириб. – Йўқ, совуқ хабарни эртан-индин, чимилдиқ олишга борганларида айтишади..."

Опасининг тўйи! У гўёки Ҳилоланинг умридаги сўнгги байрам бўлиб қолгандек эди. Аввалги тўйлардан шунчалар фарқ қилардики, Ҳилола ҳар бир сониясини тоабад унутмасликка, охирги нафасигача минг марта, миллион марта эслаб яшашга қарор қилди: ҳақиқаган, Нуриянинг никоҳ тўйи тўкин-сочин, тантанавор, шукуҳли ўтди. Ҳилола микрофонда опасини табриклагач,

даврабоши йигит шундай деди: "Кўнглим сезаяпти, бу қиз опасидан сўнг дунёдаги энг бахтли келинчак бўлади!.."

— Қанақасига энг бахтли келинчак бўламан? — ҳозир қиз аччиқ кулимсиради. — Ахир, хонумоним куйиб, қамалиб кетаяпман-ку.. Бахтли бўлади деб мени эмас.. — Кўзёшлари яна тирқираб чиқди. — ..бахтли бўлади деб Даврон билан Гулбахорни айтса, ярашади.. Шўрим қурсин, улар шу ойда келин-куёв бўлишади. Мени тўрт йил севган ошиғим ва синфдош дугонам.. Мен эса қамоқхонада, тўрт девор орасида бетайин хотинларнинг тутуруқсиз гапларини эшитиб ётаман.. Ҳатто, Нурия опам ҳам тўлиқ бахтли бўлолмайди. Қамоқхонада ўлиб кетсам, опажонимнинг юрагида армон қолади. Сингилгинам мен учун ўлиб кетди, дейди. Ҳайит кунлари мазоримга бориб, ув-ув йиғлайди, кузги баргдай тўкилади бечора.. Тиловат қилади, уйига бориб ис чиқаради.. Мен қамоқдан қайтмайман, кўнглим сезаяпти.. Агар анави хотин айтганидек, у ёқда мени шаллақи хотинлар урадиган бўлса, чидамайман. Бир кун келиб, ё ўзимни, ё уларни ўлдираман.. Алвидо, бахтли болалигим, аяжонимга эркалигим! Алвидо, озодлигим, ҳур қизлигим.. Қандай чиройли орзуларим бор эди-я, эсиз, эсиз..

4. ПРОКУРАТУРАДАГИ ТЕРГОВ

Эрталаб уларни уйғотишди. Ювиниш хонасидан қайтишгач, буханка нон, ширин чой, сариеғ беришди. Кўп ўтмай йўлакда эркак кишининг овози янгради:

— Баҳромова Ҳилолани олиб чиқинглар! Прокуратурага, терговга!

Ҳилола туман суди қаерда жойлашганини билмасди, аммо прокуратура биноси таниш эди. Даврон ҳарбий хизматдан қайтгач, туман марказига қатнаб юрди. Юриш-туриши одми, ўша довдирлик, ўша мақтан-

чоқлик. Қишлоқда "Даврон милицияга ўтибди, прокуратурада ҳам ишлармиш" қабилидаги миш-мишлар тарқалди. Ҳарбийга хотима ясаб, ҳаёт пиллапояларидан кўтарилаётган қишлоқ йигитлари ичида унинг омади чопаетгандек эди. Бир куни Ҳилола ва Гулбаҳор мактабдан қайтишаётганида, эл оралаган гапга тўхталишди. "Ўзича мелисаман, прокуратурада ҳам ишлайман, деб юрибди, — деди Гулбаҳор. — Умуман ёқтирмайман шу Давронни. Мелисахона бошқа, прокуратура бошқа. Нуқул одамларни аҳмоқ қилади. Яна сенга ошиқлигига ўлайми! Тегармидинг унга?"

Ҳилола ноилож бош чайқади. Гулбаҳор, яъни келгусида ҳеч қутилмаганда Давроннинг хотини бўлғувси ўша Гулбаҳор йигитнинг шаънига ёмон сўзларни беаёв қа-лаштиришда давом этди. Кўчада турган ўз онасини кўрибгина жағи тинди.

"Дарсинг тугаганига икки соат бўлаяпти, ҳалиям судралиб юрибсанми? — деди онаси. — Опанг дўхтирхонадан чиқибди, уйига тугунчак олиб борасан. Вақтинг борми, Ҳилола? "Район"га Гулбаҳор икковинг бора солиб келинглар, хўпми?"

Улар Гулбаҳорнинг туман марказида яшайдиган опасиникига тугунчак элиб беришди. Уйда кўп ўтирмадилар, ҳадемай кеч тушади, автобуснинг охириги рейсига илинишлари керак. Гулбаҳорнинг опаси деҳқон бозори бошидаги автобус бекатига бориладиган яқин йўлдан юришни маслаҳат берди. Тез орада икки қиз прокуратура биноси олдидан чиқишди. Ана, бозор кўчаси...

"Вой тавба, Давронми?" — деди Гулбаҳор ёқа ушлаб.

Қарасалар, Даврон прокуратура олдидаги арчаларнинг тагини юмшатаётган боғбонга ёрдамлашаяпти. Қизлар яқин боришганида, бир одам Давронга гап қотди: "Ука, армиядан келиб, прокуратуранинг қоровули бўлганинг ҳам катта ютуқ! Қаерда ишлайсан, деб сўрашса, прокуратурада, десанг, ёлғон гапирмаган бўласан". Бунга жавобан Даврон: "Шукр, ака, шукр, —

деди. — Оддий қоровул эмас, қўриқлаш хизмати таркибидаги қоровулмиз. Сиз айтгандай прокуратурада десак ҳам, милицияда десак ҳам ёлғон гапирмаган бўламиз..."

Шундан сўнг анча вақт Ҳилоланинг Давронга кўнгли бўлмай юрди. Ёлғончиликка ҳам, мақтанчоқликка ҳам чегара керак эди-да. Бироқ кейинчалик йигитни тушунишга ҳаракат қилди. Даврон қўл учида кун кўрадиган оилада улғайди, орзу-ҳаваси бисёр. Прокуратура ёки милиция ходими бўлишни ўйлайвериб шунақа бўлиб қолгандир.

Ҳилола қачон қонун идораси кўчасига йўли тушса, бинога диққат-эътибор қиладиган бўлди. Ҳарҳолда ошиғу девонаси Даврон томонидан қўриқланган иморат бу. Ҳокимият тизимига ишга ўтгунча шу ерда ишлаган, қоровулхонасида ишқий мактублар битган, уни ўйлаб тонглар оттирган. Ҳилола ғойибона юксак мартабалар тиларкан, "Қоровул бўлиб ишлаётганидан уялиб, ҳамқишлоқларга ҳазиллашган-да, бечора", дерди ичида. Муҳими, йигит тиришяпти, юқорига интиляяпти. Айрим тенгдошлари қатори нос чекиб, вино ичиб, умр бўйи судралиб яшаш йўлини танламади-ку.

Ҳайҳот, ҳаёт ўзгарди — Даврон Гулбахорга фотиҳаланиб, айна кунларда иккиси тўй тайёргарлигидан бош кўтаролмаяпти. Бўлажак куёв энди қўриқлаш хизматида оддий қоровул эмас, туман ҳокимияти ёнидаги сув хўжалиги идораси мутасаддиларидан бири. Орзу қилганидек доим костюмда юради, гоҳида бўйинбоғ тақади. Айниқса, қўлида папка тутганида виқорли қадам ташлайди, бир оз тўлишгани ҳам ўзига ярашиб тушган.

— Тўхта, — деди янги конвойчи ходима Ҳилолага сенсираб. — Қўлингни бер, ҳалқангни тақиб қўяй. Йўлда ёки прокуратурада томоша кўрсатсанг, пушаймонинг ўзингга сийлов! Қиз боламисан, ўзингни қиз боладай тут, тушундингми? Русча гапиришим шарт эмас, ўзбекчани тушунаман! Овозингни эшитмаяпман!

— Тушундим, — деди Ҳилола хаёллари тўзғиб.

— Ана шундай бўлсин. Утган йили бир қизни қўлга олдик. Чегарадан наша олиб ўтаётган экан. "Вой, мен бунинг наша эканини билмабман, йигитим илтимос қилганди", деб кўзидан ёшини оқизгани оқизган. "КПЗ"га тушганидан сўнг ҳам, қўйворинглар, деб дод солади, ит. Умида бунақа тор камераларни кўрмаган эмиш, юраги сиқилиб, ўлиб қолармиш. Қарасам, ходимларимиз дўхтир чақиринмоқчи. "Тўхтанглар, ўзим шуғулланаман", дедим. Ҳожатхонага олиб кирдим-да, иккита тарсаки қўйдим. Кейин ёқасидан ушлаб, деворга тақаб, шунақа сўкдимки, бисотимдаги даҳшатли сўзларнинг бирортаси қолмади. Қизгина кўрққанидан шунақа қалтирайди, шунақа қалтирайдики... Бетон камераларни кўрмаган, калтак ҳам емаган экан. Тиззам билан қорнига иккита тепиб, сочидан бурадим-да, унитарга бошини эгдим. "Агар яна кучукка ўхшаб вангилласанг, бошингни шу ерга тиқиб, орқангга ремен билан савалайман, навбатчиликда турган эркак ходимларимиз томоша қилади, устимдан ёзиб ҳам исботлаёлмайсан", дедим. Учди! Нима, "отдел" катта холасининг меҳмонхонаси, қилгиликни қилиб қўйиб эркаланади! Тўрт метр-квадрат камераларга, бир қават тўшакка чи-долмаганларни тобутдай тор, тўшаксиз карцерга уч кун ёлғиз қамаб, фақат нон ва сув беришса, аввалги кўпчишлик камераси жаннат бўлиб кўринади. Қамоққа кўниктиришнинг, мулойим мушукка айлантиришнинг шунақа усуллари борки, сен ўйлама, мени урар экан, деб. Сендай қизларни чертиб ҳам ўтиришмайди. Бу ер оддий "КПЗ". Ҳали турмага кетасан, кўраверасан ўша ёқда. Қайта тарбиялашнинг шундай усуллари бошингга тушадики, етти ухлаб тушингга ҳам кирмаган бўлар. Бирор маст йигит кўчада гап отса, дарров тошга ёпишмайдиган қизга айланасан. Балки қуёнчиқ касалинг бордир? Касалинг ҳам тўрт девор орасида йўқолиб кетади.

Бугун Жамоланинг ўрнига жаллоддек қаҳри қаттиқ

ходима келганди. То ер юзига чиқиб, орқа ҳовлидаги панжарали машинага етгунларича гоҳ унга, гоҳ бунга газаб-нок бидиллади. Ҳовлидаги катакларда турган милиция итлари ҳам ҳурди унга. Қовоғидан совуқлик уфуриб турган аёл ширин сўз, эркалаш, жилмайиш сингари хислатлардан умрбод мосуво бўлганди.

Конвой машинаси эшигини ҳам тарсиллатиб ёпиб, жаҳл аралаш қулфлаб, қичқирди:

— Ҳайданг!

— Конвойда эмас, бозорда ишлаш ярашади-да, шу Альфияга, — пичинг қилишди пастдаги милиция ходимлари.

Машина жойидан қўзғалди.

— Жамола опа уйига кетдими? — тили базур қимирлади Ҳилоланинг.

У конвойчи хотиндан илондан қўрққандек қўрқаётганди. Бу хотин ички ишлар ходимаси, Иллюзионистка эса ашаддий жиноятчи эди. Нега жиноятчидан эмас, ички ишлар ходимасидан чўчиётганини англаб, кайфияти баттар бузилди. Энди ўзи ҳам жиноят олами вакиласига айланаётгани боис формалилардан сесканаяпти-да. Иллюзионистка, ҳисобчи хотин, ўзи — ҳаммалари секин-аста опа-сингил бўлишади, бора-бора бир-биридан ҳадиксирашмайди, қонун посбонларини кўрганда аждаҳога дуч келгандек юрак безиллайди. "Нега бир кечада бунақа бўлиб қолдим? Хоҳламайман, аввалгидай қоламан", — деди Ҳилола.

— У сенинг опангмас, — ўқрайди конвойчи хотин. — Ё бир кечада опа-сингил тутиндингларми?

— Йўқ.

— Биласанми, бизнинг касб нимага ўхшайди? Мен милициянинг ҳамма жабҳасини айтмаяпман, айнан конвойни назарда тутаяпман.

— Ҳм, опа.

— Нима "ҳм, опа"?

Машинанинг катта бўлмасидан эркак маҳбуснинг овози эшитилди:

— Қизчани нега дўқлайсан, ўв? Бўлсанг битта конвойсан! Йиғиштир сафсатамни!

— Нима-нима? Ёп оғзингни, ўғри! — темир бўлмани тепди Альфия.

— Э, йўқол-е! — деди эркак маҳбус. — Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз!.. Қўрқманг, ҳой маҳбуса синглим! Конвой нимага ўхшайди, айтайми? Сапёрликдан ҳам баттар хавfli касб! Бир кун булар ё ўлиб кетишади, ё...

Жанжал кўпиши мумкин эди, эркак конвойнинг аралашуви туфайли тўполон босилди.

— Кўрдингми, Ҳилола? — юмшади ходима. — Бизни ҳамманглар ёмон кўрасанлар. Лекин энг хавfli, энг масъулиятли иш бизники. Маҳбусга битта хат бергани учун ўн йилга қамалиб кетган ҳамкасбларим бор. Битта хат бериб ҳовли олганлар ҳам йўқ эмас. Сенларни кўпроқ қочиб кетишдан кўра четдагилар билан алоқа ўрнатишдан асраймиз. Маҳбуснинг тақдири конвойга шунақа боғлиқки, конвой терговчилардан ҳам, адвокатлардан ҳам катта роль ўйнайди.

Ҳилола ўйларди: "Ҳалол ишласа ҳам ўзига, ҳаром ишласа ҳам. Кўнглимга қил сиғмаётганда бу асабий хотин нега бунча қийнайди? Тезроқ қамаб, тезроқ йўқ қилиб юборишса ҳам розиман..."

Конвой машинаси ўн дақиқада туман прокуратурасига етди. Ҳилола соқчилар етакловида бинога кираётиб, нигоҳлари-ла Давроннинг қоровулхонасини ахтарди. Йўқ, бу орқа ҳовли экан, панжарадор, тор асфальт майдонча, меҳрсиз дарахтлар...

Шоҳдаги майна кучаниб сайради. "Бунча қарғайсан, майнажон? Сенга нима ёмонлик қилувдим? Сенсиз ҳам бўларим бўлади..." Ногоҳон Ҳилоланинг кўнгил дунёсида исён кўтарилди: "Даврон энди менинг ортимдан юрган ошиғим эмас, дугонаминг эри. У кечалари бедор ётган қоровулхонани бошимга ураманми? Бу ерлар

мен учун бир бехосият макон, ширин хотира изламай қўя қолай. Қолаверса, меҳрсизлар диёрига кетаяпман, ўзимни ҳар балога кўниктиришим керак..."

Оғир жиноятларни, хусусан, қотиллик ишини шу бинода кўриб чиқишарди. Ҳилола биринчи қаватга қадам қўйганидаёқ ўзини тентакроқ тутиши кераклигини ўйлади. Жамола айтганидек, агар Васлига кучи етмаганида воқеа қандай аянчли яқун топарди? Эртага тўйи бўладиган опаси шармандаликка чидолмай ўзини осмас эдими? Жонига қасд қилмаган тақдирда-чи? Икки томонда увол бўлган тўй, юзиқаролик, бир умрга етгулик шармандалик. Отаси ҳам бунга чидамасди, бир кун барибир ўлдирарди Васлини. Мабодо қишлоқ аҳли бунини шармандалик демаса-ю тақдирнинг насибаси ўрнида Васлини Нурияга уйлантиришга ундаганларида-чи? Нурияда қалб йўқми? Васлидан нафратланади, қўрқади. Одамлар шармандалик ҳукмини айтмаганларида ҳам Нурия ўз юраги ғурури, номуси, шаъни олдидаги шармандаликка дош беролмасди. Зўравонлар ҳеч қачон бахтга эришолмаслигини Васли мисолида ҳам кўрди бошқалар.

— Менинг йўлим шу, — Ҳилола ўзига ўзи сўзлади. — Айбни бўйнимга оламану кетаман. Иккиланмаслигим керак. Азобларга иродам етади. Иккилансам ўз опамнинг қотилига айланаман... Опамнинг бардоши етмайди... У касал. Шу ҳолида ҳам бахтли бўлиб кетса, бир мўъжиза.

Ҳилолани дастлаб тўртта стол қўйилган, шкафлари кўп, кенг хонада тергов қилишди. Барча маълумотларни майда-чуйдасигача қайтадан ёзишди, фожиа юз берган дамдаги тафсилотларгача сўрашди. Кейин қўшни хонага ўтказишди. Бу хонада сариқдан келган, ўрта ёшлардаги терговчи ўтирган экан. Ҳилола остона ҳатлаши билан у зимдан қараб қўйди-да:

— Эсиз, ўн гулидан бир гули очилмаган қиз экансиз, — деди юмшоқлик билан. — Ўзингизни оқлаш учун нималар дейсиз?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Опамни ҳимоя қилдим. Одам ўлдириш ниятим йўқ эди. Ураётганимда ҳам ўлиб қолади, деб ўйламадим.

— Атоев Васли авваллари ҳам сизга тегажоғлик қилганми?

— Бир марта ҳам гаплашмаганмиз. Опамнинг орқасидан юрарди, опамнинг йўлини тўсди, оч итдай тармашди, маст эди. Мен опамни ҳимоя қилдим. Бошқа иложим йўқ эди.

— Сизни тиббий-экспертизадан ўтказдирамиз, Васли тепган, урган экан. Ўзингизни ёмон ҳис қилмаяпсизми?

— Яхшиман.

— У опангизни судраб кета бошлабди, — дея терговчи қоғозларга қаради. — Сиз қутқариш учун Васлига ташланибсиз, Васли урибди, яна ташланибсиз, тепибди. Кучингиз етмаслигини билиб, пишиқ гишт синигини олибсиз-да, чаккасига уриб йиқитибсиз. Тўғри тасаввур қилаяпманми?

— Ҳа.

— Биринчи зарбдан сўнг дарров йиқилдими?

— Юзини ушлаб чўккалаб қолди.

— Яна урдингиз, тўғрими?

— Ҳа, кейинги урганымда чалқанча йиқилди.

— Бизни бир савол қийнаяпти, Ҳилола. Мендан, манави соқчилардан — ҳеч кимдан қўрқмай, ҳаяжонланмай очик-ойдин айтинг. Нега йиқилган одамнинг юзига пишиқ гишт бўлаги билан яна олти марта урдингиз?

— Ўзимни билмай қолдим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмади... Тўхтатолмадим... Жаҳлим чиқса, шунақа тутиб қоладиган одатим бор... Ҳозир ўрнидан туриб менга ташланади, деб ўйладим... У ёмон одам эди... Ҳар нимани кутса бўларди...

— Гувоҳларнинг айтишича, ранг-қути ўчган опангиз Нурия сўқмоқдан қишлоқ томон қочиб келаётган экан, қўлларида ҳам, юзида ҳам қон юқини кўришган. Сиз эса Васлининг бошида худди биринчи ёрдам кўрсат-

моқчи бўлган одамдек ўтирган экансиз. Унга биринчи ёрдам кўрсатдингизми?

— Биринчи ёрдам... — Ҳилола "Агар ёрдам кўрсатдим, десам, шифоқорлар ва гувоҳлар рад этади", деган хаёлга борди ва: — Йўқ, — деди.

— Опангиз нега югуриб кетаётганди?

— Қишлоқдан одамларни чақириб келишга бораётганди.

— Унинг қўллари қон ҳолда кўришган.

— Эҳтимол, мени Васлидан ажратиб олмоқчи бўлгандир... Мен ўзимни билмай қолдим...

— Опангизни қишлоққа сиз юборган экансиз, ростми?

— Васи ака ўлиб қолмасин, дедим-да.

— Сиз Атоевга ваҳшиёна тарзда жароҳат етказгансиз, кейин опангизни қишлоққа юборгансиз. Тўғри тушунибманми?

— Тўғри.

— Бу ўзингизга ҳам ғалати туюлмаётими? Ҳамма ишни сиз бажаргансиз. Нима қилаётганини билмай бировга оғир жароҳат етказган қиз опасини қишлоққа юборишни ҳам уддалаган. Опангиз эса қуруқ томошабин бўлган. Наҳотки, у олишувда Атоев Васиlinesи ҳатто чертмаган?

— Опамнинг юраги туғма касал, шунинг учун ёшлигидан нимжон, қўрқоқ, касалманд. Мен Васиlinesинг...

— Ҳилола ўзини ғалати ҳис этди. Назарида, терговчилар сирини билиб қолишиб, озод этадигандек, Нурия опасини қамаб қўйишадигандек эди. Кўз олди яна қоронғилашди, тишлари гижирлади. — ...ҳайвон Васиlinesинг бошини пачоқлаётганимда опам ҳеч нима қилолмади. Қонли жанжалдан сўнг уйда кечаси билан алланималар деб алжираб чиқди. Агар вақт орқага қайтса, Васи йўлимизни тўсиб, опамга чанг солса, мен шу ишимни такрорлайман. Эртага тўйи бўладиган опамни ташландиқхонада бир жирканч тўнғизга бериб

қўймайман! Ўлдираман уни! Ўлдираман! — Ҳилола ўзини тутиб туrolмай хўнграб юборди. — Ўлдираман! Ўлдириб қўяман уни! Нега бизга тармашади? Тинчгина уйига кетса бўлмасмиди? Қаёқдан ҳам учради! Тўнғиз! Ҳайвон!

Ҳилолага сув ичиришди, ўзини қўлга олишни буюришди.

— Саксон биринчи статьяни оласиз, ўн йилга кетасиз, — деди терговчи. — Уч йил турма, олти йил колония. Шунча йиллик қамоқдан кейин одам бўламан, дейсизми?

Ҳилола ҳушидан кетмаслик учун стол четини ушлади.

— Бу билан менинг ишим йўқ, — гўлдиради у.

— Сиздан аввал опангизни сўроқ қилдим, — маъноли тикилди терговчи.

— Қаерда тергов... тергов қилдингиз? — Ҳилола елкалари силкиниб, ҳиқиллаб, ёш тўла кўзларини тикди терговчига.

— Шу хонада.

— Васлининг қотили менман-ку! Кеча тўйи бўлган келинчакни нега олиб келишди?

— Нега органнинг устидан куласиз? — деди терговчи. — Битта дўқ ургандим, опангиз ҳаммасини бўйнига олди. Лекин сиз ҳам судда жавоб берасиз! Атоевга бир қизнинг кучи етмайди. Уни икки қиз биргаликда жароҳатлаган. Яъни икковларингиз бирдек жавоб берасиз!

— Нималар деяпсиз, акажон? — Ҳилоланинг овози чинқириққа яқин, бўғилиб чиқди.

— Қамоқда ёлғиз ўзим бўламан, деб ўйлаганмидингиз? Опа-сингил бирга қамаласиз! Бирга юрасиз ўша ёқда ҳам! Негаки, Атоев икки кишининг ҳужуми оқибатида ўлган. Уни бир марта уришнинг ёки юз қадам наридаги одамларни ёрдамга чақиришнинг иложи бор эди-ку! Ё юз қадамга бориб келгунингизча маст одам опангизнинг номусига тегиб улгурармиди?

Шундан кейинги воқеани Ҳилола яхши эслолмайди. Бир қараса, соқчилар уни панажарали машинага чиқаришяпти, Альфия тинимсиз шанғиллаяпти. Ҳилола қулоқларини бекитиб, гужанак бўлиб олди. Яна туман ички ишлар бўлими ертўласига тушириб, олтинчи камерага қамаб қўйишди. Ҳилола вақтинчалик ҳибсхонага опаси ҳам кишанланган ҳолда келтирилганини ўйлаб, мусибатдан дағ-дағ титрай бошлади. "Эсимдан оғиб қоламан, — унсиз қон йиғлади у. — Опам нега бунча иродасиз? Биз келишган эдик-ку! Энди поччам талоғини беради. Ким ҳам бир кунлик келинчаги қамалса, кутади... Кутмайди! Опамнинг юраги тамом бўлади..."

5. БҶРОНГУЛ ЮРИСТ ТАҲДИД СОЛАДИ

Кўп ўтмай Альфия эшикни очиб, Ҳилоланинг қўлтигидан судраб чиқди.

— Юр бу ёққа! — деб ички ишлар бўлими ертўласининг энг ичкари, энг зах, нимқоронғи йўлагидан олиб кетди. Олдинда сувнинг шовуллаши, эркакларнинг қаҳрли овозлари эшитилди.

— Қаёққа олиб бораяпсиз? — кўзлари қинидан чиқаёди Ҳилоланинг. У қўрқувнинг маҳв этувчи хуружидан тезда тилдан қолди: — Опа... опажон...

— Опанг эмасман! — силтаб юборди Альфия. — Унингни чиқармасанг-чи, юраксиз! Турмага кетгунингча бу ерда бирор ўн кун ётасан. Агар шовқин кўтараверсанг, кетгунингча қонингни ичаман! Ўрнимга сменага келганларга ҳам тайинлайман. Жамола ҳам ўзимнинг одамим. Уқдингми? Сенга гапираяпман! Ўқрайма! Урмайман! Сўк-майман! Фақат сен ўзингни одамга ўхшаб... қиз болага ўхшаб тут! Бугун нима томоша қўйганингни биласан-а? Ҳозир бор ҳақиқатни гапирасан, камерангга қайтараман.

Ҳилола ходиманинг кучли қўллари исканжасида йўлак охирига гандираклаб борди. У қонундан беҳабар

Азамат ҚОРЖОВОВ

бўлса-да, улуғ китобларда буюрилган амалларга риоя этилмаётганига ақли етди. Иллюзионистка прокуратура терговчисига кўп иш боғлиқлигини гапирганди.

— Терговчига айтаман, — деди жонини қутқариш умидида.

— Мени чақасанми? — Альфия деворга гурсиллатиб тақади. Кўзлари олайди. — Милиция ўзимнинг ҳам жонимга теккан! Сенга ўхшаган қотил қизлар, нашафурушлар, ўғрилар, бузуқилар бор экан, бизга иш тугамайди! Тугамайди деяпман! Тугамайди! Ҳамманинг сўкишини олганимдан кўра ишдан ҳайдалганим яхши!

— Қамалганларни қийнашга ҳаққингиз йўқ.

— Ҳаққим йўқ. Лекин нега прокуратурада нағма кўрсатдинг? А?! Ҳаққинг борми сенинг? Ўзимни тентакка солсам раҳмлари келади, деб ўйладингми? Неча йилдан бери ишлаб кўпларни кўрдим. Ўзингни рисоладагидек тут, дедим. Йўқ, қулоғингга танбур чертибман. Юзимга туфладинг! Одам ҳам демадинг!

— Кечиринг... — йиғламсиради Ҳилола.

— Кўзингнинг ёшини оқизма! — газабига мой сепилди Альфиянинг. — Сени урдимми?

— Йўқ.

— Сўкдимми?

— Йўқ.

— Озгина қўпол муомала қилдим, бу рост, — заҳарханда кулди Альфия. — Чунки қафасдаги одамга мулойим гапирсанг, кўп нарса сўрайди. Орзу-ҳаваслари шунақа кўпайиб кетадики, қамоқда эмас, шифохонада ётгандек тутишади ўзларини.

— Ҳой, нима гап ўзи? — йўлак бошида эркак киши кўринди. — Альфия!

— Баҳромовани ҳожатхонага олиб бораяпман. Ташқарига, сайрга чиқаринг, деб йиғлайдими-ей!.. Юрсангчи, э! — тортди Ҳилолани ва ҳамкасбига деди: — Ҳаммаси жойида! Хавотир олманг!

Йўлак охирига етдилар. Ўнгда ҳам, чапда ҳам нимқо-

ронги йўлакчалар бўлиб, бетон полда ялтираётган ҳалқобларга қараганда, ҳожатхона, ювиниш бўлмалари шу ерда эди. Альфия ўнгдаги қаримсиқ маҳбусни койиётган икки милиция ходимига бош силкиб қўйди-да, Ҳилолани сўлдаги эшикка киритди. Шифтда бан-касимон чироқ заиф нур таратарди.

— Шуми? — дағал сўроқ жаранглади.

Ҳилола нотаниш аёл томон бошини бурди. Эллик ёшлардаги, сўлгин, қонсиз юзли хотин бетоқатланиб турарди. У бошдан оёқ қора либосда эди. Кўзларидаги нурсизлик, ҳиссизлик янада қўрқинчли кўрсатарди соҳибасини. "Ким бўлди экан бу илон?" — хаёлидан ўтди Ҳилоланинг.

— Масофа сақланг, илтимос, — буюрди Альфия нотаниш хотиннинг кўксига қўл тираб. Ҳилолани эса одамнинг белидан келувчи гишт тўсин орқасига ўтказди-да, ўзи ўртада турди. — Беш дақиқа вақт бераман. Бошлиқлар ҳали кетмаган, "КПЗ"га тушиб қолишлари мумкин.

Нотаниш хотин икки қадам ташлаб, Ҳилолага қўли билан пўписа қилди.

— Васлини сен ўлдирдингми, Тўйқул пиёнистанинг итваччаси?

— Ҳақорат қилмасдан гапиринг! Келишганмиз, опа! — деди Альфия.

— Ҳа, ҳа, кўзлари айтаяпти! — деди дарғазаб хотин.

— Жаҳлдан тушмасангиз бўлмайди, — деди конвойчи.

Қўрқувдан Ҳилоланинг бўлари бўлганди.

— Одам ўлдирган қиз билан қандай қилиб мулойим гаплашаман?! — пешонаси тиришди хотиннинг. — У қотил! Одамхўр! Чаёнча! Жиянимнинг уч яшар ўғли сағир қолди, ёш хотини бева! Бунинг ўқрайишини қаранг, Альфия! Замон кўтарганда шу ердаёқ бўғиб ўлдирардим! Жияним очиқкўнгил, галдир-шалдир йигит эди. Ҳадди сизганки, қизларга гапирган. Бу эса уни пишган гишт билан ваҳшийларча уриб ўлдирган. Жувонмарг

Азамат ҚОРЖОВОВ

бўлгур, "маньячка"! Қандай тушуниш мумкин? Жияним аввал уйланган бўлса, юрак-қалби йўқми? Яна уйланиш учун бирор қизнинг йўлига чиқиб, таклифини айтиб кўриши керакми? Наҳотки, ўттизга кираётган кап-катта йигитга яхши гап гапирса тушунмайди? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор! Жияним тухматга қолди! Тўғри йўл турганда, кечқурун опа-сингилга овлоқ сой бўйида нима бор эди? Ким исботлаб беради Васли бечора опа-сингилни зўрламоқчи бўлганини? Ўз қишлоғининг қизларини-я? Йўқ-йўқ, ўлсам ҳам ишонмайман! Қотил ўзини оқлаш учун бичиб-тўқияпти! Орган ишонмай деса, Васли ичгани исботланган! Далиллар бечора жиянимга қарши хизмат қиляпти!

Ҳилола Васлининг қариндоши туман ички ишлар бўлими ертўласига қандай тушиб қолганини, нега соқчи хотин иккаласини учраштирганини тушунолмади. "Мен ўлдирдим" деб қонун идораларига айтди, мана, қамалмоқда. Бу аёлга иқрорни айтса, нима бўлади? Ўзи шу ертўлада суд қилиб, шу заҳотиёқ ҳукмни ижро этадими?

— Мен, — деб кўксига нуқиди хотин, — сен ўлдирган Васлининг шаҳардаги холаси бўламан! Бўронгул юрист деб эшитганмисан? Қўрқма, сени чертмайман ҳам, оёғим остида янчиб ўлдирмайман ҳам! Ўз вақтида юрист бўлиб катта ташкилотларда ишлаганман, танишларим мана бундоқ! — Қўлини бўйнига арра қилди у. — Ўша Абадиян турмасида, аёллар колониясида — қаерга тушма, одамим бор! Билиб қўй, сени шундай қиламанки, қамоқдан қайтиб чиқмайсан! Қамоқ нималигини биласанми сен — ит? Қиз бола экансан, ундан ҳам яхши! Кўрасан кўрадиганингни!

— Бундай гаплар керакмас, у эртага устимиздан шикоят ёзади, — шивирлади Альфия.

— Ну и что! — қичқириб юборди хотин. Ҳатто, қичқираётган чўчиган ёввойи мушукдек сапчиди. — Мен шу гапларни судда, прокурорнинг олдида ҳам бор овозим

билан бўкириб айтаман! Бу ифлос қамоқда ўлиб кетса, ким исботлаб беради мен уюштирганимни?! Ким? Қўлимни чўзсам хоҳлаган жойимга етади! Мен қўлимдан келмайдиган ишни гапирмайман!

Альфия ёвуз хотинга "Тўхтаг!" ишорасини қилиб, Ҳилолани эшик сари етаклади. Йўлакдаги милиция ходими шовқиндан безовталаниб эшикни очди-да, нима гаплигини сўради.

— Шошманг! — ёпишди Бўронгул Альфияга. Иккаласи худди бозордаги беозор бузоқчага талашиб қолган даллоллардек тортишишди.

— Нима истайсиз? — вишиллади Альфия туфук сачратиб. — Бунақа келишмагандик-ку! Камерадан опчиқ, ростдан у ўлдирганмикан, опасими, ўзим аниқлайман, дедингиз! Шовқиндан бошлиқ хабар топса, ички ишлардан думимни тугади!

— Чиқиб кетинг, опа, ростдан бизга гап тегади, — милиция ходими йўл берди.

— Бугун опасини прокуратура олдида кўрдим, опаси қотил эмас, шу-шу... — телбаларча бош қимирлатди хотин. — Мен ҳам бошқаларга ўхшаб опасидан гумон қилгандим. Бу қонхўрнинг кўзига қарадиму тушундим. Қотил Тўйкулнинг айнан мана шу қизи! Мен айнан мана шу қизни туғилганига пушаймон қилдираман! Опаси келинчак бўлиб юраверсин! У юрак касал. Мен-сиз ҳам эрта-индин барибир ўлиб кетади. Ҳеч бўлмаса, туғолмай ўлади!

Ҳилола сездики, Нурия қамоққа олинмаган, терговчи алдаган кўринади. "Опажон" деб ҳиқиллаб йиглай бошлади у Нуриянинг дўзахда эмаслигидан алланечук бўшашиб.

— Энди йиғлашингдан фойда йўқ, қотил! — тортқилади Бўронгул қизгинанинг аҳволи-руҳиясини ўзича тушуниб.

Альфия Ҳилолани чангалдан халос этиб, камерасига шошилинич қайтараркан, бу воқеа ҳақида ҳеч кимга

оғиз очмасликни тайинлади. "Шу ерда қанча кун ётсанг, ўзим сенга қарашаман, индин яна сменам, ички кийимлар керак бўлса, уйдагиларингга айтиб, опкелтираман, овқатларни ҳам бу ёққа ўзим туширтираман", дея хушомадини-да дариф тутмади. Ҳилола ҳозиргина хибсхонада қонун бузилганини тушуниб турарди, аммо у панжара ортида қандайдир ёзилмаган қонунлар ҳам борлигини фаҳмлаб, арз этмасликка аҳд қилди.

6. ҚОН ТЎКИЛГАН СЎҚМОҚДА

Иллюзионистка ҳамон чойшабга бурканиб ётарди. Чойшабни очмасдан анальгин сўраган эди:

— Мен аптекачингиз эмасман, — деди Альфия унга қўрслик билан. — Қамалганингиздан бери фақат дори тиланасиз! Касал бўлсангиз, менга эмас, терговга чақиришганда катталарга айтинг! Маҳбусга анальгин керак экан, писмадон керак экан, деб сиз учун гап эшитайми?

— Хўп, тушундим, — деди Иллюзионистка. — Ўрнингда бўлганимда ўзимни осардим. Нега дейсанми? Аёллик латофатидан, инсонлик қиёфасидан айрилиб, урғочи шоқолга айланиб қолганим учун!

— Нималар дединг? — бостириб борди Альфия. — Аввал ўзингга боқ, товламачи, ўғри!

— Қўлингни теккизсанг уч кунда ўласан, — бошини чойшабдан чиқарди Иллюзионистка (кўзларининг нақадар совуқлигини кўриб, Ҳилола сесканиб тушди). — Мен шунчаки товламачи эмасман. Атрофингда туманни кўраяпман. Мендан нари тур, ажал! Бугуноқ ўзингни ўқитиб, тавба қилмасанг, келгуси йилгача кўкариб чиқасан.

Альфия мурдадек оқариб кетди. Сўнг эшикни тарақлатиб ёпиб, шақир-шуқур қулфлади.

Бу кеча аёл соқчилардан ҳеч ким сменада қолмади.

Иллюзионистка эшикни тақиллатиб, мўйлови сабза урган бўйдор ходимни чақирди-да, пул тутқазди:

— Дори олиб келинг, ука. Онангиз қатори аёлман, каттада ўтиравериб, тергов беравериб, бошимнинг оғришидан ўлай деяпман. Биламан, бошим оғригани учун барибир "Тез ёрдам" чақирмайсиз.

Ходимнинг қовоғи солинди, лекин маҳбусанинг аҳволини тушунди шекилли, пулни олди. Ўн-ўн беш дақиқа ўтмай эшик туйнугидан қўл узатди:

— Рихсиева, дорингизни олинг.

— Раҳмат. Сув ҳам берсангиз.

Иллюзионистка дорини ичгач, ташаккур билдириб, каравотига чўзилди. Ҳилола йиғидан тўхтаб бир нуқтага тикилиб ўтирарди. "Опам қамоқдами ё қўйиб юборишдими?" — ўйларди у, бироқ биронтадан сўраб-суриштиришга журъат этолмасди.

— Ҳилола, — деди Иллюзионистка, — мени ҳаммомда суд қилишган, сенга ҳожатхонани раво кўришибди-да? Ҳукм қандай бўлди?

— Ҳали суд қилишмади.

— Аввалдан шунақа соддамисан ёки ўзингни авом кўрсатиш ёқадами сенга?

— Суд?.. — елка қисди Ҳилола. — Ҳожатхонадаги жанжални айтаяпсизми?

— Ҳа. Юрагимни алдашинг мумкин, аммо кўзларим деворлар ортини кўра олади. Овсарларга бу иқтидорим иллюзия бўлиб туюлади. Лақабимни "Иллюзионистка" деб бежиз қўйишмаган. Начора, худди "телефонистка" дегандай эшитилади. Раҳматли онам телефончи бўлган, Қўқонда.

Ҳилола камерадошидаги руҳий хасталикни кеча пайқаган эди. Ички ишлар ходимлари уни соғлом ҳисоблаб ертўлада сақлаётган экан, қиз арз қилишни хаёлига келтирмаган эди.

— Кўзларингиз ўша ёқни ҳам кўрган бўлса, нега сўраяпсиз?

Кулоқларим сеникидек оддий. Димоғидан эшакқурт ёғилган хотиннинг овозини эшитмадим. У қанақа ҳукм чиқарди?

— Бошим оғрияпти. Дорингиздан бера оласизми?

— Гапни олиб қочаман, дегин? Ҳа, майли. Ма, яримта анальгин. Бу доридан кўп ичма, ҳали ёшсан.

Дорини оғзига солаётганида Ҳилоланинг қўли қалтиради.

— Жиноят қилдингми, сени икки хил суд кутади, — деди Иллюзионистка. — Бир сен билган давлат суди, иккинчиси, ёзилмаган қонунлар асосида суд қилиш. Ҳозиргина димоғдор хотин сени суд қилди ва ҳукм чиқарди. Менга ҳукмни айтишинг керак.

— Улиб қолган йигит унга жиян экан, — Ҳилола заиф овозда сўзлади. — Сени қамоқда ўлдириб юбораман, деди.

— Қаерда ишлар экан?

— Юристман, деди.

— У ўзи чиқарган ҳукмни ижро этолмайди.

Ҳилола бошини кўтариб, Иллюзионисткага тикилди.

— Ҳали ёшсан, қанча йилга кетишингдан қатъи назар яшашинг керак. Саволимга жавоб: негаки, сени турмада ҳам, колонияда ҳам мен ҳимоя қиламан. Фақат бу ҳақда ҳеч кимга гапирма! Агар тил бириктираётганимизни сезишса, бошқа-бошқа камерага олишади. Кейин бир-биримизни деярли кўрмаймиз. Аввал қамалганимда Душанбе турмасида ўтирганман, Тожикистоннинг Норақ шаҳридаги аёллар колониясида бригадир бўлганман. Юзта хотин чўк десам чўкарди, тур десам турарди. Ўзбекистонда кўп ўтирмаганман. Ҳозир шу давлат фуқароси деб ўйлашяпти. Демак, энди сен билан бирга қамаламан, колонияда ҳам бирга бўламыз.

— Прокурорга ариза ёзсаммикан?

— Конвойнинг устидан арз қиласанми? Ёмон фикр эмас. Ёзсанг, конвой қонун олдида жавоб беради. Битта мақсадингга эришган бўласан. Иккинчиси-чи? Уни қандай ҳал қиласан?

— Билмасам. Қамоқхонада адолат бордир? — деди Ҳилола ишончсиз руҳда.

— Ким сенга адолат йўқ деяпти? Лекин соқчи кечаю кундуз бошингда ўтирмайди-ку! Битта баракда бир юз эллик-икки юз хотин-қиз ётади. Катта зал, икки қаватли каравотлар гиж-гиж. Норақда кўз олдимда каравотнинг иккинчи қаватида чойшабдан дор ясаб, бир аёл ўзини осган. Юзлаб маҳқумлардан ҳеч ким уни қутқариб қололмади...

Ҳилола ўгирилиб ётди. Қулоқларини бекитмоқчи эди, юраги дов бермади. Шу тобда яна Нурияни ўйлади: "Ишқилиб опажонимни қамамаган бўлишсин-да..."

Баногоҳ қаердандир қиз боланинг йиғиси эшитилгандек туюлди. Ҳилола бошини кўтариб, вужудини қулоққа айлантирди. Йиғи ҳибсхонанинг дим ҳавосини яна титратди.

— Нима у? — сапчиб тураётиб полга йиқилиб тушди Ҳилола.

— Ҳисобчи хонимимиз йиғлаяпти, — деди Иллюзионистка. — Еган пуллари тушига кириб чиқаётган бўлса керақ-да.

— Йиғи... — Ҳилола темир эшикка қулоқ босди. — ...йиғи овози қизларникига ўхшади...

— Опам эмасмикан, демоқчимисан? — хўмрайди Иллюзионистка. — Албатта, опанг эмас. "КПЗ"да ўзимиз ва ҳисобчидан бошқа аёл зотини кўрмаяпман.

Кечки саккизда соқчи Ҳилоланинг камерасига бир товоқ ош, битта юмшоқ нон, помидорли салат киритди. Уйдан отаси билан амакиси келганмиш. Отаси ички ишлар бўлими олдида сарғайиб турганини, қизини панжара ортидан чиқариб ололмаслигини ўйлаган Ҳилола ичидан эзилиб йиғлади. Иллюзионистка ош ейишга ундади-да:

— Тўқишни ўргатаман, десам ўзингча маҳмадоналик қиласан, — деб дўстона туртди. — Иллюзия нима эканини биласанми ўзи? Худди гипнозга ўхшайди, йўқ

нарсани одамнинг кўзига бордек кўрсатади. Мени кун бўйи каравотда ётади, десанг адашасан. Иллюзия орқали кўринмас спицада кўринмас жакет тўқиб ўтираман. Зериксам, девор орасидан ўтиб йўлакда кезиб юраман. Ҳатто, кўчага чиқиб, икки юз қадам наридаги павильондан музқаймоқ еб келаман. Сенга иллюзияни бирдан ўргатмайман. Акс ҳолда, Абадиян турмасига эмас, "психболница"га жўнатишади.

Ҳилола бир чўқим ош емоқчи эди, томоғидан ўтмади.

— Ё қамоққа тушганингдан кўра руҳий касаллар шифохонаси яхшими? — пичирлади Иллюзионистка.

Қамалганидан буён бирорта яхши гап, яхши таклиф эшитмаган Ҳилоланинг вужудини чирмаган тушкунлик иплари баттар чувалашди. У руҳий касал деган ном олишни зинҳор истамасди. Бироқ ҳалитдан озодликни шунчалик қўмсай бошлагандики, қишлоғини, уйини, ота-онасини руҳ ҳолида кўриб келишга ҳам тайёр эди.

Эртасига Ҳилола бир нарсадан хурсанд бўлди: опа-си қамоққа олинмагани рост экан. Васлининг ўлимида фақат Ҳилола жавобгар деб топилиб, ёлғиз суд қилинадиган бўлибди.

Дастлаб Васлининг Ҳилолага етказган жароҳатлари хусусида ҳужжатга қайд этиш учун суд-тиббий экспертизасида текширувдан ўтказишди. Тергов жараёни охирлаб қолганида, яъни Васлининг ўлиmidан сўнг иккинчи ҳафта Ҳилола тез кунларда туман ички ишлар бўлими ҳибсхонасидан Абадиян турмасига жўнатилиши маълум бўлди. Одатда, туман ички ишлар бўлимида маҳбусларни уч кундан кўп ушлаб туришмасди. Турманинг олислигини, Ҳилоланинг "иши" аниқ ва тез битиши маълум этилгач, бошлиқлар терговни тугатиб, турмага бирйўла юборишга розилик беришди. Кейинчалик жиноят иши юзасидан саволлар туғилиб қолса ёинки судга чақиришса, конвой машинасида уни Абадияндан туман марказига олиб келишлари мумкин эди. Энди Ҳилола гиёҳванд-лик, руҳий соғломлик каби

текширувлар билан бирга гинеколог назоратидан ҳам ўтиши лозим эди. У Абадиян турмасига қиз бола ҳолида жўнатилаётгани гўёки алоҳида қизил ручкада шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Ҳақиқатан панжара ортидаги Ҳилолага ноёб жонзотга қарагандек қизиқсиниб тикилишарди. Ёш қизнинг одам ўлдириб қамалиши туманда кам учрайдиган воқеа эди. Ҳилола тез орада милиция ва прокуратурадаги эркакларнинг нигоҳларига кўникди. Биринчидан, бу нигоҳлардан қаерга ҳам қочарди, кўникмасликдан ўзгаси оғир. Иккинчидан, гарчи ғалати боқувчи эркаклар кўп учраса-да, Ҳилолага тушунтириб қўйишди: милиция ва прокуратура ходимлари учун "Бу аёл!", "Бу ёш қиз!" деган тушунча бирламчи эмас. Уларнинг қаршисида фалон қишлоқдаги фалончининг ўн тўққизга кирган, турмуш қурса кенг уйнинг келинчаги бўладиган қизи эмас, одам ўлдиришда айбланган жиноятчи турибди. Ҳибсга олиндимиз, у — маҳбус! Суд ҳукм чиқариб, қамоққа юбордимиз, у — маҳкум! Маҳбусу маҳкумларнинг аёл зотидан экани маълум бир ҳолатлардагина ҳисобга олинади. Ҳилола ўйларди: "Бу фалсафани ким тўқиб чиқарди экан? Менга маҳкум деб қарашлари рост бўлса, нега уларнинг кўзларида бошқа маънони кўраяпман? Бу маъно менинг ёш қиз эканимни англатади. Ёш қиз... Бу — ОДАМ дегани! ОДАМни эса бутунлай бошқа мавжудотни эслатувчи МАҲКУМ деган сўз билан аташлари яхшимикан? Йўқ, улар хотинларга, қизларга мурожаат қилгандек муносабатда бўлишларини бир сония ҳам унутмасликлари керак, бўлмаса, тўрт девор орасида кимга айланаман? Ўзинг инсоф бер, эй Худойим!..."

Эрталабки нонушта пайти Жамола қулоғига энгашди:

— Баҳромова, бугун сизни қишлоғингизга олиб борамиз. Жиноят содир этилган жойда суратга туширишимиз керак.

– Бугун? – ялт этиб қаради Ҳилола.

У Даврон ва Гулбаҳорнинг тўйини ўйлади. "Тўй арафасида мени қишлоққа кишанланган ҳолда келтиришиб, расмга туширишса, видеога олишса, эртага тўйда қизлар нималар дейишмайди? Шундоқ ҳам қамалаётганиму Давроннинг дугонамга уйланаётгани элга достон бўлса... Ўлганим дуруст эмасми?"

– Ҳа, "иш"ингиз охирлаб қолди. Суд яқин. Абадиянга ҳам шу ҳафта кетасиз, – деди Жамола.

Ҳилола буханкани зўрға чайнаб, чойни қийналиб ютди. Неча кундирки қишлоққа, суратга тушишга боришдан кўрқаётган эди. Қон тўкилган сой бўйида суратга олишларини шунчалик хоҳламасдики... Бутун қишлоқ, ҳатто синфдош дугоналари томоша қилишадигандек эди. "Вой, Ҳилолани сойга опкелишибди!.. Тавба қилдим, битта мелиса йигит ўзининг қўлига Ҳилоланинг қўлини кишанлаб олганмиш, қочиб кетмасин деган-да!.. Ҳилола озиб, чўпдай бўп қопти, Васли акани қаерда урганини қўли билан кўрсатди, мелисалар расмга туширди!.."

Балки Гулбаҳор ҳам сой бўйига тушар, унга эргашиб Даврон ҳам келар...

– Терговчига арз қилмоқчиман, – деди Ҳилола.

– Нима гап? – бир қоши кўтарилди Жамоланинг.

– Мен опамни, ўзимни бир ваҳшийдан ҳимоя қилганман. Халқнинг душманидай ҳаммага томоша бўлишим нега керак?.. – Ҳилоланинг кўзларида ёш ҳалқаланди. – Қамалиб кетаётганимнинг ўзи етади-ку! Нима керак қишлоғимга шарманда қилиб мени, опажон?! Илтимос, қишлоққа олиб бориб расмга туширишмасин. Мени... бунчалик хўрлашлари инсофданми?

– Арз қилиб ўтирманг, бу арз ўтмайди, – нари кетди соқчи хотин.

"Жўнаш вақти ўн", дейишди. Ҳилола камерада ёлғиз эди, ёстиққа юзини босиб жамики дард-ҳасратини тўкиб йиғлади. Опаси учун кўрсатган қаҳрамонлик нақа-

дар қимматга тушаётганди. Ва у ўтмишидаю бугунида бошқа йўлни кўрмаётганди ҳам. Аксига олиб камерада дардига дардкаш бўладиган одам йўқ. Иллюзионистка ва ҳисобчи хотинни кеча вилоят ички ишлар бошқармасига терговга олиб кетишганди, ҳали қайтишмади. У ёқда тергови чўзиладиганлар бошқарма ертўласидаги ҳибсхонада икки-уч кун қолишаркан. Тун бўйи ёлғиз ўтирган Ҳилоланинг кўзлари киртайиб, вужуди сувсаган гулдек сўлиди, бугунги йиғи баттар ҳолдан тойдирди.

Темир эшик туйнуги шарақлаб очилганида, Ҳилола "Жойингдан тур!" деган буйруқ янграшини кутди. Жиноятчиларни вақтинча сақлаш хоналарида турмадагидек уззу-кун ётишга қўйишмасди. Бироқ мўралаган Жамола экан. У меҳрибонлик билан койиди:

— Нега йиғлаяпсиз? Қишлоққа кўзларингиз қизариб борасизми? Қани, бас қилинг тез!

Ҳа, Ҳилола бу ёғини ўйлаб кўрмаган экан. Соё бўйига абгор ҳолда борадими? Эндиликда у ҳар жиҳатдан ўзи учун жон-жаҳд ила курашиб яшамоғи лозимлигини англади. Йиғламаслик ҳам ғалаба эди.

Соат ўнда Жамола камерага кириб, деди:

— Мана бу бошқа гап. Туринг, сайрга чиқасиз. Суратга тушириш тушдан кейинга қолдирилди.

Ҳилола оз бўлса-да енгил тортди. Бугун ҳаво дим эмас-ди. Ҳар кунги мусича ку-кулашига чумчуқларнинг шўх чуғури-чуғури жўр бўлди. Машиналар ҳам ҳурлик давридагидек милиция биноси ортидаги катта кўчадан турли-туман сигнал чалиб ўтарди. Ички ишлар бўлимига қўшни бўлмиш ҳовлидан эса қизчанинг шодон қийқириғи қулоққа чалинди.

— Нима учун қолдирилди? — дея деворнинг нариги томонидаги ҳовлиларнинг мевали дарахтларига кўз ташлади Ҳилола.

— Милиция фақат сиз билан шуғулланадими? — мийиғида кулди Жамола. — Сиздан бошқа қиладиган

ишлари тиқилиб ётибди... Ҳилола, агар вақт орқага қайтса, уни ўлдирармидингиз?

— Билмасам... — Ҳилола фируза осмонга тикилди. — У ҳақда ўйламай қўйдим. Мен бошқа одам бўлиб қолдим.

— Қанақа бошқа одам?

— Ҳамма нарсасини йўқотган.

— Қўйсангиз-чи, ёшсиз, навниҳолсиз. Сизни ҳеч ким ўлимга ҳукм этаётгани йўқ. Жазо муддатини оласиз. Колонияда бир неча йил муддатингизни ўтайсиз. Амнистия деган умумий афвлар бор. Кейин ўз ҳаётингизни қурасиз. Қамоқ ваҳшийлар макони эмас. Қайси давлат ўз жамиятига ваҳшийларни етказиб берувчи муассаса қуради? Ҳеч қайси... Бир гап айтайми? Сиз ҳеч нима йўқотмаган бахтли қизсиз.

— Мен бахтлиманми? — ҳайрон бўлди Ҳилола.

— Бунга шубҳам йўқ. Чунки сиз учун ҳаммаси олдинда. Қамоқ ўтади-кетади. Бахт уйини қуриш ҳақида ўйланг.

— Йиллар давомида мени севган йигит шу ҳафта, балки худди шу бугун яқин дугонамга, ўн йил бирга ўқиган синфдошимга, яна денг, қўшнимга уйланыпти...

— Ўҳ-ҳў, бирйўла учта хотин олаяптими? — ҳазиллашди Жамола.

— Йўқ, ҳаммаси битта қиз... — Ҳилола қамалганидан буён илк марта кулимсиради. Лекин бу синиқ кулимсираш эди.

— Хўш-хўш, эшитайлик?

— У синфдош дугонамга уйланаётган экан, демак, синфимиз қизлари тўйда гийбатимни қилишлари аниқ... Шунини ўйласам... — Ҳилола дарров кўзларини яшириб, ҳасратли уҳ тортди. — ...жонимдан тўйиб кетман. Кўп қизларга баҳона топилди.

— Садоқатли дугоналарингиз йўқми? Нега гийбат ҳақида ўйлаб, сиқилаяпсиз?

— Яхши нарсалар хаёлимга келмаяпти.

— Опангизнинг қутқарганингиздан хурсанд эмасмисиз?

— Билмасам... — Ҳилола тиз букиб ўтирди-да, ёнган гугурт чўпини олди ва чанг қоплаган асфальтга нима-нидир чиза бошлади.

— Халоскор инсон на гийбатни, на танқидни ўйлайди, — деди Жамола. — Эътибор берсангиз, танқидлару гийбатларга тупурган кишилар кўпроқ ўсади.

— Одам ўлдирганлар ҳам ўсадими? — қайрилиб қаради Ҳилола.

— Милиция ходими сифатида сизни ботқоғингиздан тортиб чиқараяпман, холос, — бош чайқади Жамола, — Қамоқ, бу — фарқ бўлишмас. Фарқ бўлиш, бу — тушкунлик. — Жамола кўз қисиб қўйди. — Мана, атроф баланд девор, аммо осмон очиқ. Кўкка сурат чизиб бўлмайди, ерга чизиш мумкин. Ер кимгадир ҳосилдор дала, кимгадир равон йўл, кимгадир қабр, кимгадир сабр. Маслаҳатим, тушкунликка тушмаслик учун оёқ остидаги шу заминни кўпроқ ўйланг. Атроф қўрқинчли бўлиши мумкин, лекин ер ҳамиша бир хил. Доим унга қаранг, сотилмас содиқлигини ўйланг. Одам қаёқларга бормасин, барибир ер кўтариб юради. Ер одамни ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

Жамола сигарет тутатди.

— Чекасизми, Ҳилола?

— Йў-ўқ...

— Неча йилга қамаб юборишларидан қатъи назар чекманг, — деди Жамола. — Чекиш ўзбек қизига ярашмайди. Рихсиева мени "метиска" деб сўкканида билдингизки, қоним икки миллатники. Чекиш аслида миллат танламайди... — Жамола туман ички ишлар бўлимининг фиштин деворлар билан ўралган орқа ҳовлисининг чекка бурчакларигача кўз югуртирди-да, маҳзун тортиб деди: — Менинг оилам йўқ.

— Турмушга чиқмаганмисиз?

— Чиққанман... Эрим, қизчам бор эди... — Жамола сигаретни босиб-босиб тортди. — Бир кечада ўлдириб кетишган.

— Ким?

Конвойчи қаҳрли тусга кирди.

— Буни билишингиз шартмас.

— Кечирасиз...

— Шунинг учун айтаяпман, сиз бахтлисиз! Нима йўқотдингиз ўзи? Менга нисбатан олиб қараганда... ҳеч нима! Ёшлик, озодлик, келинчакликми? Улар фарзанд олдида ҳеч қандай йўқотиш эмас!

Пешин чоғи камера эшиги очилиб, Жамола, басавлат ходим ва сочларига оқ оралаган бошлиқ кўринди.

— Ҳозир қишлоғингга жўнайсан, — деди бошлиқ. — Қоида бўйича жиноят жойида суратга туширишимиз керак. Йиғлаб-сиқташ, тўполон кўтариш бўлмасин, келишдикми? Ортиқча ҳаракатнинг умуман фойдаси йўқ. Бунинг устига қиз бола нарсаган. Ўзингни яхши тутсанг, турмада ҳам яхши қарашади. Турма бошлиғига шахсан ўзим қўнғироқ қилиб айтиб қўяман, хўпми?

— Хўп, — бош эгди Ҳилола.

Улар ички ишлар бўлими ертўласидан чиқиб, орқа ҳовлидаги гаражлар олдида шай турган машиналарга ўтиришди. Жамола, беш-олти чоғли эркак ходим, папка тутган фуқаро кийимидаги киши — ўндан зиёд одам учта машинага жойлашди. Ҳилола ўзини хавфли жиноятчи ўрнида кўрди. Қанча машина, ходим, вақт, қоғоз сарсон. Жиноятчилар жамиятга не чоғлик моддий зарар етказишларини тушунгандек бўлди.

— Ма, ойна, ўзингни тузатиб ол, — кўзгуча тутди Жамола.

Милиция машиналари туман марказидан жонажон қишлоқ йўлига бурилди. Ҳилола бу йўлдан байрамларга неча бора келган. Хув анави узумзорлардан ўқувчилик даврида "А" ва "Б" синф биргаликда узум теришарди, Даврон бир қариндошининг отини миниб, Ҳилолага

хат ташлаб кетарди. Лойқа ариқ ёқалаб виқор-ла тизилган толлар остида тупроқ йўл билқиллаб ётибди. Корейсларнинг пиёз даласидан қайтишаётганида бир сафар шўхликлари тутишганди. Иштонларини тиззагача кўтариб, дугоналари билан тупроқ кечишганди-я! Оғиз-бурнига рўмол тангиган Гулбаҳор роса чангитиб, шаталоқ отиб югурганида, толлар панасида ўтирган тракторчилар кап-катта қизнинг қилиғига ичаклари қотиб кулишганди. Беш дақиқада асфальт йўлнинг ўнг четидаги артезиан уйчасига етадилар, оққа бўялган. Тўрт-беш йил бурун Нурия опасини шифохонадан олиб келишаётганида машина бузилиб қолганди. Артезиан уйчасининг муздек қувуридан зилол сув ичганди. Опаси ҳам бир-икки қултум ютиб, "Маза-я?" деганди. Нурия ҳозир нима қилаётган экан? "Ишқилиб бахтли бўлсин-да..."

— Ҳамма келадими? — деди Ҳилола. — Ўша ерга... сойга?

— Биздан бошқа ит ҳам, — деб жавоб берди эркак ходим.

Ҳилола қишлоқ аҳлига томоша қовоқ бўлмасликни астойдил тилаган экан, сой бўйидаги ташландиқхонада ҳеч зог йўқ эди. Бироқ шамол Давроннинг уйи томондан тўй қўшиқларини учириб келди.

— Йигитлар, тезлаштиринглар, — деди гуруҳ бошлиғи. — Тезроқ кетайлик, "район"да иш кўп... Бу дейман, тўй бўлаётган экан-да?

— Ана, ўртоқ участка нозиримиз ҳам қорасини кўрсатди, — деди бир ходим. — Тўйга кирганга ўхшайди, юриши бошқача.

Ҳилола шу ойнинг охирида Даврон ва Гулбаҳорнинг тўйидан бошқа тадбир йўқлигини ўйлаб, карнайлар садосига қулоқ тутди:

"Жилама, муҳаббат, жилама,

"Сен жиласанг бўлама?.."

Ва қўшиқ якунланиб, хонанданинг овози эшитилди:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Марҳамат, раис бова!

Жамола ва Ҳилоланинг қўли бир-бирига кишанланганди. Конвойнинг изидан сой бўйига тушиб бораётиб бутун вужуди қулоққа айланди. Келин-куёвнинг исмлари ҳозир айтилади... айтилади... айтилади... Мана, ўртакаш гапирмоқчи. Ҳилоланинг ичида илтижо туғилди: "Эй шамол, хиёнат қилма, кимнинг тўйи бўлаётганини билай... Мен томонга эс, шамолжон!.."

Ўксик қалб соҳибасининг зорини шамол эшитди, тўй шовқини етиб келди:

— Бугун Давронжон ва Гулбаҳоройларнинг никоҳ тўйи экан, уларга яна бир марта бахт тилаб, сўз навбатини келиннинг дугонасига берамиз...

Ҳилоланинг кўзларидан дона-дона марварид тўкилди. Янтоқзор оралаган сўқмоқнинг қуёшда қуриб қолган тупроғида туячумолилар тентираб юрарди; кўзёшлардан митти-митти қора нуқталар пайдо бўлди оқ тупроқда.

У Васи ҳужум қилган жойни қўли билан кўрсатди, суратга туширишди. Сўнгра Васига оғир жароҳат етказилган чим устига ҳам қўлини бигиз қилди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиш тўхтамасди. Тақдир йўлларининг кўз ёш кечиб ўтиладиган манзилларига етганда иродаси барибир панд берди. Бироқ Ҳилола бугун голиб эди. Ахир, Нурияни қамоқдан қутқарди. Қолаверса, Давроннинг муҳаббати ёлғон экани ҳам батамом фош бўлди. Агар Ҳилола бадавлат одамнинг қизи бўлганида, Даврон унга уйланарди. Ҳилола бир умр ёлғон муҳаббатга ишониб яшарди. "Қишлоғингдан мардларча кет! Ўзинг танлаган йўлни номардлик деб ҳисобламас экансан, нега кўз ёш тўкасан?" — деди у ўзига-ўзи.

Сўқмоқдан кўтарилиб, машиналарга яқинлашганларида, ҳаллослаб чопиб келаётган хотин қўл силкиди. Оралиқ масофа юз қадамдан ортиқ эди. Ҳилола бошидан рўмоли учган аёлни таниди. Таниди-ю кўзларига ишонмади: онаси! "Кўнгли сездимикан ё мелисалардан

бирортаси бугун суратга туширишларини айтдимикан? Кечикди! Онам бечора кечикди!.."

— Тўхтанглар! — нола-ю фиғон қилди онаизор машина мотори ўт олгач.

Икки ҳафтадирки, панжара ортида на отасини, на онасини кўрган маҳбуса қиз машина ойнасига пешона тираб, телбадек тикилиб қолди. Шафқатсиз темир машиналар гуриллаб йўлга тушди-да, кўприкдан ўтиб, туман марказига шамолдек елиб кетди. Тергов жараёнлари якунланмагунча оила аъзолар билан учрашув тақиқланган эди. Ҳилола қишлоғи билан хайрлашмади ҳам. "Мен кетдим... алвидо, қишлоғим!.." — деди анчадан сўнг.

7. ТУРМАГА ЖЎНАТИШДАН АВВАЛ...

Бу кеча ҳам Иллюзионисткани вилоят марказидан қайтаришмади. Ҳилола кечқурун тутиб келиниб, қўшни камерага қамаб қўйилган лўли хотинлардан бошқа аёл зотининг овозини эшитмади. Соқчилар тез-тез эшик туйнугини очиб Ҳилолани кузатишар, ҳатто "Баҳромова!" деб ўрнидан турғазиб, яна ётишга рухсат беришарди. "Қиз ўз жонига қасд қилиши мумкин", деб уларни огоҳлантиришган экан. Эрталаб бу гап қулоғига чадинган Ҳилола "Нега ўзимни ўлдирар эканман? — деб хаёлидан ўтказди. — Қандайдир бетайин Васлининг касофатига ўзимни осаманми? Ё Даврон дугонамга уйланганига чидаёлмаяпманми? Улар ким менга? Ҳа, мен бугундан бошлаб ўзим учун қаттиқ курашаман. Қамоқхонадагилар ҳам менга ўхшаган хотин-қизлар. У ёққа борай, ҳеч кимга ҳаққимни бериб қўймайман. Юлишса юлишаман, бўғишса бўғишаман! Қамоқдан мен аввалги Ҳилола бўлиб эмас, ҳақ-ҳуқуқини таниган ўт-олов Ҳилола бўлиб чиқаман. Юрганда пошнамдан ўт сачрайди. Ўшанда Васлига ўхшаган пиёнисталар хиралик қилиш нари турсин, ёнимга ҳам яқинлашолмай-

ди. Пул топишни ҳам қойиллатадиган бўламан. Бойлигимни эмас, ўзимни севадиган йигит билан турмуш кураман. Келажакда қизларим овлоқ сой бўйида тенгираб бировларнинг ҳаммомига бормайди, ҳеч нимага зориқмайди. Фарзандларимга ола қараган кимсаларни соғ қўймайман. Уғилларимни ҳеч кимга сабаб-бесабаб озор бермайдиган қилиб тарбиялайман. Ароқ ичмайди, сигарет чекмайди!.."

Иллюзионистка келган куни Альфия ва уч эркак ходим Ҳилолани тиббий текширувлардан ўтказиш учун туман шифохонасига олиб боришди. Йўлда Ҳилола нега Рихсиевани бошқа камерага қамашганини сўраган эди, конвойчи хотин афтини бужмайтириб, ола қаради.

— Энди у билан битта камерада ётмайсан. Биз билмай қўзичоқни бўрининг қафасига қамабмиз.

— Зубайра опани бўри деяпсизми?

— Бошқармадаги терговда унинг каллакесарлиги исботланди, — деди Альфия қўлини томоғига арра қилиб. — Яхшиям, кечаси сени ўлдириб қўймабди-я!

Рентгенда ўн чоғли хотин-халаж навбат кутишаётган экан, одамлар орасида "аристон келди" деган шивиршивир тарқалди. Шифокорлар Ҳилолани навбатсиз рентген қилиш учун бошқаларга нарироқ туришни буюришди.

— Ўтган йили қўшнимнинг ўғлини Абадиян турмасига олиб кетишганди, бир ойда ўлиги қайтди, — деди шифокор Альфияга. — Даҳшатли турмада ҳозир аҳвол қандай экан?

— Ўтган йили, — деди бунга жавобан Альфия, — менинг қўшнимнинг ўғли ҳам ўлди. Қишлоқдаги қариндошлариникига борган экан, эшакдан йиқилибди. Диққинафас турмада ажали етадими, жаннатмакон қишлоқда эшакдан йиқилиб ўладими, бу ҳар кимнинг ўз тақдири. Мени кечирасиз-ку, бировларнинг тақдирдан тўн бичганларни ёқтирмайман. Ажали етди, тамом, ортиқча гапнинг кераги йўқ.

Милиция формасидаги қўрс хотиндан турмани сўраб пушаймон егани шифокорнинг қизариб кетганидан маълум эди. Абадияндан гапириб юрагидаги ваҳима уруғига сув қуйгани учун Ҳилола ҳам ундан аччиқланди.

— Турманинг қийинчиликларига йигит киши чи-долмаган-да, ёш қизнинг аҳволи нима кечаркан, демоқчийдим, — шифокор қоғозларга ёзаётиб узрхоҳ гапиринди. — Тақдирдан тўн бичиб менга нима зарил? Абадиянга юбораётган маҳбусларингиз асосан эркак кишилар. Нима ҳам дердим, ачинаман бу қизга.

Ҳилоланинг фикр-хаёлини дарров йўлакдаги аёлларнинг нигоҳлари забт этди. Милиция ходимлари қуршовидаги кишанланган қизга улар юқумли касални кўрган каби ҳадиксираб қараётган эдилар. Бир жиноят қилгандирки, қамалаяпти. Гул қизни сўлақмондай эркаклар ўз-ўзидан қамоққа олишмас.

Ниҳоят, эллик ёшлардаги истарали хотин чидаёлмай, деди:

— Вой болажоним-ей, ёшгина бошинг билан нима иш қилиб қўйдинг?

Ҳилоланинг меҳрга ташна юраги эзилиб, бир оғиз гапиролмас, хижолатдан бўлари бўлган, ер ёрилиб, ерга кириб кетишни хоҳларди.

— "Убийство", — жеркинди Альфия ва гўёки Ҳилолага аччиқ тарсаки туширгандек бўлди.

— Нима деди? — ёнидаги жувон томон бош солинтирди аёл.

— Одам ўлдирганмиш, эна, — жувон оғзини бекитди.

— Шу қизми? — ёқа ушлади аёл.

— Астароқ гапиринг, жанжаллашиб кетмасин, одам қўрқади бунақалардан.

Бошқа хотинлар ҳам ёш қизнинг одам ўлдирганидан ҳайратланишди, айримлари қовоқларини уюб тўнғиллашди. Қамалган хотин-қизлардан эл ўзини қандай олиб қочишини Ҳилола юрак-юрақдан туйди.

Конвой рентгенхонадан чиқиб, наркодиспансерга жўнади. Ҳилола наша чекиш у ёқда турсин, шампан виносидан бир қултум татиб кўрмаганди. Кеча тўйи бўлган Гулбаҳор ва бир неча синфдош дугоналари шампандан оз-моз ичиб туришарди. Васли ўлгандан кейинги кунларда ҳам таҳлил топширтиришганди.

Психиатр қабулига киришди. Соппа-соғ эканини Ҳилола шифокорга исботлашни қасд этмаганди, албатта. Сув Ҳилола қазиган ариқдан оқаверди. Нурияни яна шубҳа-гумон остига қўйишидан кўрқарди у.

— Қанақа фильмлар кўрасиз? — кўзойнаги устидан қаради психиатр.

— Ҳар хил... — деди Ҳилола.

— Масалан?

— "Ўтган кунлар".

— Ҳозир Америка фильмлари кенг тарқалган. Баъзиларининг бош қаҳрамонлари сиз билан тенгдош қизлар. Улар ҳаётга хаёлот кўзгусидан эмас, реал қарашади. Дангал-дангал гапиришади, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам шартакилик билан талаб этишади. Ҳатто, ўзларини ҳимоя қилиш учун астойдил... айтмоқчиманки, жонжаҳдлари билан курашади. Ҳар қандай кўрқоқликни, андишаликни йиғиштириб, четга суриб қўяди! Бугунги кунда Кумушдек бўлиш керакми ёки Америка фильмларидаги шўх-шаддот қизлардекми?

— Билмасам... Менга Кумуш ёқади.

— Кўзингизга қараб айтаман, сиз "ужас" ёки "маньяк"лар ҳақидаги фильмларга кўзингиз тушган, икки-уч марта бўлса ҳам! Янгилишаяпманми?

Ҳилола "янглишмаяпсиз" маъносида бош чайқади.

— Кўрқманг, ваҳшийлик намойиш этиладиган киноларини томоша қилганингиз учун ҳеч ким сизни жазоламайди. Қайтанга фойдаси тегиб, суд енгилроқ жазо бериши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, умуман ёқмайдиган, бунинг устига бадбўй ҳид таратаётган маст йигитнинг калтақларидан, энг муҳими, эртага эрталаб

тўйи бўладиган опангизнинг номусига тегмоқчи бўлганидан ғазабланиб беихтиёр фильм қаҳрамонларидан куч олгансиз.

— Ўшанақа пайтда кино хаёлга келадими?

— Тўғри, қайси кино қаҳрамонига тақлид қилсам экан, деб ўйлаб ўтирилмайди. Кишининг ўзи ҳам тўлиқ англамаган ҳолатда беихтиёр кинодаги хатти-ҳаракат шаклини танлайди.

— ...

— Руҳиятимиз қолипга тушмайдиган бўлиб кўринса ҳам, у ҳар доим ўзига андоза ахтаради... Гапиринг, Ҳилола. Мелодрамалардан ташқари қандай триллерлар кўргансиз?

— Бу гапирингизга тушунмадим, — деди Ҳилола.

— Қиз бола қаттиқ асабийлашиб, эркак кишига қичқирганча ташланган лавҳалар ёдингиздадир?

— Тасодифан кўриб қолсам, чиқиб кетганман...

— Эслайсизми ўшанақа лавҳаларни?

— Ҳа.

— Йигит сизни уриб йиқитганидан кейин ҳимоясиз қолган опангиз йўлтўсарнинг қўлида дод солганида, хаёлингизда қандай ўй чақнаганини айтиб бероласизми? Биринчиси, қишлоққа югуриб бориб, одамларни ёрдамга чақириш. Иккинчиси, қўлингизга илинган нарса билан зўравонни уриш. Учунчиси, опангизни етаклаб, биргаликда қочиш. Қайси бири?

— Иккинчиси, — деди Ҳилола.

— Нега айнан иккинчиси? Наҳотки, йигитни инсофга чақиришнинг иложи бўлмаса?

— У ерда баҳс эмас, ҳаёт учун жанг бўлаётганди, — Ҳилоланинг аъзои баданига муз югурди. — Қочиб қутулиб, бошқалардан ёрдам кутиб бўлмасди... Мен уни ўлдирдим... Америка киноларига умуман тақлид қилмаганман...

— Нега сочларидан тортиб, юз-кўзини тирнаб

ташлашни эмас, айнан тош билан бошига тўхтовсиз, ҳатто ҳушидан кетганидан кейин ҳам аямасдан уришни ўйладингиз?

— Тош билан эмас, гишт синиғи билан урганман. Бунақа саволни терговларда кўп эшитдим. Жавобим ўша-ўша: жаҳлим чиққанидан ўзимни билмай қоламан. Ҳеч нимани ўйлаб ўтирмаганман. Ўрнимда бўлганингизда сиз ҳам шундай қилардингиз.

— Ўрнингизда Кумуш бўлганида-чи?

— Қайси Кумуш? — деди Ҳилола пешонасини тириштириб.

— Сиз ёқтирган "Ўтган кунлар" фильмидаги.

— У ўлган, — деди Ҳилола.

— Америкалик шаддот қизлар-чи?

— Уларни танитайман. Танишни ҳам истамайман.

— Кумушга ҳавас қилмайсиз, унга ўхшашни заррача истамайсиз, — деди психиатр. — Кумушни кимдир эслатса, эслайсиз. Опангизга ҳужум қилган йигит ҳам сизга эслатган.

— Кумушними? — энсаси қотди Ҳилоланинг.

— Одам ўлдиришни, — дея кўзойнагини қовоқларига ёпиштирди психиатр. — Сизни руҳияти соппа-соғ ҳам, касал ҳам деёлмайман. Қоғозга "соғ" деб ёзаман. Бир жиҳатдан қўрқаман. Агар йигитнинг бошини шахсан ўзингиз пачоқлаган бўлсангиз, бу ҳол яна такрорланиши мумкин.

— Такрорланиши деяпсизми?

— Ҳа, қамоқхонада, шаллақи маҳкумалар жиғингизга теккан-да, — деди психиатр қоғозларни тўлдиришга киришиб.

Лабораториядаги қон текширувидан сўнг конвой машинаси туман туғуруқхонасига бурилди. Туғуруқхона биносининг бир қанотида гинекология бўлими жойлашган эди. Эркак соқчилар йўлакда қолишди. Альфия ва Ҳилола бир-бирига кишанланган ҳолда ичкарига киришди. "Ечинишга уяламан деб қон қилма, тиб-

биётда уят-пуят бўлмайди", — қулоғига қуйди Альфия. Айтишича, икки йил муқаддам турмага юборишдан аввал бир маҳбуса қизнинг иффатини текширмоқчи бўлишганида, дори-дармон столини ағдариб ташлаган эмиш. "КПЗ"га қайтишгач, жазосига уч кеча-кундуз пол ювдиришибди, уйдан келган овқатларни киритмай қўйишибди. Ҳилола тўққизинчи синфда шамоллаганида онаси билан гинекологиянинг эски биносига — бир қаватли ғиштли шифохонага келган эди. Қандай хушмуомала эди гинеколог аёл. Ҳилола бир оз уялганди, холос...

Бироқ ҳозир хонада эркак гинеколог ўтирарди. Туладан келган қизил юзли ҳамшира Ҳилолага кушеткани кўрсатиб, оёғини узатиб ётишни буюрди. Ҳилола ялт ётиб эркакка қаради.

— У киши чиқиб кетсин... — заиф товушда илтимос қилди маҳбуса.

— Сенга нима дегандим?! — тирсаги билан туртиб, илондек вишиллади Альфия. — Томошангни бошлама! Кечиримларимни қайтариб олиб, кунингни кўрсатама!

— Ётинг, — деди ҳамшира буйруқ оҳангида, лекин кўзларида қўрқув ўйнади. У рўпарасидаги қизни ҳўкиздек йигитни ваҳшийларча ўлдирган ёвуз қотил деб биларди.

— Бўлинг, — ўрнидан турди шифокор. — Вақтимиз тигиз, ишимиз кўп. Бу ерда беморлар йўқлигига ҳайрон бўлманг, сиздан олдин ўн бешта касалим навбат-да эди, "РУВД"дан қўнғироқ қилишиб, судланаётган қизни конвой олиб боради, ишини тезроқ ҳал қилиб беринглар, касал-пасаллар бошқа ёққа чиқиб туришсин, дейишганди. Бўш хоналарга киритиб қўйдик, кутаяпти бечоралар.

Шифокор кушеткага яқинлашди.

— Қани... — деди қўлидаги ручкасини "Кушеткага ёт!" маъносида силкиб.

— Кўрган кунларимга минг лаънат... — ҳеч кимга эшитилмайдиган овозда қарғанди Ҳилола.

Гинекологиядан чиққанида хўрлиги келиб унсиз йиғлади. Тиббий текширувлар хотима топганди. Тўйиб йиғлаш учун оқшом, тун ва тонг хизматга мунтазир эди. Ҳарқалай шифохоналарда тўполон қилмагани учун Ҳилолани ҳибсхонада жазолашмади. Фақат темир эшик туйнугидан тез-тез мўралашарди. "Ўзимни осимдан бунча кўрқимаса-я?!" — уф тортди Ҳилола.

8. АБАДИЯН ТУРМАСИ

Яна бир кун ёлғизликда ўтди. "Терговчи ёки адвокат кела қолса-чи", деб уйлай бошлади. Асосий тергов якунланганди. Терговчининг сўроққа тутиши ёинки адвокатнинг бир маромдаги майин сўзлаши унинг учун зерикишга қарши муолажага айланганди. Бироқ эндиликда на милиция бўлимининг юқори қаватидагилар, на прокуратура йўқларди. Бирор далил юзасидан савол туғилса, терговчи ҳибсхонага тушиб, тергов камерасига чақириб қўя қоларди. Адвокат ҳам "қолган кучимни судга асраб қўяман, ҳозирдан қаттиқ чираниб ҳолдан тойишни хоҳламайман" дегандек гум бўлди. Ҳилола уй соғинчи, зерикиш ва... мисли кўрилмаган даражадаги хўрлик туйғусидан эзилиб, бир бурчакда қўнишиб ўтирарди. Хўрлик туйғусининг янада чирмашишига Даврон ва Гулбаҳорнинг "асал ойи" ҳам сабабкор эканини ўзини таҳлил қилганида англаб етди. Тақдири сал ўзгача эврилганида, ҳозир атлас кўйлак, зар дўппидаги келинчак бўларди. Ажиб тақинчоқлар таққан, ихтиёрида бир дунё пардоз-андоз хазинаси. Ҳамма ҳавас қилган, ҳурматда-ю иззатда. Оёғи олти, қўли етти бўлиб ёр уйида супуриб-сидириб, куйдириб-пишириб юрарди. Давронга турмушга чиқмаса ҳам кимгадир келинчак бўларди-да, ахир ўн тўққиз ёшида келинлик бахти насиб этади-ку қанча қизларга. Нури-

яникига борарди, куёви билан гул-гул очилиб. Эҳтимол, бир йилдан сўнг чақалоқ ингаси тутарди дунёни. Турмуш қурганида, келгуси йил укачаларни, жиянчаларни эмас, фарзандини бағрига босишини ўйлаб, ҳеч ўзини тийиб ололмади.

"Энажон, қандай кунларга қолдим? Саккиз-ўн йилдан кейин ким ҳам уйланарди менга? Одам ўлдирган, қамалиб чиққан қари қиз бўламан..." — Бўғзидан отилаётган фарёдини Ҳилола зўр-базўр ютди. Пешонасига битмаган чароғон ҳаётни ўйлаш ҳам бахтсизлик эканига амин бўлди бояқиш маҳбуса. Атрофи тўрт девор, темир эшик, панжарали дераза. Орзулар ҳам азоб берарди ўлик маконда.

Тушида Абадиян турмасини кўрди. Турма терак бўйи баланд девор билан ўралганмиш. Зил-замбил темир дарвозадан кирилгач, улкан-улкан тошдеворли хоналардан ўтиб кетаверишибди. Неча-неча хоналар ортда қолиб, неча-неча панжарали эшиклар гумбурлаб қулфланибди. "Эҳ-ҳе, қачон, қандай қайтиб чиқаман?" — деб йиғлабди Ҳилола. Рентгендаги шифокор аёл ҳам юрганмиш. Қўшнимнинг ўгли турманинг қаерида, қандай ҳолатда ўлган экан, деб наҳс босган қоронғи бурчакларга синчиклаб қарармиш. Каламушларми, ўлган маҳкумларнинг руҳларими, алланималар чирқиллармиш...

Бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Ҳилола чўчиб уйғонди. Дастлаб у Абадиян турмасига келиб қолгандек дам эшикка, дам икки қават панжара ўрнатилган деразачага хавотир-ла тикилди. Туман ички ишлар бўлимидаги ўзининг олтинчи камераси эканидан енгил тортди. Учинчи ҳафтадирки, у ётибди шу ерда. "КПЗ"да бир неча кун ҳибс этиладиганлардан фарқли ўлароқ Ҳилола ва бир неча эркагу аёл маҳбусларга шарт-шароит қилиб беришганди: икки маҳал иссиқ овқат, якшанба кунда ҳаммом. Шундай эса-да, бу ер ҳақиқий турма эмасди. Аҳоли чўмиладиган ҳаммомга олиб боришарди. Касал бўлиб қолганлар туман шифохонаси-

га конвой билан жўнатиларди. Абадиян турмаси эса маҳбусларни сақлаш учун ихтисослашган муассаса бўлиб, ичкарасида ҳаммом, кир-чирни ювиш, санитария қисми каби инсон учун зарурий бўлимларга эга эди. Колонияга кетгунларича у ердаги икки қаватли каравотлар қўйилган тор камераларда маҳкумлар ойлаб, энг бахтиқаролари йиллаб ётишарди. Битта хонада йиллаб ётиш айтишгагина осон эди. Шу сабаб турмадагилар "зона"га — маҳкумлар колониясига тезроқ жўнатишларини орзу қилишарди. Ҳилола қамоққа олинганида Абадиян турмаси ўз фаолиятини бошлаганига олтмиш йилдан ошганди. Бироқ унинг шарт-шароитлари туман ички ишлар бўлими ертўласидаги вақтинча сақлаш ҳибсхонасидан яхши бўлса-да, ҳеч ким орзу қилмайдиган балои қазолар салтанати эди.

— Шунча вақт ётдим-ку! — айюҳаннос соларди бир аёл Ҳилоланинг туши-ю ҳуши ўртасига раҳна солиб. — Биринчи судимга тўрт кун бор! Абадиянга юборишларинг шартми? Судхона бир қадам! "КПЗ"дан қатнайвераман, жон укалар!

Ҳисобчи хотин яна тўполон кўтараётган эди. Ҳилола гап Абадиян турмаси ҳақида экани учун сергак торгди. Охир-оқибат турмага жўнатадиган бўлишибди-да.

— Э, гапни кўпайтирманг! — бақирди ходим. — Судга ўша ёқдан опкелишади, деб минг марта айтишди-ку, сизга!

— Борсам олти ойлаб қолиб кетаман! Лаънатлар бўлсин Абадиян турмасига! Эшитмаганманми у ердаги аҳволни?! Кўра-била туриб ўзимни дўзахга ташлайманми?! Менга ўхшаган опаларинг бордир, амма-холаларинг бордир?

Ходимлардан бири бошлиқни чақирди.

— Насиба, бу нима томоша?! — бақирди ёши катта эркак. — Қандай қилиб сизни "КПЗ"да олиб қоламан? Судгача турмага боришингиз шарт! Бу ерда бир кун тугул, бир соат ҳам қолмайсиз! Туманда сизни кўпчи-

лик, мана шу йигитлар ҳам яхши танишади. Банкка кимларнинг иши тушмаган?! Насиба бухгалтер турмага бормайман, деб йиғлабди, деган гап керакми сизга? Ўзингизни шарманда қилмасдан индамай чиқинг машинага! Қўлларингизни қайириб, судрашларини хоҳлайсизми?

— Бошимга етдиларинг, — деди ҳисобчи хотин бўшашиб. — Майли! Менинг ҳам Худойим бордир... Умримнинг охиригача Абадиян турмасини ҳам, мени у ерга тиқиб қўйганларни ҳам қарғаб ўтаман.

Бу воқеанинг эртасига олтинчи камера эшиги очилди. Жамолани кўриб, Ҳилола севиниб кетди. Гоҳида тунд қиёфага кирса-да, шу аёл яхши эди.

— Нарсаларингизни йиғиштиринг, — деди конвойчи. — "Стаканчик"да Абадиянга кетасиз. Эҳтимол, кейинги ҳафта биринчи судингиз бўп қолар.

Ҳилоланинг вужудига титроқ ёйилиб, юраги гуп-гуп ура бошлади. Кийимларини йиғиштираётиб, нечундир ҳолсизланди. Чуқурроқ нафас олди. Бўғзидан ҳаво ҳам титраб чиқди. Тушларида-ю ўнгларида юракка қўрқинч солган ҳайбатли қамоқхона кутмоқда эди уни. "Ўзинг паноҳингда асра..." — нола қилди ичида.

Абадиянга бугун жўнатилаётганлар орасида хотин-қизлардан фақат Ҳилола эди. Соқоли қиртишланмаган, заҳил юзли, давангирдай икки маҳбусни кўрган қизнинг ҳилвираб қолган юрагидаги сўнгги чўғ ҳам сўнди.

— Сув беринг, опа... — тилини зўрга қимирлатди Ҳилола. — Бошим айланаяпти...

Ҳожатхонага киришга, юз-қўлни ювиб, сув ичиб олишга рухсат берилди. Конвой машинасида юз чақиримлик йўл босиб ўтиларди, йўлда тўхташ тақиқланганди. Августнинг димиқ, жазирама куни бошлангани эрталабки об-ҳаводан ҳам маълум эди.

Ҳибсхонадан яна бир одамни — Бўронгул юрист келган кунда йўлакда учраган қаримсиқ маҳбусни ҳам

чиқаришди. Машинанинг катта бўлмасини эркаклар эгаллади. Қаримсиқ маҳбус "Мен Худодан турмага тушмасликни бир умр сўраб яшадим, бари бефойда бўлди", деди.

Конвой бўлмаси рўпарасидаги иккита хонача пастак ва тор эди. Ҳар бир ички ишлар бўлимида, табиийки, эркак маҳбуслар кўпчиликни ташкил этардилар. Шунинг учун аксарият ҳолларда тор хонача бирор аёл жиноятчига насиб қиларди. Маҳбуслар бу хоначаларни "стаканча" деб аташарди. Ҳилола кириб ўтирди-да, Жамола айтган "стаканча"нинг борлигига шукр қилди. "Эркаклар билан бир хонада кетишга мажбурлашмади, шунисиғаям шукр".

Машина оғир қўзғалди. Дарвозадан чиқишди, ташқарида бир аёлнинг увиллаган йиғиси, машинани қафтлари билан устма-уст ургани эшитилди.

— Аям! — Ҳилоланинг миясида чақин чақди.

— Тергови тугаса учрашасан, дегандинглар, қаёққа олиб кетаяпсанлар қизгинамни?! — зор қақшади онаизор. — Йигирмага кирмай сўлган гулим Ҳилолажоним! Орзуларинг шумиди-я жигарбандим! Қандай кунларга қолдинг-а, қандай кунларга! Ароқ ичиб, гулдай қизларимга тегинган тўнғизни мен ўлдирсам, мен қамалсам бўлмасмиди!..

Машина бурилиб, мотори кучаниб, тезлиги ошди. Она фарёди чоҳ тубига қулаган кишиникидек секин тинди. Ҳилоланинг нафаси қисди. Ўзини чалғитиш учун бошини осилтириб бармоқларини ёғжимлади. "Кучли бўлишим керак... Кучли бўлишим шарт..." — қанчалар ўзини тутишга уринмасин, йиғлади маҳбуса.

Конвой таркиби бугун Жамола ва бир эркак ходимдан иборат эди. Улар ёш қизга ачинишяптими, аҳволи-руҳиясидан хавотирланишяптими, йўл бўйи тез-тез маънодор-маънодор қараб қўйишди. Бир соатдан ортиқ йўл юришган эса-да, Ҳилола бошини кўтармади. Йўлда филдираклар тўрт-беш марта асфальт ўйиқлари-

га тушиб, машина лўкиллаб кетди. Одам ҳар силтанганида, яхши кунлардан илинжи шунчалик кўп тўкиларди. Абадиян турмаси жойлашган туман марказидаги кўчаларда ҳам икки-уч маротаба кескин тормозланиб, маҳбуслар норози тўнғилладилар. Айниқса, қаримсиқ маҳбус: "Қамоққа етмай жонимга қасд қилишади булар", деб ўн мартача такрорлади.

Катта кўчадан турма дарвозасига бурилиш чоғида ҳақиқатан ҳалокат содир бўлди: ўтин ортган "Газ-53" ҳайдовчиси йўл ўртасидаги арчалар панасидан маҳбус ташувчи машина оҳиста бош чиқарганини кўрди. Аммо ўтинчилар орган машинаси бизни ўтказиб юборади, деган хаёлга боришди шекилли, тезликни пасайтирмадилар. Оралиқ масофа шу қадар тез ғойиб бўлдики... Конвой машинаси ногоҳон даҳшатли қарсиллаб, гўёки ўн қадам нарига учиб тушди. Ҳилола "стаканча"нинг металл қопламали деворига коптокдек урилди. Кўзидан сачраган учқунни яққол кўрди. Назарида, гумбурлаш, қулаш ва асфальтда судралиш узоқ давом этди. Биров бир маромда қичқираяпти... Йўқ, биров эмас, унинг ўзи экан. Бошини чангаллаб, ихтиёрсиз равишда дод солаётган эди.

Тевада қопқоқ очилди, аллаким "Туроласанми? Қўлингни бер!" деб хитоб қилди. Ҳилола ҳеч вақога тушунмай юқорига қаради. Эшик очилиб, милиция кийимидаги эркак билакларидан тутиб, "стаканча"дан тортиб олди. Билдики, машина чап ёнига ағанаган, ходимлар уни темир қути ичидан қутқаришмоқда. Бироқ машинадан маҳбусларни суғуриб олиш осон эмасди. Гўё фургон зиндонга, эшиклар қопқоққа айланган эди.

— Қизни чиқардинглар, бўлди! — бақирди кимдир. — Машинани ўнглаймиз, эркакларни кейин чиқарамиз. Ана, солдатлар ҳам келаяпти. Тросни боғланглар! Эй, тракторингни ҳайдасанг-чи!

— Бу рейснинг оёғи оғир келди, — деди конвой машинаси ҳайдовчиси дастрўмолини кўзига босиб. — Бурним

синмади, шукр. Турмага етдик, деганимизда... "Газ-53", аҳмоқ, қанотсиз самолёт! Бортидаги ўтин билан ҳам "юз"га босадими?

— Ичкарида қолганлардан ҳеч қайсиниси жиддий жа-роҳат олмаган бўлса, темир ҳеч нарса эмас, топилади, — тинчлантиришга уринди конвойчи. — Третьяковдаги ўзимизнинг ички ишлар органлари гаражига ташлаб келсак, бир ҳафтада тузатиб беришади. Ўтган ҳафта уч марта умбалоқ ошиб тушган пагрул машинасини таъмирлашди.

— Ҳой! — бақирди ичкаридан бир маҳбус. — Чол ҳушидан кетди! Ўладиган ҳоли бор! Авария учун менга икки юз грамм "Реал"дан қуйиб бермасаларинг, ўзимни осаман! Эшитаяпсизларми? Авария учун ҳамманг жавоб берасан! Одам опкетаяпсан, ўтин эмас!

— Ўчир овозингни! — койиди конвойчи. — Ўтин олиб кетаётганлар ҳам сенга ўхшайди! Насиб қилса, битта камерада ўтирасан!

Ҳилола тумшуги пачоқланган "Газ-53" машинаси-ни, сочилиб ётган ўтишларни, ярасини боғлатаётган одамларни кўрди. Атрофда милиция ходимлари, ҳарбий формадаги кишилар, оддий йўловчилар кўп эди. Маҳбус ташувчи машинага ҳам бошдан-охир қалтираб-қалтираб қаради. Филдираклари кутарилаётган машинанинг орқадаги ўнг бурчаги мажақланиб кетганди. Жаҳл билан сўкинаётган Жамоланинг ёнидан Ҳилола-ни олиб ўтишаётганида:

— Қашқа бўпсиз-ку, — деди у. — Аҳволингиз тузукми?

— Опа... — дея олди Ҳилола зорланиб.

Бироқ ҳурлиқо қизнинг тақдирига битилган Абадиян турмаси ўз эшиklarини ғийқиллатиб очган қора фасл келганди. Ҳилола оёқларининг қалтироғи босилмаётгани учун юролмагач, бедапоя четидаги баланд уватга ўтиришга рухсат беришди.

— Бир ирим бор, — деди томошаталаб йўловчилардан биттаси шанғи овозда. — Турмага ёқмайдиган маҳбус

келаётса, йўлда бирор кор-ҳол бўлармиш. Бу машинада ҳам турма хоҳламаётган кимдир бор.

— Йўғ-е, шунақа ирим бор эканми? — сўради шериги.

— Ким билибди, эшитганимни айтаяпман-да, ука.

— Гапингиз рост бўлса, мана шу машинадаги қайсидир маҳбусни турма хоҳламаётган экан-да?

"Чол ўлибди" деган овоза эшитилди. Ҳилола қаримсиқ маҳбуснинг қонга беланиб ўлганидан мутаассир бўлиб, янада кучли қалтирай бошлади. Ҳозиргина тиррик эди, энди у йўқ, абадий йўқ.

— Ажали етган, — деди шанғи овоз. — Турма ёқтирмаган маҳбус бу одам эмас. Нимагаки, йўлда ўлса, "турма одами" ҳисобланмайди. — Фуқаролар Ҳилолага ўғринча қараб олишди. — "Турма одами" йўлда ҳар хил қийинчиликларга, тўсиқларга учрайди, лекин ўлмайди, бир амаллаб турмага етиб олади. Ҳаёт жумбоқларга тўла-я, ука?

— Худо бошга солмасин бунақа жумбоқни.

Милиция ходимлари йўловчиларга тарқалишни буюришди.

— Кетдик, — деди шанғи овоз, — қамоқнинг яқинида туришни ҳам кўргилик қилмасин.

Ходимлардан бири аскарча сувдонни узатди, Ҳилола сув ичди. Онаси ўргатган калималар ёдига тушиб, пичирлади. Оз бўлса-да, ўзига келди. Ҳамон титроғини босолмай, секин ўгирилди. Мана, атиги эллик-олтмиш қадам нарида, кичик бедапояда ўсган калта бўйли беҳи, гилос, олма каби мевали дарахтлар ортида мисоли бир қалъа турибди. Қоядек деворларни, чувалашган тиканли симларни, бўёқлари кўчган совуқ минораларни кўриб ичи музлади. "Аварияда бир умрлик мажруҳ бўлиб, умрим шифохонада ўтса ҳам майли эди", деган хаёл ичини тирнаб юборди.

— Буларнинг ҳужжатларини кабинадан олинглар, — амр этди бир ходим. — Маҳбусани нега бу ерда ушлаб турибсан?! Қани, бўлинглар!

Шу заҳотиёқ Ҳилоланинг икки томонидан икки ходим етаклаб, бедапояга тушишди-да, мевали дарахтлар оралигидан оёғини ерга гоҳ теккизиб, гоҳ теккизмай сургаб кетишди (турма дарвозаси рўпарасигача катта йўл бўйлаб юришни истамадилар). Кўчада конвой машинасини уриб ағдаришганидан турма қўриқчилари хабар топган он уюшган жиноятчилар ҳужуми деган хаёлга ҳам борганмиканлар, эшик олдида автоматли аскарлар кўринди.

— Ёрдам керакмасми? — кулди аскарлар олдидаги ходим.

— "Автозак"нинг ичида биттаси ўлди, иш расво, — дейишди унга.

— Аёлми?

— Эркак.

— Юзим қонаяпти, ака, — Ҳилола бир чимдим меҳр истади.

— Гапирма, — билагини қисди ўнг томондаги ходим. — Сенга гапиришга рухсат беришмаган, юм оғзингни!

— Қўрқма, ўлмайсан, — енгил силтади иккинчиси.

Ҳилола қамоққа олинганидан буён туман ички ишлар ходимларини таниб қолганди. Бу ерда эса ўн чандон бемеҳр, қўпол, етти ёт бегона ходимларнинг қўлига тушганидан хўрлиги келди. Энди қандай яшайди?

— Қилғиликни қилиб қўйиб йиғлайди бунақалар, — деди силтаган ходим бир оз юмшаб. — Авариядан ўлманингга шукр қилмайсанми?

— Турма пештоқига "Дўзахга хуш келибсан!" деб ёзиб қўйганини билса, ўлганим яхшийди, деб ич-этини ейди!

Турма дарвозахонасидаги дастлабки постга ўрнатилган филдираксимон тўсиқдан ўтишгач, чапга бурилиб, кичик асфальт майдончада тўхташди. Турма ходимларидан бири — шкафдай эркак келиб, Ҳилолани улардан олдида, майдонча тўридаги кенг хонага киритди.

— Ҳужжатингни келтирилгунча шу ерда тур, — деди дўқ уриб.

Ҳилола стулга ўтирмоқчи эди, қўлини бигиз қилди.

— Ким ўтир деди?! Катта холангнинг уйига келганинг йўқ. Тик тур! Нима, "КПЗ"ингда ўргатишмадими?

— Кечирасиз...

— Сенга гапираяпман! Ким ўтир, деди? А?!

— Бошим айланаяпти, — кўз ёшларини артди Ҳилола.

Ходим эшик олдида икки-уч дақиқа жим турди. Сўнг:

— Ҳа, майли, ўтира қол, ичингда қарғаяпсан, биз ҳам одаммиз, — деди-да, панжарали дераза раҳидаги эски латтани узатди. — Пешонангдаги қонни артиб ташла. Сал шилинибди, жин ҳам урмайди.

Ҳилола бу латтадан ирганса-да, қонни артди. Кейин латтани қўлида эрмак қилиб, бошини эгиб ўтирди. Минг марта ўйлаган ўша Абадиян турмасига шу тариқа кириб келиб, айни дамда ичкарида, хизматчилар хонасида ўтирарди. Хона сарғиш стол-стуллар, шкафлар, темир қутилар билан жиҳозланганди. Бир тарафда турманинг ичкарисига элтувчи яшил эшик бор эди. Столлар устида алюмин кружка, чойнак, кулдон (ундаги сигарета қолдигидан тутун ўрламоқда эди), ҳар хил қоғозлар кўзга ташланарди.

— Нима қилгансан? — деб сўради ходим асфальт майдончага дарвозадан кириб келадиган бошқа маҳбусларни кутаркан. — А?

Ҳилола бошини кутарган эди, эркак еб қўйгудек тикилганига шоҳид бўлди. Ўша нигоҳ, ўша маъно! Наҳотки, то қамоқдан чиққунча, йиллар мобайнида турма эркаклари унга Ўрта асрлардаги қул бозорида сотиладиган чўри қизларга қарагандек қарашса?

— Ҳужжатимга ёзилган... — деди маҳбуса.

— Ҳужжатиנג "автозак"да сочилиб ётибди, ҳозир опкелишади. Шунгача гапирмайсанми?

— Бизни терговхонага киритиб, ундан кейин тиббий текшириб...

— Турмушга чиққанмисан? — тажанглиги ошди ходимнинг.

— Мени тергашга ҳаққингиз борми? Ким бўлиб ишлайсиз? — деди Ҳилола. — Умуман... Майлими сизга гапирмасам?

— Юзимга тупураяпсанми?! Сендан айни бировга хотин бўладиган... айни гуллаган, гуллатадиган даврингда нима учун "СИ-10"га келдинг, деб сўраяпман!

— Мен... ўзимни, опамни ҳимоя қилгандим...

— Одам ўлдирдингми, наша сотдингми, товламачилик қилдингми? — бир қадам ташлади ходим.

— Ўзимни ҳимоя қилдим, деяпман-ку, — Ҳилола турма ходимининг фаросатсизлигидан аччиқланди.

— Қотилликми?

— Ҳа.

— Сен-а? — лабини бурди ходим. — Бировнинг бошига етдим, дегин!

— Нега қўпол муомала қиласиз? Мен одамман.

— Одамсан албатта, ким одам эмассан деяпти?.. — Турма ходими тиши орасидаги овқат қолдиғини тили билан тозалаган эди, хонага "чирт" этган овоз ёйилди. — Ҳа, яхши. Мендан хафа бўлма, бир ҳазиллашай, дедим-да... Кел, бошлиқлар киргунча сени чой билан меҳмон қиламан. Одам ўлдирган экансан, демак, сени турманинг энг ичкари блокига ташлашади. У ерда чойни тушингда ҳам кўрмаслигинг мумкин. Чой берсанг, чифирь қилишади, ярамаслар. Шунақа "кашфиётчи" хотинларни кўрасанки... Айтгандай, қариндошларинг кимлар? Яъни орқаси бақувват хешлардан борми?

У чойнакдан чой қуяётганда, яшил эшик очилиб, йигирма беш ёшлардаги барно йигит челак ва пол латта кўтариб кирди. Жинси шимига, оқ кроссовкасига, ёзувли футболкасига асло ярашмасди қўлидагилар.

— Ўразқулов, бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди ходим.

— Эрталаб ошхона канализациясидаги қувур ёрилди-ку, шунинг учун Ўктам ака ошхонадан эмас, ҳаммомдан сув ташиб, "етти" билан "саккиз"нинг полини

юв, деганди, ҳаммасини ювиб чиқдим. — Йигит гапираётиб, Ҳилолага қизиқсиниб тикилди.

— Бор, уша ёққа йўқол, бу томонга ўтма! — деди ходим.

— Хўп, хўп... — йигит эшикни ёпаётиб, сўради: — Ризо ака, кўчада "Автозак" авария бўлибди деб эшитдим. Одам ўлмадими?

— Сенга даф бўл, дедим! Маҳмадоналигинг бошингга этади, ўғривачча!

— "Вор закон"га ўйлаб гапиринг, ака! — тиржайди йигит.

— Ўв, бу ёққа кел! Уриб ўлдираман ҳозир!

— Бўлди, ака, мен кетдим! — йигит кўздан йўқолди.

Ҳилола шўхчан, қув йигитга ҳайрон бўлиб қаради. Нега бу йигит бемалол хоналар оралаб пол ювиб юриб, турма ходимлари билан ҳазиллашаяпти? Даҳшатли Абадиян турмаси шуми? На фаррошга, на маҳбусга ўхшайди.

Ташқарида, асфальт майдончада гала-ғовур кучайди. Ходим эшикни очган эди, майдончадаги катталардан бири ўшқириб берди:

— Икки давангирдай эркак нега қизни бедапояда "чекист"ларга ўхшаб олиб юрибсанлар? Кўчада қанча одам қараб турибди? Мия борми сенларда?

— Мен эмас, анавилар олиб киришди.

— Сенлар билан кейин гаплашаман! — ўзини босиб ололмади катта. — Маҳбус қиз қани?

— Мана! — эшик олдидаги ходим Ҳилолани қўли билан кўрсатди.

— "Перрон"га олиб киринглар. Оғир жароҳати йўқми?

— Ҳеч нарса қилмаган. Кўзи кўкариб, чаккаси қашқа бўлган. Бир-икки томчи қон оққан экан, тўхтади.

Туман ички ишлар бўлимнинг конвойидаги йигитларни таниган Ҳилоланинг кўнгли хийла хотиржам тортди. Жамола ҳам келди.

Ҳаммалари темир эшиклардан, панжаралардан ўтиш-

ди. Зинадан чиқиб, тош йўлакдан юришди. Ходимлар маҳбусларнинг ҳужжатлари тахт қилинган папкаларини қўлтиқларига қистириб олишганди. Йўлаклар файзсиз, панжаралар хосиятсиз эди. Оёқлар тагида мунгли қадам саслари янграб, деворларга сачрарди гўё. Йўлакдаги деразадан турманинг ички ҳовлиси кўринди: тўрт қаватли фиштли биноларнинг қават-қават панжаралар ўрнатилган деразалари, пештоқлардан бўртиб чиққан оқ сандиқ фиштлар, ту누ка томга чўзилган тарнов қувурлари, бинолар туташган жойдаги "Г" шаклидаги ташқи бурчакка пойдевордан томгача қоқилган тиканли симлар — барчаси юрак эзар манзара эди. "Одам зотини ҳам шу қадар оғир тошлар, қалин темир панжаралару ғовлаб кетган тиканли симлар ортидаги биноларда асрар экан-да, ё алҳазар", деб юборади киши.

— Сизни ҳам, ниҳоят, турмага топшираяпмиз, — деди Жамола Ҳилоланинг бармоқ учларидан дўстона ушлаб қўяркан. — Бу ернинг қонунлари жуда қаттиқ. Қонун-қоидаларни бузишни хаёлингизга ҳам келтирманг, шахсий варақангизга "минус" тушса, ёмон, жуда ёмон. Битта гапни айтиб қўяй. Зинҳор-базинҳор карцерга ёки махсус блокка қамашларигача олиб борманг вазиятни. Туполон қилганларни, турли найранг ишлатмоқчи бўлганларни камерасидан чиқариб, шу бинонинг тагидаги карцерларга, махсус блокларга ташлашади. У ёқдан одам бўлиб чиқмайсиз, тушундингизми?

— Тушундим, опа.

— Агар "район"га тергов ёки судга чақиришса, балки сизни олиб кетиш учун конвойда ўзим келарман.

Ҳилола йиғлаб юбормаслик учун лабларини қимтиб, бош силкиди. Тез орада улар хайрлашишди. Турма ходими бўлмиш формали эркак Ҳилолани йўлакнинг нариги бошига олиб бориб, бинонинг бошқа қанотига ўтказди. Худди тушидагидек орқада нечача қулфланган эшиклар қолди. Милиция формасидаги басавлат хотин турган экан, у қабул қилиб

олди-да, қандайдир хона эшигини очди. Ҳилола остона ҳатлади-ю вужудини бир зумлик ҳайрат чулғади. Бу хонада ўн-ўн беш чоғли хотин-қиз ўтирарди. Ҳатто, бири ҳомиладор эди. Улар Ҳилолага бошдан-оёқ кўз югуртиришди. Ҳилола "Нега мени маҳбусларни кўришга келганлар хонасига чиқариб қўйишди?" деб ҳам ўйлади. Бироқ панжарали деразага, орқадан кулфланган темир эшикка, ичкаридаги соқчи хотинларга, хона аҳлининг мунғайиб, қўнишиб, қўрқиб ўтиришларига сер солди-ю фаҳмлади: булар бошқа туманлардан, шаҳарлардан бугун юборилган маҳбусалар эди.

— Қаққайма! — деди хўппасемиз маҳбуса хотин Ҳилолага. — Утир! Қўрмаяпсанми бўш жойни?

— Гапирилмасин! — бақирди соқчи аёл. — Сиз гапга тушунмайсизми?

— Тушунаман, — қовоғи баттар осилиб тушди семиз маҳбусанинг. — Ёшгина қуёнча биринчи қамалишими дейман, ўтирадиган жой ҳам тополмай турганига раҳим келди. Бўлмаса, нима ишим бор?! Ўлиб кетмайдими?.. Э, бунақа қизларнинг қанчасини кўрганман! Ҳали қиз бола-да! Ўзларини романтик тутишади. Эртан эркакнинг ҳидига бир ўрганишса, менга ўхшаганларни "қўшмачи" деб қаматишни билишади, холос. Ҳе ўргилдим...

Ҳилола жой ахтариб, хиёл бурилган эди, ўнг кўзи кўкаргани, пешонасида қонли жароҳат борлиги кўринди. Барча маҳбусаларнинг, шунингдек, семиз шаллақининг ҳам кайфи учиб кетди.

— Саксон биринчи статья...

— Бир йигитни ваҳшийларча ўлдирган эмиш...

— Ювош кўрингани билан бу қиз "маньячка" экан, — каби шивир-шивирлар оралаб қолди. Ҳилола бир четда ўтириб, полдан кўз узолмасди. Афтидан, қамалган хотинларнинг назарида, у қонхўр жиноятчи эди.

— Менга қаранглар, — деди хонага кириб келган эр-

как. — Бугун кечқурунгача ҳаммангиз терговдан, тиббий текширувдан ўтасиз. Тушлик шу ерда қилинади. Кечқурун, балки соат бешгача ҳар ким ўз блокига, ўз камерасига кузатиб қўйилади. Турманинг қоидалари билан ҳам таништирамиз. Тартиб сақланглар! Тергов ёки тиббий текширув чоғида ўзларингни муниса аёлдай, рисоладаги фуқародай тутинглар! Ўзларингга осон бўлади, тушундиларингми?

Маҳбусалар "Ҳа, тушундик" дея бошларини қимирлатишди. Ҳилола хотин-қизларни кузата туриб, нариги чеккада турган маҳбусанинг қонсиз юзини кўрди-ю кўзларига ишонмай, яна бир марта яхшилаб тикилди. Эти жимирлаб кетди.

— Ну... Нурия опам... — ўкириб юбораёзди у.

Бироқ касалнинг хириллашига, телбанинг инграшига ўхшаб қолди овози. Ҳилола турмада жамики бахтиқароликни кутган эди, аммо Нурия опасини учратишни хаёлига келтирмаганди. Миясида икки қарама-қарши ўй бир неча сонияда минг марта алмашди: "Бу Нурия опам! Йўқ, адашдим!.. Ҳа, у Нурия опам! Йўқ, бошқа!.."

— Тухта! — Соқчининг буйруғи янгради.

Ҳилола ўзи ҳам англамаган ҳолда хотин-қизлар орасини ёриб ўтди. Туртиб юборилган маҳбусалардан бири кўрққанидан "Вой, опажон!" деб қичқирди, иккинчиси мувозанатни сақлаш учун ёнидаги семиз хотинга оғирлигини ташлади: улар полни дупурлатиб, йиқилмоқдан бери бўлишди.

Лаҳзанинг бир бўлаги ўтди. Соқчи аёл эгнидан маҳкам ушлагунча, Ҳилола ҳалиги қизга етди. Қиз кутилмаган ҳужумдан довдираб, кўзларини катта-катта очди; гавдасини хиёл ортга ташлаб, "Ўлдирма!" деб ялинган қурбон сингари жавдиради. Ҳилоланинг мияси садо берди: "Бу бошқа!.. Бу бошқа!.. Қўйворсанг-чи!"

Соқчи аёл эркакларникидан қолишмайдиган кучини ишга солган эди, Ҳилола ортига силтаниб, деворга суяниб қолди.

– Опам эмас...

– Нима қилаяпсан?! – ўшқирди соқчи резина таёқни кўтариб.

– Опам эмас... опам эмас... – такрорлади Ҳилола.

У соқчига эмас, яна ўша қизга кўз тикди. Икковининг ҳам қароқларида даҳшат қотиб қолган эди. Ҳилола "Опамга шунчалик ҳам ўхшайдими? Хайрият, бошқа экан!.." дерди.

Соқчилар калтаклашмади, аммо зудлик билан қўшни хонага – яланғоч камерага қамаб қўйишди. Ҳилола не воқеа содир бўлганига тушунолмай бошини чангаллаб, полга ўтирди. Кўчадагилар айтган "турма одами" ўзимикан? Инон-ихтиёридан ташқари воқеалар содир бўлаверадими? Бунақада жиннига айланмайдими?

Ўттиз-қирқ дақиқалардан сўнг эшик очилиб, йўлакка чиқаришди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, Ҳилолага турма бошлиғи қизиқиб қолганини айтишди. Терговчилардан ҳам олдин ўзи суҳбатлашар экан. Дори анқиб турган салқин хоначада ҳамшира жароҳатига малҳам қўйгач, турма бошлиғи ўтирган тергов хонасига олиб киришди.

– Жароҳат безовта қилмаяптими? – сўради столчи-роқни ёқиб, хужжатларни текшираётган бошлиқ. У, чамаси, қирқ ёшлардан ошган, чакка сочига оқ оралаган, қорачадан келган чўзиқ юзли, жиддий одам эди. Ўзбек эканлиги кўриниб турса-да, қирра бурни, косасига чўккан укки кўзлари кўпроқ европаликларни эслатарди.

Ҳилола жим эди. Тақдирнинг амалдорлар эгаллаган шахмат тахтасида унинг учун музаффарликка йўл кўринмасди. Қачон шахматнинг оқ-қора катакларидан ўзига юриш топади-ю озодликка чиқади, ақли етмасди. Мана, рўпарасида навбатдаги қора фарзин бўй кўрсатиб турибди.

– Сиздан сўраяпман?

– Йўқ... безовта қилмаяпти... – секин бош кўтарди Ҳилола.

— Сиз ҳақингизда ҳамма маълумот ёзилган ҳужжатлар қўлимда. Танишиб чиқдим... Хўш... суд қилиниб, аёллар колониясига юборилгунингизча шу ерда — турмамизда бир неча ой, узоғи билан ярим йилча яшайсиз. Яъни "сақланасиз" демоқчиман. Билмайман, балки суд оқлаб юборса, "СИ-Бир"дан уйингизга қайтиб кетарсиз. Ёш қиз экансиз, яхши ният қилайлик, тўғрими?

— Қанақа Сибирь?... — ютинди қиз қўрқа-писа.

— "СИ-Бир"ни тушунмадингиз шекилли?

— Ҳа.

— Эски номи "СИ-Бир" эди, — турма бошлиғи ҳафсаласизликдан эринаётганга ўхшарди. — Ўзбекча айтганда, "ТИ-Бир". "Тергов изолятори-номер бир" деган номнинг қисқартма оти. Энди тушунарлими?

— Тушунарли, — бош силкиди Ҳилола. Бошлиқнинг мулойимлиги ортида қаҳр пусиниб ётганини кўнгли сезди.

— Ёшим нечада?

— Ўн тўққизда... — деди Ҳилола. Кейин йигирма ёшлиларни катталарнинг қамоқхонасига ўтказишларини эслаб, қўшиб қўйди: — Яқинда йигирмага кираман.

Турма бошлиғининг бир туки қилт этмаса-да, овозига қувноқ оҳанг қоришди:

— Кечирасиз, менинг ёшим нечада деб сўрадим. Ҳали айтганимдек, сиз ҳақингиздаги барча маълумот қўлимда турибди, нечага кирганингиз менга аллақачон маълум.

— Ўзингизнинг ёшингизни сўраяпсизми?

— Ҳа, қулоғим сизда.

— Билмасам... — Ҳилола хонадаги турма ходимларига кўз югуртирди. Уларнинг қовоқлари солинганини кўриб, ёвузлик булути тўпланаётганидан ҳадиксиради. Шахсан турма бошлиғи нега қизиқиб қолди экан? Бошқаларга ўхшаб ҳар доимгидек оддий тергов, оддий тиббий текширув билан турмага қамашса бўлмасми-кан?

— Қўрқманг, — деди турма бошлиғи. — Нега қўрқасиз? Сизни биров хафа қиляптими? Ҳатто, ўзим кутиб олиб, сизлаб гапираётган бўлсам.

- Қирқ бешда бўлса керак.
- Сиздан неча ёш каттаман?
- Йигирма... беш...
- Сиз учун кимман?

Ҳилола бармоқ учларини ўйнади. Қаршисидаги одамга тик қараш оғир эди.

- Гапиринг.
- Шу турманинг каттасисиз.
- Маҳбусани турма бошлиғининг ўзи тергов қилиб, ҳужжатларини текшириб, синчиклаб қабул қилишини эшитганмисиз?

- Йўқ.
- Киноларда кўрганмисиз?
- Йўқ.

Орага сукут чўкди. Турма бошлиғи қоғозларни варақлаб, ҳар замон бош чайқаб, танглайини тақиллатиб қўярди. Кейин бир маромда сўзлай бошлади:

— Шўролар даврида бу бинода аскарлар яшаган. Хукуматга кўплаб қамоқхоналар керак бўлиб қолгач, турмага айлантиришган. Ўша кезлари маҳбуслар аянчли ҳаёт кечиришган. Турма нақ ажалнинг уяси бўлган. Қанча-қанча қамалганларнинг арвоҳлари кезиб юргандир, эҳтимол. Кейинчалик вилоят тергов изоляторига айлантиришди. Муҳими, биз турмани балои батталардан тозаладик. Татиуровка қилиш, муштлашиш, "паханизм", бир-бирига жинсий тажовуз қилиш каби иллатлар йўқотилди. Тартиб-интизом, тартиб-интизом, тартиб интизом! Бундан ташқари, мабодо келгусида бинони тарихий ёдгорлик қилишмаса, яна ислоҳот ўтказамиз. Камераларга телевизорлар қўйилади, деразалар катталаштирилади, панжараларнинг бир қавакти олиб ташланиб, қолганлари ингичкалаштирилади. Турманинг колониядан катта фарқи бор. Колонияда-

гилар жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, ҳарқалай, ҳаёт тарзи турманикидан яхши... эркинроқ демоқчиман. Завод, фабрикаларда ишлашади, хуллас, битта озодлик йўқ, холос. Бизда эса судгача бир-икки ой ётадиганлар талайгина. Улар ҳам, колонияга кетадиганлар ҳам Абадиян турмасида ўтган кунлари мобайнида тарбияланиш ўрнига вос-вос бўлиб қолишлари кимга керак? Турма жиноятчилардан қасос олинадиган мусассаса эмас, тарбия макони бўлиши шарт. Туйнуги тор тош камералар соғ одамни ҳам жинни қилади-да... Сўкинишни қойиллатасизми?

— Нимани?

— Сўкинишни.

— Мен... мен сўкинмайман.

— Ичмайсиз ҳам, чекмайсиз ҳам?

— Йўқ.

Ҳилола "Ахир, мен ўзбек қизиман", демоқчи эди, ҳарқолда одам ўлдиришда айблангани учун муқаддас жумлани тилга чиқаролмади.

— Турма аламдан ичишга, чекишга, сўкинишга бўлган мойилликни кучайтирмасин, дейман-да. Ахир, эртага эрга тегасиз, бола боқасиз, оналар эмасми бизнинг келажак тарбиячиларимиз?.. Айтгандай, аварияда миянгиз чайқалмадими, Ҳи... Ҳилола? Исмингиз Ҳилола экан... Бир жиянимнинг исми ҳам Ҳилола. Менга ёқади, чиройли исм... Мия чайқалишдан шикоят йўқ шекилли?

— Йўқ...

— Нега боя ўзингизга ўхшаш маҳбуса қизга ташландингиз?

Ҳилола турма бошлиғининг қошлари чимирилганини кўраман, деб хомтама бўлди. Тирик тош ҳайкал ҳамон ўзгармас қиёфада эди.

— Опамга ўхшатдим... Нурия опамни ҳам қамабдиларми, деб қўрқиб кетдим. Иккаламининг йўлимизни тўсишган. Опам айбсиз.

— Маҳбусани урмоқчи эмасмидингиз?

— Опам деб ўйлабман... Бошқа нарсани ўйлаганим йўқ...

— Ўзингизни идора қилолмай қолиш тез-тез бўп турадимми? Саволга рост жавоб беринг, чунки сиз билан дўстона гаплашаяпман.

— Йўқ.

— "Район"ингизда сизни ким тергов қилди? — яна қоғозга қаради турма бошлиғи.

— Чориев.

— Яхши одаммас. Менга ёқмайди. — Турма бошлиғи томоқ кирди. — Ҳамма айбларни дарҳол тан олган экан-сиз? Шундайми?

— Опамни ҳимоя қилиш учун мастни ургандим. Ўлсин, демаганман. Бир кун ўтиб, реанимацияда жон берди.

Турма бошлиғи шошилмасдан, айрим майда-чуйдаларгача сўрагач, сигарета тутатди.

— Ҳилола, — деди у оҳиста тутун пуркаб, — сизни шу бино "подвали"даги махсус блокка эмас, иккинчи қаватдаги, қуёш нури тушиб турадиган ўн икки кишилик камерага қамашларига буйруқ ёзаман. Одатда, сизга ўхшаб одам ўлдирганларни ер остидаги камерага тиқиб қўйишни жон-жон деб истайман. Бўрига айланиб қолган кимсалар қайта тарбиялангунча маълум бир қийинчиликлардан ўтиши керак. Худо ҳам дўзахни бекорга яратмаган. Ваҳшийлар яхши гапга бирдан тушунишмайди. Лекин сиз...

Турма бошлиғи жимиб қолган эди, Ҳилола яна бошини кўтарди. Кўз кўзга тушди.

— Лекин сиз ўта хавфли, қонхўр, томи кетган жиноятчига ўхшамаяпсиз. Ҳужжатингизда шунақа ёзилмагану, аммо йигитни ҳушидан кетганидан сўнг ҳам ураверганингиздан кўз юмолмайман-да. Кўп йил ишлаб, дийдам қотиб кетган. Шундай бўлса-да, сизга раҳмим келди. Шахсан ўзим суҳбатлашаман, дедим. "Мен ўзим-

ни ҳимоя қилганман", деб дод-фарёд қилганлар қанча! Мисол учун, сиз ҳам шундай дейсиз, аммо ўзини ҳимоя қилган одам бунчалик шафқатсизликка бормади. Отангиз қаториманми?

Ҳилола бош қимирлатди.

— Менга ишонасизми?

— Ишонаман.

Ҳилола турма бошлигининг кўзларидан қандай маънони уқишни билолмади. Тақдири шу одамга нақадар боғлиқлигидан эзилди. Гарчи кўпол муомала қилмаётган бўлса-да, ёқмаётган эди. Қанийди умри давомида учрамаса бу кас.

— Тартиб-интизомни бир марта бузсангиз, сизга шафқат йўқ, — деди турма бошлиғи. — Қабул бўлимида боя кўрсатган қилигингизни кечираман. Айни турмуш қурадиган ёшингизда, қиз бола бошингиз билан қамалиб кетаётганингизни, автоҳалокатга ҳам учраганингизни ҳисобга олдим.

— Майли...

— Мен ёки турманинг бошқа ходимлари нима деса, айтганини қиласиз. Тушундингизми?

Ҳилоланинг кўзлари ёшга тўла бошлади.

— Эшитмаяпман!

— Тушундим, — деди Ҳилола бўйнини қисиб.

— Камерада сиз билан бирга ётган аёлларнинг гап-сўзларини бизга етказасан, десак етказасиз. Келишдикми?

— Хўп.

— Жонлироқ!

— Ҳа, — деди Ҳилола баландроқ товушда. Юраги гуп-гуп ураркан, ҳақорат ва хўрлик ювиндисининг таъмини туйди.

Терговдан кейин ҳамма маҳбусаларни бирма-бир яна шифокор назоратидан ўтказишди. Бугун келганлар орасида турмуш қурмаган икки қиз бор эди: Ҳилола ва юз-кўзи Нурияга ўхшаш маҳбуса.

Пайт топиб, Ҳилола ундан узр сўради.

— Исмингиз нима? — шивирлади рангпар қизга.

— Мақсуда.

— Нега қамалгансиз?

— Эшик очиб берганман.

— Ўғриларгами?

— Йигитимга.

Ҳилола яна саволлар бермоқчи эди, кўриб қолишди-да, огоҳлантиришди. Жиноятни биргаликда содир этганлар у ёқда турсин, бир-бирини аввалдан танийдиганларни битта камерага қамамас эдилар. Ҳилола чекка тумандан, Мақсуда вилоят марказидан келтирилганди. Шу тобда Ҳилола шаллақи хотинлар билан эмас, шу қиз билан битта камерага тушишни хоҳлади.

9. УЧИНЧИ КАМЕРА МАҲБУСАЛАРИ

Ниҳоят, қуёш ботиш арафасида текширувлар якун топиб, маҳбусаларни турманинг аёллар блокига ўткази бошлашди. Абадиян турмасида ҳам жиноятчи хотин-қизлар камчиликни ташкил этарди. Уларга турманинг кунгай томонидаги эркаклар блокига ёнма-ён бинодан жой ажратишганди. Узоқ йўл, ҳалокат, тергов ва тиббий назорат Ҳилолани бутунлай ҳолдан тойдирди. Ҳозир камерага етиб олишдан, каравотга ўзини ташлаб, донг қотиб ухлашдан бошқасини ўйламасди. Майли, кечки овқатни ҳам емасин.

Тор зинапоядан иккинчи қаватга чиқишди. Эркак соқчилар гоҳ панжарали, гоҳ темир эшикларни очиб, ёпишаркан, Ҳилолага истеҳзоли нигоҳ ташлашарди. Иккинчи қаватнинг кўҳна йўлагидан бир оз юриб, ўнг-даги йўлакка бурилишди. Ҳилола йўлакнинг ўнг томонида олтига зим-замбил темир эшикларга кўзи тушди. "Камерамга ҳам етдим..." — деди ичида.

Оч яшил эшикка "3" рақами битилган эди.

— "Учинчи"да ётасиз, — деди аёл ходима. — Бошлиғи-

миз қиз болаларни ҳурмат қилишни қаттиқ тайинлаган, лекин бу "нозланиш мумкин экан", дегани эмас, қулоғингга қуйиб ол! Муаммо туғдирганларни аяб ўтирмайман.

Эшик қулфига калит солинди.

— Камерадошларинг оддий хотин-қизлар, — деди ходима. — "Шоқол" хотинларнинг камерасига тиқиб қўймаганимиз учун эрта-ю кеч бизни дуо қилиб ўтирасан.

Ҳилола учинчи камерадаги ўн иккинчи маҳбуса бўлди. "Кичик хона" деганларида олтита икки қаватли каравот бор эди: иккитаси ўнгда, иккитаси чапда, яна иккитаси тўрда, дераза тагида. Ўртада овқатланиш учун стол. Ҳилолага ҳожатхона ҳам, водопровод ҳам камера ичида, дейишганди. Ўнгдаги биринчи каравотнинг биринчи қавати уники эканини айтишгач, оҳиста чўкаркан, ҳожатхонанинг ёнигинасида ухлашини билди. Дарвоқе, эшикдан киришдаги ўнгда — эшиксиз ҳожатхона, чапда — ювиниш чаноғи. Саргайган чаноққа эски, кир жўмракдан сув томчиламоқда эди.

— Эй худойим-ей, — деди эшик ёпилгач, тепадаги бир хотин. — Балои қазодан ўзинг асра!

Шу кеча Ҳилола тошдек қотиб ухлади. Эрталаб камерадошлари орасида биттасини таниди: у Нурия орасига ўхшаш қиз — Мақсуда эди. Бошқалар эса шу ойда вилоятнинг турли томонларидан келтирилган хотинлар экан. Биров наша билан тушган, бири безорига пичоқ санчган. Муаллима опа кундошини уриб, майиб қилган бўлса, ҳамшира хотин муддати ўтган дорини укол қилиб икки болани ўлдириб қўйган. Касблар ҳам ҳар хил: шифокор, муаллима, кондуктор, ҳатто мурдашўй...

Нонуштадан сўнг Ҳилола Мақсудадан сўради:

— Йигитингиз нима қилган?

— Уй эгасини пичоқлаб ташлаган, — деди қиз ҳўрсиниб. — Мени эса қўнғироқ чалиб, алдаб эшик очтирган, деб қамашаяпти. Беш-олти йилга кетармишман.

Йигитим уни ўлдиришини билмаганман-ку, кўпга қамамаса кераг-а? Қайси қизга йигити фалончининг уйининг қўнғироғини босиб бер, "глазок"дан мени кўрса, эшикни очмайди, деса, кўнмайди? Кўнади. Агар йигитим "уни ўлдираман" деганида, ҳеч қачон кўнғироқни босмасдим. Юзма-юз гаплашиб оламан, холос, деган. Ишонганман унга! Ёмон ниятини билсам, уй эгасини огоҳлантириб, ўлимдан қутқармасмидим? Шуниси алам қилади... Худди тўхмат билан қамалаётганга ўхшайман... Бахтим ҳам ҳавога учди... Энди мени ким келин қилади...

— Йигитингиз уй эгасини ўлдираётганида қаерда эдингиз?

— Подъездда, — деди қиз. — Бир оздан сўнг чиқиб, "Кетдик, ичамиз", деди. Таксига ўтириб, ошхонага бордик. У ичди, мен сосискали макарон едим.

— Сиз нега у билан бунақа... юргансиз? — Ҳилола бир бетайин йигитнинг қулига айланган қиздан ижирғана бошлади. Йўқ, у Нурия опасига ўхшамайди. Ўхшаши ҳам мумкин эмас. Кўз алдамчи, дунё пайдо бўлгандан бери миллион-миллион кўз хато қилган.

Мақсуда гапиришга оғиз жуфтлаган эди, йўлакдан шовқин эшитилди.

— Текшириш бошланди, — деб хотинлар камерани тартибга сола бошлашди.

Кўп ўтмай учинчи камерага навбат келди.

— Кимнинг қандай гапи бор? — сўради турма бошлиғи текширув охирида.

— Нега мени уйдагиларим билан учраштиришмаяпти? — деди Ҳилола.

— Ким тақиқлаяпти сенга? — энсаси қотди турма бошлиғининг (бугун у сизламади). — Келсин, пастга тушиб гаплашасан. Фақат ойна ортидан, телефон орқали.

Турмадаги биринчи кеча уйқуси қаттиқ бўлгани босми, Ҳилоланинг қулоғига ҳеч қандай шовқин чалинмаган эди. Иккинчи кеча қаердандир эшитилган аёл

кулгисидан уйғонди. Ярим тун эди, қабристон суку-
нати. Ҳилола қулоғини динг қилган эди, сас турма де-
ворлари орасидан сизиб чиқаётганини билди. Ўрнидан
турди, эшикка яқинлашди. Шунда бу овоз кулги эмас-
лиги маълум бўлиб, тирноқ учидан сочигача музлаб
кетди.

— Нега турдинг, ўв? — каравотини гижирлатиб, бо-
шини кўтарди Сойгул деган хотин. У қабул бўлимидаги
катта хонада Ҳилола туртиб юборганда "опажон" деб
қичқирган чекка қишлоқлик муаллима эди. Ўтган бир
кун ичида билдики, "ўв" деб мурожаат қилиши ҳақорат
маъносидан эмас, "ҳой, синглим" дегани экан.

— Ўзим...

— Бир нимани эшитдинг-ов, сен қиз, — Сойгул хо-
тинларга ярашмаган чаққонлик билан каравотдан ту-
шиб, эшикка қулоқ тутди. Шух болаларга ўхшаб бур-
нини тортиб, кўзларини ўйнатди.

— Нима қилишаяпти? — юрак ҳовучлаб сўради Ҳи-
лола.

— Э, жим турсанг-чи, — шивирлади Сойгул. — Туғяп-
ти-ёв!

— Нима-а? — кўзлари қинидан чиқаёзди Ҳилоланинг.
Шартта бурилиб, каравотига ётди-да, бурканиб олди.
Тўшак тагидан унинг бўғиқ овози келди: — Бу ер қа-
моқхона эмас... қамоқхона эмас... Жиннихона!

Тўрдаги каравотдан Шокира деган ҳамшира хотин
тушиб, ўртадаги стол оралиғидан ёнламасига ўтди-да,
чаноққа яқинлашди.

— Муаллима, жойингга ёт, — деди у Сойгулга. — Пой-
лаётганингни билишса, карцерга ташлашади. Бигта адёл
учун нима деса, тайёр бўлиб қоласан. — У Ҳилолага ажаб-
ланиб қараб қўйди-да, пичинг қилди: — Нега алаҳсираяп-
ти? Ишқилиб, тутиб қолмайдими? Ҳаммамизни чавақлаб
ташламасин! Қўрқиш керак, қўрқиш керак.

— Нариги камерадами, йўлакдами, бир хотин роса
томоша қўйяпти, — деди Сойгул.

Шокира жўмрак оғзига қафт тутиб, қулоқ солган бўлди-да, қўл юва бошлади. Сўнг ютоқиб сув ичгач, деди:

— Қўшни камерада гиёҳванд, фоҳиша, қаланғи-қасанғи хотинлар ётибди. Айримларининг турқлари ойдек, лекин одаммас. Нашанинг дарди тутадими, қонидаги ҳаром зарралар қўзийдими, билмадим. Унақалар томоша кўрсатаверади, эътибор берманглар.

— Қанақасига эътибор бермайсиз? Гарангмасмиз-ку!

— Битта хотин томоша қўяётгани йўқ, ҳали сенинг ақлинг етмайди нималар бўлаётганига.

— Укол билан ҳаммасини ўлдириб юбориш керак, дунё улардан қутулади, — деб Сойгул ўрнига ётди.

Шокира икки гўдакнинг бошига етгани учун ҳибсга олинган эмасми, қўл ювишдан тўхтаб, елкаси оша ғалати қаради.

— Сенга шприц берса, ўлдирарминдинг?

— Йўқ, — деди Сойгул. — Укол қилишни билмайман.

— Шприц ушлашни билган одам қотиллик қилишни ҳам уддалайди, демоқчи бўлсанг, — қўлини артди Шокира, — сен ҳеч қанақа муаллима эмас, ҳеч қанақа аёл ҳам эмас, шунчаки эри олдида ўз вазифасини бажаролмаган ножинссан, холос.

— Сенга нима қилдим? Ким бўлсанг ҳам менга осилма, — деди Сойгул.

— Ҳеч нарса қилмадинг, осилиб ўлиб бораётганим йўқ, — Шокира жойига қайтаётиб, Ҳилоланинг елкасини силаб қўйди. — Эҳ, қизгина-я! Сен эмас, опанг одам ўлдиргани ҳақида миш-мишни кеча эшитдим. Миш-мишларни жиним суймайди, лекин ишондим. Тиббиёт ходими сифатида айтаман: сен қотилга ўхшамаяпсан. Қамоқда нима бор эди? Опанг ўлдирдими, опанг қамалсин! Сен уни яхши кўрар экансан, у-чи? Қисқаси, опанг худбин экан. Бу юришинг қаҳрамонлик эмас.

Ҳилола жимиб қолди. Шокира каравот четига ўтириб, столга тирсак қўйди-да, тўкилган бир дона ушоқни оғзига солди.

— Турманинг низомларини бузсанг, сени уриб ўтиришмайди, сайрдан бенасиб қилишмайди, — деди у. — Карцерга ҳам тиқишмайди. Анавинақа хотинларнинг камерасига қамаб қўйишади. Бу қонуннинг бузилиши эмас, ахир сени қайси камерага қамаш уларнинг иши. Ҳақиқатда эса сени ўзлари ўласи қилиб савалаганлари яхши! Бундан ўн йилча аввал, шўро замонасида, янғаси бир етим қизни тилла тақинчоқларини ўғирлашда айблаб қаматади. Қиз милиция бўлимида ҳам, турмада ётганида ҳам тақинчоқлар қаердалигини айтмайди. Билса айтадими ё гўридан топиб берадими?! Шундан сўнг битта-иккита аҳмоқ ходимлар уни қийнашнинг, тақинчоқлар қаердалигини айтишнинг бошқача усулини танлашади. Бечора қизни энг четдаги, кечаси ит ҳам қарамайдиган камерага қамаб қўйишади. Камерада дордан қочган, кўзи қонга тўлган маҳбусалар ўтирган-ди. Уларга топшириқ беришади: шу қиз тақинчоқларни қаерга яширганини билиб беринглар! Эртасига қиз "кормушка"га чойшабни боғлаб, ўзини тиззалаб осади. Қиз нега бир кечадаёқ ўз жонига қасд қилган? Ҳалиги хотинлар қизни нима қилишганини биласанми?

— Билмайман! — Ҳилола сапчиб туриб, стол устидаги чойнакни олди-да, Шокиранинг боши узра кўтарди.

— Урмоқчимисан? Ур! — Шокиранинг қовоғи учди.

— Қачон ўзимни осаман, қачон кимни ураман... ўлдираман... ишингиз бўлмасин!

— Хўп, хўп... — Шокира ўз тўшаги томон жўнади.

Ҳилола чойнакни столга қўйиб, бошини чангаллаб тебрана бошлади.

— Уришингдан қўрққаним йўқ, эй қиз, — деди Шокира каравотига чиққач. — Тинчликни бузганинг учун назоратчи келиб, сени нариги камерага қамаб қўйишларини ёки карцерга тиқишларини хоҳламадим. Иккитасининг уволига қолганим етади, сен ҳам боласан, гўдаксан. Ёт энди! Ухла, Ҳилола!

— Назоратчи учинчи камеранинг шовқинини

эшитгунча тўртинчига қарасин, — гап қўшди Сойгул, бироқ мантиқ ҳам, оҳанг ҳам ёпишмай Шокиранинг кулгисини қистатди.

— Муаллима, ўлай агар, бир саволга жавоб бер! Шу аҳволинг билан мактабда қандай ишлагансан?

— Аҳволимга нима қилибди? — Сойгулнинг гурурига игна санчилди. — Худога шукр, ўқувчиларимнинг ҳаммаси яхши болалар. Бирортаси мендан нолимаган. Қишлоқдаги ота-оналар ўғлими, қизими, мактабга олиб келдими, тамом, директорга учрашиб, менинг синфимга жойлаштиришни илтимос қилишарди.

— Вой-вой-ей, сабабини айтмайсанми?

— Бошқа муаллимларга ўхшаб ярим соат йўқлама қилиб, қолган вақтни коридорда гап сотиб ўтказмасдим. Уйга вазифаларни талаб қилардим! Жонимни жабборга бериб, виждонан дарс ўтардим! Мактабда ҳам сизга ўхшаганлар устимдан кулишган. Бошланғич синф ўқитувчиси фалон миқдорда ойлик олиши керак, шунча жон куйдирганинг билан сенга бизникидан кам пул ёзишади, дейишарди. Шундай ўқитувчилар борки, техникумни отасининг пулига зўрға битирган, педагогиканинг "п" ҳарфини тушунишмайди. Синфда тартиб сақлаш учун болаларни қўрқитиш, шапалоқ тушириш, бурчакка турғазиб қўйиш керак, деб ўйлашади.

— Сен урмасмидинг?

— Ҳатто, чертмаганман. Қиз болани қиз боладай, ўғил болани ўғил боладай тарбиялаганман.

— Яъни? — қизиқиб қолгандек кўринди Шокира.

— Масалан, мактабга етти ёшида ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам келади. Дунёқараши бошланғич синфларда анча шаклланади. Шунинг учун мен қиз бола қиз боладай, ўғил бола ўғил боладай бўлсин, дердим. Айрим ҳамкасбларим эса ўғил болани ҳам қиз бола характер ёки ўлгудай чақимчи, қўрқоқ, хушомадгўй қилиб тарбиялашаётганини тушунишмасди. Эртага ундан қанақа жўмард эркак етишиб чиқади, шу ёғини ўйласам

зое кетган бошланғич таълим-тарбияга ичим ачишади.

— Яхши муаллима бўлган экансану бир жойига ҳайронман-да. ˆ

— Ойлигим камлигигами? — умид билан қаради Сойгул.

— Йўқ, ойлигинг билан нима ишим бор?

— Эса, нимага ҳайронсан?

— Қиз болани нафис зот қилиб, ўғил болани мард эркак қилиб тарбиялаган экансан, нега ўзинг эркаклар ҳавас қиладиган аёл эмассан? Ўғил болани тарбия қилишни уйдлар экансан, эрингни хиёнат йўлидан қайтариб ололмаганингни қандай тушуниш мумкин? Ахир, аввал одамнинг ўзида бўлиши керак ўша иқтидор. Беиқтидор ҳолатингда ёш авлодни йўлга солганинга ишонмайман. Сен уларни тарбиялаяпман, деб хомхаёл қилгансан, холос. Тагин гапларимга хафа бўлма.

— Эримнинг ўйнашини...

— Кундошимни деб гапир, барака топгур.

— Кундошим эмас.

— Бирга яшаб юрган экан, дедингми кеча?

— Бирга яшаган, лекин...

— Тўхта! Муллага никоҳ ўқитганми?

— Ўқитган экан, лекин...

— У ҳолда сен дўппослаган ўша аёл эрингинг иккинчи хотини. Қонуний "ЗАГС"дан ўтказмаган бўлса ҳам, шаръий.

— Худога шак келтирма, — деди Сойгул.

— Жиннимисан, қачон шак келтирдим? Сенинг фикрлашинга умуман тушунмаяпман, Сойгул!

Маҳбусалардан бири уйғониб:

— Э, бўлди, тортишманглар, — деган эди, Шокира:

— Кун бўйи уйқу жонингга тегмадими, мурдашўй, кел, қўшил ҳангомага, — деди.

Йўлак бошида соқчилар гўнғирлади, ўрта панжаралардан бирининг ошиқ-мошиғи ғийқиллаб кетди.

Қадам товушларига қараганда, уч-тўрт киши келмоқда эди. Улар қўшни камеранинг эшигини очиб, кимнидир судраб чиқишди.

— Бўлди, тушундим, командир, — эркакшода хотиннинг овози эшитилди. — Пастга туширманглар, илтимос. Мен шу ердаман, ҳеч қаёққа кетмайман. У ўзи шунақа бўп қолди. Нега ишонмайсиз? Қўлимни ҳам теккизмадим!

Учинчи камерадаги маҳбусаларнинг, шунингдек, Ҳилоланинг ҳам диққат-эътибори йўлакда эди. Ногоҳон овоз Ҳилолага жуда-жуда таниш туюлиб, беихтиёр оёққа турди. Наҳотки, у Иллюзионистка бўлса? Ҳа, ўша. Вилоят ички ишлар бошқармасидаги терговда айблари тўлиқ бўйнига қўйилибди, деганди Альфия. Уни ҳам Абадиянга юборишга қарор қилишибди-да.

— Етти қават ер остига ташласанглар ҳам фойдасиз, мен ҳеч кимга яхшилик қилолмайман, — деди Иллюзионистка. — Ёмонлик ҳам қилолмайман. Сўранглар! Ана, Наташадан, Норбувидан, Зайтунадан... Сўранглар аввал улардан...

Ҳилола негадир енгиллик туйди. Ўта хавфли жиноятчи дейишган эди, қизнинг юрагига таскин берди у. Худди турмада яқин одами, ҳимоячиси бордەк туюлди. "Бу Иллюзионистка деган каллакесар хотин, — деб камерадолларига мақтанишни истади. — "Район"имиздаги милиция бўлими ертўласида иккаламиз битта камерада ётганмиз. У менга опа-сингил тутинишни, қамоқда ўзи ҳимоя қилишини айтган..."

Йўқ, Ҳилола тилини тийди. Иллюзионистканинг Абадиян турмасида экани кўнглига қанчалик таскин берса, у билан фахрланишдан шунчалик чўчиди. Зубайра Рихсиеванинг аслида қайси мамлакатда вояга етганини, баайни қандай жиноятлар содир этганини, назарида, ички ишлар органларининг ўзлари ҳам батафсил билишмас, турли қоғозларга таяниб, иш кўришарди. Иллюзия, бу — Зубайрага теккан истейдод эмас,

турган-битгани руҳий хасталик бўлиб чиқиши мумкин, эҳтимол. Эртага Рихсиева ўлса, Ҳилоланинг ҳам куни битади. Бировнинг ўлимидан сўнг қорага бўяладиган тақдирни яратмаслиги лозим эди. Ҳарҳолда ёш маҳбусанинг шунга ақли етди.

Эрталабки текширувдан сўнг икки соат ўтиб, конвой Ҳилолани ташқарига "сайр"га олиб чиқди. Абадиян турмасига қамалганлар навбати билан ҳар куни бир соат очиқ ҳаводан баҳраманд бўлишарди. Бунинг учун тўрт қаватли бинолар оралиғида саккизта бетон бўлма бунёд этилган эди. Ҳилола деворларини яшил пўканак босган бўлмалардан бирига кирди, ортидан панжарали эшик ёпилди. Уртада кўкка бўялган пастак ўриндиқ бор эди. Ҳилола конвойга қаради. Конвойчи рус хотин панжара ортида, йўлакда сигарет тутатиб, ўқрайди. Ҳилола илк бор бундай бўлмага кириши эди. Ўтиришни ҳам, юришни ҳам билмай бурчакка борди. Гўё бу ер чуқур бетон ҳовуз эди, сувсиз, ташландиқ. Ҳилола кўкка боқди. Икки қаватли панжара билан тўсилган осмон унга янада олис кўринди. Бир чети титилган оқ булутча феруза осмон тоқида илиниб турибди. "Шу булутга осилиб уйга кетсам..."

Ёмғир-қорда қолиб чириган чироқ абажурига ҳам кўзи тушди. Кечки сайрга чиқарилган маҳбусаларни мунғайган, ҳолдан тойган, дастаси узун, худди пишган кунгабоқардек қайирилган шу чироқлар ёритади-да.

Юқорида кимдир қимирлади. Соқчи экан! Автомат ушлаган аскар девор устидаги кўприкчада у ёқдан бу ёққа юрди. Унга шунақа бўлмалардан бирийўла учтаси кўринаётгандир? Ким бор экан-а нариги бўлмада? Сигарет ҳиди димоққа урилди. Конвойчи хотин чекаяпти. Ё нариги бўлмадан ҳам ҳид келдимикан? Ерда сигарета қолдиқлари бор. Очиқ ҳавода ўтирган аёллар чекишар экан-да.

— Учиб кетсам... — энтикди Ҳилола.

Бир неча дақиқа ўтмай Ҳилолага бу ер ёқиб қолди.

Диққинафас камерадан кўра яхши-да. У турма ва колониянинг фарқини тушуниб етган, бошқаларга ўхшаб тезроқ суди ўтишини, колонияга жўнатишларини орзу қила бошлаганди. Турмада кечаю кундуз камерада ётишади. Колония эса гўёки бир шаҳарча. Эрталаб турилади, жисмоний тарбия машқларини бажаришади. Кейин ювиниш хонасига шошиладилар. Нонушта қилинганч, фабрикага йўл оладилар. Фабрика колония билан девор-дармиён қўшни. Ҳар ким ўз станогини ёнига боради. Милиционерлар ва ҳарбийлар учун костюм-шим, шинель, кўрпа-ёстиқ тикишади. Меҳнат учун ойлик иш ҳақи ёзилади. Гарчи қўлга пул берилмаса-да, ҳисобда пул бўлади. Колониянинг дўконидан кимга нима керак бўлса, харид қилади. Бу ердаги ёғсиз макарон шўрвани ичиб, кечаги уйқусиз тунда шунақа қорни очиқдики, асти қўяверинг. Чапдаги иккинчи каравотнинг биринчи қаватидаги хотин соат икки яримларда секин туриб, аллақадан уй нони олиб еди, кичик халтачани очиб, катта-катта майизлардан беш дона санади. Ҳар бирини ҳузурланиб, шимиб-шимиб, беш-олти марта чайнаб, қулт этиб ютди. Уйдан одам келганларга, албатта, егулик тегади. Ҳарқалай маҳбусаларда инсоф йўқ эмас, камерадошларига ул-бул илинишади. Аммо бор-будини сочмайди. Отам яна келгунча майизим етсин, деб тежаб-тежаб ейди шўрлик-лар.

"Уйдагиларимни соғиндим, — Ҳилола ўриндиққа чўкди. — Улар эртадек бўлиб қолди. Бир вақтлар мен ҳам озод қиз эдим, қишлоқда, оиламнинг бағрида яшардим. Қамалиш тушимга кирибдими? "Мен қамалмайман", деб ҳеч ким кафолат беролмас экан. Қамоқдаман... Мен қамоқдаман! Қамоқда одам нимани ўйлар экан? Ҳозир нимани ўйлаяпман ўзи? Калтаклашмасин, сўкмасин, тўйимли овқат беришсин, яхши камерадошлар насиб этсин, уйдагиларимни тез-тез кўриб турай... Йўқ, булардан ҳам муҳими бор, у... у озодлик! Қачон вақт ўтади? Қачон мени қўйиб юборишади? Бир

замонлар келиб, қамоқдан чиқаманмикан?.. Ўлсам! Бирдан ўлиб қолсаму ўзим ҳам билмасам... Қишлоқдаги уйимиз олдида тумонаг одам. "Терраска"нинг эшиги очиқ. Тобутимни чиқаришяпти. Кун иссиқ... Вой ўлмасам, таъзиямда ҳам кун иссиқ бўларкан-да. Уф-ф, ёниб кетаяпман..."

Ҳилола атрофга аланглади. Ҳозиргина у ўз жанозасини, тобутини, дўппили эркакларни-ю оқ рўмолли аёлларни кўрди. Шу қадар аниқ-тиниқ кўрдик, ростдан Абадиян турмасидаманми ё ўлганим ростми, дея ён-верига аланглади. Конвой Ҳилоладаги ўзгаришни сезиб, оғзига яқинлаштирган сигаретани чекмай бир муддат тикилиб қолди.

— Бу иллюзия эдими? — қўрқиб кетди Ҳилола.

— Ҳой, ўзингга ўзинг гапирма! — деди конвой. — Турмадан тез қутулсан, "психушка"дан эса... Худо билади!

— Наҳотки, Зубайра опа менга ўз таъсирини ўтказиб бўлди? — шивирлади қиз. — Кечаси девор ортидан сизиб чиққан товуш, инграш, ҳансираш, бўғиқ кучаниш... Ҳа, Иллюзионистканинг иши бу..

— Гапим қулоғингга кирмаяптими, ҳой?! — шундай дея конвойчи хотин панжара эшигини очаётган эди, қаёқдандир турма бошлиғи ва ёрдамчиси келиб қолди.

10. КАФАНГА БИТИЛГАН СИР

— Баҳромовани зудлик билан тергов хонасига чиқаринг, — деди у. — Мен беш дақиқада етиб бораман. У ерда бошқармадан келган одамлар кутишяпти.

"Сувсиз ҳовуз" ичидаги сайр хотима топиб, Ҳилолани нимқоронғи зиналару темир эшиклар тизилган йўлаклардан ўтказиб, панжарадор кенг деразалари тоқчасига гуллар қўйилган хонага олиб киришди. Рўпарада ҳарбий формадаги икки эркак ўтирарди. Турма бошлиғи келгач, соқчига чиқиб туришни буюришди.

— Мана бу аёлни танийсизми? — суратни суриб қўйди ҳарбий формадаги киши.

Ҳилола суратдаги аёлга қаради: Иллюзионистка эди у.

— Ҳа, — деди Ҳилола. — Бу киши Зубайра опа... Биз "РУВД"нинг қамоғида битта камерада ўтирганмиз.

— Бу одамни-чи? — Иккинчи сурат узатилди.

Ҳилола кўз ташлади-ю ҳайрон бўлди. У Васли эди, Нурия опаси етказган оғир жароҳатдан сўнг ўлган йўлтўсар.

— Мен... мен уни урганим учун... ўлиб қолган... — эски гапини чайнади Ҳилола.

— Йўқ, — деди ҳарбий формадаги шахс. — Ҳозир мен сизга муҳим сирни очаман.

Ҳилола унга қовоғи тагидан қаради. "Жиддий гапирмаяпти, — деди ичида. — Мендан нима хоҳлайди?"

Шу тобда қовоқ-тумшуғи осилган, афтодаҳол, сўлғин аксини кўзгуда кўргандек бўлди. Кўз олдидан лип этиб ўтди ўзининг хафагазак юз-кўзи. Юрагига гулғула тушди: "Нега яна ўзимни ташқаридан кўрдим? Наҳотки, шунчалик тез ақлдан оздим? Қамоққа тушганимга ўн йилдан ошгандек туюлгани билан аслида... аслида икки ой ҳам ўтмади..."

— Сирни очаверайми? — ҳарбий формали олдинга хиёл энгашди.

Салобатли либосдаги кишилар маҳбусаларнинг кўнгилларига қарашига ишонмаган Ҳилола кўз узмай бош силкиди. Нима ҳам дерди? Турма осмони уларнинг қўлида эди. Истаган вақтда ташлаб юборишса, бир бечоранинг боши ёрилади.

— Қанақа сир, деб сўрамайдими одам? — дағаллашди иккинчиси.

Ҳилола бармоқларини асабий ўйнади. Юрак дукиллаши хона деворларини ларзага солаётгандек эди.

— Қовоғингиздан қор ёғдирманг, — иккинчи ходим овозини бир парда кўтарди. — Қамоқхонада утадиган

йиллар сизни шусиз ҳам анча қаритиб юборади. Кўзимизга тик қараб, фикр-хаёлингизни жамлаб, саволларга аниқ-тиниқ жавоб беринг.

Бир неча сониялик сукунат чўкди. Ҳилола "улар мени нима қилишмоқчи ўзи?" деб қўрқа-писа учаласига бир-бир қаради. Эркаклар киприклари қилт этмай ўтиришарди. "Сирни айтишга нега шошилишмаяпти? Нигоҳлари бўриникидан ҳам совуқ. Булар ҳам Васлининг жамиятга тарқаб кетган нусхаларимикан? Ўлмаган (ҳозирча ҳаёт), мансабда (айни дамда бўшатилишга улгурилмаган), пичоғи ёғ устида (виждони чанг остида)..."

— Атоев Васлини сиз ўлдирмагансиз, — деди биринчи ходим. — Бизга кўп нарса маълум.

"Эй Худо! Яна ўша гап!" — деб юборди Ҳилола ичида.

Сиртида деди:

— Мен айтдим-ку... Уни мен...

Ходим шартта гапини кесди:

— Бизни бу масала қизиқтираётгани йўқ. Майли, опангизнинг айбини бўйнингизга олиб қамалсангиз қамалиб кетаверинг. Сизга айтадиган сир шуки, биз судда сизни озод қилишга ёрдамлашамиз. Маст чўчқанинг ўзи ҳужум қилган, шундайми?

— Ҳа, ўзи.

— Одам ўлган жойда қариндошлари қараб ўтирмайди. Сизни иложи борича кўпроқ муддатга қаматишга уринишади. Кейинги йилларда Атоевнинг уруғ-аймоғи ота-онангизга, опа-синглингизга бўҳтон қилишларининг, тўй-маъракалардаги уруш-жанжаллару айтишувларнинг саноғи бўлмайди. Чунки ўлган йигит ҳамқишлоғингиз. Қаерга қочасиз?

Ҳовлида соқчилардан бири "Аут!" деб бақиргани эшитилди. Яқин жойда, эҳтимол, том бўғотида ўтирган қарға томоғига куч берди: "Қағ! Қағ!" Ҳилола нима дейишга ҳайрон эди. Турма бошлиғи кўзларини олиб қочиб, бош-қа ёққа қаради. Ҳарбий формалилар ҳамон

ўқдек нигоҳ ташлаб ўтиришарди. Биринчиси "Нима дейсан?" дегандек иягини виқор-ла чўзди.

— Айтадиган сиригиз шуми? — деди Ҳилола.

— Шу деб ўйлаяпсизми? — ҳарбий формалилар бири-бири билан кўз уриштиришди.

— Менга қаранг, Ҳилола, — деди биринчи ходим. — Сизга яхшилик қилмоқчимиз. Эгнимиздаги кийим кондукторларники эмас. Сизни ҳимоямизга олсак, судда қашқирлардек ташланадиган қора кучларни даф қиламиз. Тез орада озодликка чиқасиз. Қишлоғингизда Атоевнинг яқинлари ёмонлик қилса, улар билан ҳам бизнинг ходимлар шуғулланиб, бировнинг ҳуқуқини балчиққа қорганлари учун қанақа жазолар борлигини эслатиб қўйишади. Панжарадан қутулсангиз, қишлоғингизга, ота-онангиз бағрига кетасиз, тўғрими? Доимо қонун ҳимоясида бўласиз, яъни оловдай ёниб, қизиб, гуриллаб турган қонун ҳимоясида.

— Бунинг учун нима қилишим керак?

— Демак, узоқ йиллик қамоқ хавфи чекинади, — дея ходим стол устидаги Васлининг суратини гижимлаб, челақка отиб юборди-да, Иллюзионистканинг расмини олға сурди. — Фақат... Ишимизга бир оз кўмаклашасиз. Хўпми? Ҳеч қандай мушкул жойи йўқ.

— Хўп.

— Қайси шаҳарларга боргансиз?

— Менми?

— Ҳа, эсингизни таниганингиздан буён қайси шаҳарларда бўлгансиз?

— Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Ангрен... "Район"ларни ҳам айтаверайми?

— Албатта.

Ҳилола ўзи яшайдиган туманга яқин учтасини санади.

— Тошкентга-чи?

— Йўқ, — деди Ҳилола.

— Пскент, Оҳангарон, Олмалик?

- Бормаганман.
 - Ангренга қандай боргансиз?
 - Мактаблараро мусобақада ғолиб бўлдик. Вилоятга чиқдик. Кейин Ангренга жўнатишди.
 - Нима бўйича?
 - Баскетбол.
 - Баскетболни ёқтирасизми?
 - Қишлоғимиздаги кўпчилик қизлар волейбол билан баскетболни яхши ўйнашади. Мактабимизнинг спорт залида жисмоний тарбия дарси вақтида қизларнинг қий-чуви кўчагача эшитилиб турарди.
 - Яхши. Фарғона водийси, Тожикистон, Қирғизистон томонларга ўтмаганмисиз?
 - Йўқ.
 - Иллюзионистка ўзи туғилиб-ўсган жойлар ҳақида ҳикоя қилиб берганида, бир бориб кўриш хаёлингизга келмадими?
 - Ўзи туғилиб-ўсган жойлар... Бу ҳақда гапирмаган.
- Турма бошлиғи ўрнидан турди, аммо унга аралашмаслик буюрилган чоғи, бир сўз қотмай қайтиб ўтирди. Ҳилола бугунги томоша жиноят оламида Иллюзионистка номи билан машҳур Зубайра Рихсиеванинг касофатига эканини аллақачон фаҳмлаган эди. Икки офицер Иллюзионистканинг изидан Абадиян турмасига келишган экан, Ҳилола не чоғлик ёрдам бера олиши мумкин?
- Келинг, очиқча гаплашайлик, — деди ҳарбий формали. — Иллюзионистканинг ёши, миллати, қайси мамлакатда туғилгани номаълум. Рихсиева Зубайра деган исм-фамилия ҳам сохта бўлиб чиқиши ҳеч гапмас. Маълумотларга кўра у Фарғона водийсида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ёки Тожикистоннинг Сўғд вилоятида туғилган. Болалар уйида, кейинчалик кимларнингдир қўлида вояга етган. Кўп йиллар уч мамлакатда навбати билан яшаб келган. Дастлаб товламачилик, тиллафурушлик, сўнгги тўрт-беш йил ичида "қорало-

ри" билан шуғулланган. Ўзи ҳақидаги кўплаб маълумотларни йўқ қилган. Айрим борлари қалбаки бўлиб чиққан. Ташландиқ тилла конида у етти кишини ўлдириб, олтин ёмбиларини ўмариб кетишда ҳам гумон қилинаяпти. Руҳий касал деган ҳужжатга эга, лекин касаллик аломатлари кузатилмаган. У соппа-соғ! У ўта маккор! У жодугарсифат аёл! Сизга айрим сирларини очгани ҳақида бизга сигнал тушгач, келдик. Ҳаммаси тушунарлидир?

— Тушунарли, — ҳазин товушда сўзлади Ҳилола.

— У ҳеч қайси камерада ўзини сиз билан ўтирган-дек тинч ва эркин ҳис қилмаган. Албатта, ё можаро, ё бирор фожиа чиқарган. Фикримизча, фақат сиз унга ёққансиз. Нималарни гапириб берди? Бир бошидан сўзланг.

Ҳилола Иллюзионисткадан эшитганларини секин-секин, қўрқиб-қўрқиб, тутилиб-тутилиб гапирди. Табиийки, айрим гаплар эсига келмади.

— Демак, сизни ҳеч қандай ваҳимали гаплар билан қўрқитмаган?

— Йўқ, қўрқитмади. Опа-сингил бўлайлик, деди.

— У кечаси ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ камерадошини бўғиб ўлдиришига сал қолган. Шовқинни эшитдингизми?

— Ҳа.

— Тожикистондаги Норақ аёллар колониясида бўлганман, дебди. Ҳуш, ўша ёқда ҳам турли фокуслар кўрсатганини гапирмадими?

— Бригадир бўлганини айтди. Баракдаги маҳкумаларни ўтириб-турғизганман, деди.

— У ҳеч қачон Норақ колониясида бўлмаган, — деди иккинчи ходим. — Яхшилаб эсланг, Ҳилола! У яна нималар ҳақида гапирди? Бизга қанча кўп маълумот айтсангиз, ўзингизга шунча кўп балл тўплайсиз.

— У... у ҳаммом ҳақида гапирганди.

— Қанақа ҳаммом? — ҳарбий формалилар сезиларли жонланишди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Альфия деган конвойчи хотин Васлининг Бўронгул деган юрист холаси билан тил бириктириб, мени камерамдан чиқариб, чеккадаги хонага олиб кирди. Бўронгул опа қамоқда йўқ қилиб юборишини айтиб, дўқ урди.

Иккинчи ходим ён дафтарига алланималарни ёзиб олди.

— Камерамга қайтиб келганимда Иллюзионистка ҳаммасини иллюзия орқали кўрганини гапирди... Кейин "сенга ҳожатхонани раво кўришибди, мени ҳаммомда суд қилишган", деди.

— "Ҳаммом" деган сўзни бошқа гапирмадими?

— Йўқ.

— Ҳилола, — деди биринчи ходим, — сизни у билан мана шу турмада битта камерага қўйишади. Ҳар бир сўзига диққат қилишингиз керак. Унинг оғзидан битта сўз чиқишини кутаяпмиз. Буни пароль деб тушунсангиз ҳам бўлади. Мен назарда тутган "калит сўз" бир-бирига боғлиқ ўн иккита йирик жиноятни очишимизга ёрдам беради. Тушунтиролдими?

— Эсласин, у доводираяпти, — иккинчи ходим ёндафтардан бош кўтарди.

— Менга нимча ҳақида ҳам гапирган.

— Қанақа нимча?

— Спицада тўқиладиган нимча.

— Хуш-хуш?

— Лекин у ҳақиқий нимча эмас, хаёлан тўқийсан, деди. Қамоқхонада зерикмаслик учун.

Ҳилола хаёлий нимча тўқиш хусусида ҳам билганларини сўзлаб берди. Ҳарбий формалилар билан суҳбат яқунланиб қолган эди. Биринчи ходим турма бошлиғига қаради.

— Майор билан иккалангиз бир дақиқага чиқиб турсизми?

Ҳилола иккиси ёлғиз қолишганида, деди:

— Рихсиеванинг сирини очадиган ягона имконият сиз бўлиб турибсиз, Ҳилола. Бизга ёрдам бермасангиз, виждонингиз олдида ҳам бир умр қийналиб яшайсиз. Унинг қандай ваҳший жиноятлар содир этганини ҳозир батафсил айтмайман. Буни руҳий ҳолатингиз кўтармайди. Натижада, эрта-индин битта камерада ўтирганингизда сездириб қўйишингиз мумкин. Гапларимни миянгизга қуйиб олинг! Бир ой ичида шундай бир йўлини қиламизки, сиз Рихсиеванинг камерасига тушасиз. Бу табиий равишда амалга ошириладики, Иллюзионистка ҳеч нимани сезмаслиги керак. Ўзингизни аввалгидек содда, самимий тутасиз. Ундан ҳеч нарса сўрамайсиз, нима ишлар қилганини суриштирмайсиз. Ёш қизсиз. Тақдирингиздан куйинган, қамоқда юраги сиқилган қилиб кўрсатасиз ўзингизни.

Ҳилола ноилож бош қимирлатди.

— Мендаги маълумотга кўра "калит сўз", бу...

Ходимнинг кўзларида совуқ шуъла йилтиллади. У ўрнидан туриб, Ҳилоланинг қошига келди ва қулоғига энгашди:

— Кафан, — деди у.

— Ка... кафан? — Ҳилола ўзини бир оз нари олди.

— Ҳа, у, қайсидир чекка қишлоқ қабристонига дафн этилган майитнинг кафанига ёзув ёзиб қолдирган ёки тириклай кўмиб, ўша одамнинг ўзини қабрда сирларни ёзишга мажбурлаган. Бу ҳақда тўлиқ маълумот йўқ. Лаънаги Иллюзионисткани илонларга ем қилишса ҳам сирини айтмайдиган иблис! Бироқ умри охирлашиб қолгани учунми, бизга номаълум бошқа сабаб борми, у юрагидаги сирни кимгадир айтади. Айтиб ўлади! Шунинг учун, Ҳилола, сиз унга сирдош бўлишга ҳаракат қиласиз. Ва қачонки, кафан ҳақида гап кетганда, нима қилиб бўлса ҳам, сирини очишга уриниб кўрасиз. Келишдикми?

— Хўп.

– Топширигимни бажаришга мажбур эмассиз, сиздан бизга ёрдам, холос. Хизматингиз қандай тақдирланишини айтдим. Аммо тилга эҳтиёт бўлинг! На турма бошлиғи, на бирор назоратчи-ю адвокат, қисқаси, ҳеч ким зинҳор-базинҳор кафан ҳақида гапирганимдан хабар топмасин.

– Ҳм... – лабини тишлади маҳбуса.

– Камерадошларингизга, ҳатто, терговхонага кирганингизни ҳам айтманг, – ходим бирдан олислаб, стулга ўтирди. – Сиздан умид қиламан, Ҳилола. Ўйлайманки, дўзахда кўп қолиб кетишни ўзингиз ҳам истамайсиз.

Шундан сўнг конвойчи хотин Ҳилолани камера-сига кузатиб қўйди. Бугун Мақсуда ҳалокатга элтувчи севги тарихининг давомини ҳикоя қилмоқчи эди. Уйдан одам келган экан, учрашув залига тушириб кетишибди. Ҳилола тергов хонасидаги ҳарбий формаларни тушда кўрган каби ўйлаб ётди. Юрагидаги қўрқув зарралари вижирлаб қайнади-да, кўп ўтмай туйғулар қозони лиммо-лим тўлди. Иллюзионистка ёвуз жиноятчи экан, Ҳилоланинг жосуслигини билса, аярмикан? Кўпчилик Рихсиевани руҳий хаста, фокусчи, товламачи деб ўйлайди. Танасидан вақтинчаликка чиққан руҳи деворлар орасидан ўтиб, кезиб юриши рост бўлса, Ҳилола ким билан учрашганини, қандай топшириқ бўйнига қўйилганини билади. Турма ертўласидаги қоронғи ва зах карцерга ташланганига қарамай, эҳтимол, ҳаммасини кўраётгандир?

– Формалиларга қулоқлик қилмайман, – ёстиқни гижимлаб, икки ўт орасида куйди Ҳилола. – Зубайра онага бор гапни айтаман. У оқкўнгиллигим учун мени ўзига яқин олди, оқкўнгиллигимча қолишим керак. "Виждонинг қийналади" дедими? Зубайра опа энди ҳеч кимнинг бошига етолмайди, қамоқда-ку! Менга айтади! Илтимос қиламан, ялинаман, йиғлайман, орган одамларини қизиқтираётган сирни айтади...

11. ҰРАЗҚУЛОВНИНГ МАКТУБИ

Мақсуда учрашувдан кўзи қизариб қайтди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, тиш пастасини назоратчилар келтириб беришди. Қиз дарҳол столга борини тўкиб солди. Мазали сомсага Ҳилоланинг ҳам оғзи тегди.

— Кеча овқатимдаги картишканинг ичидан қора нарса чиқди, — деди Сойгул. — Қурт-ов.

— Картишка нима дегани? — жиғига тегди Шокира.

— Вой, картошка-да, — оғзи овқатга тўла муаллима кўзларини олайтирди. — Қамоққа келиб, тилимни бураб гапирайма?! Бўлганим шу!

— Картишка чиқса ҳам, мартишка чиқмасин! — Шокира атрофидагиларга кўз қисиб қўйди.

Хотинлар маза қилиб кулишди. Назоратчи хотин темир эшикнинг овқат туйнугини очиб:

— Кўп кулманглар! — деди. — Эртага ҳаммангиз коридорни тозалашга чиқасиз! Нариги блокдаги маҳбус йиғитчалардан тўрт-бештасига сув ташиттирамыз. Сизлар учун эшакдай ишлашади!

— Тўрт-бештаси нима бўлади? — деди Шокира. — Келинг сомсага, Маша опа!

— Шунча аёлдан сомса ортадимми? Ўзларинг еяверинглар! Ёқимли иштаҳа! — Назоратчи туйнукни қарсиллатиб ёпди.

Эртасига якшанба эди. Хавфсиз жинойтчилар сақланадиган камераларнинг, хусусан, учинчининг ҳам эшиги очиб қўйилди. Узунлиги эллик қадамча келадиган йўлакда хотин-қизлар ўзларини эркин қушдек ҳис этишди. Енгларини шимариб, иштонларини болдиргача қайтариб, пол тозалашга, панжараларни, ойналарни артишга киришиб кетишди. Кечқурун кир ювиш ва чўмилиш учун бу бўлинмадаги маҳбусаларга бугли ҳаммом ваъда қилинди. Эркаклар ётадиган блокдан тўртта буз йиғитни сув ташишга, чиқиндиларни пастга туши-

ришга келтиришганди, Ҳилола улар орасидан бирини таниди: "вор закон"ман деган Ҳуразқулов эди у. Ҳилола эътибор бермаслик илинжида пол ювишдан бош кўтармади. Йигит ёнига сувли челақ қўйиб кетди. "Эркаклар бўлими"дан келган назоратчилар кишанларини ярақлатиб, шапкаларини қошларига тушириб назоратчи хотинлар билан чақчақлашмоқда эдилар.

— Гаплашилмасин! — назоратчи хотиннинг маҳбусларга қаратилган буйруғи жаранглади.

Шу вақтгача оғиз очишмаганди. Ҳуразқулов кулиб юборди-да:

— Жуда қизиқсиз-а! Ҳатто, йўталмадик ҳам! — деди.

— Маҳмадона, камерангга тиктириб қўяйми ҳозир?! Аёллар блокидан умуман қадамингни узсам-чи!

— Олифтанинг юрагини ёрманг, — гап қўшди назоратчи эркак. — Аслида у ўғри эмас, артист бўлиши керак эди. Нима жин уриб кампирнинг тақинчоқларини ўмариб юрибди, ҳайронсан.

— "Вор закон" бўлмоқчи эдим-да, — бидиллади Ҳуразқулов илжайиб.

— Гапингдан илиниб, ўлиб кетасан, — деди назоратчи эркак. — Сен учун махсус "труповоз" чақирамиз. Яхшилаб бўёқланган, гуллар билан безатилган, атирлар сепилган.

— Боди ўликка зар кафан, — беўхшов қиқирлади назоратчи хотин.

Ҳилола "кафан" сўзини эшитиб, қайрилди. Ҳуразқулов унинг нигоҳини ҳис этди. Кўзлар тўқнашди. Ҳилола унга қарамоқчи эмасди. Тўсатдан кафандан чалғиб, диққат-эътибори йигит сиймосига сингди. Ҳуразқулов ҳақиқатан ўғрига ўхшамасди. Йигирма бешларни уриб қўйганига қарамай онасининг думи бўлиб юрган фарзандларга ҳос аломатлар балқиб чиқди: ширинликка ҳеч қандай ғарзсиз тикилган болакай мисоли боқди Ҳилолага.

— Буларнинг бирортаси одаммас, — шивирлади йигит

челакка энгашиб. — Яхши қиз, кўнглингизни чўктирманг, қамоқдаман, деб кўп уйланаверманг. "Эркаклар блоки" анави йўлакнинг охиридаги эшик орқаси. Биз кўпинча тешикдан сизларнинг коридорларингизга мўралаймиз. Хатнинг иложи бор. Сизга хат ёзаман, майлими?

Ҳилола Абадиян турмасида маҳбус йигитлар билан мактуб ёзишишни хаёлига келтирмаганди. Нима дейишни билмай анграйди. У ажал коми ҳисоблаган қамоқхонадаги ҳаёт заррача бўлса ҳам рангларга бўялган эди. Қаердандир тоза ҳаво оқиб кирарди, қаердандир умид эшик очишга уринарди.

Бир оздан сўнг Ҳилола билан Мақсуда ўртадаги деразани тозалай бошлашди. Ойна ортида турма ҳовлиси кўриниб турарди.

— Ана, қуш, — деди Мақсуда.

Дарвоқе, товукдек келадиган катта қора қарға тиканли сим устунчасига кўниб, "Қағ!.. Қағ!.." деб қўйди. Ҳилола ҳарбий формалилар билан гаплашаётганда ҳам қарға қағиллаганди. Назарида, қарға ёмонлик тимсоли эди ва Ҳилолани таъқиб қилаётганди. Қишлоқда бойқуш сайраса, ота-онаси "Овозинг ўчгурни кесак отиб ҳайдаб юборинглар" дерди. Қараса, Васлининг ўлимида айбланиб қамалгани бир муаммо, Иллюзионисткага "қулоқ" бўлаётгани иккинчи муаммо экан. Ҳилола ўйларди: "Кечагилар кимлар эди? Ҳарбийча формалари армиядан эканликларига далолат. Лекин Зубайра опа билан ҳарбийлар шуғулланишадими? Демак, улар чет эллик жиноятчиларни ушлайдиган ходимлар. Иллюзионистка эса "шу давлат фуқароси деб ўйлашади" деганди. Ўзини минг хил қиёфага соладиган, ўтмишини чувалаштирадиган одати бор бўлса, мени ҳам чалғитдимикан? Ё қўшни мамлакатларнинг бирортасидан экани ростми? Тавба, қаерда туғилгани-ю ота-онаси кимлигини аниқлаб бўлмайдиганлар ҳам борми? Балки "кафан" ҳақиқий кафан эмас, мен тушунмайдиган бошқа нарсадир?.."

— Қушлар сайраб турса, машиналар ғизилласа... — деди Мақсуда.

— Нима? — Ҳилоланинг хаёли бўлинди.

— Кечаси катта йўлдан ўтаётган машиналарнинг овозини эшитмайман. Йўл яқин-ку. Жимжитликдан юрагим ёрилади. Деворлар бунча қалин-ей!

— Овозлар ёқадими?

— Қабристон сукунати сил қилади. Биз доим қўшиқни бор овози билан қўярдик. У мени қучоқларди. Қўлини силтаб ташлардим. Йигитлар шилқим бўлишади, тўғри-ми?

— Нега буни мендан сўраяпсиз?

— Вой, кечирасиз, сизга... тегиб кетади, деб ўйламагандим.

— Йигитингиз одам ўлдирган куни ҳам қўшиқни баралла қўйдингизми?

— Ростини айтайми?

— Алдайдиган одатингиз ҳам борми?

— Йигитим ичкарига кириб кетганидан сўнг қулоқни қоматга келтириб қўшиқ қўйилди. Мен подъездда совуқ қотиб турибман, бу нега ичкарида байрам қилаяпти, деб эшикни очдим-да, уйга кирдим. У... биласизми, нима... Хуллас, уй эгасини ўлдириб қўйган экан. Шовқинни бошқалар эшитмасин, деганми... Мусиқани роса баландлатган.

— Ҳозир ёз бўлса, нега совуқ қотиб тургандим, дейсиз?

— Декабрь эди.

— Энди ушлашдими?

— Ҳа, энди ушлашди, — Мақсуда аламини яширмади. — Ўлиб кетсин шу милиция ходимлари.

— Қамалишингизга "юришингиз" сабаб бўлгани ҳақида ўйлайсизми?

— Барибир сизга тегиб кетди-я, Ҳилол?

— Саволимга жавоб бермадингиз! — Ҳилоланинг асаб торлари тортилди.

— Ҳйлашни ҳам хоҳламайман. Бетайин йигит билан етаклашиб юрмаганингда қамоқнинг тузини яламасдинг, деб аям у ёқда, шаҳарда йиғлатарди, турмага келиб яна йиғлатди. Ёш қизмиз, мана, иккаламиз ҳам қамалдик.

— Менинг қамалишим билан ўзингизникини тенглаштирманг.

— Вой, узр, сиз шараф билан қамалгансиз-да!

— Жигимга тегаяпсизми? — Ҳилола кўпикли латтани қисди.

— Ёқуб сиздан кўз узмаяпти, — Мақсуда ишора қилган эди, Ҳилола назоратчи эркакнинг ёнида муте турган эсада, нигоҳини ололмаётган йигитни кўрди.

— Дарров исмини билиб олибсиз, — дея Ҳилола ишга уннади. Панжара ўрнига Мақсуданинг қалбини артаётган каби қаттиқ-қаттиқ ишқалади. Назоратчи хотин ёнидан ўтаётиб, койиди:

— Баҳромова, темирда қасдинг борми? Бўёғини кўчириб юборасан-ку!

Шу куни йўлакни тозалаган маҳбусаларни тушликдан кейин кир-чирларини ювиш учун турма ҳаммомига бир қатор тизиб олиб боришди. Суд ҳукм чиқариб, колонияга юборилмас экан, панжара ортига қадами етганданоқ аҳли тутқунларга қамоқ либоси берилмасди. Ҳар ким уйида кийган кўйлак-лозимда эди. Гарчи Мақсуда кундан-кунга ёқмай бораётган бўлса-да, Ҳилола олди-берди қилишга, суҳбатлашишга мажбур эди. Ҳаммомда ундан кирсовун сўради. Туман ички ишлар ҳибсхонасида уйдан "поплин" кўйлак, пайпоқ, сочиқ, рўмол келтириб беришганди. Эғнидагилардан ташқари бир сидра кийимлари бор эди, юва бошлади. "Поплин" тез тирришиб қоладиган кўйлак эди, ювгач, сувини сиқиб, шартиллатиб силтаганча қоқишга тушди. Қурилганига ярим асрдан ошган гумбазли хонани хотин-халажнинг гала-ғовури, тоғоралар даранг-дурунги, сув

шилдираши, либосларнинг шартиллаши тўлдирди. Афтидан пастки қаватдаги маҳбусаларини ҳам ишла-тишган кўринади.

— Нимага қамалгансан, оқ қиз? — тирғалди сарик сочли, шокоса кўз хотин.

— Одам ўлдирганман, — жавоб берди Мақсуда.

— Нимага эмиш дебман-а, — бетон супага ўтирди хотин. — Судинг бошланганми?

— Кейинги ҳафта бошланглар, деганман.

— Эрга тегмаганмисан?

— Нима эди? — қаддини ростлади Мақсуда. Бироқ юраги така-пука бўлаётгани қарашларидан сезилди.

— Ўзингни бос, бунча қалтирайсан? — деди шокоса кўз. — Мен эр кўрган маҳбусаларни ёқтирмайман. Улар қамоқда ҳам эрга зорга ўхшаб юришади, кўзлари ўйнаб ёки мунгга тўлиб, мунғайиб. Гапир, кимсан?

У Мақсуданинг билагидан тутган эди, қиз шўрлик нажот истаб, Ҳилолага қаради.

— Ҳа, опа, тинчликми? — деди Ҳилола кўйлагини тоғорага ташлаб.

— Ў-ў, "однохлебка"лар мени галалашмоқчимми?

— Сизга ҳеч ким ёмонлик қилмоқчимас, — Ҳилола бир қадам ташлади. — Бу қизни хафа қилаяпсиз.

— Менми? Иби, тухмат қилма менга!

— Опа, ҳаммамиз ҳам қамоқдамиз, — гап уқтирмоқчи бўлди Ҳилола. — Бир-биримиздан кўнглимиз қолиши шартми?

— Қани, гапир-чи, — шокоса кўз Ҳилолага ўқрайди. — Ўзинг кимсан? Турмуш қурганмисан? Йўқ, ўхшама-япсан.

Кир юваётган хотинлар текин томошага маҳтал эдилар. Ҳилола жанжални қанчалик истамасин, зирапча кирган бадандаги яра етилиб келмоқда эди. Пешонаси-га тушган сочини йиғиштирган эди, автоҳалокат муҳри бўлмиш жароҳат кўринди.

— Опаси, — деди Сойгул шокоса кўз хотинга, — унинг асабига тегманг, чатоқ қилади. Аввал Ҳилоладан нега қамалганини сўранг!

Назоратчи хотин ичкарига кириб, уларга кўзи тушди.

— Қулимова, нима қилаяпсиз? — деди назоратчи.

— Кирсовун сўраяпман, — безрайди шокоса кўз.

— Кирларингиз қуритиш хонасида-ку, чиқинг бу ёқдан!

Муқаррар уруш тўхтади. Ҳилола қамоқда ўзини қандай тутиш кераклиги хусусида икки хил фикр ўртасида аросатда эди. Шахсий варақасига салбий баҳо тушмаслиги учун мусичайи беозор бўлсинми? У ҳолда ҳар хил бетайинларнинг қуюшқондан чиқадиган қилиқларига қандай жавоб қайтариши даркор? Гиёҳвандларнинг, бузуқларнинг кўпчилиги қафасга тушиб, димиққан хоналарда ўтиравергач, миялари баттар айнишини кечагина Шокира сўзлаб берган эди. Улар ўзларини рисоладагидек тутишлари учун ҳовурни босувчи дори беришар экан. Дори овқатга қўшиладими, буханкада бўладими, одам билмасмиш. Шунда ҳам айримларнинг фикри бузилишдан тўхтамас экан. Иблис уларнинг қалбларига уруғни анча мустаҳкам қадаганмиш. Кимнингдир атайин жиғига тегиш, ўзини жароҳатлаш, жуфт қидириш — шу тариқа осий банда тубанлашишдан тўхтамас экан. Фожиалардан қизларни асраш учун турма маъмурияти йиғилишлар ўтказиб, зарур чоратадбирлар кўриб туришаркан.

Қулимова чиқиб кетган эшикка Ҳилола исёнкор нигоҳ ташлади. Унинг тегажқлик қилишдан мақсади нима эди? Ҳилола Мақсудани яхши кўрганидан ҳимоя қилмади. Доғули хотин шунчалар ёқмадики... "Агар бизни шарманда қилмоқчи бўлса, қараб ўтирмайман, — деди Ҳилола ичида. — Бузуқчиликни улар ўйлаб топган. Мен наҳс босган йўлларидан юрмайман. Бошини ёриб, сочини юлиб ташламасам ўлганим шу! Кучим етмаса етмасин! Қараб ўтирмайман!.. Қонунларни яна бузаманми? Шундай бўла қолсин.

Ўлдими, қамоқхонада тарафимни оладиган инсофли аёллар бордир? Турма бошлиғи ҳам мени тушунар..."

Кир-чирни ювиб бўлишгач, ҳаммомда чўмилишга гал келди. Ҳилола тоғорага сув тўлдириб, тошсупага жойлашганди, кимдир қаттиқ туртди. Қовоқ-тумшуғи осилган эллик ёшлардаги сариқ хотин экан. Унинг ивиган патак сочи тўсган юзидаги бир жуфт кўзидан маъно ва меҳр топиш даргумон эди. Бунинг устига баданига галати қора тошмалар тошиб кетганди.

— Менда гапингиз борми? — Ҳилола туртишга туртиб, индамай ўтирган хотинга тушунолмади.

Сойгул қулоғига шипшиди:

— У неварасини пичоқлаб ўлдирган экан. Эҳтиёт бўл, ёмон гапирма.

Ҳилола тишини тишига босиб, ювинишда давом этаётганди, сариқ хотин яна туртди-да:

— Чирик, — деди ўз елкасига қўл теккизиб.

— Менга айтаяпсизми?

— Да, сенга.

Турмага қабул қилиш бўлимида ўдағайлаган семиз хотин жўмракдан сув олишга ўтаётганди, Ҳилолага тушунтирган бўлди:

— У ўзбек тилини билмайди. Қўшниларидан сал-пал ўрганган. "Чирик" деб елкасини кўрсатаяптими, "елкамнинг кирини эзиб қўй", дегани.

Ҳилоланинг томирларида қон гупурди. Сойгул қўлидан етаклаб, нариги тошсупага, Мақсуданинг ёнига олиб кетди. Абадиян турмасининг қабулхонаси-ю камераларида, кирхоналарию ҳаммомларида аёл қиёфасидаги икки оёқли тушунуксиз мавжудотлар кўп учрарди. Сойгулнинг айтишича, сариқ хотин ёшлигида "гунги капалак" бўлган эмиш. Ўттизга ҳам бормай ароқхўр, кашанда, ҳатто гиёҳвандга айланибди. Бир қизи бор экан, невара кўрибди. Кунларнинг бирида қизи жазмани билан аллақаяёққа жўнаб қолибди. Кечқурун нобакор буви тўйиб ичибди. Ўтган ёшлигига аза тутиб, буруқситиб

сигарета чекибди. Бола эса онасини соғиниб йиғлай-верибди, йиғлайверибди, манфурнинг сабри косасидан тошибди. Стол устидаги пичоқни олибди-ю...

— Елкасининг кирини эзганимдан кўра ўлганим яхши, — деди Ҳилола. — Мен билан бир кунда келиб, қонхўрнинг тарихини қаёқдан эшитдингиз, Сойгул опа?

— Қишлоқда лақабим "Радио" эди, — оғзини бекитиб кулди муаллима.

Уларнинг ёнида Туморгул деган хотин ҳам ўтирган-ди. Қамоққа тушишдан бурун маҳалласида мурдашўйлик қилган ва ҳозирда Ҳилоланинг камерадошларидан бири бўлган камгап хотин шу эди.

— Инсон бир парча кафанга ўралгунча не-не қўйларга тушади, — деди у ўз-ўзига сўзлагандек. — Эҳ, ғаддор дунё!..

Кечки овқатдан сўнг ҳаммалари ухлашди. Ҳилола хуррак ва босинқирашларга қулоқ тутиб, анча вақт кўзи илинмади. Иллюзионистка ҳаммомдаги хотинлардан яхшироқ кўринди унга. Шу тобда Ҳилола "кафан" сўзини бугун мурдашўй ҳам тилга олганини ўйлаб, ногоҳон ичида чироқ ёнди. Мана, Иллюзионистканинг сирини очиш учун ким керак? Камерада учаласи — Иллюзионистка, Ҳилола ва ўлик ювувчи Туморгул бирга ётишса, ҳарбий формалиларни қизиқтирган далил кўл юзига қалқиб чиқиши мумкин. Ҳозирча буни айтмайди. Иллюзионистка билан битта камерага қамашни, сирини тезроқ суғуришни қистасалар, тилга чиқариб кўради. Васлининг яқинлари Ҳилолани суд залидаёқ озод этишларига йўл қўядиганлардан эмас. Бунинг ташвишини чекиб, Бўронгул юрист бошчилигида қандайдир фитнес-фасод, туҳмат-бўхтонга аллақачон тиш-тирноқлари ила ёпишишган, эҳтимол. Балки Иллюзионистканинг кафанга боғлиқ мудҳиш сирини очиб берса, ҳаёти буткул ўзгариб, Васлининг қариндошлари ин-инига уриб кетар? Шунда ҳам қишлоқда яшамайди.

Университетга кириб, кейинчалик шаҳарда қолади.

Ҳилола хўрсиниб, кўзини юмди. Ҳақиқатан, турма яқинидаги катта кўчадан ўтаётган машиналарнинг шовқини тунги сукунатни бузолмас экан. Ёз бўйи уйда ухламасдилар. Ҳовлидаги чорпояда Нурия, Ҳилола, икки укаси ётишарди. Соё устидан ўтган асфальт йўлдан тепага ўрлаётган машиналарнинг, тракторларнинг овозлари аниқ-тиниқ келарди. Ота-онасининг қишин-ёзин тунайдиган макони — "нашахона" деб аталган ҳужра эди. Бироқ кўпинча отаси даладан қайтишда винофурушникига кириб ўтса, кўрпа-тўшагини чорпоя яқинидаги чим устига тўшарди-да, уйқуни урарди. Кимдир асабига теккан кунлари винога қаноат қилмай бир стакан тип-тиниқ спирт қуйилган баклашка кўтариб келарди. Ошхонадаги сири кўчган яшил кружка билан сув соларди. Баклашкани чайқатарди, сўнг спиртнинг тинишини кутарди. "Қизим, — дерди гоҳида, — салат тўғраб кел..." Ҳилола ошхонага чошиб кириб, коса олиб чиқарди. Томорқадаги помидор, бодрингдан териб, сувга чайгач, парракларди, туз сепиб, отасининг ҳузурига шошиларди. Полизда пишган помидор топилмаса, калишини попиллатиб қўшниларникига чопганлари-чи. Юқори синф ўқувчиси бўлгач, отаси ҳақидаги "ичади", "алкаш", "битта ароқ берсанг, бас" каби гаплардан ўйга толадиган бўлди. Падарнинг хизматини қилиш фарзанднинг бурчи, илло спирт, вино, ароқ ичаётганида, зир югуриши яхшимикан? Ўзгариб қолганини сезган отаси газак тайёрлашни буюрмай қўйди. Ҳилола Абадиян турмасининг "аёллар бўлими"даги иккинчи қаватда ўй толганча ётаркан, отаси ҳозирда ичишни камайтирдими, кўпайтирдими, шу ҳақда қайғурарди. Қизи одам ўлишда айбдор саналиб қамоққа ташланганидан сўнг, наҳотки ичишни йиғиштирган бўлса?

Душанба куни адвокат бир қанча ишлар билан Абадиянга келиб, Ҳилола билан учрашишни жоиз топди. Конвой Ҳилолани тергов хонасига келтирди.

— Индин судингиз бошланади, — деди адвокат. — Мен қўлимдан келган ишни қилаяпман. Марҳумнинг яқинлари ҳам қараб ўтиргани йўқ. Асосий даъвоси шуки, сиз йигит ҳушидан кетганидан кейин ҳам уришдан тўхтамагансиз. Руҳий касаллик аломатларингиз қайд этилмаган. Ўзингизни ҳимоя қилганингизни, кучли руҳий инқироз ҳолатида бўлганингизни, йигитнинг ўзини билмайдиган мастлигини алоҳида сабаб сифатида кўрсатаман. Суддан олдин менга бирор гап айтмоқчимисиз?

— Суд залидан қўйиб юборишмайди, барибир қамалиб кетаман. Прокурор босқинчининг тарафини олса, виждонига ҳавола. Қамоқда кўп ўтирмайман.

— Нимадандир умидингиз бор шекилли? — маъноли қаради адвокат. — Мен билишим керак.

Тайинки, бу гап Ҳилолага ҳарбий формалиларнинг ваъдасини эслатди. Улар адвокатга учрашганмикан? Ҳа, қамоқдан қутқариш ниятида адвокатдан фойдаланишлари керак-ку.

— Ҳамма нарсадан умидим бор, — деди Ҳилола. — Сизга ҳеч ким учрашмадимиз?

— Кимни назарда тутаяпсиз?

— Орган одамларини.

— Қайси орган?

— Милиция эмас.

— Прокуратурами?

— Йўқ.

Ҳарбий формалилар адвокатга мурожаат қилишмаганини англаган Ҳилола тилини тишлади. Сир сақлаш буюрилган экан, бажармоғи лозим эди. Гапни бурди, айлантирди, чайнади. Адвокат шунчаки келиб-кетаётган кишига, Ҳилола кимдир ҳибс этилиши керак бўлгани учун ҳам қамоқда ўтирганга ўхшарди.

— Судда учрашгунча, — деб адвокат ўрnidан турди.

— Опам яхши яшаяптимикиан? — сўради Ҳилола. — Ота-онам гапи орасида бирор нималар айтгандир?

— Опангиз яхши.

— Нега мени ҳеч ким билан учраштиришмаяпти? Бошқаларнинг уйдагилари келишмаяпти-ку.

— Учрашув муаммо эмас, "район"даёқ рухсат беришлари керак эди. Турмага олиб кетадиган кун уйдагиларингиз келмаган-да.

— Кучада аям "автозак"ка тармашиб йиғлаганини ўз кўзим билан кўрдим, — деди Ҳилола кўзларига ёш қуйилиб. — Менга ноҳақлик қилишмаяпти.

— Турма манзилини, бу ерга қандай киришни — ҳаммасини тушунтирганман. Бугун келиб қолишса ажабмас.

— Аямни охирги марта қачон кўрдингиз?

— Ҳар доим кўриб тураман. Кун-кун ора менга учрашиб кетади. Келманг десам ҳам келаверади. Ҳатто, якшанба куни ҳам уйимдан мени сўрабди.

— Отам-чи?

— Отангизни бир марта кўрдим, холос. У киши кўп ичадими дейман?

— Мастмиди?

— Бир оз.

Эртасига овқат тарқатувчи хотин камера эшиги туйнугидан учта буханка, ўн икки кишилик компот уздаётди, Ҳилоланинг қўлига букланган қоғоз тутқазди. Ҳилола "Нима бу?" демоқчи бўлди-ю сўнгги лаҳзада ўзини тўхтатди. Қамалганларга ўткир буюм, спиртли ичимлик, қуруқ чой, қарта, махфий хат кабиларни етказиб бериш тақиқланган эди. Овқат тарқатувчи хотин ҳам маҳбусалардан. Бу ишни у оғир жиноят санамай бемалол бажараётган эди. "Хат Ёқубдан бўлса керак", — деган ўй ўтди кўнглидан.

Нонуштадан кейин қоғозни секин очди. "Салом, Ҳилола, — деб бошланган эди мактуб, — мен ҳақимдаги ҳар хил гапларга эътибор берманг. Ўғри эмасман. Гапларимга ишонмасангиз, ўзимни оқлаб ўтирмайман, майли, ўғри деяверинг. Бу ерда, эркаклар орасида сиз

ҳақингизда гап тарқалди. Опангиз тўйидан бир кун аввал одам ўлдириб қўйибди, айбни бўйнингизга олиб, қамалаётган экансиз. Қамоқда ҳар хил миш-мишлар кезиб юради. Мен сизнинг қотил эмаслигингизга ишондим. Опангиз ҳам қотил эмас. Ўзини ҳимоя қилган инсонни қандай қилиб қотил дейиш мумкин? Мен оқланаман, сизнинг ҳам судингиз бошланса, оқлаб юборишига ишонаман. Ҳеч нарсадан қўрқманг, фақат умид қилинг. Абадиян турмасига келдим дегани қамалдим, ҳаёт тугади дегани эмас. Кимлар келиб-кетмаган! Қўшнисини бир мушт урганлар ҳам бир ой-йигирма кун "дам олишади". Чунки ички ишлар бўлимларидаги "КПЗ"ларда узоқ сақлаш мумкинмас, дарров Абадиянга юборишади. Ҳилола, сиз билан яқиндан танишмоқчиман. Бизни турмада тақдир учраштирди. Худо кўрсатмасин, қамалиб кетадиган бўлсак, иккаламизни ҳам "зона"га жунатишади. Эркаклар колонияси билан аёлларники бошқа-бошқа жойларда. У ёқда биз турмадагидек кўришиб туролмаймиз. Мени Қаршигами, Навойгами, Зангиотагами ташлашади. Қамоқдан чиқиб, бир-биримизни тополмай қолмайлик, демоқчиман. Хатимга озодликда юрганингизда жавоб ёзишингиз даргумон эди, турмада-ку, қиз болалик шаъни устига шапқалилардан қўрқиш ҳисси ҳам қўшилади. Сизни тушунаман. Кейинги ҳафталарда иккинчи қаватда катта "уборка" бўлади, комиссия келармиш. "Уборка"га эркак маҳбуслардан ёрдамчи қилиб мени юборишади. Унгача яна хатлар ёзаман. Келажакда сизни келин қилмоқчи бўлганлар "қамалган қиз экан" деб айниб кетади, бу ҳақиқатни тан олишингиз керак. Фақат мен ҳеч нарса таъна қилмайман, кафтимда кўтариб юраман. Адашмасам, сизни севиб қолдим. Кеча-ю кундуз ўйлаб ётаман. Тагин тентак-пентак деган хаёлга бормангу, мабодо мени қўйиб юборишса, кетмайман. Коридордаги панжарадан маҳкам ушлаб, "Ҳилола! Сизсиз менга озодлик

керак эмас!" дея бақираман. Уриб ўлдиришса ҳам!.. Шунақа гаплар! Илтимос, хатимни йиртиб ташланг! Битта-иккита "закончи" навбатчи бўлиб қолганида, хатни кўрса, сизга гапиришлари мумкин. Мен учун эса бу дунёда муаммо деган нарса йўқ. Муаммом нималигини сўрашса, "Ҳилоланинг мени севиб қолишига эришишим" деган бўлардим".

Ўқувчилик чоғлари Даврондан ташқари битта-иккиталар ишқий мактублар битган эди. Хатлар негадир хурсанд қилмасди уни. Ёқубнинг ёзувлари эса кўнглига оз бўлса-да, илиқлик бахш этди. "Қамалган қиз экан" дегувчиларга, бир умр эрсиз қолиб кетса ҳам, келин бўлмайди. Маҳбус йигитнинг эса нимасидир ўзига тортиб турарди. Гап қамалиш-қамалмасликда эмас, Ёқубнинг алланечук самимийлигида эди. Балки ростдан ҳам ўғирликка қўл ургандир? Кимидир пулга зорикқандир ёки кампирнинг тилла буюмлари ҳаром йўл билан келгани сабаб ўзича қасос олгандир? Ҳарҳолда кўнгли жирканч мақсадларга тўлиб-тошган ўғрига ўхшамасди.

— Нима у? Хатми? — Мақсуда каравотидан бошини осилтирди.

— Ҳеч нима, — Ҳилола мактубни яшириб, қовоқ солди.

— Деворга ёпиштириб қўйинг, — кулди Мақсуда. — Елим ясашни ўргатайми?

— Нима демоқчисиз?

— Ҳой қизлар, эр талашаётганга ўхшаб эрталабдан бунча бидиллайсанлар? — деди Шокира. — Деворга газета, расм, наклейка ёпиштирсанглар, исмланингни тирнаб ёзсанглар мендан яхшилик кутманглар! Бу ер зиндон бўлса! Номини совуқ жойда ўзингдан эсалик қолдириб нима зарил!

— Ҳақ гапни айтаяпти, — дейишди бошқа аёллар.

— Тўғри, — деди Сойгул ҳам.

— Шу гапларни сен айтишинг керак эди, — ўқитув-

чини жеркиб берди Шокира. — Муаллимамансан, ҳамма ерда муаллималигингни қил! Қиз бола нарса қамоқда ҳам, томоқда ҳам одоб-ахлоқни унутмасин. Энди, аёллар масаласига келсак, улар сал шаллақилик қилса бўлади. Чунки аёл бола боқади, эрига қарайди, уй-рўзгорни обод қилади, эри пул топмаса, оила учун пул ишлаб топади. Шунча ишни қиз боладай уятчан, тортинчоқ ҳолида қилоладими?

— Тўғри эмас, — шартта фикридан қайтди Сойгул.

Маҳбусалар кулиб юборишган эди, Шокиранинг жаҳли чиқди.

— Нега тўғри эмас?

— Сенингча, турмушга чиқиб, шаллақига айланиш керакми?

— Вой, ким шаллақилик қил, деяпти? Кап-катта хотинга нисбатан қиз бола одоблироқ бўлиши табиий ҳолми? Нега ақиллайсан менга?

— Уришманглар, — қўшилди чиптачи хотин. — Икковингиз битта нарсага икки томондан икки хил чалалик билан ёндашаяпсиз. Одоб-ахлоқ ҳар қандай инсонга зарур. У қизми, хотинми, озодми, тутқунми, йигитми, чолми, негрми, оқми, диндорми, кофирми — фарқи йўқ. Бу синглим, — дея у Ҳилолага имо қилди, — хат олди. Тахминимча, нариги блокдаги йигитчадан. Лекин қизни ҳам, йигитни ҳам айбламайман. Севги қаерда йўқ? Ҳамма миллатда, ҳамма маконда бўлади. Қўштирноқ ичидаги "севги"дан Худо асрасин!

— Ишқнома экан-да! Қани, ўқийлик, — тиланчидек қўл чўзди Шокира.

— Чегарадан чиқиб кетаяпсиз, опа, — деди Ҳилола ранги хиёл оқаринқираб.

— Назоратчига айтаман!

— У ҳолда "қулоқ" бўласиз, — деди мурдашўй Туморгул. — "Қулоқлик" қилсам, статьям енгиллашади, қамоқда камроқ ётаман, деб ўйлашади айримлар. Ҳеч қайси қамоқхонада "қулоқ" яхши яшамаган. Сири

очилса, маҳбуслар ўлдириб юборишади, очилмаса, қайтанга кўпроқ ўтиради. Сабаби, қамоқ ходимларига "қулоқ"лар ҳамиша керак. Тажрибали "қулоқ"дан ажралишни тепадагилар хоҳлашмайди.

— Вой-вў, ипирисқи айғоқчига чиқариб қўйдингиз-ку, ювғувчи опа! — эътироз билдирди Шокира.

— Гапингизга жавоб.

— Айтиб ўлиб бораяпманми? Ҳазиллашдим, — қўлларини чалиштирди Шокира. — Мен тиббиёт ходимиман. "Зона"га борганда, ҳамшира бўлмоқчиман. Айғоқчиликка турмада ҳам, "зона"да ҳам бурнимни суқмайман.

— Барибир... орамизда "қулоқ" бор, — деди мурдашўй. Ҳамма мурдашўйга қаради.

— Ким?

— Билсак бўладими?

— Хатдан шубҳаланаётган бўлманг, — қўрқиб кетди Ҳилола. — Хоҳлаганлар ўқишлари мумкин. Мана!

— Ўзингга олиб қўй, — деди мурдашўй. — "Қулоқ"ларга турма хизматчилари ҳеч қачон хат бермайди, "сайр"га олиб чиқишганида, кабинетларига чақириб, бўйнига топшириқ қўяди.

— Ким экан ўша "қулоқ"? — кўзлари олма-кесак терди Сойгулнинг. — Айтақолсангиз-чи!

— Кимлигини айтса, бўғиб ўлдирасанми? — жириллади Шокира унга.

— Нега айнан мен бўғиб ўлдиришим керак?

— Ҳеч биримиз билмаймиз, — деди мурдашўй. — Албатта, ҳозирча билмаймиз.

— Аниқ борми ўзи? — дераза тагидаги каравотда ётган хотинлар бошларини кўтаришди. — Табаррук касбингизни ҳисобга олсак, ёлғончи эмассиз.

— Аниқми, йўқми, шуниси маълумки, маъмурият ҳар бир камерадаги гап-сўзлардан хабардор бўлиш учун кимнидир "қулоқ" қилиб танлайди.

— Махфий нарсани яшираётган жиноятчилар эмасмиз-ку, — деди Мақсуда. — Айбларимиз аниқ.

— Ундай деб ўйлама, — қўл силкиб қўйди мурдашўй.
— Махфий нарсадан ҳам муҳим муаммолар қамоқхонада тиқилиб ётибди.

— Орамизда чақимчи борлигини бугун ёки эртага биламиз, — деди Шокира. — Ҳилола эркаклар блокидан ишқий хат олгани учун калласи билан жавоб берса, етти кара еттининг қирқ тўққизлиги маълум бўлади.

— Қўштирноқ ичидаги "севги"дан Худо асрасин, деб бекорга айтмадим, — чиптачи хотин столни урди. — Ҳилола хат олган бўлса, нима айби бор? Турмада ҳомиладор бўлганлар йўқми? Тунги навбатчиликка қолган эркаклар билан топишиб олган фоҳишалар ҳақида эшитмаганманми? Уларнинг касофатига бизнинг устимиздан назоратни кучайтиришади. Ҳилола эса тўғри қиз.

— Қамоқда тўй қилиб, уйланганлар ҳам бўлармиш-а? — деди Сойгул.

— "Зона"да ёки "колонка"да шунақаси учрайди, турмада, кўраяпсиз-ку, уйдагилар билан ҳам қўл бериб кўришолмайсиз. Бир вақтлар биттаси ўпишиб кўришаётиб, оғзи орқали лезвия берган экан. Лезвияни олган хотин камерасига қайтиб, томирини кесган.

— Кейин нима қилган?

— Ўлган. Ўшанақа ҳолатларнинг олдини олиб, ойна орқали телефонда гаплаштирадиган бўлишган.

— Э, шунисига ҳам шукр, — деди Сойгул. — Ҳилола қамоққа тушганидан бери уйдагиларини умуман кўрмаган.

12. ОНАИЗОР БИЛАН УЧРАШУВ

Бир соат ўтгач, назоратчи хотин эшик очиб:

— Баҳромова, — деди важоҳат аралаш, — турунг, кетасиз! Сизни олиб кетишга конвой келган.

— Қаерга?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бугунги рейс билан Ўзингининг туманингиздаги ички ишлар бўлимига жўнатиласиз. Улар сизни эртага судга олиб боришади.

— Омад ёр бўлсин, яхши қиз, — дейишди камерадош хотинлар. — Илойим, оқланиб, суд залидан озод этилиб, бу ёққа қайтиб келма!

Ҳилола алланечук ҳаяжон ва ҳадик билан кета бошлади. Наҳотки, суди бошланса? Ота-онасини, опасини, укаларини кўрса?

Бироқ биринчи қаватга тушиб, катта йўлакдан ўнгга бурилиб, навбатдаги панжарадан ўтган ҳам эдиларки, биринчи куни турмада учраган Ризо деган ходим рўпарадан чиқди.

— Баҳромова Ҳилолами бу? Зудлик билан орқага қайтаринг! Иш чатоқ!

Улар ортга бурилишди.

— Нега чатоқ бўларкан? — шивирлади конвойчи хотин.

— Онаси... — деди Ризо.

Ҳилоланинг вужуди қулоққа айланди. Жимираш баданига ёйилиб, қорамтир туман сизиб чиқди қовоқларидан. "У нима демоқчи? Аямга нима бўлган?"

— Нима, "онаси"? — сўради ходима.

— Келибди, — жавоб берди Ризо.

— Қаерга?

Ризо қандайдир ишора қилди.

— Турмагами? — деди ходима. — Нима бўпти?

— Юқорига ёзган. Қамоқда ушлаб туриш, тергов қилиш, тергов изоляторига юбориш! Кўп нарса ёзибди. Ўзларидаги ички ишлар бўлимининг конвойидан бир аёл ишдан кетибди.

Кўз олди қоронғилаша бошлаган Ҳилоланинг ботинида ярқ этиб чақмоқ чақди. Димиқ деразалар шарақлаб очилиб, хушбўй насим сочларини силаган каби энтикди, қувонч тугўнидан қичқириб юбораёзди. "Со-вуқ хабар эмас..." — деди дил хумида ўтирган хаёл.

— Биз нима қилибмиз? — овозини баландлатди ходима. — Айбимиз нима?

— Гап тегмасин, деб ҳозир бошлиқ мени сўқди. Авариядан кейин бунинг... юзидаги жароҳат ҳалигача тузалмаган. Она-бола ўн дақиқадан кейин учрашади. Қизга гапни тайинланглар, — деди бошлиқ. Ҳарҳолда сал эътиборлироқ бўлайлик, бошқа ҳеч гап йўқ.

Уч дақиқадан сўнг улар тиббий хизмат хонасида ўтирдилар.

— Кўрайлик-чи, — ҳамшира сарғиш қўлқоп кийган қўллари-ла Ҳилоланинг юзини чироққа тутди. — Битиб қолибди-ку. Дори шартмас.

— Аям келдими? — Ҳилола ҳамшира оша Ризога кўз ташлади.

Ризо хўмрайди, аммо бош силкиши Ҳилолани мамнун этди.

— Турма дарвозаси олдида автоҳалокатга учраганларингни айтдик, — деди Ризо. — Биламан, ота-оналарнинг кўнгли шунда ҳам бошқа хаёлларга бораверади. Шунинг учун "свидания"да ҳар бир гапни ўйлаб гапир. Сени қўрқитмаяпман. Турмадан ҳали-вери чиқмаслигингни ўйлаб, ақлли қиз бўл. Ёмонликка ёмонлик, яхшиликка яхшилик.

— Хўп, — Ҳилола нақадар миннатдор эди.

— Сени ҳеч ким урмади, хўрламади, эркак ходимлар ҳам ҳақорат қилмади, — Ризо ўқрайди. — Еган овқатинг, нонинг, камеранг, ҳаммоминг, сайрга чиқишинг, кундалик режиминг — ҳаммаси рисоладагидек. Келишдикми?

— Ҳа.

— Қани, марш!

Ҳилола ўтган ҳафталар мобайнида тушга айланган онаизорини кўришга дам ишониб, дам ишонмай соқчилар етакловида кетиб борарди. Бу бино қамоқхонадан кўра ер қаърига элтувчи афсонавий ғор эди. Мана, одамқайтмас ғордан ёруғлик сари ҳансираб,

судралиб, занжирларни шилдиратиб чиқиб келмоқда. Озодлик насиб этмаса-да, унинг бир парчасини панжара ортида она тимсолида кўради. Кейин... ўлса ҳам майли! Шунча кун чидади. Қандай чидади, ҳозир ақл бовар қилмасди.

Кишанини ечиб, эшикдан киритишди. Ҳилола хонанинг ярмини тўсиб турган ойнани кўрган заҳоти жавдираб онасини ахтарди. Биринчи бўлимда эркак, иккинчидаги нотаниш хотин, учинчисида...

— Ая!.. — Ҳилола йиғи бўғзигача тошиб келганини хис этди.

— Телефон сўзлашувини эшитиб туришади,— пичирлади соқчи ва учинчи стулга йўл кўрсатди. — Бор, гаплаш.

Ойна ортида волидаси мўлтираб ўтирибди: кўзларида филт-филт ёш, улкан бахтсизликка учраганини англаувчи нигоҳида мунг ва хавотир қоришган. Юзидаги ажинлар илдиз ёйган, яноқлари бўртиб, лаблари қовжираган. Тўйларга олган қизил-қора гулли булғорча сўлқилдоқ кўйлагини кийибди, бошида ҳам Нурия онасининг тўйида ўраган янги байроқча рўмол. Нуриянинг тўйига агаб олинган либос милиция бўлими, прокуратура, қамоқхонага қатнашда соҳибасига хизматда эди. Қизисиз тўй-маърака татимагандир, қўшниларининг гурунги кўнглига сиғмагандир, "Жигарбандим қамоқда ётса, тўйма-тўй юраманми?" деб уйдан ҳам чиқмай қўйгандир. Ҳилола англадики, қамалиб кетиши она учун ўлим билан барабар. Қизи ўлганлар қандай куйса, онаизори ҳам шундай куяди.

Муштипар аёл ойнага талпиниб, лаблари қимирлаб, алланималар деди. Ходимлар телефон гўшагига гапиришни эслатишди.

— Ассалому алайкум, ая... — деди Ҳилола зўр-базўр.

— Вой болам... болажоним... — йиғлай бошлади онаси.

— Ая, йиғламанг, — Ҳилоланинг ҳам кўзларидан шашқатор ёш оқди.

— Қаерларда юрибсан, Ҳилолажоним? Яшар жойинг шу ер бўлдими, болажоним? Дугонангларинг тўй бўлганда, сенгинага шу қамоқлар тўйдимикан? Вой Ҳилолажоним... Вой қизим... қизим... Юз-бетингга нима қилди? Ёш бошингда авария ҳам борийдими? Вой болам-ей... болам-ей...

Онанинг ранги қув оқарди. Титроқ қўлларидаги гўшакка жон кириб, кафтидан отилиб чиқди-да, симига осилди-қолди.

— Ёрдам беринглар! — айюҳаннос солди Ҳилола ойнани уриб.

Милиция ходимлари чопиб келишди. Маҳбусларнинг қариндошлари орасидаги аёллар онанинг қўл-оёқларини уқалаб, сув ичиришди. Ҳилола кўрдикки, онаси ғам-аламдан адоий тамом бўлган. Ёлғиз чора — кўнглини кўтариш.

Ғамнинг зарбаларидан чилпарчин бўлган она бор кучини тўплаб, оёққа турди. Стулга ҳилвирабгина ўтирди. "Мендан хавотир олма, қизим" дегандек ҳадеб қўл силкир, жилмайишга, қаддини расо тутишга, кўзларини жонли-жонли пирпиратишга уринарди.

— Ая, мен яхшиман, — деди Ҳилола. — Хавотирланманг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Бу ерда аёллар, қизлар кўп. Овқати, ётадиган жойи яхши. Худди "балниса"га ўхшаркан, палата-палата. Фақат эшиклари қулфлаб қўйилади. Китоб-газета ўқиймиз, телевизор ҳам бор. Назоратчиларимиз-нинг ҳаммаси аёллар. Ана, мелисаларнинг формасини кийган опани кўраяпсизми? Мендан умуман хавотир олманг, аяжон! Мен яхшиман... яхшиман, ая... Ҳеч ким қаттиқ гапирмайди. Тартибқоидани бузмасак бўлди. Мен тартиб бузармидим. Ҳар куни мақташади. Юзимга эътибор берманг. Иккита машина салгина урилиб кетди. Гапиринг, ая, Нурия опамнинг "Чақирдиси" яхши ўтдими?

Она бошини оғир қимирлатди. Лабларида синиқ табассум қотиб қолганди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бугун судим десам, эртага экан, ая, — Ҳилола кулимсиради. — Қўрқманг, ҳеч ҳам қўрқманг. Бир-икки йилга қамаса, колониядаги фабрикада ишлаб келаман. Тошкент томонларда махсус фабрикалар бор экан, бизни ўша ёқда ишга жойлаштирармиш. У ерлар бунақа қамоқхона эмас. Деворлар билан ўралган, лекин ичкарида одам эркин юрармиш. Уйидан келганлар билан ойна орқали гаплашмайди. Алоҳида учрашув уйларида уч-тўрт кун бирга ётиб, овқат пишириб, хангома қилишаркан. Баҳонада Тошкентни ҳам кўриб келасиз, ая.

— Худо хоҳласа, қамалмайсан, — тилга кирди она. — Тошкентга айланишга борамиз. Қамоқнинг оти қурсин!

— Мабодо, дедим-да, ая...

— Қизим...

— Лаббай, ая.

— Қизим-ей...

— Нима дейсиз, ая? Эшитаяпман.

— Биздан хафа эмасмисан?

— Нега сизлардан хафа бўларканман, ая? Мен... мен қийналаётганим йўқ. Бозор куни кирларимизни ювдик, "ҳаммом"га тушдик. Ўзимизнинг "район"дан ҳам қамалган қизлар, аёллар келган эканлар, танишдик. Бизни гиёҳванд, ўғри, қўпол хотинларнинг орасига қўйишмайди. Бошлиқлар, дўхгирлар ҳар куни хабар олишади. Отам яхшими? Укаларим молларга ўт ташияптими? Сизлар яхши бўлсаларингиз мен хурсандман, ая.

— Ўша куни тақинчоқларингни мелисалар бизга топширди. Ҳаммаси уйда.

— "КПЗ"да ўзим ечиб бергандим, чунки бу ерда тақиб юриш мумкин эмас экан.

— Сандиққа солдим, қизим.

— Қўйинг тақинчоқларни. Ўзингиз яхшимисиз?

— Очиққа чиқсанг, ўзинг тақасан.

— Албатта, ая.

— Қизим-ей...

— Ая, ҳадеб куйинаверманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Қизингиз бир тўнғиздан ўзини ҳимоя қила олганини ўйланг! Эл-юрт олдида шарманда бўлмадик! Қамалсам, обрўйимни, шаънимни ҳимоя қилганим учун қамаламан. Қишлоқда одамлар нима гапирса гапираверсин! Эътибор берманг уларга!

— Уйни соғиндингми, қизим? — айбдорона сўради она. — Аввал ҳеч уйдан чиқмагандинг...

— Укаларим судга келишсин, кўрай... кўришай. Бугун мени "район"га опкетишади. Кечқурун мелисахонага отамдан овқат бериб юборасизми? Ширгуруч қилинг. Биласиз-ку, ширгуручни яхши кўраман, ая...

Онанинг юзини кўзёшлари ювди, юваверди. Гапиришга оғиз жуфтлади-ю иккинчи бор ҳушидан айирилди. Ходимлар учрашувни тўхтатиб, Ҳилолани биринчи қаватдаги камералардан бирига қамаб қўйишди. Ҳадемай туман ички ишлар бўлимининг конвой машинаси жўнайди. Қизни шу камерадан ҳибс машинасига чиқаришади. У яна "стаканча"да эркак маҳбусларга девор-дармиён қўшни бўлиб юз чақирим йўл босади. Бу кунлар унинг пешонасига ёзилган. Бахтлилар ўз бахтларига вақтинча чулғангани сингари у ҳам бахтсизлигидан ҳозирча қутулолмайди.

13. СУД

Конвой машинасига чиқаришгунча Ҳилолага онаси келтирган ошдан косани тўлдириб солиб беришди. Ош устига уй нонидан ҳам бир бўлак қўйишибди. Қиз кўзёшларини артиб, жонажон ҳовлисидаги тандирда пишган нонни тўйиб-тўйиб ҳидлади, ўпди, пешонасига сурди. Ошхонасидаги қора қозонда дамланган паловни тотгач, тўсатдан тош деворга суяниб бир нуқтага тикилиб қолди. Кейин телбаларча кулиб юборди. Кулгиси

аччиқ ҳамда аламли эди. Йигирма ёш остонасида турмушга чиқишни тушларида кўрарди, ўнгларида ўйларди, келин уйга илиш ва ёстиқни безаш учун кашталар тикарди. Бироқ бир лаҳза ҳам хаёлига келтирмаганди келажакда қамоққа тушишни. Қафасдаги хотин-қизлар айтади: "Қамалиш тушимизга ҳам кирмаган. "Мен қамалмайман" деб ҳеч ким кафолат беролмайди..."

Кейин аламзадалик ила ўйлай бошлади: "Васли ўлди. Гўрида шишиб, чирий бошлади. Мен бекорга қамалмадим. Опам уни урди. Опам ўзини муносиб ҳимоя қилди. Мен эса опамни қутқардим. Шўринг қурғур бахтиқаро қизлар сафидан ўрин олмаслиги учун қутқардим! Судда кўрамиз! Бўронгул юристга айтадиган гапим бор! Қамоқда онамнинг дийдорига зор бўлсам ҳам, фикримдан қайтмайман!.."

Бугун конвой таркибида Жамола келмаган эди. Ҳилола Альфиянинг ишдан кетишига сабаб туман ички ишлар бўлими ертўласидаги воқеани ҳарбий формалиларга гапирганими, онасининг юқорига ёзганими, билолмади. Умуман, шу тобда бир бетайин соқчининг бўшатилиши тарихи уни қизиқтирмасди. Олдинда суд турибди: ё жаннат, ё дўзах.

Туш чоғи туман ички ишлар бўлимига етдилар. Кичик ватанига ўз устидан ўқиладиган ҳукмни эшитишга меҳмон бўлиб келди у. Камерадаги хотинлар суд қилиниш учун Абадиян турмасидан кишанда қайтган қизни у ёқдаги ҳаёт хусусидаги саволларга кўмиб ташлашди.

— Кеча-ю кундуз тор хонада ўн-ўн иккита қамалган аёл бирга ётамиз, — деди Ҳилола. — Усти икки қават панжара билан қопланган очиқ хонага кунда бир марта сайрга чиқаришади. Чой йўқ. Ўрнига компот. Тушга, кечки овқатга асосан макарон шўрва. Ҳар якшанба ҳаммом, кир ювиш. Китоб-газета ўқийман, десангиз беришади. Ҳар куни бир хил кун, бир хил ҳаёт. Колонияга олиб кетишгунча каталакда уч-тўрт ой, агар судингиз чўзилса, бир-икки йил ўтирасиз. Чидаёлмай

ўзини осганлар, томирини кесганлар, қошиқ ютганлар бор экан. Тўғриси, мени ҳеч ким урмади, сўкмади. Қиз боланинг ҳурмати жойига қўйилсин, деган қонун бор экан...

— Бас! Юрагим кўтаролмайди! — додлади бир хотин.
— Турмага боргунча шу ерда ўзимни осаман!

— Овсининг билан ҳовли талашиб, овқатига заҳар қўшаётганингда ўзингга ҳам бир чимдим олиб қўй-мабсан-да, — деди қрим-татар эканини юз-кўзи айтиб турган кекса аёл. — Сенинг бу гавдангга арқонни қаердан топамиз? Овсининг ўлган бўлса ҳам майли эди. Тирик қолибди-ку! Бу "кўпга кесилмайсан" дегани. Шунинг учун Худога шукр қилиб, сабрдан қўйлак-иштон кийиб, жимгина ўтир! Сендан йигирма ёш кичик қиз турмани кўрганда, ким бўпсан!

Кечқурун камерага бир товоқ ширгуруч киритишди.

— Отам ҳам келибдими? — Ҳилола соқчига термулди.

— Овқатни иккита аёл берди, — деди соқчи йигит.
— Онангиз ва холангиз экан. Лекин сал нарида кайфи тароқ одам турганди, отангиз бўлса керак.

— Терговим тугаган, эртага судим, кўриштирмайсизми? Илтимос, онамга бориб айтинг. Онам катталарга шикоят қилганда, учрашувга рухсат беришганди.

— Кўришасиз, фақат узоқдан, — деди соқчи бир оздан сўнг қайтиб келиб. — Қўл бериш, қучоқлашиш мумкин эмас.

У Ҳилолани йўлакка чиқарди. Йўлак бошидаги панжарадан уч қадам нарида, зинапоя ёнида яна бир тўсиқ ўрнатилганди. Ота ва қиз икки панжарага бағир беришди, ўртада уч қадамлик масофа. Падарнинг соч-соқолига икки-уч кундирки устара тегмаган эди. Қўйлакшими ҳам ювилмаган, дазмолланмаган. Қўйлагининг қайирилган енги қоғоз кемачанинг елканидек осилган.

Ҳилола отаси билан саломлашди. Ота худди газаблангандек ғалати алик олди.

— Таниш топдим, қизим! — деди падар қийналиб

ютиниб. — Бу мелисалар бизнинг укалар бўлади. Сен ўйланма! Умуман ўйланма! Э, қамоғи ҳам қуриб кетсин! Ҳеч бало қилишолмайди!

Маст ота ҳол-аҳвол сўрашиш ўрнига шанғиллайвергач, милиция ходими енгидан тортди:

— Бўлди, ака, бошлиқлар кабинетида ўтиришибди. Бу ёққа тушишса, гап эшитамиз.

— Хўп, хўп, — отаси қўлини кўксига қўйди. Ҳилолага шира босган кўзларини қадади. — Майли, қизим, мен борай! Қамалаётган битта сен эмас! Бардам бўл! Аянг ҳар куни йиғлайди. Жонга ҳам тегиб кетди. Кўришганингда айт, кўнглини кўтар! Бунақада ҳаммамиз сил бўлиб ўлиб кетамиз-ку! Қачон қарама, менга гапирарди, қулоқ-миямни қоқиб, қўлимга беради. Унга учрашбунга учраш! Мен нима қилай? Осмон қўлимда эмас, қизим! Югурганимча югураяпман! Сени чиқариб олиш қўлимдан келганида қамоқда бир кун ҳам ўтирмасдинг!

Ҳилола камерасига зўрға қайтди. Ҳаво етишмай бўғилаверди. Қрим-татар хотин ёнига ўтириб, елкасига дўстона қўл ташлади-да:

— Отангнинг гаплари бир пул, — деди. — Биласанми, нима, қизим? Мен онаман, аммо боламга жонимни бермайман, чунки беролмайман, бунинг иложи йўқ. Ҳар ким ўзининг гўрида ўзи ётади, ҳар ким ўз ҳаётини ўзи яшайди. Отангни ҳурмат қиласанми?

— Ҳа, — кўзёшини сидирди қиз.

— Ҳурмат қилсанг, бу — фарзандлик туйғунг. Сенга айтмоқчиманки, отангдан ҳаддан ташқари катта нарса умид қилма. Унга ҳам шундай талаб. Ҳар кимнинг қўлидан келгани бўлади. Ё отанг сени қутқаролмаслигиндан, қамалиб кетишингдан қўрқаяпсанми? Кимдан ўпкалайсан? Отангданми? Гуноҳ-ку, ахир, қизим.

Ҳилола кўнглига тушган қиров билан ухлаб қолди. Эрталабки нонушта ҳам татимади. У бугун суд қилинади. Муқаддам судда иштирок этмаган, ҳинд киноларида кўрган эди, холос.

Ва ниҳоят, камера эшиги очилди. Билагига кишан ҳалқасини тақишгач, ер юзига олиб чиқишди. Туман ички ишлар бўлими орқа ҳовлисида конвой машинасининг мотори ҳаяжонли гурилларди. Қуролланган соқчилар Ҳилолани "стаканча"га эмас, асосий бўлмага киритдилар. Машина оғир кўзғалиб, ариққа ётқизилган қувур устидан ўтаётиб чайқалди. Туман марказида ҳаёт қайнарди. Ҳилола байрамларда марказга келишга интиқ эди. Бугун у орзуларидаги байрам шаҳридан тутқун бўлиб ўтмоқда.

Суд биносигача беш-олти дақиқа юрдилар. Машинадан тушиб, бинонинг орқа эшигидан остона ҳатлашди. Кўп ўтмай суд залига киришга буйруқ берилди. Ҳилолага суд жараёнида тартиб сақлашни қатъий буюрилгач, кишанни ечишди.

— Юр, — деди соқчи хотин. — Залга кириб, ўнгга буриламиз. Панжарага кириб, одоб билан ўтирасан.

Соқчи эркак олдинга ўтди-да, эшикни очиб, Ҳилолага йўл бошлади. Аёл ходима биқинига туртиб, "Имиллама", деб шивирлади. Ҳилола минглаб одамларнинг нигоҳи қадалган шармандали супага чиқаётгандек эди. Юраги қандай гунуриб ураётгани эшитиларди. Қани бошини кўтаролса! Панжарага етиб боргунча ердан кўз узмади. Ўтиришга буйруқ берилгач, курсига чўкди. Ҳаракат тўхтади. Вақт ҳам бир нуқтада қотди гўё. Кутилмаганда бошининг гувиллаши босилиб, кўзлари суд залининг полини, полнинг бўёқларини, бўёқларнинг кўчган тиртиқларини кўра бошлади, қулоқлари ҳам жамики шовқинни — пичир-пичирларни, йўталишни, қоғозларнинг шитирлашини, оёқ товушларини, худди турмадаги сингари ташқаридаги қарға қағиллашини онг аталмиш тиркилик қўрғонига етказди. Шунда ҳам орадан қанча вақт ўтди, билмади. Суд раиси, прокурор, адвокат, яна аллакимлар гапиришгач, биров йиғлашга тушди.

– Аҳволи яхши бўлмаса, ташқарига чиқаринглар, шифокор чақиринглар, – деди суд раиси.

Ҳилола нигоҳини полдан узиб, рўпарасидаги минглаб одамларга қаратди. Бироқ залда бор-йўғи ўн беш-йигирма чоғли эркак-аёл ўтирганини кўрди. Аланг-жаланг боқиб, ота-онаси ва укаларини тополмади. Йиғлаётган эса Васлининг онаси эди. Азадорлар ўрайдиган оқ рўмолининг учи билан кўзини артгани сайин кўзёшлари булоқдек қайнаб чиқарди. Қовоқлари тугул бурнигача қизариб кетибди.

– Ўл безраймай, ваҳший! – чинқирди она Ҳилоланинг қараётганини пайқагач. Чинқириқда ҳолсизлик, сўлгинлик сезиларди. – Боламни гўрга тикиб, ниятингга етдингми, ҳайвондан тарқаган?!

Ҳилоланинг холалари унга қарши тўполон кўтаришди, милиция ходимлари шовқин-суронни бостиришди. Суд залидан беш-олти чоғли киши чиқариб юборилди. Эшик ёпилганидан сўнг ҳам Васлининг онасининг фарёди икки-уч дақиқа аллақайси тирқишлардан оқиб кириб турди. Вайрон диллар хун бўлди. Хун диллар чеҳраларни ўн йилга қаритди.

– Ким судга халақит берса, уч сонияда ўзини ташқарида кўради, – деди суд раиси. – Бу бинода инсон тақдири ҳал бўлаяпти. Ҳеч ким судни бозорга айлантиролмайди. Ҳамма тушундими?

Ўтирганлар бош қимирлатишди.

Жинойт тафсилотлари жаранглади, оқловчи ва қораловчига яна жон кирди. Ҳилола фикр-хаёлини жамлаёлмай дастрўмолини маҳкам сиқимлади. Ўзини лоҳас сезиб, гавдасини зўрга тутарди. "Ишқилиб, ҳушимдан қетмай", – деди ичида. Ҳойнаҳой, залда онаси ҳам бор. Йиқилса, онасининг ҳоли нима кечади?

Тусатдан хаёлида Иллюзионистка жонланди. У турманинг оғир, зерикарли кунларида хаёлий спицада хаёлий нимча тўқиш билан вақтни ўлдиришини айтганди. Туман ички ишлар бўлими ҳибсхо-

насидан хаёлан чиқиб, кўчанинг нариги томонидаги сомсахонадан сомса еб келишини, бу ҳақиқий воқеаликдан деярли фарқ қилмаслигини тушунтиришга уринганди. Хаёлий, ҳаммаси хаёлий эди. Бора-бора ҳақиқат тусига кирмадими? Кинолардаги руҳ каби девор орасидан ўтиб, қаерда қандай гаплар тўқиб-бичилаётганидан бохабар эмасмиди? Ҳилола боши айланаётган одам қўлидаги бирор нарсага тикилиб, ўзини оувтса, азоблар чекинишини англади. Иллюзионистканинг оппоқ юзи кўз олдидан кетмай қолди. Кўзини юмди, суд залидан чиқиб, бепоён далаларда кезишни ўйлади, аммо қабристон намоён бўлди. Ҳарбий формалилар гўрларга бир-бир қараб, Ҳилоладан сўрашди, аниқроғи, сўрамоққа оғиз жуфтлашди: "Биз ахтараётган кафан қайси мазорда, Баҳромова..."

— Қонунчилигимиз кўтармайди-да, — деди Бўронгул юрист зални гулдиратиб. — Бўлмаса, бундай жиноят учун умрбод қамоқ жазоси берса арзийди. Жияним ўлдирилгани учун ҳис-туйғуга кўмилаётганим йўқ. Сўз сўрашимдан мақсад, бир илтимос. Қиз ўзини кучли босқинчидан ҳимоя қилган, деган фикрга катта аҳамият қаратилмасин! Ахир, воқеа замирида ваҳшиёна қотиллик ётибди! Нега қонунларда аёл зотига ён босилади? Чунки унинг ожизалиги, эркакларнинг йўлини тўсмаслиги, феъли нозиклиги назарда тутилади. Мен Баҳромовага бизга ўхшаш нозик хилқат вакили деб қарашдан аввал йиқилган одамнинг бош қисмига, энг даҳшатлиси, тик қараб ётган инсон боласининг юз-кўзига пишиқ гиштнинг заводдан "брак" чиққан, чўянга ўхшаб қотиб қолган бўлаги билан устма-уст ураверганини эътибордан қочирмасликни айтмоқчиман. Гулдай хотини тул! Уч ёшли ўғли Шаҳзоджон етим! Уларни боқувчисидан, меҳрибонидан айирди...

— Ҳа, ҳушидан кетишдан аввал ўғлининг отини айтиб чақирганди, — Ҳилола беихтиёр гапириб юборди.

Бошқача вазиятда, эҳтимол, суд раиси огоҳлангирарди, илло бутун зал, ҳатто раиснинг ўзи ҳам маҳбусага ҳайратланиб кўз ташлади.

Кимдир пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Ҳилола кўзлари жавдираб турган, чамаси, уч ёшлардаги болани, юзини тўсиб, елкаси силкиниб кўзёш тўкаётган жувонни кўргач, томоғига аччиқ нарса тиқилди.

— У одам иси ёқмайдиган, тўғри гапга тушунмайдиган, қўрс, қўпол, айниқса, гина-кудурат сақлайдиган, аразчи, ўч олишга мойил қиз, — оғзидан тупук сачратди Бўронгул юрист. — Отаси ароқхўр эканини, фарзандлар оилавий муҳит тақозосига кўра асабий кайфиятда вояга етганини, ахлоқий жиҳатдан ҳам яхши қизлар эмаслигини ҳисобга олишларингиз керак. Ён кўшниси, синфдоши, болаликдан бирга ўсган яқин дугонаси бор, исми Гулбаҳор. Судланувчи Баҳромова ўша Гулбаҳорнинг яқин дугонаси бўла туриб, унинг эри Даврон билан гаплашиб юрган. Қайси маънода "гаплашиб юрганини" тушуниб олаверинглар! Йигитни судга чақиргандим, афсуски, янги куёвлиги учун эл-юртдан уялибми, давлат ишида ишлагани боис ишқий саргузаштини ўз оғзидан ҳикоя қилишга қўрқибми, келмади. Келмаса ҳам ёзма гувоҳлигини олдим. Мана! Ҳақиқатни яширган инсон қандай қилиб давлат хизматида ишлайди? Бу ҳужжатни инобатга олишларингиз керак.

Ҳилола қўлида варақа кўтариб, бўҳтон ёғдираётган хотиндан кўз узолмай тошдек қотди. Бу хотин оёғи остидаги қурт-қумурсқадан тортиб, бошидаги битгача — нима илинса, Ҳилолага қарши тош-кесак ўрнида фойдаланмоқда эди.

— Сиз кўп йил юристлик қилгансиз, биламан, — деди суд раиси Бўронгулга, — лекин ҳозир ўзингизни бутунлай бошқа дунё вакиласига ўхшаб тутаяпсиз. Утиринг! Сўз берилса гапирасиз!

— Яна бир оғиз гапимни эшитинг, ҳурматли суд раи-

си! Бунинг опаси Нурия юрак касалига чалинган! Нима учун ёш боши билан опа-сингилнинг бири юрак, иккинчиси асаб касал? Жиянимнинг жувонмарг кетишининг сабаблари қаерга бориб тақалаётганини кўраяпсизларми? Опа-сингил енгилгак бўлишларидан ташқари, ўзларига яраша асабий ҳам! Тўғри йўл қолиб, кечқурун сой бўйига тушиб, жиянимга атайин рўпара келишади-ю уни икковлашиб уриб ўлдиришди! Мендаги яна бир маълумотга кўра, жияним хотини билан вақтинча аразлашганидан хабардор Нурия унга ўзини таклиф этади! Айнан тўйидан олдин бўлмаса ҳам авваллари кўз сузиб юрган! Чунки Нурияга қишлоқда бирорга бўйдоқ уйланмаслиги кундай равшан эди. Кейин нима қилади? Хотини ўлган ёки хотин қўйганга осилади-да! Агар ҳақиқий воқеа шундай бўлиб чиқмаса, она сутим ҳаром бўлсин! Судланувчи Бахромова Ҳилолага камида ўн йил жазо муддати тайинламасаларингиз юқорига арз қиламан. Ва арз қилишдан ҳеч қачон тўхтамайман! Бу қиз Абадиян турмасида икки йил қолиб кетадими, уч йилми, суд чўзилаверади.

— Бўлди! Ўтиринг!

— Токи унинг опаси Нурия ҳам панжара ортига тушмагунча! — деб қўшимча қилди Бўронгул юрист. — Мени кечиринг, ҳурматли суд раиси! Кўп гапириб юбордим. Бизнинг одам ўлган экан, бу — уруш! Урушда Бахромова Нурия деган шахс ҳам қўлини қонга бўяган! Адолат қарор топмай бу қиз бор-йўғи бир-икки йилгагина ҳукм қилинса, адолатни охиригача қарор топтириш учун Нурияни ҳам қамоққа тиқтираман! Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилинади-ю нега бир киши айбни бўйнига олиб, енгил статья "ишларкан"? Биз кўр эмасмиз!

— Кўрсиз! — деди Ҳилола ўзини тўхтатолмай. — Васли ака хотини билан бирга яшамай ҳар куни ароқ ичиб, кўчаларда сандироқлаб юрганда қаёқда эдингиз? Ўша куни сой бўйида йўлимизни тўсиб, оч итдай тармашганда, қиз бола ҳам демай аёвсиз дўппослаганда-чи?

Нурия опам икки дунёда ҳам Васли акага, дунёдаги бирор йигит зотига кўз сузмаган! Тик қарамаган! Ўртага Даврон билан Гулбаҳорни ҳам қайси асосингизга кўра қўшаяпсиз? Нонни ушлаб қасам ичиб айтишсинчи, мен ва Давроннинг ўртасида нима гап бўлган экан? Васли аканинг ўлимига мен эмас, сизлар айбдорсиз! Ўғлига раҳмим келмайдими? Янгамга-чи? Васли ака умри тамом бўлаётганини билгач, ўглининг исмини тилига олди. Ундан аввал-чи? Фақат сўкиниш, қўланса сўзлар! Зурриёдини заррача ҳурмат қилган одам ароқ ичмайди, ажрашмайди, гулдек пок, бегуноҳ қизларга тегажоглик қилмайди. Майли, мени ўн йилга қаманглар! Фақат туҳмат билан эмас! Опамни ҳам аралаштирманглар!

— Судланувчи Баҳромова, — деди суд раиси, — сизга сўз берилгани йўқ!

Ҳилола ўрнига ўтирди. Залга тик боқиб, укаларини кўрди. Улар лабларини тишлаб, унсиз йиғлардилар. Суд охирлаб қолгач, Ҳилола сўз сўради.

— Бу аёл, — деди у Бўронгул юристни кўрсатиб, — туман ички ишлар бўлими вақтинчалик сақлаш хонасига тушиб, менга бемалол дўқ-пўписа ура олади, тергов изоляторида ёки колонияда ўлдириб юборишни юзимга бемалол айтади. У ким? Шунчалар зўр хотинми? Устидан арз қилиб, судга мурожаат қилишим мумкинми?

— Ҳаммасини қоғозга туширинг, — деди суд раиси хўмрайиб.

— Минг афеус, унга она сути ҳаром бўлди! — яқун ясади Ҳилола. — Ўлган йўлтўсарнинг қариндош-уруғи кишт-киштолса чала юристлиги эсига тушиб қолган шу аёлга, онасига, болаларига ачинаман. Соё бўйида ўзимни ҳимоя қилдим, опамни ҳимоя қилдим. Бундан кейин ҳам ҳимоя қиламан! Билиб қўйсин! Ҳар бир қиз шунақа!

— Сенга нималар ҳаром бўлишини кўрсатаман ҳали! — қичқирди Бўронгул юрист.

Милиция ходимлари уни ҳам суд залидан чиқариб

юборишди. Суднинг биринчи босқичи тугаган эди.

Ҳилоланинг қўлига кишан тақмоқчи эдилар, онаси, холаси, укалари келиб қолишди. Бир-бир қучоқлашдилар.

— Тухмат қилганларни Худога солдим, — йиғлади онаси. — Илойим, шу дунёнинг ўзида қайтсин!

— Бўлди, етар! Кетишимиз керак, хола! — дейишди конвой йигитлари Ҳилоланинг онасига. — Бизни ҳам тушунинг, илтимос.

— Яна Абадиянгами? — зорланди она.

— Мендан ташвишланманг, — деди Ҳилола. — Судим давом этади. Уч-тўрт марта судга келаман, ая, орқамдаги Абадиянга бориб овора бўлиб юрманг. Энди мени тез-тез кўриб турасиз. Ҳаммаси яхшилик билан тугайди... Вой, нега йиғлайсиз, ая? Ҳозир мен ҳам йиғлаб юбораман.

— Нарӣ туринглар! Йўл бўшатишлар!

Соқчилар Ҳилолани она бағридан суғуриб, билагига кишан тақишди-да, орқа эшик томон сургаб кетишди. Шўрлик оңаизор "Омон бўл, қизим" деб йиғлаб қолаверди.

Туман ички ишлар бўлимидан Абадиянга пешинда рейс бор эди, Ҳилолага ҳар доимгидек "стаканча"дан жой тегди. Олис турмага қайтаётиб, хаёл-ҳушини секин-аста Даврон эгаллади. "Наҳотки, у менга қарши кўрсатма берган бўлса? — ўйлади қиз. — Отасининг мансаби учун дугонамга уйлангани каммиди? Идорадаги ишидан айирилишдан қўрқдимикан? Қўрққан! Номард! Номард у! Бойлик, мансаб деса, ҳар нимага рози. Одамлар шундай пайтда синалади. Бугун қишлоқда гап тарқалади. "Қотил", "Қамалган" деган тамғалар ёнига янгиси урилади: "Енгилтак қиз". Улар "Қамоқда бўйида бўлиб қолганмиш" ҳам дейишади ҳали..."

Қамоқхонада ҳомиладор бўлиш хаёлига келган он негадир дил кўзгусида Ёқуб гавдаланди. "Ёқубдан ишқий мактуб олганимни Бўронгул юрист эшитсами! (Айти-

шича, турма-ю колонияларда танишлари бижғиб ётибди!) Лекин нима бўпти? Ёқуб ўғри, маҳбус, хушомадгўй бўлса ҳам Даврондан тузук. Қолаверса, мактубига жавоб ёзганим ҳам йўқ. Судда нотўғри гапирмадим шекилли. Васли йўлини йўқотиб, одам сонидан чиққанида қариндош-уруғи қаёққа қаради? Юриши шу бўлса, эртага бир касофат чиқаради, деб ўйламадиларми?.."

14. ИЛЛЮЗИОНИСТКА ЖУМБОФИ

Абадиян турмасида Ҳилолани янги келганларнинг камерасига қамашди. Ун икки кишилик хонада ўн хотинқиз тунадилар. Атайин саралангандек ўн миллат вакили эдилар: ўзбек, рус, қозоқ, лўли, қрим-татар, тожик, гуржи, уйғур, озарбайжон, чечен. Ярим кечагача ҳар ким ўз дардини ҳикоя қилди. Улар ҳам бошқа камерадаги хотинлардек ўзларини сохта совуққон тутишга, ҳақини бермайдиганлар қавмидан кўрсатишга чиранишарди.

— "Перрон"да расмга туширишаётганда бир йиғлагим келди, бир йиғлагим келди, — деди лўли хотин. — Аввал башаранг билан тур, дейишди. Кейин ёним билан тургазиб қўйишди. Иби, ман ўлай, фол очганим учун одам ўлдирган билан бир бўлдимми?

— Бирга ётганингдан хафамисан? — ўдағайлади озарбайжон хотин. — Мен эримни ўлдириб қўйганман. У алкаш эди, ҳар куни ичиб келарди. Қизимни ураётганининг устига келиб қолиб, чидаёлмадим. Анави қиз эса, — у Ҳилолага ишора қилди, — одам қиёфасидаги тўнғизнинг бошини мажақлаган. Тўнғиз куппа-кундузи овлоқ жойда зўрламоқчи бўлган.

— Йўқ, ман фол очдим, холос. Шугинага шунча ваҳима қилиб, турмага қамашлари Худога ҳам ёқмайди, демоқчиман. Бешта бачам йиғлаб қолди уйда.

— Фол очиш Худога ёқадими, тентак, — деди уйғур

— Эй, бир бечорани пашшадек таламанглар, — қозоқ хотин орага тушди.

— Бас қилсаларинг-чи, каторгага равон бўлгурлар! — рус хотин каравот суянчиғини урди. — Гўшларингни егунча тақдирларингни ўйласаларинг-чи!

— Фол очиб, пулини шилиш — товламачилик, — деди гуржи хотин. — Нега деганда, келажакда нима юз беришини ҳеч ким олдиндан билмайди. Одамларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, пулини шилади. Гапим ёлғон бўлса айт! Келажакни биласанми, лўли?

— Билганда қандоқ! — бўш келмади лўли. — Шу муомаланг учун бир соатдан кейин фалокат босиб ўлишингни билсам ҳам атайин огоҳлантирмайман.

— Келажакни билганингда, қамалармидинг! — бурнини жийирди гуржи. — Аҳмоқ!

Жанжал бошланган чоғ соқчилар эшикни очишди.

— Тур ҳамманг! — ўшқирди Неъмат деган баджаҳл навбатчи. — Бугун судга борган сенми? — У Ҳилоланинг билагидан тутди. — Сенга гапираяпман! Чиқ бу ёққа! Бозордан қайтган эчкига ўхшаб ўзингча суд кўрдинг-да, а?! Кечаси қўзғолон кўтаришни кўрсатаман!

— Иби, у беайб... — лўли хотин ён босмоқчи эди, Неъмат:

— Гапиришга катта холанг рухсат бердим, мўлтони?! — деб сўқди.

— Ман мўлтонимас, жўгиман, укажон.

Неъмат лўли хотиннинг ҳам қўлидан тортиб, йўлакка чиқарди. Соқчи йигитлар "Битта гинг этсанг, карцерда уч марта тонг оттирасан!" дея қолганларга дуқ уришиб, эшикни қулфлашди. Ҳилола лўли хотин билан бирга карцерга ташланишини фаҳмлади. "Жанжалда айбим йўқ, ишонмасангиз сўраб-суриштиринг", демоқчи эди, Неъматнинг авзойини кўриб, фикридан қайтди. Бир ой ичида турманинг худди шу иккинчи қаватида икки эркак ва бир аёл ишдан бўшатиладиган: бири маҳбусга беҳаё қилиқ қилган, иккинчиси шапалоқ туширган, аёл ходима эса тунги навбатчиликда оғир тан жароҳати олиб, нафақага чиқарилган. Турма бошлиғи аёллар-

га камдан-кам ҳолатда кечаси навбатчиликка қолишга изн берарди. Эркак ходимлар орасидан энг қаттиққўллари танлаб олинарди. Неъмат ҳеч кимни аяб ўтирмайдиганлардан экани маҳбусаларга маълум эди.

Улар биринчи қаватга тушишганида соқчилар сўрашди:

- Қаёққа?
- Иккинчи махсус блокка, — деди Неъмат.
- "Етти"да Рихсиева, "саккиз"дан сув оқаяпти.
- Демак, "етти"га.

Ўли хотин Яратганга илтижо қилиб, пичирлашдан тўхтамади. Ер остидаги йўлак ҳақиқатан қўрқинчли эди. Икки томонда темир эшиклар, нимқоронғи йўлак шифтида хира чироқлар, оёқ остида пошна товушлари хосиятсиз тапиллайди. Бу манзара турмага келган кунёқ ер ости бўлимига туширилган ўли хотиннинг қўрқувига қўрқув қўшган эди.

Ниҳоят, Ҳилола яна Иллюзионисткага дуч келди. Пастак, тор камерада шифт бўйи иккита қўшқаватли каравот турарди. Бор-йўғи битта кир матрас устида Иллюзионистка қўнишибгина ухларди. Камеранинг ҳожатхонаси бор эди, аммо на ичишга сув, на ейишга нон ғамланган дастурхон кўринарди.

— Туринг ўрнингиздан! — назоратчининг буйруғи жанглади.

Иллюзионистка бошини зўрға кўтариб, рўмолини қайтадан ўради. У ҳеч кимга тик қарамади. Турма ходими икки матрас келтириб, каравотларнинг устига итқитишди.

— Жосус келди, — деди Иллюзионистка эшик ташқаридан қулфлангач. — Бугун охириг тунинг.

Ҳилола ва ўли хотин кўз уриштириб, қимир этмай туришди. Шамол эсса, сочлари-да қимирламас ҳайкаллар эди гўё. Кўнглидан не-не хаёллар ўтмади Ҳилоланинг. Ҳатто, "Зубайра опа, ҳозиргина келдим-ку, сотқинлик қилишга улгурмадим, айбсизман" демоқчи ҳам бўлди.

— Иби, карцерда жосусга нима бор? — эшитиларли овозда сўзлади лўли хотин. — Нимасига жосуслик қиламиз бу опага? Жинними?

— Отинг нима сен — сассиқнинг? Уҳ-ҳу, уҳ-ҳу... — йўталди Иллюзионистка.

— Манингми?

— Ҳа, сен — жўгининг.

— Опажон, одамни хафа қилманг. Ман сассиқ бўлсам, сиз ҳам ифорли эмасдирсиз?

— Ўчир! Отинг нима деяпман?

— Моҳбиби, — лўли хотин ёқа ушлаб Ҳилолага қаради. — Бу ер турмами, "психболница"ми? Жиннилар бунча кўп-а?

— Менга қара, Моҳбиби, — Иллюзионистканинг жонсиз кўзларида маъно йўқ эди. — Мен билан бир оғиз гаплашмайсан, уқдингми? Уҳ-ҳу.. Асабимга тегсанг, турманинг тагидаги шу зимистондан ўлигингни олиб кетишади. Томоғингдан шунақа чангаллайманки, Ҳилола мени сендан ажратолмаслиги аниқ. Эшикни муштлаб, милиционерларни чақиргунча аллақачон кўзларинг қинидан чиқиб, юзинг кўкариб, оёқ-қўлинг тарашадай қотиб жон берган бўласан. Менинг йўқотадиган ҳеч нима қолмаган. Сенинг болаларинг, ҳойнаҳой, эринг, онанг, онангнинг онаси, қавм-қариндошинг, исириқ тутатадиган консерва банканиг бордир?

— Худо-ё, пешонам қурсин, ким билан бир катакка қамалдим, ман ўлай.

— Сенга охири марта гапираяпман.

— Хўп, хўп, опажон, — қўлини кўксига қўйиб, бош силкиди Моҳбиби. — Ётсам бўладими? Оёқларим қалтираяпти.

— Унга айт, — деди Иллюзионистка Ҳилолага. — Хоҳлаган каравотининг пастки қаватини танлаб тирришиб-буришиб ётаверсин. Адёл беради, деб хомтама бўлмасин. Бу — жазо камераси. Кейин яна шуни айтки,

тўрт кишилик камера карцер дейилмайди. Жуда чарчаганман, энтак-тентак гаплар асабимга тегади. Сўра-чи, Шекспир кимлигини билармикан?

— Биласизми, Моҳбиби опа? — Ҳилола лўли хотинга умидвор боқди.

Моҳбиби матрасни тушаб, ёпинчиқсиз, ёстиқсиз гужанак бўларкан:

— Шекспирни мактабда ўқиганман, — деди. — У чет эллик шоир.

— Чуть-чуть не попал, — Иллюзионистка рус тилида тўнғиллаб, девор томон бурилиб ётди.

Ҳилола матрасни каравотнинг иккинчи қаватига тўшади. Матрас нам тортган бўлиб, ёқимсиз ҳид таратарди. Бироқ ноилож. Карцерга ташламаганлари учун шукрона айтди. Маҳбусалардан эшитганди: қамоқхонадан чиқиш бахти билан карцердан қутулиб, маҳбусалар даврасига қайтиш бахти тенг экан, ўз уйддек туюларкан иккинчи қаватдаги одам гавжум, деразали, ёруғ камера. Карцер дегани дарчасиз, қалин темир қопқа ортидаги эшик энича келадиган қоронғи тош ҳужра экан. Қамоқхонанинг ертўласидаги энг чекка бурчакда жойлашган бундай камерачага қамалган маҳбус аввал эшик ёпилганига, қадам товушлари узоқлашганига, кейин йўлакдаги панжаралар, эшиклар қулфланганига қулоқ тутаркан. Ва оламга даҳшатли сукунат чўкаркан. Ётиш учун битта тахтача ё бор, ё йўқ. Кутидек тор, қоронғи, зах хонада ёлғиз бир неча кун ўтириш даҳшатини сўзлаган маҳбуса: "У ердан чиқиш учун эркаклар билан битта камерада тунашга ҳам рози бўласан. Ёруғликнинг, одам зотининг ва беш-олти қадам у ёқ-бу ёққа юришга жойнинг борлиги ҳаммасидан улўф бахт эканини тушунасан", деганди. Аслида "карцер" сўзи ҳам "қоронғи хонача" деган маънони англатишини турмага келган куни Ҳилолага айтишганди. Карцер турмаларда, гаупвахталарда, руҳий хасталар шифохоналарида тартиб-интизомни бузганларни жазолаш учун ўйлаб

топилган сукунат ва ёлғизлик дўзахи эди. "Бугун ундан Худо сақлаб, таниш аёлнинг камерасига тушдим, тақдирнинг навбатдаги синови нима экан? Ишқилиб яхшиликка бўлсин", — деди Ҳилола ичида. Айни дамда ҳарбий формалилар Иллюзионистка билан бир камерага қамашни пинҳона уюштирганини ҳам гумон қилди. Зубайра Рихсиева инсон ўрнида кўриб, кўнглини очмоқчи, аммо у-чи? Бировнинг сирини сотиш эвазига қамоқдан эртароқ чиқмоқчими?

— Сиздан бир нима сўрасам майлими? — Ҳилола ғадир-будир сувоқ қилинган шифтдан кўз узди.

— Матрасингда пахта борми? — қарамасдан минғирлади Иллюзионистка.

Минғирлашда майин оҳанг йўқ эмасди. Ҳилола турмадаги учинчи камерада ётганида, кечаси Иллюзионистканинг эркакшода овози янграганини хаёлига келтирди. Туман ички ишлар бўлими ҳибсхонасида эса бунчалик дағал эмасди. Турмада хулқи бурунгидан-да ёмонликка ўзгарган эди, алалхусус, камерадошларига зарар ҳам етказди. Бироқ Ҳилоланинг назарида у ўзига хуш келган инсонни учратса, хоксор аёлга айлана бошлайдигандек эди.

— Пахта сўраяпсизми?

— Анавининг, — дея Иллюзионистка чап ёнига ағдарилиб, лўлига имо қилди, — қулоғига тиқиб қўй. Эшитишини истамайман. Овозим — табаррук, овозим сеҳрли. Агар гапираётганимда, у қўлларини қулоғига теккизса, яхшилик кутмасин.

Ҳилола матрас йиртигидан пахта олиб, узатди ва "Шундай қилмасак яна жанжал..." деб пичирлади лўли хотинга. "Қачон қутуламан? Урди Худо!" — лўли хотин қулоқларига пахтани юмалоқлаб тиқиб, кўрсаткич бармоғи-ла босиб-босиб қўйди.

— А-а?.. Гаранг бўлдим, гаранг бўлдим... — Лўли ўжарлик ила мазахлаб, унини ўчирди-да, қўлини қўлтиғига уриб, терс ўгирилиб ётди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Опа-сингил тутинишга розилигингни айтмоқчимисан? — Иллюзионистка ёнбошлади. Энди нигоҳида маъно балқимоқда эди. — Турмада қийналганинг кўришиб турибди.

— Ўзи... опа-сингил бўлди-ку... Фақат... судим тугаб, бу ердан колонияга жўнатишса, баракдагиларни қўлга оламиз, деманг. Мен тинчлик тарафдориман, Зубайра опа. "КПЗ"да айтган гапларингизни ўйлаб кўрдим.

— Юришинг шу бўлса, колонияда сени ўлдириб юборишади, — қошини чимирди Иллюзионистка.

— Ким? — кўзларини катта-катта очди Ҳилола.

— Хотинлар.

— Қанақа хотинлар?

— Менга ўхшаган, — шивирлади Иллюзионистка. — Сен катта ишга аралашаяпсан.

— Қанақа катта иш, Зубайра опа? Мени жосус деб ўйладингизми?

— Жосус келди, бугун охириг туниги, деган гапим сенга ҳам, жўгига ҳам аталмаган. Руҳим танамда эмасди. Сенларнинг келганларингни билмай қолдим. Навбатчининг томоғини йиртиб бўқириши ҳаммасини расво қилди. Бошқа биров билан Сулаймонтепада гаплашаётгандим, аросатда қолдим. Сўнг-ра охириг гапимни унга айтаётганимда, руҳим танамга қайтиб, оғзим қимирлаб кетди.

Уч-тўрт кун аввал Шокира шизофрения касаллиги мавзусида мурдашўйга ваъз ўқиётганида, тинглаб ётган эди. Иллюзионисткани мазкур касалликка чалинганлардан гумон қилиб, эътироз билдирмади.

— Бугун судинг бўлди-ми? — сўради Иллюзионистка.

— Ҳа, бўлди. Ҳали давом этади.

— Узоқ муддатга қамамасликларини, кечеришларини сўраб ялиниб-ёлвордингми?

— Йўқ. Ўн йилга қаманглар, розиман, лекин опамни аралаштирманг-лар, дедим. Бўронгул юрист деган аёл билан жанжаллашдим. У мен урган... ўлган йигитнинг холаси...

— Биламан. Айтгансан.

— Органда ишлаган жуда ёмон хотин. Бизга туҳмат қилди. Худо кўриб турибди, гаплари туҳмат эди.

— Вот и всё! — деди Иллюзионистка. — Колонияда ўлдириласан.

— Уларнинг устидан ёзмоқчиман. Суд раисига ҳам айтдим. Аямлар ҳам қараб ўтиргани йўқ. Катталарга арз қилаяпти. Альфия бор эди-ку, конвойда ишларди. Ўшани ишдан бўшатишди.

— Суд раиси, катталар, прокурор "зона"да сени қўриқлаб ўтирадими? Оғзинга сочиқнинг яримигача тиқишади, ўпкангача етиб боради, кўзларинг олаяди. Бири тагига маҳкам босади, иккинчиси чеккаси қирра қилинган алюмин қошиқ билан томирингни кесиб, танангдаги бор қонингни оқизиб юборади. Қизлар ҳам одам, демак, улар ҳам бошқаларга ўхшаб қонсиз яшолмайдилар. Ўласан. Раҳматли бўласан. Таъзиянгни тасаввур қилганмисан?

Ҳилола илк сайр кунидаги тасаввурини эслаб, бош силкиди.

— Мени ҳаммомда суд қилишган, — деди Иллюзионистка. — Тирик қолиш учун курашганман. Мен кўрган хўрликлар олдида сеники новвот. Барибир бир куни қопқонга тушасан. Ҳозир жуда бахтлиман. Чертиб кўришса, ўзларига қийин бўлади. Қамоқхонадан унумли фойдаландим.

— Нега ҳаммомда суд қилишганини аввал тушунмагандим.

— Энди тушундингми? Йўқ, қизча, мен тирик жумбоқман. На тушунасан, на еча оласан. Тарихимни тўлиқ билсанг, кўп яшамайсан. Эртақда айтилади: Отадан мерос қолган бойликни тақсимлаётган ака-укалар кенжадан қутулсалар, улуш кўпроқ тегишини фаҳмлашади ва кенжанинг қўл-оёғини боғлаб, чўлдаги қудуққа ташлаб келишади. Сени чертмайман ҳам. Мен

эртактаги ўлган отаман. Тўнғичларим сени қудуққа ташламасалар деб қўрқаман. Хўш, "зона"да бирга иш қиламизми?

— У... қандай иш?

— Қочиш.

— Қамоқданми?

— Тс-с-с... Ёрдам берсанг, мен ҳам ёрдамимни аямайман, — Иллюзионистка овозини шу даражада пасайтирдикки, Ҳилола зўр-базўр эшитди. — Абадиян турмаси қурилганидан бери бир марта қочишга уринишган. Лаҳм қазиб, катта йўл яқинидан тешиб чиқишни мўлжаллашган, шайтонлар. Афсуски, ўхшамаган. Ҳозир ер ости ҳам егги қават бетон. Фақат "зона"дангина қочиш мумкин. Ташқарига чиқсак бас, самолётда ўзлари кузатиб қўйишади чет элга.

— Кимлар?

Иллюзионистка лабига бармоқ босиб, яна "тс-с-с..." деди, аммо кучли йўтал тутиб, Моҳбиби ҳам ўгирилишга мажбур бўлди. Иккисининг-да норизо нигоҳини кўргач, дарҳол кўзини юмиб, "Вой онажоним, нега туғдингиз мени?" деб нолиди.

— Қамоқдан қочолмайман, — деди Ҳилола. — Қочмоқчи ҳам эмасман. Икки-уч йил ўтади, отам уйга опкетади.

— Давлат судининг ҳукми адолатли, сенга ўхшаган қизларни қийнашмайди. Шуни тушунки, сени давлат икки-уч йилга қамаса қамар, аммо ўша Бўронгул юрист сиртдан "суд қилгани" асосий муаммонг. Ўлмай қолсанг, қамоқдан сўнг қишлоғингда тинчгина яшамоқчимисан? Барибир қутулолмайсан. Мен қачонлардир "ўлиб кетганман". Сен ҳам "ўлсанг", ёнимда шоҳона ҳаёт кечириб, бир умр ташвиш чекмайсан. Ҳаммасига бирдан, бирйўла эришасан. Бир вақтлар яқин дугонам бўларди. Ўзини касалга солиб ётгани ётган эди. Охиروқибат "зона" шифокорлари шаҳар касалхонасига жўна-

тишди. Дугонамнинг мақсади шу эди. Конвойдаги аёлни ҳам, эркакни ҳам жароҳатлаб, туёғини шиқиллатиб қолди. Қани топилгани?

— Мен ҳеч кимни жароҳатлаёлмайман.

— Математика ўқитувчинг масала ечтираётганда, масалада айтилган олмага айланганмисан? Йўқ, албатта. Сенга масала айтдим. Уни ечиш учун "горболница"га боришинг шартмас. Борганинга ҳам қочишни эплаёлмайсан. Дугонам қанақа аёл эди-ю сен қанақасан? Байтал билан қўзичоқ, уҳ-ху, уҳ-ху...

— Томоғингиз оғридими?

— Ўпкам кетди. дорихоналарда ўпка сотадиган замонларга етиб боролмайман.

— Турмадагилар бу сирни мендан билиб олишларидан қўрқмайсизми? — сўради Ҳилола аччиқ ютишиб.

— "Қулоқ"лик қилгинг келадими?

Ҳилола қалтираган каби бош чайқади. Нафас олишдан тўхтаб, яхши гап кутди.

— Турмага яқин қолганида Баҳромова Ҳилола ўтирган "автозак"ни ҳалокатга учратинглар, аммо одам ўлмасин, деганман, — Иллюзионистканинг лаблари ёвузона қимтилди. — Давлат машинасини тап тортмай қандай ағдаришди, кўрдинг. Шунда ҳам менга ишонмайсанми?

Ҳилола кўнгли озаётганини ҳис этди. Рўпарасидаги каравотда жодугар ётганига имони комил бўлиб, саволга тил айлантирди:

— Нега мени танладингиз? Бошқа қизлар ҳам бор-ку?

— Симпатия.

— Нима у?

— Менга ёқдинг. Опангни қутқариш учун ҳамманинг қулоғига лағмон осаяпсан, одам ўлдирмагансан. Олдий, самимий, кўнгли тоза қишлоқ қизисан. Опангнинг ўрнига турмада ётишга юрагинг дов берганига эса тасанно айтиш керак. Қойил, Ҳилола! Сендек қизим бўлишини қирқ йил орзу қилганман, десам ишонасанми?

— Аварияда одам ўлди, — деди Ҳилола бир оздан сўнг.

— У ўлмаслиги мумкин эди, — дарров жавоб берди Иллюзионистка. — Хатоси шуки, жиноятга қўл урганидан бери "Эй Худо, турманинг юзини кўрсатма", деб кеча-ю кундуз нола қиларди. Қамалишдан қўрқар экан, Парвардигордан "Жиноятдан сақла", деб сўрамайдими? Кўп йиллар мобайнида милиция ушлолмади. Ахийри, қўлга тушиди. Дуоסי ижобат бўлиб, турмани кўрмади. Кафансиз кетибди. Ўлигини кўмадиган қариндоши топилмагач, крематорияда куйдиришибди.

Ҳилола сесканиб тушиб, бақрайиб қолди. Ҳарбий формалилар Иллюзионистканинг оғзидан баайни "кафан" деган пароль сўз чиқишини ойлаб пойлашга тўғри келишини айтганди, бир соат ҳам ўтмади.

Туйқус ўзини йўқотган қиз:

— Қанақа кафан, Иллюз... узр, Зубайра опа? — деди тутилиб.

— Одам ўлганда кафанлашини билмайсанми?

Иллюзионистка каравотини ғийқиллатиб, олдинга энгашди. Ҳилола нимқоронғиликда мушукникидек ёнган бир жуфт кўзни кўриб, беихтиёр девор томон чекинди: ёғоч тўшамали бу темир каравот ҳам ғийқиллади.

— Тешада... иккинчи қаватда... бизнинг блокда... учинчи камерада мен билан мурдашўй опа... Туморгул опа бирга ётган. У киши айтган. Мурда кафанга ўралишини...

— Нима, у айтмаса кафан нималигини билмасмидинг?

— Билардим. Лекин... "автозак"да ўлган одамни кўрганман. У мусулмон эмасди, шунинг учун... бошқаларда ҳам кафанлайдими, деб... Қўрқинчли менга "кафан", "мозор", "ўлик" деган сўзлар...

Иллюзионистка кўз узмади, Ҳилола ҳам. Иккиси бир-бирининг ўй-хаёлларнигина эмас, бундан бир ҳафта, бир ой, бир йил аввалги ҳаёт манзараларини ҳам ўз

мияларида акс эттиришга чиранаётган афсунгарларга ўшардилар. Ҳилола бас келолмаса, ўлимга юз тутишини ўйлади. Иллюзионистка теварак-атрофда юз берган воқеа-ҳодисаларнинг сабабчиси ўзи эканини даъво қилгувчи савдойидек кўринса-да, ҳарбий формалилар унинг изидан тушгани, турма бошлиғигача жалб этилгани Ҳилолани афсонавий жиноятчи аёлга ишонишга ундарди.

— Мен ҳам мурдашўйлик қилганман, — деди у. — Фақат бир марта.

Иллюзионистка каравотнинг иккинчи қавати қирғоғига ўтириб, оёқларини осилтирди. Гарчи жазо камерасидаги каравотлар ҳам темирдан бўлса-да, симтўр ўрнига тахта ўрнатилганди. Маъмурият диққинафас, тор камерага тушиб, ойлаб чўзилган тергов даврига чидаёлмаган аёллар, қизлар ўз жонларига қасд қилишда каравот симларидан фойдаланишларидан кўрқишарди.

Ноқулайликка қарамай Ҳилола ҳам ўз каравоти четига ўтирди. Ҳолсизлик ва тушкунлик қаддини дол қилди. Бироқ ярим қадам наридаги хотинни диққат-латинглашга маҳкум эди.

— Қишлоқма-қишлоқ кезиб, содда хотин-халажнинг тилла тақинчоқларини ўзлаштирадиган товламачи, деган айб билан мени қамоққа тиқишди. Ҳаёт бир-бирига ёнма-ён, қарама-қарши, қия, ётиқ, ботиқ, қабарик, учган, ёрилган ўнлаб кўзгулар билан ўраб қўйилган саҳна. Бир кўзгуда ўннинг, бошқасида чапинг кўринади. Мен ҳам шундайман. Ўзимни бутунлай ёмон одам ҳисобламайман. Бир вақтлар рисоладагидай оиланинг эрка қизи, ширин фарзанди эдим. Мактабда "беш" баҳолар олганман. Кутилмаганда ота-онам ажрашди, ўлди, қўлдан-қўлга ўтдим, етимхоналарда, кейин ит танимайдиган узоқ қариндошларимникида яшадим. Товламачи деб кимни айтади? Оёғимиз остидаги манави жўғи хотинни. У келажакни кўра оладими?

— Йўқ, — деди Ҳилола пичирлаб.

— Қўрқоқ бўлма, — деди Иллюзионистка. — Бирор одамнинг хунарига ишонмаяпсанми, ишонмаслигингни очиқ айт. Бир марта имконият бер, икки марта, бўлмаяптими, очиқ айт. Бу лўли фолбинлик даъво қилади. "Автозак"да ўлиб, кафансиз кетган маҳбуснинг қисматини эртага унга сўзлаб бер... Юриб-юриб, сенларнинг туманинга келиб қолганман (туман марказидан бир дугона орттирганман. Икки йилча аввал Қозоғистонда, Олма-Отада танишганман). "Российский" тилла буюмлар йиғаётганимни айтдим. Унинг уйида, "Боғбон" кўчасини билсанг керак, бир ой яшадим. Эрталаб чиқиб, қош қорайгунча атрофдаги "совхоз"ларни кезардим. Бировнинг мушкулини осон қилиб, бировнинг айтган пулини бериб, тақинчоқларини олардим. Дугонам қамалмади, чунки айби йўқ эди. Тешасойни биласан?

Ҳилола бош ирғади.

— Тешасойлик келинни бир товламачи осонгина чув тушириб кетган. Қўлогингдаги зиракларни пиёлага солиб, дуо ўқисам, эринг фақат сени дейдиган бўлади, деб тақинчоқларни ечтирган. Сўнг уни сувга юбориб, тиллани қалбакисига алмаштирган. Қишлоққа борганимда, икки қўли ёқамда бўлди аҳмоқнинг. "Уйингга биринчи марта келишим", деганимга қулоқ солмади. "Участкавой"ни чақиришди. Бунинг устига орқамдан Жиноят қидирув бўлимининг йигитлари тушишган экан, айнан Тешасойда куним битди. Бошқа қишлоқлардан жами ўн икки хотин ариза ёзди. Қарабсанки, "КПЗ"дан қайтиб чиқолмай, тўғри турмага жўнадим. Сени айнан менинг камерамга қамашди-ю азобларга қолдим. Опангнинг тўйидан чиқиб, қамалган кунингни айтаяпман-да.

— Мен учун азобларга қолдингизми?

— Сен айбдормассан, албатта. Ҳурлиқолигинг, соддадиллигинг, меҳрибонлигинг мени виждон азобида қовурди. Гапимни бўлмай қулоқ сол! Ё сенга уй-жойимни мерос қолдириб ўлишим, ё қамоқдан бирга

чиқиб, умримнинг қолган йилларида она-бола бўлиб яшашим керак. Сени куёвга узатаман. Баскетболчи йигитлардек бўйдор, хушрўй, барно йигитга! Шунанқасини орзу қиласанми?

— Мен... биласиз, ота-онам...

— Абадиян турмаси "подвали"да ётган ҳеч қайси зиндонбанд гапни чайнамайди. Сен учун нима муҳим? Кўзимга қараб гапир!

— Ташқи кўриниш... муҳим эмас, — бошини эгди Ҳилола.

— Қишлоқларни оралаб, ё бўйи, ё эни, ё дунёқараши қусурли йигитларни учратдим. Улар кўчатни эгри эксанг, эгри ўсишини яхши тушунишади, ўзларини эса парваришсиз ҳам тўғри ўсаверадиган жони тош мавжудот деб ўйлашади. Сенга яхшилик қилаяпманми, оёғимга болта урма! Ва бошингга етишга уринган йигитга ўхшаб бошқаларнинг ёстиғини қуритма!

Ҳилола терлаган кафтини бетиним артаркан, Иллюзионистка барчасидан бохабарлигига батамом ишонди. "Баскетбол" ҳақида ҳам бежиз шама қилмади у. Жодугарликни қай даражада эплайди, изоҳлаёлмайди-ю лекин имони комил: Рихсиева турмага ҳарбий формалилар келганидан, Ҳилоланинг бўйнига сирни аниқлаш топшириғини қўйишганидан бохабар. Вужудини камерада қолдириб, кўзга кўринмас руҳ ҳолида қамоқхонани кезишига Ҳилола ишонмаган эса-да, Иллюзионистка ўз алжирашларига далил сифатида қандайдир номаълум усул билан ҳаммасини кўриб турганини исботлашга эришаётган эди.

— Аслида бизни йўқ қиладиган одам шаҳару қишлоқда ҳам, қамоқхона-ю озодликда ҳам учрайди, — давом этди Иллюзионистка. — Менга сотқинлик қилсанг, бу — менга сотқинлик, бошқа бировга эса "қулоқлик", ҳатто қаҳрамонлик бўлиб кўринади. Кўзгулар ҳар хил, Ҳилола. Узингга маҳкам бўласанми? Шунда мен сен билан

бир вақтда колонияга кетиш учун айрим ишларни буйнимга оламан. Акс ҳолда, турмада кўп йил моғор босиб қоладиганга ўхшайман.

— Зубайра опа, бегуноҳ одамларни ўлдириб юборган экансиз, шу ростми? — чидаёлмади Ҳилола.

— Ким шундай деди?

— Сизни вилоят ички ишлар бошқармасига терговга олиб кетишганидан сўнг "КПЗ"да анча кун қолиб кетдингиз. Мен билан сизни битта камерага қўймасликларини, каллакесар эканингизни айтишди.

— Ўглаб кетганимни қара, — деди Иллюзионистка тиззаларига таяниб. — Аслида йигитларни мен ўлдирмаганман, у фалокат эди. Бир марта мурдашўйлик қилганимнинг тарихи қизиқ. Вилоятларингнинг энг чекка жойида ташландиқ тилла кони бор. Йигитларнинг ўлими тилла кони билан боғлиқ. Сирдарёда яшаётганимда, кунларнинг бирида ота-онаси оқ қилган бир қизни учратиб, уйимга бошлаб келдим. У менга қиз бўлишга жон-жон деб розилик берди. Ўлиб-тирилиб хизмагимни бажариб юрарди. Таржимаи ҳоли қисқача шу: Тошкентга дугонаси билан келган, ошхоналарда официанткалик қилган, бир йигит алдаб кетган, аччиқ устида ёлғончининг ўртоғига иккинчи хотин бўлган, эрининг биринчи хотини тўполон кўгаргач, шармандаси чиққан. Ота-онаси аввалдан норози эмасми, охир-оқибат қизидан воз кечган. Икки марта аборт столига ётган даҳрий қиз эди у. Албатта, марҳума ҳақида гапирганда, гуноҳларини кечиришни Аллоҳдан сўрайман.

Тилла тақинчоқлар билан шуғулланишни бошлаганимда, қиз ташландиқ олтин кони ҳақида гапириб берди. Давлат конда ишни тўхтатибди. Бироқ кон яқинидаги қишлоқ аҳолиси ерни юмронқозикдек қазиб, қум орасидан насибасига яраша ҳалигача тилла зарраларини топишаркан. Одамлар олислардан келиб, қишлоқ "оқсоқоли"га маълум бир соатга пул тўлаб, шахтага тушишаркан. Пул тўламаса, керакли жойга қўнғироқ қи-

лишади. Рангли металл билан ноқонуний шуғулланишнинг, конга ўғринча киришнинг охири панжара. Мен панжарасидан қўрқмайман, муаммо — аёл бошим билан ер кавлолмаслигим. Тилла топувчилар билан олдиберди қилиш мақсадидагина кон яқинидаги қишлоққа бордим. Қишлоқ аҳлининг аксарияти тилла топганлар эди. Касб-корининг тайини бўлмаса-да, данғиллама уй қурган, қўша-қўша машина олган пулдорларни ҳар бир кўчада учратиш мумкин эди. Меникидаги қиз ошхонада ишлаб юрган кезлариёқ шу ерлик йигитлар билан танишган экан. Таниш-билишлик бобида омадим чопди. Шаҳардан яна иккита уй олдим, пулларни қоп-қоп босдим. Афсуски... Афсуски, бир куни эшигим тагида машина тўхтаб, таниш йигит тушди-да, "асранди қизим" вафот этганини айтди. Уни ювиб, қабрга қўйиш учун ғассоллик қилишим керак экан. Табиийки, "Нега мен ўлик юварканман?" деб сўрадим. Йигит ҳақиқатни айтди: қиз кеча ўзини осиб ўлдирибди, ўлигини сир тутиш керак эмиш. "Туппа-тузук қиз нима сабабдан ўзини осадиди? Пулларга ёлғиз эга чиқишинг учун уни ўлдиргансан!" дедим. Йигит қасам ичди ва агар ўлдирганида беш юз чақирим йўл босиб, ғассол ахтариб келмаслигини айтди. Ўликни ювиб, кафанлаб дафн этмаса, қарғиши уришдан қўрқаркан.

Сиздан бошқа ўлик ювгучи йўқмикан, дейсанми? Бу ёғига қулоқ сол, Ҳилола. Қизнинг фожиасидан сал аввал ташландиқ конда бешта йигит бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмганди. Милиция уларни ҳам сен ўлдиргансан, деб яқинда Бошқарма "подвали"даги тергов хонасида уч кун ухлатмади. Йигитларни тупроқ босиб қолганди. Ўша куни мен қизни ахтариб, илк марта конга боргандим. Кейин қизиқсиниб, шахта ичига тушганман, юз қадамча юрганман, холос. Тўсинларни ағдариб, беш йигитни ўлдиришим учун эшакникидек куч зарур. Қолаверса, шахта ичига яна уч юз-тўрт юз қадам киришим керак эди.

Милициянинг тахминича, ташландиқ кондан ёмби топилган эмиш. Ёмби бор, деб ишонтириб, беш одамни тузоққа тушириш ва ўлдириш айтишга осон. Бунинг учун ўта ваҳший кимса бўлишимдан ташқари умримда конга бормай туриб олтин қазувчиларни ишонтира олишим керак. Мен одам ўлдирмасдан ҳам бойий оламан, ахир!

Хуллас, ёмбилар ҳақида миш-миш болалади. Ўлганларнинг гуруҳидан фақат бир йигит қолганди. У бешала шериги шахтада ер қазийганида, дўконга кетган бўлган. Яъниким, меникида яшаган "асранди"нинг севгилиси, ўлик ювишга таклиф этган йигит...

Қизнинг ўлгани, шубҳасиз, беш йигит ҳалокатига боғлиқ суиқасд бўлиб туюлди. Орадан кўп ўтмай гуруҳга алоқадор яна бир инсон тасодифан ўлмайди. Қанчалар шубҳали воқеа! Бироқ мен таклифни рад этолмасдим. Йигит иккимиз беш юз чақирим йўл босиб, овлоқ жойга келдик. Кун ботишига оз фурсат қолганди. Қачонлардир у ерда шийпон қурилган экан. Йигит таъмирлатиб, дала ҳовлига айлантирибди. Кирсам, қиз ўлиб ётибди, бўйнида ростдан арқон изи. "Унинг қачон, қаерда, қандай ўлгани ўртада сир бўла қолсин, милиция шусиз ҳам бошимда тегирмон тошини юргизаяпти", деди йигит. Сезгиларим йигитнинг нияти ёмон эмаслигидан далолат берса-да, енгим ичига пичоқча яшириб олгандим.

Йигит сувга чиққанида, пичоқча полга тушиб кетди. Олиш учун энгашиб, стол тагидаги сафар сумкасига кўзим тушди. У қизнинг сумкаси эди. Устида йигитнинг аллақандай қоғозлари ётарди. Демак, йигит сумкани сафарга тайёрлаб қўйибди. Ҳеч бўлмаса, сумкани машинага ортади-да, хилватда ўт қўйиб юборади.

Очиб қарасам, қизнинг кийимлари, ҳужжатлари ва ён дафтари. Ҳилола, тубан шахсларнинг бир гўзал одати, гўзал одамларнинг бир тубан қилиғи бўлади. "Асрандим"нинг рақамлардан кашфиёт қилиш ода-

ти бор эди. Турли сўзларни қандай яширишни бўш вақтларида менга кўрсатарди. Гоҳида жумбоқнинг математик ечимини топиш ўйинини ўйнардик. "Ўлими олдидан хат ёзиб қолдирмадимикан?" деган хаёлда варақлаб чиқдим ва охириги саҳифасида янги ёзилган ўн қатор рақамни учратдим. Вақтим тигиз эди. Шошапиша биринчи қаторнинг мағзини чақдим. Унда "Сариқлар фақат меники! Манзил: ..." деган жумлаларни ўқий олдим. Агар дафтарни бекитсам ёки саҳифасини йиртсам, ўта эҳтиётсиз иш қилган бўлардим. Йигит кўтаргунимча пул бериши кутилмоқда эди. Қизнинг ўлимини ҳам менгагина ишониб айтди. Рақамларни сурпнинг четига кўчирдим. Кўчириб бўлган ҳам эдимки, эшик шарақлаб очилиб, йигит кириб келди. "Нега унинг нарсаларига тегинаяпсиз?" — деб бўкирди. Қўлимдан дафтарчани юлқиб олиб, уят-пуютни йиғиштириб, эгнимдаги кийимларимгача титкилаб чиқди. Ҳалок бўлган беш кишидан қолган олтинлар борлигига ишондим. Ундан қиз ҳам хабардор бўлган ва... негадир ўз жонига қасд қилган.

Йигит ҳовурини босиб олгунча анча қийналдим. Ниҳоят, кўз олдида майитни ювиб, кафанлашимни буюрди. Рақамлар ёзилган сурп кафанлик эди. Четини йиртиб ололмадим. Ёлғиз умид — кечаси қабрни қазиш ва кафандаги рақамларни кўчириш эди.

Кафанланган мурдани гиламга ўраб, машинага ортдик-да, оқшомда йўлга тушдик. Тахминимча, йигирма чақиримлар юрдик. Ҳилола, сенга ишонаман. Мени тушун, қайси қабристонга борганимизни ҳозир айтолмайман. Қисқа муддатда сенга тарихимнинг кўплаб саҳифаларини очганим ҳам мўъжиза эмасми? Карцерда, сувсиз аквариумда, девор орасидаги одам сақланадиган галадонда — ҳамма жойда тунаганман. Гапиртирувчи уколдан сархуш бўлиб, самода учганим, оламни жаранглатувчи сеҳрли саволларга юрагим жўшиб, вужудим қўнишиб жавоблар айтганим

Азамат ҚОРЖОВОВ

— бари бир пул. Йигитнинг бошини танасидан жудо қилдим, деб сен учун бўйнимга оламан, эшитаяпсанми?

— Ҳа, — бўғиқ овозда жавоб берди Ҳилола.

— Жиноятни бўйнимга олмасам, камида икки-уч йил терговим тугамай турмада ўтиравераман. Бу вақтда сен колонияга жўнатилиб, жазо муддатингни ўтаб, уйингга кетган бўласан. Мени камида ўн беш йиллик колония ҳаёти кутаяпти. "Зона"да бирга бўлсак, биз... олти ойга қолмай... секин-аста... жуфтакни... Ҳоп-ҳуп! Алвидо, аёллар қамоқхонаси!.. Тушундингми?.. Кўзларингда қўрқувни кўраяпман. Сенга қанча олтин керак? Қанча пул ваъда қилсам, менга ишонасан?

— Сиз... уни ўлдирмаганингиз чинми?

— Умримда одам ўлдирмаганман, Ҳилола. Айтаяпман-ку, турмада кўп қолиб кетмаслик учун "йигитни ўлдирдим, қиз эса қаерга кўмилганини билмайман, атроф қоронғи эди, мени бутунлай нотаниш жойларга олиб борганди", дейман. Неча ойдан бери шундай демоқчиман. Ўзи аслида ҳам шундай. Ташландиқ кондан топилган ёмби-ю бошқа тилла қуймалари қаердалигини билмайман, бунинг учун мазорни очиш керак. Йигитни кимдир ваҳшийларча қатл этган...

— Зубайра опа, сиз менимча биласиз... — ялинмоқчи бўлди Ҳилола.

— Хўп, қизнинг мазори қаердалигини сенга айтаман, — деди Иллюзионистка (Ҳилоланинг юраги орқага тортиб кетди). — Сир сақлашга сўз бер. Эртага сени ҳам, пастдаги жўгини ҳам роса тергов қилиб, мендан эшитганларингни ичларингдан суғуриб олишга урунадилар. Ироданг етадимми?

— Йўқ, йўқ, жон опа, айтмай қўя қолинг!

— Айтаман, — Иллюзионистканинг кўзлари йилтиради.

— Сизни сотиб қўяман!

— Сотолмайсан.

— Турманинг терговчиларидан қўрқаман. Улар мени қийнашлари шартмас, бир дўқ урса, етади.

— Қизни кечаси бир қишлоқ яқинидаги мозорга қўйдик, — деди Иллюзионистка. — Машина қабристондан юз-юз эллик қадамча узоқлашгач, чироқлар ёруғида сенинг севган дарахтингни кўрдим. Камоқдан қочсак, севган дарахтинг орқали қабристонни топамиз. Руҳингиз танангиздан чиқиб, ҳар жойда дайдиб юра олади-ку, дема. Мен сеҳргар эмасман. Иллюзиянинг ўз ўрни бор. Яхши кўрган дарахтингсиз қабристонни тополмайман, Ҳилола.

— У пайтда мени танимасдингиз-ку? Яхши кўрган дарахтимни сизга айтмаганман.

— Қабристон яқинида кўз остимга олиб қўйганим ва сенинг дарахтинг битта нарса бўлиб чиқди. Кўраяпсанми, кўп жиҳатдан боғлиқмиз.

— Қайси дарахтни яхши кўришимни ўзим ҳам билмайман, — боши ғувиллади Ҳилоланинг.

— Бўлди, энди ухла. Бугунча етар. — Иллюзионистка оёқларини эшик томон узатди-да, деворга бурилиб, ётди ва деди: — Сен яхши кўрган дарахтнинг меваси битта, содда қизим.

Ҳилола юраги дук-дук уриб, матрасга бош қўяркан, йиғламоқдан бери бўлиб, хўрсинди. Иллюзионистка руҳан хаста аёл экани сезилиб турарди. Ҳилола ундан ўз вақтида қутулиш кераклиги ҳақида ўйлади. Эртасига яхшигина имконият келди. Уни жазо камерасидан иккинчи қаватга, Мақсуда, Сойгул, Шокира, Туморгуллар ётган учинчи камерага ўтказишди. Тез орада соқчи сайрга чиқариш баҳонасида турма бошлигининг кабинетига олиб келди. Кабинетда бурунги ҳарбий формалилардан ташқари фуқаро кийимидаги яна икки киши ўтирарди. Улар Ҳилоладан Иллюзионистканинг ҳикоясини эшитганларидан сўнг киприк қоқишмади.

— Бу унинг эски эртаги, — деди ҳарбий либосли

бадқовоқ. — Битта янги гап учради. У ҳам бўлса, "севимли дарахтингиз". Сизнингча, Рихсиева нимани назарда тутган?

— "Дарахт" шу қизнинг ўзи бўлса керак, — деди фуқаро кийимидаги ходим.

— Буни қандай тушуниш мумкин? Ўзини осган қизни кечаси қайсидир қабристонга кўмиб, эндигина узоқлашаётганларида, Рихсиеванинг кўзи машина чироқлари ёруғида Баҳромовага тушган, яъни бу қиз мол-ҳолини кечаси ахтариб юрганида тасодифан учрашиб қолишган, хулосаки, мурда Хилоланинг қишлоғи яқинидаги қабристонга кўмилган, демоқчимисиз?

— Йўқ! — деди фуқаро кийимидаги киши газаб билан. — Иллюзионистка қаердаги бир қизга шунчаки "симпатия"си ёки эски одати бўйича "асранди қилиш" фикри уйғонгани учун ёпишиб олмаяпти. Бу ерда бошқа гап бор! "Севган дарахт", бу — қизнинг ўзи, деб бекорга айтмаяпман. Рихсиевага, эҳтимол, ёш қиз асқотиши мумкин. Нима учун айнан у асқотади, ўйлаб кўрайлик. Масалага шу томондан ёндашиш керак.

— Қизишманг!

— Қизишган мен эмас, сизсиз! Нега бу иш сақичдек чўзилаяпти? Бунақа қизларни унга хўрак қилишнинг нафи тегади, дейсизми? Камерага микрофон ўрнатиш, видеокамерада кузатиш, сон-саноқсиз "қулоқ"лар — ҳеч биридан иш чиқмайди. Охир-оқибат иш бу қизнинг турмадан ўлиги чиқиши билан якунланиши ҳеч гап эмас.

— Тўхтанг, — бармоғи-ла "Жим!" ишорасини қилди ҳарбий либосли.

— Сизнингча, Иллюзионистканинг жиноятларини бўйнига қандай қўйиш мумкин? — деди четда ўтирган эллик ёшлардаги ходим. — Иблисни бўйсундирадиган бирор усулни айтинг! Азобларга йоғ, экстрасенс, жоду-поду — алламбало усуллар билан бардош беради. Беш йил карцерда ўтириб, оппоқ терига айланиб қолса ҳам миқ этмайди.

— Унинг олдида гаплашмайлик, — бир ходим Ҳилолага ишора қилди.

Хилола шовиллаб қуйилаётган кўзёшларини артиб адо қилолмай ўтирарди. Одамхўр наҳанг яшайдиган уммонга ташланган хўрак эканидан даҳшатга тушса, "Қачон гавғолардану қамоқдан қутулиб уйга кетаман?" деб эсини еб битирмоқда эди.

— Нега йиғлайсиз? — стаканга сув қўйди турма бошлиғи.

Ҳилола индамаган эди, эркаклардан бири: "Сендан сўраяпти!" — деб дуқ урди.

— У киши... Зубайра опа айтган воқеалар... бўлганми?

— Кечаси қабристонга кўмилган қиз, ўлиб кетган йигитлар воқеасими? Ҳа, бўлган, — деди ҳарбий либосли бодқовоқ ходим. — Маймун ўйнатишга келганимиз йўқ. У бир эмас, етти кишининг бошига етган "маньячка" экан, жамиятни қабиҳ кимсадан халос қилиш учун одамга ўхшаб ёрдам беришингиз керак эди. Сиздан унинг сирларини очишда чумоличалик ёрдам сўрасак, йиғлашдан бошқасини билмайсиз! Бизсиз ҳам қамоқда кунингиз ўтади. Лекин бундоқ... жон-дилдан ёрдам беришинг иложи борми, йўқми? Сиздан савол сўраяпман! Тўхтатинг кўзёшни!

— Мени у киши билан битта камерага қамашга... қамашга ҳақларингиз йўқ... Асранди қиз ҳам бўлмайман, "қулоқ" ҳам... Чарчадим. Илтимос, тинч қўйинг... Бошқа шунча аёллар, қизлар... — Ҳилола гапиролмай қолди.

— Сен бунга мажбурсан, — деди дағал овоз.

Ҳилола овоз эгасини ахтариб, ортига қаради. Қўл чалиштириб, хўмрайиб турган чўтир юзли эркак важоҳатла яқинлашиб, деди:

— Ялинасанми, ўласанми, шу ишни уддалайсан.

Кафан ҳақида оғиз очган ҳарбий формали ходим эшитилар-эшитилмас томоқ қириб, стулни гичирлатганча тўлғониб қўйди. Ҳилола улардан осонликча тинч қўйишмаслигини ўйлаб ўзини ортиқ тутиб туролмади.

— Ұлсам қутуламанми?! — хўнграб йиғлади у. — Мени қанақа ишга аралаштираяпсизлар?! Нима ҳақларингиз бор бунга?! Жонимдан тўйдирдиларингиз-ку! Ұлдириңглар ундан кўра! Ұлдириңглар!

Эркаклар кўз уриштиришди. Ораларида юпатгувчи топилмади, қизнинг йиғлаши уларга кулгили туюлаётгандек эди. "Биз нима ёмонлик қилдик, бир илтимосга шунчаликми?" демоқчи эканликлари, ҳатто қизнинг қилиқларидан ижирғанишганини пайқаш мушкул эмасди.

Соқчилар хонага отилиб кириб, Ҳилолага ташла-нишди.

— Аста! Астароқ! — деди турма бошлиғи ходимларига. — Тоза ҳавода ўтирсин, кейин яхшилаб овқатлан-тириңглар. Тушундиларингми?

15. ҲУКМ ВА МУҲАББАТ

Шу кундан бошлаб Ҳилола Иллюзионистка лақабли ашаддий жиноятчи хотин билан битта камерада ётмайдиган бўлди. Бироқ мудҳиш жиноятларни фош этишда Ҳилоланинг кўмагига катта эҳтиёж сақланиб қолди. На бола-чақа орттирган, на имону виждонни ҳис этган ёвуз жиноятчини тириклай ўтда ёқсалар ҳам қонун посбонларига ҳақиқатни ҳикоя қилмас, гупроқ тагида қолган беш йигит, кутилмаганда ўзини осган қиз ва кунларнинг бирида бошсиз жасади топилган ҳамтовоқ йигит, ташландиқ кон олтинлари — ҳеч бири ҳақида рост сўзламас эди. Иллюзионисткани руҳий касаллар шифохонасига ҳам юборишди, энг кучли руҳшуносларни жалб этишди, барибир фойдаси бўлмади. Икки хил қамоқхона ўртасида қолган аросат маҳкумасини Ҳилола қайтиб кўришни-да истамас эди. Жамики ортиқча машмашаларга сабаб Иллюзионистканинг тақдир чорраҳасидаги ҳибсхонада учраши эди. Агар иккови тўрт девор орасига бирга тушмаганларида, Мақсуда каби

камерасида суд ҳукмини кутиб ётарди, ухларди, чайналган буханка нондан турли ҳайкалчалар ясаш билан вақт ўтказарди. Китоб, газета ўқиш, "сайр"га чиққанда тубсиз осмонга тикилиш, хўрсиниш – ҳаммаси ажойиб бўларди. Начора, Ҳилола панжара ортида экан, Иллюзионистка билан яна учраштирадилар, дод-войи пашша фингиллашидек ўчади-кетади.

Душанба куни иккинчи суди бўлди. Абадиян турмасидан маҳбуслар "Туманимизнинг судхонаси, қаердасан?" деб бир "автозак"ни тўлдириб йўқлаб келишди. Уларнинг жинойи ишларини судда навбатма-навбат кўриб чиқишди. Бу одамлар аллақачонлардан бери уйларига бормаган, дам туман ички ишлар бўлими ертўласидаги ҳибсхонада, дам кўп қаватли Абадиян турмасидаги камераларда ҳайвонот боғидаги шердек эҳтиётлаб сақланган, эндиликда турмадан қутулиб, колонияга жўнаб, эркинроқ нафас олишни орзу қилганлар эди.

Бу сафар Васлининг қариндошлари ўзларини одобли тутиб, мум тишлаб ўтирдилар. Ҳилола ҳам залдагиларга бемалол кўз югуртириб чиқди. Нурия опасини келинчак либосда бахтманд кўришни жуда-жуда хоҳлади. Онасига шу ҳақда гапирса, "Янги келин ҳадеб узоқдан судга қатнайверса, гап-сўз кўпаяди", деди. Ўша томонларда кимдир гап тарқатибди: "Тўйидан бир кун аввал сойда қишлоғидаги бир йигитни ўлдириб қўйганмиш, ўрнига синглизис қамалаётганмиш..."

– Тавба қилдим, – онаси билан учрашувда Ҳилола ёқасига телбаларча туфлади. – Васлини мен ўлдирдим-ку, ая! Мен-ку, у! Опам гишт кўтароладими? Уйга чумчуқ кириб, ўзини деразага урса, раҳми келганидан йиғлаб ўтирарди-ю одам ўлдирармиканлар?!

– Қизим, – деди онаси Ҳилоланинг сочларини силаб, – пешонангда шу кунлар бор экан, озодликка чиқишингни Худойимдан куну тун сўрайман. Лекин... адвокат ўлмагур ҳам айтди, булар ҳеч бўлмаса, икки йилга кесар эканлар. Суд залидан чиқариб юбориш-

нинг ҳеч иложи йўқ, бир-икки йил Тошкент томондаги қамоқхонада ўтириб келади, деди. Илоҳим, қамалмагин, қизим! Судьяларга инсоф берсин!

— Аввал ҳам айтгандим, у ер Абадияндаги турмага ўхшаган эмас. Девор билан ўралган ёпиқ ҳудуд, холос. Шунинг учун "зона" дейилади. Ҳамма ишлайди, ойлик берилади. Яхши ишлаб, тўғри юрганларни кўп сақлаб ўтиришмайди, қўйиб юборишади.

— Қамоқдан чиққанингни, ойдайд жойга келин бўлганингни кўрсам, армоним йўқ эди.

— Унақа деманг, ая. Шу йил амнистияга тушишим ҳам мумкин. Ёшимга, қиз бола эканимга, қасддан қилмаганимга албатта эътибор беришади. "Қамалди" дегани "ўлди" дегани эмас-ку. Нариги қишлоқлик Сабо дугонанинг отаси цемент заводда ишлаётганида қамалиб кетганини биласиз. Саккизинчи синфимизда қамоқдан қайтди. Доим уйларида холасининг қизи юрарди, биз билан тенг. Унинг отаси ўлган йили Сабонинг отаси қамалган. "Холаваччам отамни кучоқлаб бир соат йиғлади", деганди дугонам. Ун беш ёш қиз отаси ўлганини билиб туриб, хаёлида худди ўлмагандек, қамоққа кетгандек туюлаверган. Дугонамнинг отаси қайтганида, "Қанийди менинг отам ҳам қамалганида эди, ҳозир қайтиб келган бўларди", деб ўзини тутолмай йиғлаган экан.

— Вой, қизим-ей...

— Нега йиғлайверасиз, аяжон?

— Қамоқда ўтиравериб аввалги Ҳилолага ўхшамай қолаяпсан. Ичидаги гапни унча-мунчага чиқармайдиган қиз эдинг. Дугонангнинг отаси қамоқдан қайтганига беш-олти йил бўлган, энди айтаяпсан-а, шу гапларни.

— Ёмон томонга ўзгармаяпманми ишқилиб?

— Менга ёқадиган бўлиб ўзгараяпсан. Айтгандай, биринчи судинг бўлган куни Васлининг уйига бориб катта жанжал қилдим, Бўронгулни ҳам роса қарғадим. "Қачон қизим сенинг этагингга осилди?" деб Даврон-

нинг ҳам уйига бордим. Қизариб-бўзаради, ўл, йигит бўлмай! Йигит боши билан Бўронгулдан қўрққанига ҳайронман. Ишидан айрилишдан юраги ёрилиб, нима деса, маъқуллаган-да имонини еган! Битта қишлоқнинг одамлари шу даражада тубанлашиб кетди-ей...

— Қўяверинг, унақа ёмонларнинг юзтаси бирикса ҳам қўлларидан ҳеч иш келмайди.

Ҳилола онаси билан зўрға узилишиб, туман ички ишлар ҳибсхонасига жўнади. Икки-уч ҳафтада ҳукм чиқиши кутилмоқда эди. Яна олис йўл босиб, Абади-ян турмасига қайтиши лозим эди. Буларнинг ҳаммаси битмас-туганмас сарсону саргардонлик бўлиб кўри-наётганди. Ташвишлардан чарчаган, эзилган, ҳолдан тойган, боз устига уйни соғиниш қийнаётганда, яна турмага — тош деворлар, қўша-қўша темир эшиклар, баджаҳл соқчилар, томи кетган маҳбусалар салтанатига қайтиш тил билан таърифлаш мушкул, тасаввурга сиғ-мас азоб эди. Ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди, деб кўзла-ридан қонли ёш тўккан қанча хотин, қанча қиз ўтган бу йўллардан. Бир хил ҳаёт, бардошлар титилиб, тутаб, ёниб кетгунча кутиш, имиллаб ўтадиган оғир ва зерикарли вақтнинг гилдираклари остида кукунга айланиш, диққинафас камерадаги гиж-гиж маҳбусаларнинг феъл-атворларига чидаш, каравотнинг юқори қаватидагилар билан пастдагиларнинг уруш-жанжаллари, ҳаммомдаги бузуқи хотинларнинг хираликлари, сочи-дан бураб тиз чўктирилган янги маҳбуса қизларнинг аянчли нолалари...

Ҳилола ўзидан бошқа бирор бегуноҳ маҳбусани уч-ратмади. Мурдашўй Туморгулни одамий деб ўйлаганди. Унинг ҳам тарихини эшитди. Кунларнинг бирида нариги маҳалладаги хонадонга чақиришибди. Икки аёл чекка хонага бошлаб: "Айланай, опажон, бир илтимос, майит-ни ювиб бўлгач, айбини ҳеч кимга айтмайсиз", дейишибди. "Ие, айт десанглар ҳам айтмайман, ғассолга бундай дейишга уялмадингларми?" деб жавоб берибди Туморгул.

Шунда аёллар гап нимада эканини гапиришибди. Қиз ток уришдан ўлмаган экан. Маълум бўлишича, у уйга ярим кечаси қайтибди. Қадам олиши туфайли акаси билан кўп гижиллашиб қоларкан. Бу сафар акаси аниқ далилларни айтиб ташлабди, сингил эса: "Акам бўлсангиз ҳам менинг ҳаётимга аралашманг" дебди. Ўзини тўхтатолмаган ака: "Сендай синглим бўлганидан йўғи яхши", деб уриб ўлдириб қўйибди. Қиз охирги вақтларда кўпчиликнинг оғзига тушгани Туморгулга ҳам етиб келган экан. Аканинг қамалишига кўнгли чопмабди ва жиноят ҳақида ҳеч кимга лом-мим демасликка сўз берибди. Майит дафн этилибди. Орадан кўп ўтмай қизнинг ўлдирилгани ҳақида миш-миш тарқалиб, участка нозирининг қулоғига етибди. Мишмишни деб қабрни очиш мумкин эмас экан. Туман ички ишлар бўлими ходимлари даставвал Туморгулни сўроқ қилишибди. Мурдашўй ички ишлар ходимларини алдабди. Шундай бўлса-да, қотиллик юз бергани сезилиб қолибди. Прокурор санкция бергач, қизнинг ҳовлисида экспертлар иш олиб боришибди. Пойдеворнинг бир чеккасига митти қон томчиси сачраган экан, жиноятни фош этишда айнан шу томчи асқотибди. Ака ҳам, қотилликни яширганлар ҳам, шунингдек, мурдашўй ҳам қамоққа олинибди.

Ҳилола Абадиян турмасининг ҳидлар қоришган ҳаммомига тушганида тезроқ чиқиб кетиш кўйида бўларди. Мақсуда ҳадеганда чўмилиб улгуролмасди. Эси оққан бирор маҳбусанинг тегажоғлигидан безган Ҳилола эшик олдида кутаётиб, атрофидаги хотинларга, қизларга беихтиёр сер соларди. Ҳеч ким, ҳатто ашаддий жиноятчилар — Иллюзионистка, неварасини ўлдирган сариқ сочли хотин, гиёҳванд-қотиллар ҳам турмада хотиржам яшолмаслиги кундай равшан эди. Шамол тошдеворларни чангга айлантириб, дашту далаларга учириб кетишини, ҳукумат барча қамалганларга уйларига кетавериш кераклигини эълон

қилишини хоҳларди баъзан. Бу аҳмоқона хаёл эканини ҳам дарров англарди. Аксинча, турма жамиятдаги ёмонларни тутиб, ямламай ютадиган олижаноб юҳо бўлганида, Ҳилола қамалмасди. Васли хотини ва ўғилчасини қувиб юбориб, уззукун спирт ичиб, йўлтўсарлик қилиб юрганида турмага тушарди, Ҳилола ва Нуриянинг йўлини сой бўйида ҳеч ким тўсмасди. Турмалар Ер юзидан абадий йўқолишини шунинг учун ҳам хоҳламасдики, ўз неварасининг жонига қасд қилган ваҳший хотин ҳам умрининг охиригача шу ерлардан чиқолмаса...

"Менинг айбим йўқ, — дерди Ҳилола. — Лекин мен опамнинг "иши" учун ўтирибман. Опам қамалиши керак эдими? Васли йўлни тўсганда опам уни ўладиган қилиб уриши шартмиди? Ўзини тўхтатолмай қолди. Энди нима бўлади? Бу саволга судимда жавоб оламан..."

Қўлига кишан тақилганига учинчи ой бошланганда охирги суди бўлди. Ҳукм ўқилаётганда Ҳилоланинг вужуди қулоққа айланди. Дастлаб олти йилга озодликдан маҳрум этилгани эълон қилинди, сўнгра ўзини ва опасини ҳимоя қилганини, ёшини, қиз бола эканини ҳисобга олиб, жазо муддати икки йилга қисқартирилгани эшиттирилди.

— Тўрт йил олдим, — пичирлади Ҳилоланинг лаблари. — Тўрт йил... тўрт йил...

Ҳилола билан хайрлашишга рухсат берилганида, онаси соқчилар орасидан ёриб ўтиб, қучоқлаб олди. Онанинг нола-ю фиғонлари олдида Ҳилоланинг ҳам иродаси тўкилиб тушди: она-бола юм-юм йиғладилар. Энди жондан азиз қиз ҳар ҳафта Абадиян турмасидан судга қатнамайди, бу ерлардан, вилоят ҳудудидан уни топиб бўлмайди. Агар суд ҳукмидан норози бўлиб, арз қилмаса, ўн кунлар ўтгач, Ҳилолани Абадиян турмасидан Сулаймонтепа аёллар колониясига олиб кетишади. Салкам минг чақирим наридаги қамоқхонада минггача маҳкума хотин-қиз жазо муддати-

ни ўтаётгани ҳақида судхона дарвозаси олдидагилар гапирганда онасининг қулоғига чалинган. Азобларга чидаёлмаганлар игна ютиб, томирини кесиб ёки чойшаб билан ўзларини осиб ўлдиришлари хусусида гаплар юрарди. Ҳар гал Ҳилола колония ҳаётини турманикидан яхшироқ қилиб кўрсатар, онанинг кўнгли сал бўлса-да, ҳаловат топарди. Бироқ Ҳилола колонияни кўрмасдан гапирётган эди. Туман ички ишлар бўлимининг вақтинчалик сақлаш ҳибсхонаси ("КПЗ"), тергов изолятори (Абадиян турмаси), жазо муддатини ўташ муассаси (Сулаймонтепа аёллар колонияси) — ҳаммаси ҚАМОҚ деб аталади. Наҳотки, қамоқ яхши ва ёмон хилларга ажратилса? Турмада аллакимлар учун эшиги қулфланмайдиган камералар, музлаткич ва телевизор ўрнатилган "хос хоналар" бордир. Аммо "Дўзахнинг тинчроқ гўшасида эдим", деб мақтаниб бўлмайди. Бир қамоқдан иккинчисига кўчишнинг эса биргина юпатгувчи жиҳати — ҳар поғонада озодлик яқин эди.

Абадиян турмасида Ҳилолани бурунгидан бошқача қаршилашди.

— Қанча олдинг? — шахсан ўзидан сўради Ризо.

— Тўрт йил, — деди Ҳилола.

— "Протест" ёзасанми?

— Ёзмайман.

— Ўзингни ҳимоя қилганинг учун умрингнинг тўрт йилини чиритмоқчимисан? "Протест" ёз, уч-тўрт ой бизда, "СИЗО"да ўтирасан. Мукофотига эса "зона"да камида икки йил кам бўласан. Шуниси яхши эмасми? Вақтдан ютасан.

— Йўқ, колонияга кетаман.

— Турмада қол, бу сенга яхши шанс! Ўзим сенга қарашаман. Яхшироқ камерага жойлаштираман. Телевизорли. Биринчи кун қаттиқ гапирганим учун мени ёмон одам деб ўйлаяпсанми? Қамоққа кўпинча тугуруқсиз қизлар тушишади. Сени ҳам ўшалардан дебман.

Ҳилола суд ҳукмидан норозилик аризасини ёзмоқчи эмасди. Ёзса, туман ички ишлар бўлими ҳибсхонаси ва Абадиян турмасида яна икки-уч ой қолади. Суд ҳукми қайтадан кўриб чиқилади. Ҳақиқатан жазо муддати қисқартирилиши мумкин. Ёзмаса, ўйлаб кўриш учун турмада ўн кун, кўпи билан икки ҳафта ўтиради. Сўнг Сулаймонтепа аёллар колониясига жўнатилади ва судда белгиланган жазо муддати тугагунча ёинки афв ёлдон қилингунча ўша ердаги баракда яшаб, тикувчилик фабрикасида ишлайди.

— Раҳмат, — киноя билан жавоб берди Ҳилола ва ногоҳон йўлак бошида пол латта ушлаганча термилиб қолган йигитга кўзи тушиди. Латтасидан ифлос сув оқаётган бу йигит Ёқуб эди.

— Бўлдими? — сўради маҳкум ҳаяжон билан.

— Ҳа, кетаяпман, — деди Ҳилола. — Сулаймонтепадаги колонияга.

— Қизларга гап отишга келдингми? А?! — ўшқирди Ризо йигитга. — Қани, анави бурчақларни ҳам арт, ишёқмас!

— Тўрт йилми? — қулоғини динг қилди Ёқуб.

Ҳилола бош қимирлатди.

— Мен бир йил!

— Ҳой, "бир йил"! Сенга гапираяпман! — турма ходими маҳкуминг устига бостириб борди. Ёқуб унга заррача парво қилмай ҳамон Ҳилоладан кўз узолмай турарди. Қорачиқларидаги ўйинқароқлик йўқолган, алланечук жиддий тортган эди. Ва ғамгин маъно ҳам балқиб чиққанди. Ҳилола шуни кўра олдики, ўғри йигитнинг хаёлида ҳозир турма ҳаёти, колонияда кутаётган оғир кечмишлар йўқ, унинг бутун борлиғи муҳаббатга қоришган ҳис-туйғуларга чулганган.

Назоратчи хотин Ҳилолани ўз блокига элтувчи тош йўлакка судради.

— Мен Сулаймонтепадаги эркақлар колониясига тушишим мумкин! — хитоб қилди Ёқуб. — Қамоқхоналаримиз яқин бўлади! Сизга хат ёзаман, Ҳилола! Ҳеч

нарсани ўйламанг! Қўрқманг! Бу кунлар ўтиб кетади!..
Ура-а! Дунёдаги энг бахтли инсонма-а-а-н!..

Ҳилола турмадаги ит ётиш, мирза туришдан ҳиқил-доғига келар даражада безиганди. Колонияга тезроқ жўнагани маъқул эди. Ҳарҳолда ишга овунади. Ёши йигирмадан ошгани боис уни катталарнинг барагига ташлашларини айтишди. Йигирма ёшдан кичикларни "малолетка" деб аташаркан. Уларнинг ейиш-ичишлари, шарт-шароитлари қамоқдагилар ҳавас қилса арзийдиган экан. Аммо Ҳилола алоҳида тарбияланаётган қизлар дунёсига эмас, йигирма ёшли қизлардан бошлаб олтмиш-етмиш ёшли кампирлар ҳам учраши мумкин бўлган қайноқ ва кўпирган қозонга тушаётган эди.

— Омадинг чопмади, — деди Шокира, — йигирмага киришга улгурдинг, афсус. Энди сен "зона"да дордан қочган икки юзта хотин билан битта баракда яшайсан. Қизларга бошлиқлар эътиборлироқ, лекин бу билан бошинг силаниб қолмайди. Кунингни кўриб кетишинг учун ўзингга пишиқ бўлишинг шарт. Инсофли бошлиқларнинг қўл остида яшасанг, бироз яхши. Агар қариндошларим қамалишдан қутқаролмаса, балки мен ҳам Сулаймонтепага борарман, сенга қараб юрарман. Аммо қамалишдан Худонинг ўзи асрасин! Кўрганим шу турма бўлсин!

Ҳилола камерада ўн-ўн икки кунни қандай ўтказишни ўйлаб ётди. Эртасига Мақсудани вилоят марказидаги ҳибсхонадан келтиришди. Уни шаҳардаги судга олиб кетишганди. Кўзлари қизарган Мақсуда:

— Эшак! Ит! — деб марҳумнинг қариндошларини қарғади. — Мени камида етти-саккиз йилга қаматишмоқчи! Эшикни очиб берганим рост. Йигитим уй эгасини ўлдиришини билмаганман-ку! Ҳеч ким ишонмаяпти. "Икковинг тил бириктиргансан. Ўзбек қизи бўла туриб кўчада саёқ юрганингдан ёмонлигинг маълум", дейди. Кўчада фақат ёмонлар юрадими? Биз севишгандик. Севгига ишонганим учун шунчалик шафқатсизларча жазоланаманми?

— Хе ўл, йиғламай! — жеркиб берди Шокира. — Уй эгаларининг қариндошлари тўппа-тўғри айтишибди. Ўзбекмисан? Мусулмон қизимисан? Иффатлимисан? Кўчада ялаб-юлқшиб юргунча ўлганинг яхши!

— Опа, сизга нима қилдим? — деди қиз титраб.

— Менга-ку, ҳеч нарса қилганинг йўқ, — Шокира каравотига ўтириб оёғини осилтирган эди, пастда ётган қрим-татар хотин:

— Илгимос, орқа оёқларингни башарамга тутма, — дея бир урди.

— Кўрдингми? — қуйига қошини қоқди Шокира оёқларини йиғиштириб. — Пастки қўшним ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилаяпти. Биров унинг турқига оёғини ликилллатиши қонунга зид. Ликиллатдими, бу — жиноят. Сен кўчада сақичингни чайнаб, ўз ҳирсларингни севги деб юрганингда, ота-онангнинг юзига оёқ босгансан! Танлаган йигитинг ғирт ноинсоф экан, наҳотки, унда муҳаббат борлигига ишонгансан? Яхши гапирган-да, а? Йўқ, ширин гапларга учмагансан! Қасамхўр эканинг кўринишингдан маълум! Айтайми, сенга нима керак бўлган? Эрга теккунча шунчаки биттаси билан қучоқлашиб, ўпишиб, ҳиринглаб юришни хоҳлагансан. Қараяпсан, эргача ҳали бор. Сен нима қиласан? Ичингдаги шайтонга қулоқ соласан-да, бошқа нима?! Ҳирсий тўлғоқларни "севги" деяпсанми? Менга қара, беш йил тиббиёт институтида ўқиганман. Гинекологиянинг сирларини айтайми?

Мақсуда унга безрайиб қараб турди-турди-да, гапига қулоқ солмай Ҳилолага:

— Хуллас, шунақа бўлди, — деди. — Дадамлар, тоғамлар чопиб юришибди. Агар икки йилдан кўп беришса, "протест" ёзаман. Сиз-чи?

— Керакмас, — жавоб берди Ҳилола.

— Одам гапираяпти ҳам демайди-я! — жавради Шокира. — Ҳўв қиз, сенга айтаяпман! Етти-саккиз йил берсин, демадим, нега мени ёмон кўрасан? Ахир, мен ҳам

қамоқнинг тузини ялаб ўтирган бечора бандаман. Айтмоқчиманки, қиз боламисан, қиз болага ўхшаб юр! Уятинг бўлмаса, сендек қизнинг... — Шокира қараса, Мақсуда қулоқ соладиган эмас. — ...Сендек бузуқ қизнинг кимга кераги бор?! Эркаклар колониясига етти кечакундуз юборса, эсинг жойига тушиб қолади. Ўлмасанг, эр нима, турмуш нима, ҳаммасини кўрасан, жонингга ҳам тегеди ўша эр! Кўчада қўлтиқлашиб юришга бунча шошиласан? Тўғриси, қиз бола эканингга ҳам ишонмайман...

Мақсуда камеранинг темир эшигини гурсиллатиб муштлаганча, бор овози билан:

— Очинглар! — деб қичқирди. — Бўлди! Жонимдан тўйдим! Қамоқда бир кун ҳам яшамайман! Мени бир йўла ўлдириглар, қутулай шулардан! Ўламан! Ўлганим яхши! Ҳаммасидан тўйиб кетдим! Бу дўзах қачон тугайди?! — Мақсуда типирчилаган қўйи шайтонлаб қолди. — А-а-а!.. Нега туғдингиз мени, аяжон!

— Бунақа қизга айланишингни билганида аборт қилдириб ташларди! Ҳа-ҳа-ҳа-а! — заҳарханда кулди Шокира. — Ёмон артист экансан! Саккиз йил ўтирсанг эсинг кириб қолади. Бугундан бошлаб дуоларимда сўрайверайми сенга саккиз йил беришларини?

Қовоғидан қор ёғадиган Неъматнинг навбатчилиги эмасди. Мақсудани камерадан қаҳр-ғазабсиз чиқариб кетишди. Шовқин-сурон кўтаргани учун жазолашмади, ҳатто шахсий варақасига "минус" ҳам тушмади. Биринчи қаватдаги навбатчи хотинга қанақадир қоғозлар ичидан айримларини топишга ёрдам керак экан, Мақсудага ярим кечагача қоғоз титкилагишибди, ширин чой, юмшоқ нон ва колбаса беришибди. Ҳалиги қоғозлар тахлангач, қизни камерасига қайтаришибди.

— Яна бир марта унинг жигига тегсангиз, карцерга тушасиз, — деди турма ходими Шокирани уйғотиб. — Соғлигингиз, тинчингиз керакми, жим юринг. Бу ердаги қонунлар билан ўйнашманг. Турмада аҳмоқларгина қилиқ қилади.

Бироқ эртасига Шокира гап тарқатди: "Мақсуда кеча соқчи йигитларнинг хонасида телевизор кўриб ўтирганмиш, биттаси уни ёқтириб қолганмиш, бундан кейин турмада катталар йўқ пайтларда бемалол йўлакка чиқиб юриши, соқчиларнинг хонасида кино кўриши, ош-овқатдан қийналмаслиги тайин. Мана, унинг "севги"сининг кучи! Ботқоққа ботирган ҳам "севги"си, бир қултум сассиқ сув ичирадиган ҳам "севги"си..."

— Это не любовь, — деди рус хотин уйқу аралаш.

Бир неча кун Мақсуданинг лақаби "Это не любовь" бўлди. Ҳилоланинг унга раҳми келарди-ю ёрдам беролмасди. Аввало, одамнинг ўзида эс ва ҳаё бўлиши лозим эди. Мақсуда қамоқда ўзи ҳақида тарқалган миш-мишни эшитди, ёлғон эканини исботлашга уриниш ўрнига ўша кундан бошлаб навбатчиликка қолганларга пинҳона ишва қила бошлади. Ҳилола бир ходимга унинг: "Флора опага фактура қоғозларини ахтаришган қизман. Фарҳод ака, Суннат акалар мени пас-тга олиб тушганди. Сўранг, Мақсуда деса улар танийди", деганига шоҳид бўлди. Бир қарашда оддий туюлган бу гапнинг сиёҳидан "ўзини турмадаги хизматчиларга яқин олиш, улардан фойдаланиб, яхшироқ кун ўтказиш" дарди ва шу дардни ташийдиган шармандалик араваси акс этарди. "Мабодо йигитлар унинг қўлидан тутишса-чи?", "Мабодо "ёқиб қолдинг" баҳонасида бўса олишса-чи?" каби саволлар тизиларди. Эркинликда, ҳурликда қотил йигит билан "ишқ-муҳаббат" ўйинини ўйнаб юрган қиз қийинчиликда ўтаётган қамоқ даврида "ошиқ-маъшуклик"ни бошқалар билан давом эттирмаслигига Ҳилола ишонмасди.

"Бир куни шу юриши бошига етади", — деб ўйларди у. Ким енгил-елпилик билан бахтга эришган? Инсоният тарихида ақалли битта шундай аёлни ҳаёт бошқаларга намуна қилиб кўрсатганми? Охири вой бўлган минглаб қисматлардан тутун чиқиб ётарди тарихда.

Бир куни Мақсуда "сайр"дан ҳадеганда қайтаверма-

ди. Турманинг бетон деворли "сайргоҳ"ига чиқиб, тоза ҳаводан симириш гали Мақсудадан кейин Ҳилоланики эди. Ҳар кунгидан кўп интиқ бўлиб, тиқ этган товушга қулоқ солиб, симкаравот бурчагида омонатгина ўтирарди. Эрталаб юлдузлардан гап очилди. Айтишларича, улар кундуз ҳам кўринармиш. Бунинг учун одам қудуққа тушиб, осмонга бутун вужуди кўзга айланиб тикилиши керакмиш. Ҳилола пешиндан кейин турма биносининг соясида қоладиган "сувсиз ҳовуз", яъни "сайргоҳ" мисолида синаб кўрмоқчи эди буни.

Ниҳоят, Мақсуда икки соат деганда қайтди. Кўзлари олма-кесак тераётган дугонаси аввалгидан-да хунук кўринди.

— Баҳромова, ташқарига! — соқчининг буйруғи жанранглади.

— Ҳаг ёстигингиз тагида бўлади, — шивирлашга улгурди Мақсуда.

— Қанақа хат?

— Сайрдан қайтганда ўқийсиз. Ёқубдан. Ошиқона.

Ҳилола тош деворлар орасидаги тор йўлакдан юриб, "сайргоҳ"га кирди. Соқчи хотин устидан қулфлади. Ҳилола ўргага бориб, қулочини кенг ёзди-да, кўкка боқди. Бугун ҳаво булутли эди. Куз келди. Умр совиди, тақдир осмонига булут чиқди, осмондан ёмғир-қор эмас, қора қон ёғадиганга ўхшарди.

— Кундуз юлдузларни кўриб бўлмайди, — шивирлади Ҳилола. — Булутлар ҳам бор бўлсин.

Иллюзионистка ўргатганидек кўзини юммай хаёлотга зўр берди. Сув заррачаларига тўйинган булут бағрини, қуёш нурлари забт этган атмосферанинг феруза қатламини нигоҳлар ёриб ўтиши мумкин. Нигоҳлар нафақат мовий атмосферани, балки деворни ҳам тешади, қулоқлар олисадаги, ҳаттоки қуёшдаги портлашларни эшитади. Фақат инсон ишониши керак, нигоҳини, қулоғини, қалбини вужудидан узиб, хаёл тулпорига олисларга жўната билиши даркор.

"Юлдузлар ҳеч қаяққа кетмаган", — деди Ҳилола.

Ун дақиқа ўтди. Минорадаги аскар ҳайкалдек қотган қизга ҳайрон қараб қўйди. Афтидан у турмада ҳар хил феъл-атворларни кўравериб кўникиб қолганди. Тўсатдан Ҳилола "бетон ҳовуз" ўртасидаги ёғоч ўриндиққа шалвираганча ўтирди. Хаёли осмондан узилиб, Ёқубнинг мактубига боғланиб, ҳеч нари кетолмаётган эди. Нималарни ёзган экан? Йўлакда айтган гапларини такрорламагандир?

— Дарахтга ўхшаб қотиб турганингни кўриб халақит бермадим, — панжара ортидан гапирди конвойчи аёл. — Сен шоирамисан?

— Йўқ, — ўтирган жойида қарамасдан сўзлади Ҳилола.

Хаёли Иллюзионистка айтган дарахтга боғланди. "Конвой ҳам мени дарахтга ўхшатди, — деди ичида. — Севган дарахтим чиндан ўзимманми? Наҳотки, мен дарахтга ўхшасам? У ҳолда ўзини осган қиз дафн этилган қабристон олдида нима қилиб юргандим? Кечаси изғимаганман-ку. Битта меваси бор, деганди. Менинг битта мевам нима экан?"

— Ҳардамхаёлсан, — деди навбатчи.

— Менми?

— Ҳа, сен. Бу ўзингга сезиладими?

— Зерикканимдан ҳар хил эрмакларни ўйлаб топаман.

— Шахсий варақангга нима деб ёзишганини биласанми?

— Ҳали айтишмади.

— "Қочишга мойил".

— Менми? Ҳеч қачон.

— Сенга ишонишмайди, буни унутма, — деди конвойчи ва бошқа гапирмади.

Ҳилола ҳарбий формалилар учун аслида ҳеч ким эканига амин бўлди. Камерага қайтганида Мақсуда мактубни ёстиқ остидан узатди. "Қулоқ" ҳақида гап кетга-

нида, Ҳилола турма ичида махфий хат олишдан чўчиб қолганди, энди эса қизлик ҳаяжонинигина ҳис этди. Ёқуб шундай деб ёзганди: "Салом! Тошкентда аммам яшайди. Сиздан аввал қамоқдан чиқсам, кечаси аммамларникида ётиб, кундуз Сулаймонтепадаги "женский колония" дарвозаси олдида пойлайман. Йиллар ўтса ҳам, қорлар ёғса ҳам, дўллар тушса ҳам, ҳар куни, якшанбами, иш куними, сизнинг қамоқдан чиқишингизни кутаман!"

Ҳилола мактубни шеърни ўқигандек ўқиди. Ич-ичидан энтикиб, девор томон ўгирилди-да, кўзларини юмди. Аммо хатти-ҳаракати енгилтақликдек туюлиб, кўзларини ярқ этиб очди. Хатга жавоб ёзсинми? Турмадагилардан эшитди: маҳкумларни қамоқдан озод этишганида баъзи ҳолларда оилалари беҳабар қоларкан. Қамоқхонадан чиқиш оyi аниқ бўлса ҳам, кунини билиш мушкул эканда. Агар тўсатдан амнистияга илинса ёки яхши хулқи учун муддатидан олдин қўйиб юборишса, олисдаги уйига қандай қайтади? Отаси, амакилари, тоғалари келгунча қамоқда бир кеча ётишни хоҳлайдими? Ўлса ҳам қолмас! Ёқуб бемишнат ёрдам берармикан? У ростдан ҳам йиллар мобайнида қамоқ дарвозасида кутармикан?

Ҳилола ўйлаб-ўйлаб, қисқагина хатга жазм этди: "Мен учун бунчалик овора бўлманг, ака. Ихтиёрим ота-оламда".

16. СУЛАЙМОНТЕПА. АЁЛЛАР КОЛОНИЯСИ

Ўн бир кун ўтди. Овқат тарқатувчи хотин (у маҳбуса эди) темир эшик дарчасидан перловка шўрва узатгач, камерага мўралаб, деди:

— Ҳилола, йигитингни "зона"га опкетишди. Ваъдасида туришини айтиб, салом, деди. Шайтон экан, сени қамоқхоналардан топиб олармиш.

— Сулаймонтепага кетдими? — қизиқсинди Ҳилола.

Камералош хотинлар шилдир шўрвага қошиқ ботирган, қўлларида буханка бўлагини ушлаган, лунжлари шишган қўйи Ҳилолага тикилишди.

— Ҳа. Саккизта "автозак" бўлди. Икки ҳафтадан кейин "катта карвон" кетади. Менимча, сени ўша рейсда "женколония"га жўнатишади. Сулаймонтепадаги эркаклар колонияси билан аёлларники жуда яқин. Жуфтингни қамоқда топасанми, кўчадами, бахтдан қуруқ қолмасанг, бас. Муҳими, жонинг соғ бўлсин!

— Ў-ў, тўй оши ер эканмиз-да! — бараварига олқиш-лашди хотинлар.

— Нега колонияга ҳозирдан жўнатишмаяпти? — Ҳилоланинг пешонасида чизиқлар кўринди.

— Ҳамма нарса айтилган вақтда амалга ошмайди-ку, синглим, — деди овқат тарқатувчи. — Эртага эрталаб турма бошлиғи текширишга келганида, арз қилиб кўр. Балки шу ҳафтада эркак маҳкумларни олиб кетадиган "автозак"нинг "стаканча"сида жўнатворишар. Лекин йўл узоқ, ҳожатга кириб, кейин йўлга чиқ. Саккиз-тўққиз соатлик йўлда конвой тўхташга рухсат бермайди. Ёмон азоб чекади одам.

Ҳилоланинг кўнглидан "Турмада яна икки ҳафта утираманми? Колонияга жўнайдиган вақтим етганда, бу совуқ хабар қаёқдан чиқди-я?" деган уй ўтди. Шу тобда у нима учун икки ҳафта тергов изоляторида қолдирилишини тушунолмаётганди. "Балки шунчаки гапдир", деб ўзини овутди. Бундай ҳол турма ҳаётида тез-тез бўлиб турарди. Камерада ўтиравериб, жонидан тўйганлар ё суди бўлиши, ё колонияга олиб кетишларини истаб гоҳо очлик эълон қилишарди. Ҳилола кутишдан бошқасини ўйламади. Нима бўлганда ҳам тергов тугади, суд хотима топди, турмадаги ҳаёти ҳам битди ҳисоб. Шахсий варақасига салбий баҳо туширмай колонияга тинчгина етса, эҳтимол, иккинчи ёки учинчи йил амнистияга илинади. Кўпни кўрган хотинлар ҳам айтишмоқда. Ўзини ҳимоя қилиб босқинчига тан жароҳати етказган қиз бола, боз устига турманинг ҳам, колониянинг ҳам тартиб-қоидаларини бузмаса, панжара ортида кўп ўтирмай-

ди. Давлат ҳамма томонини кўриб чиқади ("Қочишга мойил" деб ёзиб қўйишганининг сабабини эса маҳкумалар орасида ёлғиз Ҳилоланинг ўзи биларди. Иллюзионистка очиқда юрган жиноий гуруҳ ёрдамида Ҳилолани ҳам колониядан яширинча чиқармоқчи ва чет элга бирга жўнамоқчи эди. "Ҳойнаҳой, ташландиқ тилла конидан топилган олтинлар бекитилган жойни англатувчи махфий рақамлар битилган кафан қўшни мамлакатларнинг биридаги қабристонда шекилли, — ўйларди Ҳилола. — Мен ўша ёқда Иллюзионисткага керак бўладиганга ўхшайман").

Ёмғир кечаси билан ёғиб, рутубатли тонг зўрға отган кузнинг эрталабки оғир, ланжли, зерикарли дами эди. Камера эшиги очилди.

— Баҳромова, тайёрланинг, бугун Сулаймонтепага кетасиз, — деди навбатчи ходим.

Сойгул учинчи камерага кеча келтирилган эди.

— Эр кўчадан аёл топса, хотин айбдор, хотин кўчадан эркак топса, шайтон айбдор, — деди у.

— Бориб-бориб Сойгул муаллима эрининг хиёнатини кундошининг ғалабасини ўйлайвериб тентак бўлиб қолади, — деди Шокира. — Ўз-ўзидан ғалати мақоллар айтишини қаранглар!

— Колонияда кўришмаслигимиз мумкин, шу ерда хайрлашиб қўя қолайлик, — деди Сойгул Ҳилолани қучоқлаб. — Гудакларнинг умрига зомин бўлган телба дўхтирга қулоқ солма. Тушимда эрим уйланибди. Тасаввур қилаяпсанми, мени қаматган ўйнаши энди унинг хотини экан. Ўзининг ифлос хиёнатига эрим ўнгимда мени айбдор қилганди, тушимда ҳам эски сақичини чайнабди. Хотинлик вазифамни уддалаёлмаган эмишман. Агар аччиққа-аччиқ қилиб ўйнаш топганимдами? У ўзига эмас, шайтонга айбни ағдарарди. Қамоқда чириб, йўқ бўп кетаман! Фарзандларим онасидан айрилди, отасидан эса аллақачон жудо бўлишган бечоралар.

У куч билан ўпди. Кейин бошқалар ҳам хайрлаш-

дилар. Мақсуда йиғлади, Ҳилоланинг ҳам кўзларига ёш қуйилди, аммо олдинда кутаётган колония ҳаёти-ни ўйлаб, ҳаяжон ва ҳадикка чулгангани туфайли кўз ёшлар вужудига сингиб кетди.

Сулаймонтепага юбориладиганларни турманинг биринчи қаватига тўплашди. Турма қабулхонаси — "Перрон" ёнидаги бўлмада саккизта қовоқдор, заҳил юзли, туриш-турмушида меҳр сезилмайдиган маҳкума хотин сафга тизилганди. Ҳилола улар орасида Иллюзионисткани кўриб, нега суд ҳукмидан кейин ҳам бир ой турмада ушлаб туришганини тушунди: "Колонияга у билан жўнашимни, "карантин"да ҳам бирга бўлишимни, яна сирлашишимни ишташган! Ҳар бир қадамимиз кузатувда, суҳбатимизни эшитишади!"

— Ёш нарса экан, "зона"да увол бўлади, — минғирлади биттаси. — Турмада бизнинг эркин юришимизга қўйишмайди, шунинг учун булар камерада ўзига хоним, ўзига ойим бўлиб кун бўйи сочини тараган, кечаси билан ширин-ширин тушлар кўришган.

Ҳилола уни таниди. Турма ҳаммомида Мақсудага тирғалган Қулимова деган маҳбуса эди. Суди ўтибдида. Таҳдидомуз гапига Иллюзионистка нима дер экан? Ҳарҳолда у Қулимованинг ёнгинасида турибди. Йўқ, индамади. Ҳатто Ҳилолага қиё ҳам боқмади "валинеъ-мат".

Турма бошлиғи, ёрдамчи мансабдорлар ва "Калашников" автомати билан қуролланган конвойчилар кўринди. Папка қўлтиқлаган ходимлар қандайдир қоғозларни титкилашди, нималарнидир ёзишди, рўйхатларни текширишди. Жиноят кодексининг қайси бандлари билан айбланганликлари, қанча муддатга озодликдан маҳрум этилганликлари қайтадан эълон қилинган, Ҳилола билдики, Иллюзионистка бир йигитни қасддан ўлдиришда ҳамда бир неча аёлнинг тилла буюмларини товламачилик йўли билан ўзлаштиришда айбланган — ўн тўрт йилга кесилган. Аёл эканини, ёшини, ка-

саллигини ҳисобга олиб, жазо муддатининг уч йилини турмада ўташдан бир-йўла колония билан алмаштиришибди.

Маҳкуму маҳкумаларни машиналарга чиқариш бошланди. "Ҳар бир "автозак"нинг катта камерасида эркаклар, кичик камерасида биттадан аёл ўтирсин", деган буйруқ бўлган эди. Ҳилолани карвоннинг бошидаги машинанинг бўлмачасига, ҳар доимгидек "стаканча"га қамадилар. Соқчи панжарадан бемалол кўриб ўтирарди уни.

Ниҳоят, могорлар гилдиракларга куч бериб, ун етти нафар маҳкум тақдирнинг кейинги бекати сари йўл олди. Катта камерада ўтирган эркаклар бирин-сирин дейишди:

- Алвидо, Абадиян!
- Турмада турмадик, фақат ётдик!
- Кулинг кўкка соврулгурдан қутулдик!
- Қайтиб келмайлик!

Ҳилоланинг лаблари беихтиёр шивирлади:

— Эй Худо, тезроқ амнистияга тушай... Қора кунлардан қутулай... Ҳаммаси яхшиликка бўлсин... яхшиликка бўлсин...

Овқат тарқатувчи хотин рост айтган экан: кўп ўтмай олис йўл ҳолдан тойдирди. Қаттиқ уриндиқда толиқишдан ҳам кўра вужуд эҳтиёжи азобламоқда эди. Ҳилола "Энди нима қиламан? Шарманда бўлмай! Шарманда бўлмай!" деб пичирлаб, полдан кўз узмай ўзини чалғитишга уринарди. Йўлга чиққанларининг олтинчи ёки еттинчи соатида карвон тўхтади. Азобдан кўзлари қисилган маҳкумлар:

— Командир, қочсак нон урсин, бир дақиқага шамоллаб келайлик, — деб ёлворишди. — Инсофларингиз борми ўзи? Нега бунча қийнайсизлар?

— Турмада қонун-қоида тушунтирилганмиди?! — деди соқчи зарда билан.

— Ҳаммамиз ҳам инсонмиз-ку, ахир!

— Хўп, мен нима қилай? Эшикни берухсат очиб, "айланиб келишга" қўйворайми? Сизлар учун йўл ёқаларида махсус ҳожатхоналар қуриб қўйилган бўлса экан!

— Каттангизга айтинг! Бекорга тўхтамагандирмиз?

Бир маҳкум деворни муштлаб, Ҳилолага бақирди:

— Ҳой синглим! Нима бало, роботмисиз? Сизга керак эмасми бу? Айтинг конвойга! Балки қизларнинг ҳурмати қилишар!

Маҳкумларни жим ўтиришга мажбур қилишди. Азобдан кўзларига дунё тор кўринаётган маҳкумлар ихрай бошлашди. Конвой қўмондони машина ёнидан ўтаётганида, соқчи йигит:

— Бизникилар ҳам рухсат сўрашяпти, — деди ичкарига бош ирғаб.

— Кишанланган ҳолда навбат билан! — нажоткор овоз эшитилди ташқаридан. — Автомат жанговар ҳолатда бўлсин! Икки қадам нарида, бир сония ҳам кўз узмай турилсин!

Эркаклар галма-гал ташқарига чиқарилди.

— Сиз-чи? — сўради соқчи.

Ҳилола унга галати қаради. "Ҳа" дейишга тили бормади, "Йўқ" ҳам деёлмади. Кўзларида минг йил ҳўрланган инсоннинг нигоҳи тўлғонарди. Ангрен сафарига қийналганларида, ўқитувчилар автобусни йўлда уч марта тўхтатиб, қисқа танаффус беришганди.

Шу тобда қўллари мушт бўлиб тугилди, бармоқларидан қон қочди, билак томирлари кўкарди.

— Сиздан сўраяпман? — қаттиқ тикилди соқчи йигит.

— Йўқ, чиқмайман, — деворга бош қўйди Ҳилола.

Карвон жойидан жилди. Ҳилола кўзини очмасликка, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка қарор қилди. "Тўхтанглар!" деб ҳайқирса ҳам энди бефойда эди. Оғриқ кучайди ва аввал қорнига, кейин белига ёйилди, буйраклари ҳам тошдек қаттиқлашиб, зирқирайверди. Ҳилола оддий ҳолатдан даҳшатли азоб туғилишини тасаввурига сиғдиролмаганди. "Иллюзионистка жодугар, кўзбой-

лағич, ярим сеҳргар, — ўйлади Ҳилола. — Қишлоқ аёлларининг тақинчоқларини, зиракларини алдаб-авраб олиб қўйиши ҳам унинг фокус-покусларининг оқиба-ти. Нега у менга ёпишиб олди? Кўз бойлашлар учун керакманми? Бир куни ўз тобутимни ўнгимда кўргандек бўлгандим, судда эса кўз олдимда қабристон аниқ-тиник жонланди. Ҳозир-чи? Фойдаси тегармикан?"

Ҳилола танасини ташлаб қочишга уринди. Бир пайт совуқ ўлкада пайдо бўлиб қолди. Ўрмонлар ортга чекиниб, музликларнинг устига чиқди. Руҳи енгил эди, қутулганди азоббахш танадан. Бирдан Нурия опасининг сиймоси ҳавода мавжланди. "Ёрдам беринг, опа", деди Ҳилола. "Мен ўлиб кетганман, — жавоб берди Нурия. — Уйдагилар тўйдан сўнг юрагим хуруж қилганини, таъзиям бўлганини, маъракаларим аллақачон, ёзда ўтиб кетганини сендан яширишди. Қийналмасин, дейишди. Ўзинг ҳам ўйлаб кўрмадинг-да, Ҳилола. Тирик бўлганимда судингга келмасмидим? Турмада сентябргача ётдинг. Бир бора бориб кўрмаганимдан ҳам сезмадингми ўлганимни? Бунча бўш-баёв, соддасан-ей..."

— Ака!.. — Ҳилола соқчи йигитдан кўз узмай ўрнидан зўрға туриб, панжарага пешонасини тиради. — Ака... Турмада бир нарса сўраш эсимдан чиқибди. Уйдагилар келганда сўрамоқчийдим. Ҳойнаҳой, сизларга ҳам тайинлаб қўйишгандир.

— Ўтиринг жойингизга! — соқчининг буйруғи жанранглади.

— Опам тирикми? — пешонасида совуқ тер ялтиради Ҳилоланинг.

— Мен қаёқдан биламан?

— Билмайсизми? — илтижоли боқди қиз. — Ишонмайман...

— Жойингизга ўтиринг, Баҳромова! Илтимос, яхши гап билан буйруқни бажаринг! — деди иккинчи соқчи.

— Ҳаммаси тамом! Агар опам ўлган бўлса, ҳаммаси тамом... — телбавор гўдранди Ҳилола.

Шу кўйи у бошини кўтармади. Ва ниҳоят, карвон Сулаймонтепадаги колония дарвозасига етди. Маҳкумлар:

– Вой онажон, бу дарвозалардан неча йилда қайтиб чиқамиз? – деб нола қилишди.

Қайси машиналарда аёл маҳкумалар келган бўлса, конвой қўмондони қабул қилгувчиларга бир-бир кўрсатди. Аёллар колониясида ишлайдиган спортчи эркаклар сингари бақувват хотинлар "автозак"лардан туширилган маҳкумаларни асфальт майдончанинг четига бир қатор тизишди. Уларни битта машинада сал наридаги аёллар колониясига олиб кетишлари керак эди. Ҳавони булут қоплади. Совуқ куз шамоли дайди томчиларни учириб, юзга урди. Ҳолимга осмон ҳам йиғлаяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Ҳар нафасда ўпкага дунёнинг жамики тушкунлиги оқиб кириб, томирларга тарқалиб, одамни ҳолсизлантирарди. Маҳкуму маҳкумалар милиция ходимларига, қамоқхона машиналарига, мўрисидан тутун кўтарилаётган панжарали иморатларга, чор томондан ўраган баланд деворлару тиканли симларга, соқчи минораларининг кирлаган ойналари ортидаги аскарларга тунд юзларини буриб, бахтсизликка ботириб олинган кўзларини одамнинг раҳми келадиган ҳолатда йилтиратишди.

Ҳилола саф охирида шабадада қолган япроқ мисоли ҳилвираб, буйруқни кўтарди. Турмада колонияни мақташган эди, аммо бир дўзахдан иккинчи дўзахга кўчганини тушунди.

Маҳкумаларнинг тақдирини ҳал қилувчи баланд бўйли, формали эркаклар тўпланишди. Ҳарҳолда Ҳилола улар мени бор ҳам қилади, йўқ ҳам, деб кўнглидан ўтказди. Қамоқхонада аёлларга қараганда қизларга қийин эди. Колония бошлиқлари қизларга эътиборлироқ бўлишни хизматчиларга ҳар йиғилишда бот-бот такрорлашса-да, мудҳиш жиноят қурбони бўлишдан ҳеч ким буткул ҳимояланмаганди. Шармандаликка чидолмаган қизларнинг биринчи иши —

ўз жонига қасд қилиш эди. Бирор қамоқхонада ўзини осиш ёинки томирини кесиш ҳолати юз бердими, рўпарадаги формалилардан ҳам кучли одамлар пайдо бўлишарди. Хизматдаги айбдорлар ҳам бирин-кетин ўз бошлари ила жавоб беришарди. Шундай эса-да, Ҳилола қамоқхона ходимлари маҳкумага ширин сўз гапирмаслигини, бошини силамаслигини ҳам яхши тушунарди.

Эркак бошлиқлар Абадиян турмасидан келтирилган хотин-қизларни аёл ходимларга топшириб, бир неча юз қадам наридаги аёллар қамоқхонасига кузатиб қўйишга шошилишмоқда эди. Шундай бўлса-да, аёллар колониясининг қайси барак, қайси отрядларига тушиш айтила бошлади. Ҳар бир аёлдан исм-фамилияси, жиноят кодексининг қайси банди билан айблангани, неча йилга озодликдан маҳрум этилгани ҳақида сўрай бошлашди. Гарчанд Ҳилоланинг исм-фамилияси айтилмаса ҳам, охирида фақат у қолгани учун, кўҳликкина қизга ҳамма баб-баравар тикилди.

— Баҳромова Ҳилола! — дўриллади овоз. Осмонда булутлар янада қуюқлашиб, кузнинг этни жунжиктирувчи шамоли йирик томчиларни юзга урди.

— Мен... — Ҳилола оғзини зўрға қимирлатди.

— Статьянг?

— Нима?

— Статьянг деяпман! Сафда турганда ухлама! Катта холангнинг уйига келганинг йўқ!

— Саксон бир, — жавоб берди Ҳилола шу тобда вужудини исканжага олган оғриқнинг янги тўлқинига зўрға бардош бериб.

Колония бошлиғи қўлидаги ҳужжатга кўз югуртириб, ёнидагиларга деди:

— У ўн тўққиз ёшдан ошибди, "малолетка" эмас. Иккинчи секторга, агар жой бўлса, учинчи отрядга, олтинчи баракка ташланглар.

— "Қутурганлар"га эмасми? — сўради ёрдамчиси.

— Йўқ, ҳали яшаши керак, — жавоб берди бошлиқ.
— Мабодо қоида бузса, "Қутурганлар"га ўтказамиз. У бир йигитнинг бошини мажақлаб, қамоққа тушганга ўхшамайди.

Колония ходимлари ҳужжатлар билан андармон бўлишди.

— Қўл ювишга рухсат беринглар, — деди Иллюзионистка қаҳр билан. — Неча юз километр йўл босиб келаётганимизни билсанглар керак. Қолаверса, орамизда қизларнинг қатори ёш маҳкума бор. — Ҳилолани ияги билан кўрсатди у. — Ҳилолага бир гап бўлса, "зона"ни қарғиш уради, ҳар кеча бештадан аёл ўлади, балои-қазони ҳеч биринг даф қилолмайсан.

— Рухсатсиз оғзингни ҳам қимирлатма! — бир ходима дўқ урди.

— У ҳолда лаънати колониянга етмиш бешта тобут буюртма бер! — деди Иллюзионистка ва асфальтга туфлади. — Яхши гапга тушунмаган бошлиқларнинг қўл остида ишлайдиганларга ачинаман. Бўйнингда бировнинг тоши билан чўкиб кетишга ким рози? Ҳеч биринг! Ҳа, ҳеч биринг!

— Унинг биринчи ва охири талаби бажарилсин, — амр этди бошлиқ.

Шундай қилиб, Иллюзионистка колонияга қадами етган кунни Ҳилолани "паноҳига олди". Орадан ярим соат ўтгач, маҳкума хотин-қизларни "автозак"ка чиқаришиб, бир чақирим наридаги аёллар колониясига ўтказишди. Бироқ биринчи кунданоқ колониядаги баракларга жойлаштиришмади. Уларни қирқ кишилик камерага қамаб, ўн беш кун мобайнида шу ерда "карантин"да ушлаб туришлари кераклиги айтилди. Колония дарвозасидан киришдаги ўнгдаги панжарали, совуқ бинолар тиббий хизмат, ўн беш кун сақловчи тарбия камераларидан иборат эди. Камераларнинг эшиклари панжарали бўлиб, маҳкумлар кеча-ю кундуз ходимлар кузатувида ўтиришарди. Ойлаб тор ка-

мераларда ётган хотин-қизларни етти соат ухлашга, тик оёқда юришга, туришга ўргатиш лозим эди.

— Бир кунда йигирма соатлаб каравотда ётган "гуремшиклар"ни "зона"га ўргатиш машғулоти сармари олиб борилмоқда, — пичинг қилди маҳкума хотинлардан бири. — Баракларга ўтсак, аскарча ҳаёт бошланади. Боя бетон деворлар ортида беш юзта "аскар"нинг барабар қадам ташлашини, хор бўлиб қўшиқ айтишини ким эшитди? Сизнингча, улар "зона"ни қўриқлаётган аскарларми? Ҳечам-да! Улар ишга кетаётган "арестантка"лар!

— Рўдапоникига ўхшаш қора форма беришади, кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан, — деди бошқаси. — Агар уйингдан посилка қилинган чулкини кийиб чиқсанг, қонунни бузган ҳисобланасан! Ҳаммининг олдида ечиб, майда-майда қилиб қирқишади.

Янги келганлар ўзларича ҳиринг-ҳиринг кулишди.

— Жа одоб билан эмас, — давом этди маҳмадона хотин. — Юлиб олиб, ўрнига низомдаги кийимдан беришади. Бизга ўхшаганларни колония эркаклари аёл ўрнида эмас, маҳкума ўрнида кўришади. Шифокор беморга суқланиб қарамаганидек...

— Ҳой сен! — деди Иллюзионистка унга. — Қанча гапирсанг гапир, аммо орамизда ўтирган қизларнинг тарбиясининг бузадиган бўлсанг, мендан хафа бўлма.

— Қамоқда менсиз ҳам тарбия бузилади, — деди маҳкума.

— Яхши, — ўқрайди Иллюзионистка. — Сен пора билан қўлга тушиб қамалгансан, мен эса одам ўлдирганман. Бир нарсага келишамиз. Келишувни бузсанг, лезвия синиғи билан сўяман. Қисқаси, менга пора олишни, беришни ўргатасан. Мен эса сенга одам ўлдиришни.

— Э-э, жиннимисиз? Ҳазиллашдим, — камера тўридаги ювош хотинлар орасига алланимани баҳона қилиб қочди гапдон.

Ҳилола Иллюзионисткага яқинлашмаслик ҳаракат

тида бўлди, аммо ашаддий жиноятчи биринчи куніёқ каравоти ёнидан ўтаётиб, қулоғига шивирлади:

— "Зона"га хуш келибсан, Ҳилола! Манави девор орқасида маҳкумалар салтанати! Икки ҳафтадан сўнг у ерга Қиролича ва қизи — сен ва мен ташриф буюрамиз. Қалай? Турмадан қутулиб, "зона"га келганингдан хурсандмисан?

Ҳилола бир оғиз гапирмай бошини ўраб олди.

— Нега қўрқасан? — деди Иллюзионистка. — Бизга қарши чиққанларни бурдалаймиз. Майдончада, балои қазодан огоҳлантирганимни кўрдингми? Мен ҳазилни билмайман.

Эрталаб тиббий кўрикдан ўтказишди. Тушликка камрам шўрва тортилиб, тўрт аёлга биттадан буханка нон тақсимланди. Ҳозирча ёвузу оқкўнгил маҳкумалар битта камерада яшаётгани учун Ҳилола столда Қулимова, сариқ сочли қотил аёл ва яна қандайдир ёқимсиз, шаллақи хотинлар билан ўтиришга мажбур эди. Миш-миш панжара орасидан тез ўтади. Ҳилола ва Иллюзионистка ўртасида ришта борлигидан камерадагилар хабардор эдилар.

— Дугонанг икки йилга кесилибди, — деди овқатни хўриллатиб ичаётган Қулимова.

— Қайси дугонам? Мақсудами?

— Ҳа. Кўрасан, уни ҳам Сулаймонтепага юборишди. Жазо муддатимизни бирга ўтаймиз. Менга ўша қиз ёқмайди. Кўрсам, сочини юлиб, чинқиртириб дўппослагим келади. Сен бекорга унга ён босиб юрибсан. "Опанг"га кўп ҳам ишонма! Агар орамиздан сотқин чиқадиган бўлса, "номер бир" Мақсуда бўлади.

Турмадаги дугонасининг охирги суди ўтгани, ўйлаганидан камроқ муддатга кесилгани Ҳилолани кўнглини хотиржам қилди. Бироқ хурсанд эмасди. Колония ичкарасига кирмасдан сездики, бу ерларнинг турмадагидан хавфли жиҳатлари кўп. Юзлаб маҳкумалар ичкарида соқчисиз, тор камерасиз, панжарасиз

эркин яшашади. Отрядларга баайни қамалганларнинг ўзларидан "бригадир"лар тайинланган. Колония ходимлари баракларни назорат қилиб юришса-да, Ҳилола назоратчилар нигоҳи остида эмас, қамалган хотин-қизларнинг салтанатида яшашни аллақачон тушунганди. Улар ўзларининг ёзилмаган қонунларини ўйлаб топишган. "Нима бўлса ҳам, Иллюзионистканинг тўрига илинмаслигим керак, — деди Ҳилола. — У пул учун одамларни ўлдирган, ташландиқ тилла конидан чиққан ёмбиларни яширган, ҳатто кафанга ҳам махфий рақамларни ёзган. Мени ҳам ўзининг жиноят комига тортиб кетмоқчи. Мен жиноятчи эмасман..."

Колониядаги интизом, кун тартиби, кийим фабрикасида ишлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизматдан фойдаланиш, оила аъзолари билан учрашиш, амнистия, ҳомиладорларга бериладиган имтиёзлар, сил, саратон касалига чалинганларнинг даволаниш имтиёзлари каби кўплаб мавзуларда дарс ўтилди. Иллюзионистка:

— Қандай касалларни уйига жўнатасизлар? — деб сўради негадир Ҳилолага қараб олгач.

— Ўладиганларни, — деб жавоб берди ходима.

— Агар қамоқда ўлиб қолсак-чи? — кўзини лўқ қилди сариқ сочли. — Крематорийда ёқиб юборасизларми?

— Дафн этувчи қариндошингиз борми?

— Борликка бор, йўқликка йўқ.

— У якка-ю ёлғиз қизининг битта-ю битта фарзандини ўлдириб, бу ёққа келган, — изоҳлади Иллюзионистка. — Ўлса печкаларингда бемалол ёқиб юбора қолинглар. Мурдаси ҳеч қайси қариндошига керакмас.

— Мен ҳақимда гапирма, келгинди! — деди сариқ сочли.

— Сен биринчи бўлиб ўласан, — бармоғини ўқталди Иллюзионистка. — Бегуноҳ неварангнинг қарғиши урмаса, мен қисматингдан норозиман.

— Бащоратингни пишириб е!

— Бас қилинглар! — каравотни калтак билан урди хо-

дима (Ҳилола сесканиб тушди). — Ким бўлсангиз ҳам, ёшмисиз, қаримисиз, қотилмисиз, ўғримисиз — ҳамманглар жазо муддатини ўтаётган маҳкумасиз! Колонияда қайтадан тарбияланасиз! Ким тарбияланмаса, қамоқ муддати тугашига ярим йил қолганида, ўзларингнинг тилингда айтганда, "Қўнғироқ"қа чақиришадди. "Қўнғироқ" нима дегани, биласизларми?

Муқаддам судланганлардан фақат Иллюзионистка эди, шунинг учун угина бош қимирлатди. Ҳилола вужудини қамраб олган тушкунликдан азоб чекиб, қўнишиб ўтирарди. Қачон колония ҳаёти бошланиб, фабрикада ишлар экан-а? Иш билан овунса, ўз дунёсига сингиб кетса...

— "Қўнғироқ" деганим — колониядаги маҳкумаларнинг ишини қайта кўриб чиқадиган ички суд, — деди ходима. — Агар ораларингда ўзининг зарарли дунёқарашидан қайтмаганлар, ирkit феълли бузуқлар, онгни захарлайдиганлар бўлса, йилига йил қўшилади. Бундай хавфли одамлар жамиятга маънавий касал ҳолида қўйиб юборилмайди. Ахир, тарбия топмаганни қайтадан тарбиялаш керакми? Керак. Бу бизнинг зиммамиздами? Зиммамизда. Аксинча, ёмон ишларни кўнгилларингдан ўчириб ташласаларинг, ижобий томонга ўзгарсаларинг, амнистияга тушасизлар. Кафолат бераман! Колония тарихида шундай воқеалар бўлганки, уч йилга қамалган хотин намунали хулқи, меҳнатсеварлиги, жиноятдан пушаймонлиги сабаб уч ой ҳам юрмаган. Бошлиқларимиз амнистияга илинадиганлар рўйхатининг бошига унинг исм-фамилиясини тиркашган. Бизда адолат кучли. Шундай экан, бир марталик умрларингни қамоқда ўтказгунча, хулоса чиқаринглар-да, уйларингга эртaroқ кетиш ташвишида яшанглар. Шуниси яхши эмасми? Қамоқда нима бор?!

Иллюзионистка аччиқ дори ичгандек юзини сезиларсезилмас бужмайтирди. У Ҳилолага нигоҳини бурганида, кўзларида ғазаб ифодаси зуҳурланган эди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Чўпчак, — деди у. — Тўрт йилга қамалдим, ҳеч бўлмаса, уч йил ўтиради, фабрикада заҳар ютиб.

— Биринчидан, тўрт йил қамалган, демадим, — эйтироз билдирди ходима. — Иккинчидан, фабрикада ҳеч ким заҳар ютмайди. Кўрпа-тўшак, хизмат формалари тикадиган цехда заҳар нима қилади?! Учунчидан, маҳкума уч ойда колониядан озод этилгани ҳақида ҳужжатлар бор. "Чўпчак" дейишингиз тўхмат. Бунинг учун жавоб берасиз.

— Узр, бундан кейин оғзимга қараб гапираман, — пичинг қилди Иллюзионистка. — Биринчи марта қамалганимда ички аъзолари адойи тамом бўлган танишимни уйига жўнатиб юборишганди. Уч ҳафта ўтиб, ўз уйида ўлди. Лекин воқеа бошқа мамлакатда, бошқа даврда бўлган.

— Аслида ҳеч ким уйига юборилмайди, куни битган оғир касалга одамгарчилик юзасидан оила даврасида ўлишга имкон яратилади, холос. Фақат бундан ҳеч ким умидвор бўлмасин, тушунарлими?

— Бошқа саволим йўқ, — деди Иллюзионистка ва қўлларини чалиштириб, яна Ҳилолага кўз ташлади. Юзига тушган бир тутам сочи ортида қолган кўзлари бўринкидек йилтирарди.

"Карантин"да ўтган дастлабки икки кунда Ҳилола ҳолдан тойди. Турмада тарс ёрилиб кетмаслик илинжида кимнинг бошида нечта соч толаси борлигигача санаб чиқишарди. Турма ҳаёти тор камерадаги бекорчилик ва даҳшатли зерикишдан, хусусан, суд тугаши-ю колонияга кетишни кутишдан иборат эди. Оғир темир эшик ортидаги тириклик дунёси сукунатга чўмарди. Ойлаб тор камерада ётиш меҳнатдан оғир эканига турмага тушганларнинг ҳаммаси амин эди. "Карантин"даги маҳкумалар эса доимо кузатувда. Улар қамаб қўйилган маҳбуслар эмас, колония ҳаётига тайёрланаётганлар эди. Шунинг учун соатлаб тик туриш, қонунларни ёд олиш, майдончада саф-

га тизилиш, аскарлардек бир қатор бўлиб юриш каби машғулотлардан кейин кун ботади. Ширин уйқудан эрта-саҳарда уйғотишади: "Тез орада колония режимиға сафарбар этиласиз! — дейди ходима бақириб. — Довдираб қолмаслик учун тайёргарликни давом эттирамыз! Қани, ялқовлар, эргалабки машқларни бошлаймыз! Ҳамма бараварига..."

Ҳатто, шеър ҳам ёдлатишди. Шеърларда меҳр-оқибат, садоқат, виждон, энг муҳими, ватанга муҳаббат тараннум этиларди.

Иккинчи ҳафта кўшни бўлинма ғала-ғовур бўлиб кетди. Мамлакатнинг турли вилоятларидаги турмалардан янги-янги хотин-қизлар колонияга жўнатилган эди.

— Абадияндан кимлар келибди? — бир-биридан сўрай бошлашди хотинлар.

Ҳилола негадир фақат Сойгулни кўришни истади. Бироқ янги келганлар билан алоқа боғлашнинг иложи йўқ эди. Эртасига билди: Сойгул бир йилга кесилибди. «Амнистияга илиниб, Сойгул опа билан бирга чиқсам эди», — орзу қилди Ҳилола.

Ниҳоят, баракларга ўтказиладиган кун яқинлашди.

— Қўлингиздан нима иш келади? — сўради эркак ходим.

Ҳилола формадаги эркак ва аёлларга қўрқа-писа кўз югуртириб:

— Тикувчиман, — деб жавоб берди.

— Менга қаранг, маҳкума Баҳромова, — деди ходим. — Қаҳру ғазабни бошқа кўрсатмасликка, яхши қиз бўлишга ваъда берасиз. Сизни тинч секторимизга, олтинчи баракка ёздираяпман. Бу барак колониямиздаги энг яхшиси. У ерда ўзингизга ўхшаган қизлар, томи кетмаган аёллар ётибди. Агар қилиқ чиқарсангиз, барагингизни алмаштиришади.

— Хўп, — деди Ҳилола заиф товушда.

— Интизомни бузманг, яхши ишланг, шахсий варақангизга "минус" туширманг, мусобақаларда ҳам

фаол иштирок этинг. Шундагина қамоқ муддатингизни қисқартира оласиз. Айтгандай... — У ҳужжатда ғалати ёзувни учратган каби ҳайронлик-ла боқди. — ...айтгандай, эслагиб қўяй. Сизга кимдир яширинча хат берса, бирор фитнада ёрдам сўраса, дарҳол бошлиқингизни хабардор этасиз. Қамоқдан қочиш ҳақидаги фильмларни кўрганмисиз?

— Йўқ.

— Қамоқдан қочиш, бу — афсона. Айниқса, ҳозирги замонда.

— Менинг... менинг унақа ниятим йўқ.

— Яхши. — Ходим ҳужжатларни ёнидагиларга узатиб, Ҳилолага тикилди. — Қамоқхонадаги қизларнинг туриш-турмушини юқоридагилар қаттиқ текширишади. Тошкентдан келган тафтишчи ҳар ойда сизни суҳбатдан ўтказиб туриши, "Кимдир тегажоглик қилдими?", "Бирор нарса эвазига қандайдир таклифлар айтишдими?", "Бўлар-бўлмасга жеркиб, ортиқча ишлар буюришдими?" деб сўраши мумкин. Мабодо колония ходимларидан ёки маҳкумалардан кимдир ноҳўя қилиқ қиладиган бўлса, зудлик билан бошлиқларга хабар беринг. Фалокатдан кейин сиз учун бизнинг жавоб беришимиз жуда-жуда мушкул. Кўпгина қамалганларнинг миясида "Айтсам, мен сотқинман" деган тушунча яшайди. Сўнгра, ҳаммаси расво бўлгач, ўзини ўлдиришга уринади. Сиз қиз боласиз. Келгусида қамоқдан чиқиб, турмуш қуришингиз, бола тарбиялашингиз керак. Келишдикми, маҳкума Баҳромова?

— Келишдик, — деди Ҳилола аччиқ ютиниб.

Кузнинг шатир-шутир ёмғир қуйган эрталабки совуғида маҳкумаларга рақамланган қора кийим беришди. Уйларидан кийиб келган либосларини йиғиштириб олишди. Ҳаммани бир қатор қилиб, ички дарвозага бошлаб боришди.

— Баҳромова, иккинчи секторга! — деган хитоб эшитилди.

Формали хотин Ҳилоланинг билагидан тутиб, саф орасидан судраб чиқди-да, ёлғиз ўзини олиб кетди. Юраги дукиллаб ураётган шўрлик қиз бир юз саксонга маҳкума кутаётган улкан ётоқ залини кўрди. Ўша куни фабрикадаги дастгоҳларни алмаштиришаётгани учун бир қанча цехлар ишламаётган, кўпчилик маҳкумалар баракда эди. Ҳилолани иккинчи қаватдаги қаравотлар ўртасидаги йўлакдан "зал"нинг тўрига бошлаб боришди. Унда-бунда ўнлаб бошлар янги келганга бурилиб қаради. Мазкур баракни мақтаган эдилар, аммо Ҳилола атрофда бири-биридан тушкун, меҳрсиз, ҳиссиз нигоҳларни учратди. Бирортаси "Ёшгина қиз экан, бечорагина-ей" маъносида боқмади, ўликми, тирикми кимнинг нима иши бордек эди. "Қамоқда кўрган куним қурсин" деб шуни айтсалар керак-да, Ҳилола бирдан ҳамма-ҳаммасидан тўйиб, жонажон уйига кетишни шунчалар истадики, дод солиб юборишдан ўзини зўрға тийди. Руҳи вужуднинг, вужуд эса қамоқхонанинг бандиси эди.

— Жойинг мана шу, — деб бўёқлари кўчган қаравотнинг юқори қаватини кўрсатди ходима. — Ҳозир тўшагингни опкелишади. Анави тумба сеники. Биринчи бўлмасига дафтар, ручка, газета, китоб-питобларингни қўясан. Иккинчиси кружканг, қошигинг учун. Сочиқ-почиқларинг учинчисига. Тартибга, тозаликка риоя қил! Санитария куни ҳаммасини битталаб текширишади. Ювилмаган идиш, кир буюм, бетартиб нарсалар топилса, жазойингни оласан, уқдингми? Пичоқ, қайчи, устарани кўрсанг, дарҳол бизга хабар бер. Совуқ курол билан тушсанг, тамомсан. "Қўнғироқ"қа чақиришганда, бир йил тугул икки-уч йил ҳам қўшворишади. Хўп, ҳозирча хайр. Бир оздан сўнг колония бошлиқлари келишади, қандай жойлашганингни кўриб кетишади. Ички гуруҳ бошлиқлари ўзингга ўхшаган маҳкумалардан тайинланган. Сенинг гуруҳ сардоринг Сараева Мўътабар... — Ходима дағал овозда чақирди: — Сараева! Қаердасиз? Бу ёққа келинг!

Бир неча каравот наридан "Кетаяпман!" деди бир аёл. Хаял ўтмай маҳкумалар кийимидаги қирқ-қирқ беш ёшлардаги тўлача хотин тилла тишларини ярақлатиб ҳозир у нозир бўлди. Колония ходимаси Ҳилолани таништиргач:

— Бу қизга қараб юрасиз, — деб амр этди. — Хотинлар хафа қилишмасин. Одам ўлдирган бўлса-да, ўзи яхши қиз. Менимча, кўп юрмаса керак. Икки-уч йилдан кейин қўйиб юборишади. Тикувчиликни биларкан. Ишлайман, деяпти. Учтинчи бригада билан цехга чиқса, ишлашини кўрамиз. Шунга қараб, цехдан яхшироқ жой ҳам тавсия этасиз.

— Баҳромова шу экан-да? — илжайди Сараева. — Айтишганди.

Ҳилола "карантин"да ўтиргандаёқ ўзи ҳақида маълумотлар колония ичкарасига тарқалганини билди. Идиш-товоқ, сочиқ, тиш чўтка, ички кийим каби шахсий буюмларини тумбага тартиб билан жойлаштираркан, "қотил эмаслигимдан улар хабардормикан?" деб ҳам кўнглидан ўтказди. Кўрпа-тўшак келтиришгач, Сараева колониядаги ўрин тахлаш қондасини ўргатди. Шу орада айримлар баракнинг нариги чеккасидан келиб Ҳилола билан танишган бўлса, айримлар қўшни каравотда ётган бўлса ҳам саломлашмади. Келиб-кетгувчи хотин-қизларни кўравериб, зериккан тошқалб маҳкумалар ҳам кўп эди.

17. "ЗОНА"ДАГИ ДИЛХИРА КУНЛАР

Ҳилола каравотига чиқиб, эндигина оёқ узатган эди, пастдан кимдир симтўрни урди.

— Ҳой янги келган! — деди у. — Гигиенани сенга яхшилаб тушунтиришдими?

— Тушунтиришди, опа, — жавоб берди Ҳилола пастга бошини осилтириб.

Каравотнинг биринчи қаватида кўк кўзли, сепкилли аёл қўлларини боши остига қўйиб, олифталарча ётарди.

— Каравотингнинг тагига доим бирор матони тортиб қўяман, қара, кўр! Агар юзимга сочингми, сақичингми тушиб кетса, кунингни кўрсатаман.

— Опа, — деди Ҳилола полга оёқ қўяркан, — аввал бирор нарсамни тушириб юборганимни кўринг..

— Ие, гап қайтараяпсанми?

— Қайтарганим йўқ, — Ҳилола атрофга кўз югуртирди. Таассуфки, Сараева қаёққадир кетганди.

— Баракда қанча хотин бор дейсан?

— Билмасам, — эгини қисди Ҳилола. — Кечирасиз, жойимга чиқиб ётсам майлими?

— Ўзингча нега тушдингу нега чиқаяпсан?! Мени яхшилаб эшит! Бугун кечаси сочингдан бураб, баракни бошдан-охир айлантриб чиқаман. Ҳар бири юзингга бир мартадан туфлайди. Розимисан ё бундан ҳам оғирроқ жазони ўйлаб топайми?

— Сизга бирор ёмонлик қилдимми?

— Нега одам ўлдиргансан?

— Бу... сизнинг ишингиз эмас.

— Опанг учун ўлдирдингми?

— Айтаяпман-ку... Бу сизнинг ишингизмас... — Ҳилола томирларидаги қурқув туғени йўқолиб, ўрнини газаб эгаллаётганини ҳис этди.

— Мени танимадингми? Рангинг бунча оқариб кетди?

— Маҳкума туйқус юмшади, лаблари жилмайди.

— Танимадим...

— Биз битта "район"данмиз.

— Танимадим, — такрорлади Ҳилола.

— Сен "КПЗ"да ҳам олтинчи камерада ўтиргандинг. Эсладингми? Отим Насиба.

— Сиз... — Шу тобда аёлнинг овози таниш туюлди: туман ички ишлар ҳибсхонасидаги овоз?!

— Банк ҳисобчисиман, — деди сепкилли. — Наҳотки, ростдан танимаган бўлсанг?!

— Банкнинг ҳисобчиси? Эс... эсладим... Исмингизни ҳам...

— Турмага бормаслик учун тўполон кўтарганимни кўргандинг-а? Дугонам ўзини осган, турмаси шу бўлса, "зона"си қанақа бўларкан, деб. Чидолмади, Ўлди бечора. Менинг судим тезлашиб кетди. Ўтган ой Абадияндан келдим. Айтгандай, ҳазиллашдим, бу менинг жойиммас, сени хафа қилиш ниятим ҳам йўқ. Мен тўртинчи отрядда, ҳув анави қаторнинг ўртасидаман. Меҳмонга бориб тур, "землячка"!

Ҳилола истар-истамай хайрлашди. Банк ҳисобчиси ўтакасини ёриб юборгани учун у билан битта баракда эканидан севинмади ҳам. Агар ҳазиллашмаганида нима бўларди? Илк куниёқ жанжаллашармиди? Жанжаллашса, қамоқдан қачон қутулади?

Тушлик вақти гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биринчи қаватга тушишди. Кимдир "Ош берилармиш" деб гап тарқатди, бир зумда норози тўнғиллашлар қатор оралаб қолди:

— Ким айтган бўлса ҳам бекор гап! Нега ўз-ўзидан ош беришаркан?

— Ошни худойингда еймиз. Томоғимни туширма, Чўчқабурун!

— Шавла есам шукр қиламан.

— Карамингдан қурт чиққур! Бугун ҳам битта саримсоқни қизғанасанми?

— Вой, қизлар, Бульдог ишга чиқибди! Овқатни ҳам заҳар қилади!

Саф-саф бўлган хотин-қизлар колония ошхонасига гусур-гусур кираверишди. Йўлакда милиция формасидаги ўнлаб ходимлар кузатиб туришарди. Ҳилола "Бульдог" деб кимни айтаётган экан, дея оёқ остидан кўз узди ва тешиб юборгудек нигоҳ қадаган бадқовоқ эркакни кўрди. Баъзи ходимлар шкаф мисоли энли, пичан гарамидек бесўнақай эдики, Ҳилола улар югуришга тўғри келиб қолса, маҳкумаларни қандай қувлаб етаркан, деб ўйлаб қолди.

— Сараева! — бўкирди ҳалиги "Бульдог". — Отряднинг подага ўхшаб пала-партиш юрмасин! Сени иккинчи

марта огоҳлантиришим! Кеча "ужин"да одамларингдан бири баракка буханка олиб чиқибди!

– Йўқ, ўртоқ бошлиқ, менинг гуруҳимданмас, – ўзини оқлади маҳкума.

– Кружка ичига нон тиқиб, олиб чиққан!

– Йўқ, ўлай агар, менинг гуруҳиммас! Қизларимга яхши қараяпман. Меникилар унақа бемаънигарчилик қилишмайди.

Ҳилоланинг димоғига ёғ иси урилиб, иштаҳаси очилди. Эрталабки нонуштага тўймаган қиз ҳақиқатан ҳам ёғли овқат, хусусан, палов егиси келаётганди. Онаси турмага киритган ош, салат, юмшоқ нон кўз олдида намоён бўлиб, қулт этиб ютинди.

– Имиллама! – биқинига туртди орқадаги маҳкума.

– Узр, – дея қадамини тезлатди Ҳилола, бироқ олдиндаги аёлни илдам юришга ундай олмади.

– Янги келган, – пиқиллаб кулди бир хотин.

– Бола ўлдирганми?

– Жигитини ўлдирган, – изоҳлади манқа овоз.

Шунда Ҳилоланинг қулоғига қўрқинчли гап чалинди:

– Дугоналар, иккинчи баракка бола ўлдирган аёл келганмиш. Невараси шўрликкина ҳадеб йиғлайверган экан, шартта пичоқни олибди-ю... Яна денг, ўз неварасини-я! Бугун ё эртага иккинчи баракнинг хотинлари уни осиб ўлдирамиз, дейишди. Кўрсангиз, ёқимсиз башара, кўзини лўқ қилган сап-сарик ажина! Осса осаверсинлар! Баттар бўлсин!

– Ўл-а, норасидага кучини кўрсатмай! Унақаларга шафқат йўқ! – шивир-шивирлар бошланди.

Тушликка ўтиришди. Ўртага самоварга ўхшаш ўн литрли металл бочка қўйилди. Маҳкумаларга чой ўрнига шундай бочкаларда туршак қайнатиб беришарди. Ҳилолага ҳам бир кружка компот тегди. Ярим коса перловка шўрванинг ичида сувга тушган қоғоз парчасидек карам барги сузиб юарди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Қизалоқ, — деди бир маҳкума ошпазлар томон ишора қилиб, — "зона" ошхонасида одам ўлдиришда айбланиб қамалганлар ишлайди. Зўравонни ўлдирганингни эшитиб, "опанглар" сени сўрашяпти. Танишасанми?

Ҳилола оғзидаги луқмани ютишни ҳам, ютмасликни ҳам билмай беихтиёр навбатчи бошлиққа — ҳамон ваҳшат солиб турган "Бульдог"га қаради. Бошлиқ кўзини олиб қочгандек туюлди. Барибир шу тобда овқат столини тарк этиб, ошпазлар ёнига бориш жоизмикан? Қанчалик уқтирилмасин, у колонияга янги келгани важидан қонун-қоидаларни тўлиқ билмасди.

— Мен... улар билан... — Ҳилола зарур сўз тополмай, чайналди.

— Танишасанми? Юр, — қистади хотин. — Ҳар кимни ҳам чақиришмайди. Эҳтимол, навнихоллигинг учун омадинг чопаетгандир?

— Бор! Нега ноз қиласан? — туртишди ёнидагилар.

— Уришмайдиларми, опажон? — дея Ҳилола назоратчиларга ўгринча қараб қўйди.

— Косангни кўтар, қўрқоқ, — бурнини жийирди элчи. — Бунақа юрак олдириб ўрганма! Кечаси билан баракда тишингнинг кирини сўриб ўтиришни хоҳлайсанми? Назоратчиларнинг талаблари кучли экан, таъминотни ҳам кучайтирсин!

У Ҳилолани эргаштириб, бир неча столдан ўтди ва ту누ка қопламали пештахтага етди. Ошпазлар овқатланишга тушадиган кейинги гуруҳлар учун тайёргарлик кўраётган эдилар.

— Қалайсан, сингилча? — виқор-ла ҳол сўрашди оқ халатли басавлат хотин. — Келибсан-да, бир айланиб? Тўрт йил олдингми?

Ҳилола бош қимирлатган заҳоти косасига бир бўлак гўшт солинди.

— Кружкангни опкелсанг, ширин чойдан қуярдим, — деди ошпаз. — Менга ўн икки йил беришган, сеники ҳеч нарса эмас. Биз билан бўлсанг, "зона"да зўр яшайсан. Қайнатилган туршак сувини ичдингми? Мазаси қалай?

— Яхши, — деди Ҳилола.

— Нимаси яхши? Ҳар гал сувга туршак солаётганимда, айримлари қуртлаб қолганини кўраман. Бу ерга халта-халта туршак келади. Маҳсулотлар қамоқхонага олинаётганини билган сотувчилар қопнинг ўртасига қуртлаганларни "ўқлашади".

Қотилликда айбланиб қамалиш, ёвуз хотинларнинг даврасига жалб этилиш, эркисизлик ичидаги эркисизлик каби кўргиликлар пешонасига ёзилганидан Ҳилола ўкинди. Иккинчи баракдаги Иллюзионистканинг ҳам кўзлари тўрт эди унга. Пок, ҳалол яшаб, қамоқдан эртароқ чиқиш насиб этармикан ўзи? Қамоқдаги ички жиной гуруҳга қўшилса, шахсий варақасидаги баҳо-лар нима бўларкин? Йўқ, у кимларнидир бўғизлаган хотинларга дугона эмас. Бу на шахсий варақадан, на амнистиядан қуруқ қолишдан чўчиш. Кўнгил иши шундай эди.

— Нон қандай экан?

— Ёмонмас.

— Ўртасини ема, — ошпаз буханка нонни икки ажратди-да, юмшоқ жойидаги оқиш заррачаларни кўрсатди. — Биз одам ўлдирганмиз, аммо балчиққа қоришган ҳайвонлар эмасмиз. Мана шу дорилар шунинг учунки, еган аёл эркакни унутиб қўяди. Турмушга чиқмаганмисан?

— Йўқ.

— Қиз бола экансан, қулоқ сол, — кўзларини ола-кула қилди ошпаз. — Уч йил аввал бир воқеа юз берган. Унаштирилган қиз ўз бувисини ҳаётига нуқта қўйган, яъни итариб юборса, боши зинага урилиб, ўлиб қолган. Аммалари қаматиб юборган бечорани. "Зона"га куёв йигит келди. "ЗАГС"дан ўтиб, учрашув хонасида бир неча кун қолмоқчи эди, қиз кўнмади. "Нима, мен қамоқда туғаманми?" — демади. У ҳатто келин-куёвликка ҳам кўнмади. Қамоқда туғса, овқатдан қийналмайди, она-болага алоҳида, тўйимли егулик беришади. Қиз

құрқди, куёв бола билан боғлаб турадиган риштадан айрилишдан құрқди. Бир жиҳатдан унинг гапи тўғри эди. Нега дейсанми? Қамоққа турмушга чиқмаган ҳолда келдингми, ўша ҳолингда кет. Йигитинг борми?

— Йигитим... йўқ, — деди Ҳилола.

— Имонинг комилми? — ўқрайди ошпаз.

— Алдамаяпман.

— Турмада бир йигитдан хат олиб турган экансан-ку?

— Олганман, лекин у йигитим эмас.

— Бергандан кейин олган-да, берса ким йўқ дейди, — пештахтага яқинлашди иккинчи ошпаз. — Салом, Ҳилола! Мен ҳам сенга ўхшаб одам ўлдирганман. Ўшанда йигирма беш ёшда эдим. Уйимга бостириб кирди. Икки яшар ўғлим бор эди. Ўғлимнинг кўз ўнгида қўлимни қайириб, гиламга йиқитди. Ўғлим йиғламади, анграйиб қараб турди. Босқинчи гиёҳванд эди, нариги подъездда яшарди. Бошига ўн саккиз марга урганман, құрққанымдан ўзимни билмай қолганман! Агар дунёда гиёҳвандлар, пиёнисталар, тўнғизфеъллиллар бўлмаса эди, бизга ўхшаганлар қамоқнинг тузини яламасди.

— Баҳромова! Нима қилаяпсан? — эркак кишининг гулдираган овози ошхонани тутди. — Ўт жойингга!

"Бульдог" лақабли бошлиқ узоқдан қовоқ уюб, амир этмоқда эди. Ёнидаги ходима ялтоқлик ила алланималарни уқтирарди. Эҳтимол, Ҳилоланинг исм-фамилиясини айтиш билан бирга бирор жазога ҳам тавсия этиб улгургандир?

— Бора қол, — дейишди ошпаз хотинлар Ҳилолага, — ҳозирча фақат овқат маҳалда гаплашамиз. Бироз вақт ўтсин, ҳаммомга бирга тушадиган, ошхонада бирга ишлайдиган бўламиз.

Икки аёл бир-бири билан кўз уриштириб, Ҳилолага синчков боқишди.

— Мен... мен фабрикада ишласам... дегандим, — пештахтадан узоқлашди Ҳилола.

Овқатга ёпишган хотин-халаж орасидан айримлари

уларни зимдан кузатишган экан, дарҳол пичир-пичир бошлашди. Ғала-ғовурда ғийбатчиларнинг нима дейишаётганини англаб бўлмасди, албатта.

Қари-ю ёш, озғину семиз хотинлар худди аскарлар каби гурра туришди. Саф эшикка яқинлашганда, колония ходимлари ҳар бир маҳкумани кўздан кечириб, сўнг баракка элтувчи йўлакка ўтказишди. Ошхонадан пичоқ олиб чиқиш — баракда бугун-эртан одам ўлади дегани эди.

— Ҳилола, "олтинчи"га яхши жойлашдингми? — ноғохон ёнида Иллюзионистка пайдо бўлди.

— Сиз? — ҳайратланди Ҳилола.

— Қўрқма, иллюзиямни ишга солганим йўқ, бизнинг баракдан ҳам икки гуруҳни "олтинчи" билан бир вақтда овқатланишга туширишди. Шунақаси бўлиб туради, аммо камдан-кам. Хўш, ишлайсанми?

— Ҳа.

— Фабрикадами ёки ошхонада? — маъноли қаради Иллюзионистка.

— Фабрикада.

— У ҳолда мен ҳам ишлайман.

Ҳилола хайрлашишни насия қилиб, иккинчи қават зинасига қадам қўяркан, Иллюзионистка билагидан омбурдек қисди.

— Ошпазларга яқинлашсанг, "зона"дан ўлигинг чиқади, — қулоғига вишиллади у. — Кўрмаяпсанми уларнинг кимлигини? Нега мени эмас, сени чақиришди? Қўлларидида қўғирчоққа айланиб, ўн йилда ҳам қамоқдан чиқмайсан! Мен билан кетсанг, бойликларимга эга бўласан! Агар одамларим қутқаролмаса, бу ердан биргаликда қочамиз. Йўли бор, Ҳилола!

— Аввал ҳам айтганман, мен қамоқдан қочмоқчи эмасман.

— "Зона"ни кўрдинг. Назорат турмадагидан кучли эмас. Қасд қилган одам турмадан кўра "зона"да осон ўлдиради. Катта ишларга аралашиб қолганингни айтганим эсингдами? Сен суиқасд қурбони бўласан!

Маҳқумалар уларга туртиниб-суртиниб ўтдилар. Иллюзионистка шунда ҳам Ҳилолани қўйиб юбормади. Бахтга қарши назоратчилар ошхонадан чиқаётганлар билан овора эдилар.

— Девор ортида қолган одамларим менсиз ҳеч вақо тополмайди.

— Менга ҳеч нарсангиз керакмас, Зубайра опа, — куюнди Ҳилола. — Тушунинг, йўлларимиз бошқа-бошқа.

— Қулоқ сол! Сени Бўронгул юрист тинч қўйса ҳам, катта ишга аралаштирганлар тинч қўйишмайди.

— Тинч қўймаса қўямасин! Қўлимни бўшатинг!

— Билмайди дема! Менинг орқамдан қўйилган жосуссан!

— Жосус эмасман, — юлқинди Ҳилола.

— Кўрасан, сени яқинда йўқ қилишади. Янги маҳқумани ўлдириш қулайроқ. Иллюзиям иш бермаса, қабрдаги олтинларим ёрдамга келади, шунинг учун ҳаммасидан хабарим бор. Энг чуқур зиндон тубида ётиб ҳам, Швейцарияни томоша қиламан.

— Илтимос, мени тинч қўйинг...

— Хоҳласам, ўзим сени ўлдириб юбораман! Қўлларим билан эмас, тилим билан! Телба-тескари маълумотлар билан бошингни шундай гаранг қиламанки, сен — тентак оғзимдан чиққанни погонлиларга етказасан! "Мияси айниган қулоқ" кўпинча ҳаёт билан видолашади. Ким айбдор? Ўзинг, албатта! Ким сенга гапларимни етказ, деди? Етказма! Ва айтганимни қил!

— Йўқ...

Иллюзионистка бурнини тортиб, бирдан мулойимлашди.

— Мени сотма, Ҳилола! — деди у. — Сотмасанг бахтли бўласан! Ишон!

— Сиз ҳам, бошқалар ҳам мени тинч қўйишмаса, арз қиламан! — бўғзига йиғи тиқилди Ҳилоланинг. — Қамалдимми, қамоқ муддатини ўтайман-да, уйга кетаман! Мен жиноятчи эмасман! Одам ўлдирмаганман! Қамоқда ҳам, озодликда ҳам ёмон ишларга аралашмайман.

— Ҳозир нималар деганимни барибир сўрашади. Махфий рақамлар ёзилган кафан қайси гуристондаги майитнинг эғнида эканини гуллаб қўймасанг, бас! Эшитаяпсанми? — У Ҳилолани деворга тақади. — Тўғри, қабристон қаердалигини айтганим йўқ, лекин яқин жойида сенинг севган дарахнинг борлиги оғзимдан чиқиб кетган.

— Қанақа дарахтни яхши кўришимни ўзим ҳам билмайман, сиз...

— Хўп, хўп, — елкасига қоқди Иллюзионистка. — Гап тамом! Ошхонанинг нариги томонидан чиқсак, яна бир бино бор. Бинонинг орқаси тиканли сим билан ўралган ташландиқ ер, ундан нариси кўлмак, қамишлар, сас-сиқ ҳавза. Кейин темирйўл! Фақат кунботардаги соқчи минорасигина кўриниб туради. Соқчилар темир-терсақлар сақланадиган ғиштли бино орқасидаги шўрхок майдонга ҳамиша тикилиб ўтиришади, дейсанми? Йўқ! Агар кечаси қочсак, улгурамыз. Бунга бир ой бор. Кўпи билан икки ой.

Ҳилола баракка зил-замбил ҳолда қайтди. Ё алҳазар, биринчи кунданоқ унинг атрофини урғочи қашқирлар қуршаб, ўз жағларига емишликка таклиф этишар, "мен маза қилиб ейман", "йўқ, каминанинг ошқозонида тезроқ ҳазм бўласан", дердилар.

Ҳеч ким билан гаплашмай каравотида гужанак бўлиб ётди. Кечки овқат ҳам кўнгилхиралик билан ўтди. Бир ёқда ошпаз хотинлар чақирришар, иккинчи тарафда собиқ банк ҳисобчиси ва ҳамтовоқлари: "Баракда яширин чойқайнатгич бор экан, қуруқ чой сўра", дер, дилхираликнинг учинчи бурчагида колония назоратчилари ғўдайиб: "Тақдиринг бизнинг қўлимизда! Кўзингга қара, маҳкума!" деган маънода сер солишарди.

Кечки ўнда баракда чироқлар ўчирилди. Ҳилола кўзи илинса, ҳужум қилишадигандек ярим кечагача бедор ётди. Эндигина ухлаган чоғда эса лўли маҳкумалардан бири каравотга осилиб, оҳиста туртди:

— Ҳой янги келган қиз бача! Тур! Сани опанглар чақиришопти.

Ҳилола бир сўз айтмай каравотдан тушди. Баракдаги хотинлар янгиларни чақириб, "суҳбат"дан ўтказишини эшитганди. Яна шу аён эдики, аёллар қамоқхонасининг ички ҳаёти ҳам, эркакларники ҳам тўлиқ милиция назоратида ва энди маҳкуму маҳкумалар орасида "ҳукмдор"лар йўқ. Демак, у қадар қўрқинчли воқеа рўй бермайди.

— Қани улар? — уйқусирагандек сўради Ҳилола.

— Ҳамсояларни ахирги калавотида, — деди лўли хотин. — Арқамдан юр, укагина.

Иккови қўшқаватли каравотлар оралаб баракнинг нариги бурчагига боришди. Ҳилола Абадиян турмасида ётган Моҳбибини эслади. Колонияда маҳкумалар ўзаро тўдаларга бўлинар экан, Ҳилола Сойгул, Моҳбиби кабилар билан бир гуруҳда жазо ўташни истади.

Колония ҳудудига қаратилган прожекторларнинг деразадан тушган шуъласи қаторлар ортидаги етти-саккиз бошни ёритди. Айрим хотинларнинг сочлари оқариб, тўзғиб, ялтираб кўринди. Ҳилола икки каравотга тизилиб, давра ҳосил қилганларга яқинлашгач, бир қанчасини таниди. Улар бугун ошхонада столдош бўлганлардан эди. Қизиғи, ошхонада бир оғиз ҳам гапирмагандилар.

Ҳилола салом берган эди, четдагиси қўлидан қўполлик-ла тортиб:

— Бу ёққа ўт! Ўтир манави ерга! — деди эркакча товушда.

Ҳилола илкис силтаниб кетган эса-да, миқ этмай буйруқни бажарди. Юраги қинидан чиққудек гупиллаб урди. Каравот четига омонат илингач, кўзига тушган сочини қулоғи орқасига олди, қўли қалтиради. "Кўрққанимни сездирсам, ҳолимга маймунлар йиғлайди", деб кўнглидан ўтказди. Агар ҳаёти хавф остида қолса, қичқиради. У қамоқхонага ўлиш ёки хўрланиш учун келмаганини яхши тушунарди.

— Нега чақирдиларинг?
— Эмизадиган боланг борми? — тиззасига туртди бири.

— Кечирасиз, мен турмушга чиқмаганман.

— Биламиз, биламиз, — бош қимирлатди салобатли хотин. — Қамоқхоналар "красний", лекин шу ердан ўтган арвоҳларнинг ҳурматига ирими қиламиз, хафачилик бўлмасин, синглим.

— Эмизадиган боласи, ишлайдиган иши йўқ, нега ухлашга шошади, ҳайронман, — тўнғиллади туртган хотин. — Кунбўйи сасиб ухласанг, каравотга ёпишиб қолгунча ўтирсанг, яна кечаси меҳмонга чақирмаслигимиз керакми? Анавиларни кўраяпсанми? — У қўлини ён томондаги каравотга нуқиди. — Биринчи қаватда ётган маҳкума тепадаги хотиннинг ўз қизи. Бузғунчиларнинг китобларини биргаликда тарқатишган. Аммаси ҳам, холаси ҳам қўшилган террорчилик тарғиботига. Оқибатда она-бола, амма-хола "зона"га жўнатилди, тавба-тавба, ҳаммалари шу ерда. Онаси касалманд бўлгани учун қизи колониямизнинг бошлиғига ариза ёзиб, битта баракда, битта каравотда ётишга рухсат сўради. Мана, рухсат беришди. Қиз кундуз цехда ишлайди, кечаси онасига қарайди, маошини ҳам онасига сарфлайди. Сен ёлғиз қамалдинг, шунақами?

— Мен ўзимни ҳимоя қилганман, — деди Ҳилола овози титраб. — Ўзимни ҳимоя қилишдаги керагидан ортиқ ҳаракатим учун қонун олдида жавоб бераяпман, сизларнинг олдиларингизда эмас.

— Ие, биздан қўрқмайсанми? — ғазабланди бошқа бир хотин. — Лўлихоним, дўрсиллаб чопқилла-да, қамчини келтир, бир савалай бу қизни!

Ҳилоланинг лаблари асабий пирпиради. Ўзларича қандай бебошлик қилишмоқчи? Биринчи кундан уртуполон сабабчиси бўларкан-да. Ваҳоланки, олтинчи баракда зиёлилар, тарбиялилар, оққўнгиллар кўп дегандилар.

— Отанг бойми? — савол берди салобатли хотин.

— Ўртаҳолмиз, опа.

— "Зона"га қачон келамиз, дейишди?

— Хабарим йўқ.

— Тушунмадим. "Қандай жойлашдинг?", "Аҳволинг яхшими?", "Қўрқма, биз тез-тез хабар олиб турамыз" деб ҳолингни сўрашга дарров орқангдан келишмоқчи эмасми? Ёш қизсан, колонияни кўриб, қўрққанингдан ўзингни осиб қўйсанг-чи? Э, бўлмабди бунақаси! Отанангга "икки" баҳо!

— Ўзимни ўлдирмайман.

— Ўҳ-ҳў! Иродангга ишонасанми?

Ҳилола кифт учириб, аниқ бир нима демади. Лўли хотин югуриб келаётганида, нариги каравотларнинг биридан шанғи овоз эшитилди:

— Эрталабки сменаман! У ёқдан бу ёққа саланглаб ўтаверма! Ухлашим керак, ахир!

Бедор маҳкумалар оғизларини бекитиб пиқ-пиқ кулишди. Лўли хотин кўйлак тикишда фойдаланадиган оқ, қизил, қора ипдан тайёрланган ҳарир қамчи келтирди. Бундай қамчининг зарбидан капалакнинг қаноти синиши даргумон эди. Маҳкумалар кулгидан ўзларини зўрға тийиб, Ҳилолани бир-бир қамчилаган бўлишди. Ёш маҳкума уларга ҳамон қовоқ уюб, ёшли кўзларини тикиб ўтирарди.

— Ана, энди сафимизга қўшилдинг, — деди салобатли хотин. — Шу ҳафта уйдагиларинг келса, ош-овқатингни бизга улашасан, келишдикми? Танишайлик! Мен бир қизни ўғирлашда айбланиб қамалган Зара опангман. Айтиб қўяй, ўғирламаганман, тухматга қолганман. Буниси, — туртган хотинни кўрсатди у, — чегарадан наша олиб ўтган Нодира опанг. Униса пиёниста қайноғасига пичоқ тикиб, яралаган Гуландом опанг. Ёнидаги эса ҳовли талашиб, овсини учун қотил ёллаган Маъмура опанг..

Ҳилола бош ирғаб танишар экан, тез орада уйдан

кимдир келишига хаёли қочди. Ҳақиқатан, Сулаймонтепага онасининг қадами етади. Ҷзи билан иккита хабардан бирини келтиради: "Нурия опанг яхши яшайпти", "Нурия опангдан айрилиб қолдик..."

— Сен одам ўлдирмагансан, — деди Зара. — Опанг тўйидан бир кун аввал биттасини гишт билан жароҳатлаб қўйган. Йигит реанимацияда адои тамом бўлган. Сен бор айбни бўйнингга олгансан. Тафсилотда адашмадимми?

Ҳилола аччиқ ютинди ва:

— Йўқ, — деб унга тикилди. — Мен тақдиримдан розиман.

— Қиз бола бўлсанг ҳам мард экансан, — елкасига уриб қўйди Зара. — Бор, ухла. Лаънатланган макондан тезроқ қутулиб чиқишингни хоҳлайман, синглим. Лекин бундан кейин ҳеч қачон бировнинг айбини бўйнингга олма, тушундингми? У онанг бўлса ҳам! Нега дейсанми? Қамоқда сен, озодликда у қийналади. Виждон азоби жисмоний азобдан бир грамм ҳам қолишмайди.

Ҳилоланинг уйқуси ўчиб бўлганди. Дам бедор маҳкумалар тўдаси, дам биргаликда қамалган она-бола-ю амма-хола, дам Нурия опаси ҳақида ўйлаб ётди. Қамоқхонада одам ўз ҳолича яшолмас экан. Баракдаги маҳкумалар ҳам, назоратчилар ҳам биринчи кундан жонига тегди. Кўнглининг бир чеккасида "ўлсаму қутулсам" деган ўй мудрарди. Интизомни бузмаслик, сидқидилдан ишлаш, сабр қилиш ва охир-оқибат амнистияга илиниш — мазкур умидлар шодаси ҳам ипида мустаҳкам турарди.

Ниҳоят, кўзи илинди. Бироқ бутун колонияни зир титратган даҳшатли чинқириқдан сесканиб тушди. Қаердандир бақир-чақир, қасир-қусур, дупур-дупур эшитилди. Аёл кишининг йўғон, ёввойи қичқириғи иккинчи марта маҳкумаларни ларзага солди. Ҳовлида итлар вовиллаб, эшиклар очилиб-ёпилди, қадам товушлари, эркакларнинг хитоблари ҳам қулоққа чалин-

ди. Афтидан иккинчи баракдаги тўполонни бостириш учун аскарлар ёрдамга чақирилган эди. Худди зилзила бўлгандек олтинчи баракдагилар анча вақтгача ухлолмадилар. Бир неча эркак ва аёл ходимлар "Олтинчи"ни ҳам текширишгач, гап тарқалди: "Қутурганлар" барагига тушган сариқ сочли хотинни маҳкумалар бўғиб ўлдирмоқчи бўлишибди. Норасидаларнинг жонига қасд қилганларга шафқат йўқ эмиш. Ё ўлдирилади, ё қамоқдан чиққунча маҳкумаларнинг оёқлари остида хорзор яшайди.

Ҳилола устига адёл ёпиб, кўзёшларини артди. Фақат тонгга яқингина кўзи илинди, лекин кўп ухлолмади. Баракни ғала-ғовур тутди.

— Баҳромова, тур! — силкиди Сараева. — Ишлайман, деган экансан, учинчи отряд билан чиқасан, цехга бугундан борасан. Ҳозир эса тўғри гимнастикага!

Учта баракдаги ишлайдиган-ишламайдиганларнинг барчаси асфальт майдонга ҳайдалди. Олти юз чоғли хотин-қиз сафларга тизилиб, "Бир, икки, уч!.. Бир, икки, уч!.." садолари остида жисмоний машқларни бажара бошлашди. Эрталабки изғирин бармоқларни акашак қилиб қўйди, бурунлар шолғомдек қизарди. Қишда эрталабки жисмоний тарбия машқлари бекор қилинар экан. Бироқ маҳкумалар ҳозиргидек соат олтида туриб, аскарлардек машқ бажариш ўрнига беш яримда ҳовлидаги қорни курашга сафарбар этилармиш.

— Икки ўн беш — бир ўттиз, — деди биров.

— Э, қишда ҳар куни қор ёғмайди-ку, гаранг! — жеркиб ташлади бошқаси.

Ўн беш дақиқадан сўнг ҳамма ўзини ювиниш хонасига урди. Юз-қўл ювилгач, эрталабки нонушта кутмоқда эди. Ҳожатхона ҳам, ювиниш хонаси ҳам тирбанд бўлиб кетди. Навбат талашиб, эркакчасига сўкинишлар, қарғанишлар кўпайгач, колония ходимлари келиб, ўшқириб беришди. Ҳарқалай, Ҳилола юз-қўл ювишга охиргилардан бўлиб кирмади. Ён-веридегилари: "Ҳой

янги қиз, имилламанг, ойингизнинг уйида эмассиз-ку", дейишди. Ювиниш хонасида таъбини тирриқ қиладиган учрашув кутаётган эди.

— Буни қара, кечаси қичқирган хотин, — туртди бир маҳкума.

Ҳилола ўнг томонидаги тос олдида оғзини чайётган сариқ хотинни кўрди. Бўйни кўкарган, бир кўзи юмилар даражада шишиб кетган, нари-бери ўралган рўмоли бекитолмаган боши эса қонталаш эди. Аллақандай ўтмас буюмда сочи аёвсиз қиртишланган эдики, кўзи тушган ондаёқ Ҳилоланинг баданига чумоли ўрмалади. Шу тобда яна на бегуноҳ чақалоқни, на азобланаётган қотилни ўйлади. Юрагида инсонийликка аза тутилаётган эди. Қалбда эзгулик сўнса, одам ароққа қўл узатади, жигилдонига пиёлалаб қўяди ва эртага тўйи бўладиган қизнинг йўлини тўсади. Қалбда эзгуликдан асар ҳам қолмаса, одам ўз неварасига тиф кўтаради. Ҳилола барча жиноятчи аёллар одил суд олдида жавоб бериб, қонуний жазога маҳкум этилганига шоҳид бўлаётган эди. Маҳкумани ўзлари ўйлаб топган жазога гирифтор этаётганлардан эса зиғирча хурсанд эмасди. Ҳатто, эртаклардаги ёвуз жодугарлар, одамхўр аждаҳолар бундай азобни кўрмагандек туюларди унга.

Нонуштага буханка нон, бир чимдим шакар қўшилган чой ва ярим косадан сутли бўтқа беришди. Тушликкача дастгоҳларда ишлаб, қорни очиб қолишдан қўрққан аёллар апил-тапил, очофатларча овқатланишди.

Биринчи сменадагилар ишга шошилаётган бўлсада, тунги воқеани гапиришдан ўзларини тийиб туришолмади. Айтишларича, иккинчи баракдаги саккизта маҳкума карцерга ташланибди. Икки-учтасининг жазо муддатига камида бир йилдан қўшиб беришаркан. Колония анча вақтдан бери ваҳший жиноятчининг келишини кутаётган эди гўё. Ва у келди! Ва қасос олинди! Ҳар бир маҳкума ўзини озодликдан ноҳақ маҳрум этилгандек ҳис этарди. Одамгарчилик ҳар бирининг кўнг-

лида озодлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яшарди. Гўдакни қатл этиб, қафасга тушдими, қурбон ҳар бир маҳкуманинг жигарбанди бўлиб кўринарди. Ҳилола колонияда нега унинг душманлари деярли йўқлигини тушунди. Ароқ ичган, ўз хотини ва боласидан кечган, сўнгра бировларнинг қизларига кўз олайтирган эр-каклар хогинларга ҳеч қачон ёқмасди. Ҳилола шундайлардан бирини ўлдиришда айбланиб, қотил сифатида қамоқхонага келди. Бир "лекин"и бор эди: марҳумнинг қариндоши учрамаса, бас.

Нонушта учун белгиланган вақт тугади. Виқор-ла турган колония ходималари ҳар томонда кўзга ташланарди. Улар эрталабки йўқламага киришдилар. Соат миллари еттини кўрсатганда, ҳар бир барак, ҳар бир отряд, ҳар бир маҳкума журналга қайд этила бошланди. Ҳилола ўз исм-фамилияси баланд овозда ўқилганида, "Мен!" деб жавоб берганида, колония ходималари баравар тикилишди. Исм-фамилияси эрталабки текширувда илк марта жаранглаётган эди-да.

Ҳаял ўтмай биринчи смена отрядлари фабрика сари гурс-гурс йўл олишди. Ҳилола муқаддам минг бор эшитган кийим-кечак, кўрпа-тўшак ишлаб чиқарадиган фабрика аёллар колониясига девори яккаш қўшни эди. Ўртада дарвоза бўлиб, шу ерда маҳкумаларнинг исм-фамилияси ўқилар, сўнгра биттама-битта тинтув қилиниб, фабрика ичкарасига ўтказиларди.

Ўттиз-қирқ дақиқада барча дастгоҳлар эгаллангани маълум бўлди. Ҳилола ва йигирма чоғли хотин колония ҳудудида қолишди.

— Фамилияси чиқмаганлар билан шуғулланинглар, ишламайдиганларни баракларига қайтариб жўнатинглар! — формали ходим буйруқ берди.

— Мен ишламоқчи эдим, — деди Ҳилола. — Нимагадир фамилиям чиқмади.

— Кеча келиб, бугун ишламоқчимисан? — ходима бош чайқаб қўйди. — Бирор ҳафта баракда кутиб ётасан.

Нима иш қилоласан ўзи?

— Тикувчиман.

— Чатоқсан-ку! Цехда эркаклар борлигини биласан-а? Бирор мастерга кўз сузсанг, ўласан, билиб қўй шуни.

Албатта, бу гап ҳақорат эди, аммо Ҳилола индамай қўя қолди. Балки колония ходимасининг оддий муомаласи шудир? Панжара ортида турли маҳқумаларни кўравериб, дағал оҳанггаю беандиша сўзлашга ўрганиб қолгандир? Ҳилола яна шуни англадики, аёллар колониясида жазони ўтаётган хотин-қизлар эркакларни (айрим бошлиқларни ҳисобга олмаганда) фақат фабрика ичида учратади. "Турмада ҳам, "зона"да ҳам "севги" бор! "Севги" қаерда йўқ?!" дейишганди Абадиян турмасидаги. Ҳилола нима ҳам дерди? "Севги" бор экан, нима бўлса, цех ҳудудида бўлади, бирор эркак ўз ҳолича аёллар колонияси ичкарасига қадам босолмайди. Баъзан байрамларда концерт уюштирилади. Хонандаларга колония ҳовлисида сахна қурилади, сахна атрофи қўриқчилар билан қуршалади. Шунда ҳам маҳқумалар орасидан кимдир эркак хонандага ҳуштак чалади, кимдир бемаъни хитобларни раво кўради, қийқиради, ҳатто завқ-шавққа тўлганиданми, ғайирлиги келганиданми, бирор нарса отадиганлар ҳам топилади. Ҳилола жиноятчи хотин-қизлар ғуж-ғуж тўпланган маконда ҳаммага инсоф тилади.

Барак қанчалик кенг бўлмасин ва маҳқумаларнинг колония ҳовлисида кезиб юришларига, кир ювишларига, китоб ўқишларига, телевизор кўришларига, спорт билан шуғулланишларига монелик қилинмасин, барчасига тартибнинг тор қолиплари орқали эришиларди ва одам эркинликни эмас, эрмакни ҳис этарди. Ҳилола меҳнат аталмиш машғулотгина вақтни ейишини Абадиян турмасига қамалмасидан бурун тушуниб етганди. Қолаверса, меҳнатга ҳақ тўланади, фабрика ҳудудидаги дўкондан зарур нарсалар харид қилинади. Колонияда махсус форма, кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, дори-дармон,

ички кийимлар, совун-шампунлар қахат эмасди, аммо кам-кўстсиз маҳкума ҳам йўқ эди. "Озодликда қонмаган эҳтиёжим ўлгунимча қонмайди", дейишарди маҳкумалар. "Амнистияга илиниб қоламан" — кўнгилларида шундай ўй яшарди кўпчиликнинг. Колонияни тарк этаётганларга маошининг қолган-қутгани берилса, ҳарқалай йўлга кўпроқ харажат қилади ва жонажон уйга тезроқ етиб боради. Ҳилоланинг тушига ҳам кириб чиққан: у қамоқ дарвозасини ҳатлаб, озодликнинг пойидан ўпган сониядан бошлаб ҳисобласа, саккиз соатда қишлоғига етади. Колониядан шаҳар биқинигача бир, шоҳбекатгача икки, шоҳбекатдан вилоят марказигача уч, кейин уйигача яна иккита — жами бешта улов алмашади. Ёқуб ҳам хаёлидан нари кетмасди. У Сулаймонтепадаги эркаклар колониясида бир йиллик жазо муддатини ўтаяпти. Ҳақиқатан, Ҳилолани дарвоза ортида кутиб турса-я! Ёки ўйинқароқ маҳбус турмада учраган қизни унутиб, ҳозирда колонияда ўзини овутишнинг бошқа йўллари билан бандмикан? Шу тобда Ҳилолага шундай туюлдики, цех эшигидан кирган заҳоти худди Ёқубга ўхшаш йигитлар — мастерлар ошиқ бўлишади, ишқий номалар ёзиб, ҳоли-жонига қўйишмайди. Колония ходимаси "кўз сузиш" ҳақида томдан тараща тушгандек гап очиши ҳам бежиз эмасга ўхшайди.

Ўша ҳафта Ҳилола ишга жойлашолмади. Гап-сўзларга қараганда, яқинда аскарлар учун қишки кийимларга катта буюртма келар экан ва кечки смена ҳам ташкил қилинарган. Ишчиларга талаб ошади, янгилар ҳам жалб этилади.

— "Колония поселение"га кетадиганларнинг ўрнига йигирматача одам олади, — деди Сараева. — Отряд бошлиғимизга айтиб, биринчи ўринда Ҳилолани ўтказиб юбораман.

— Бизга ўхшаб давлатнинг пулини еб қўйганларни эртасигаёқ ишга ҳайдайди, буни дарров олади дейсанми? — бурнини жийирди Насиба — собиқ банк ҳисобчиси.

— Сиз айтган ўлчов йўқ бу ерда, — жеркиб берди Сараева.

— Ишлаш менга жазо эмас, ўзим хоҳлаяпман, — деди Ҳилола.

— Ўзим хоҳлаяпман, ўзим хоҳлаяпман! — масхара қилди Насиба. — Ишламайман, десанг, сени ҳеч ким цехга уриб-сўкиб олиб бормади. Зарилми арзимас пул учун итдек ишлаб?! Бу дунёда ҳузур-ҳаловатингни ўйла, "землячка"! Уйдагиларингга яхшилаб тайинла, сенга адёл, ички кийимлар, совун-повунлар, кейин "зона" формасига ўхшаш қалин қора кийимлар юборсин. Бошлиқлар билан гаплашса, уйингдан келган кўрпа-тўшакни киритиб беришади. Ҳар ойда пул ҳам жўнатиб туришсин. Чақалоғи бор маҳкумалардан сариеғ, гўшт сотиб оласан. "Зона"да туққанларга зўр-зўр овқат беришади. Улар ишнинг кўзини биладиган ярамаслар! Ортган овқатини сотишади. Иссиқ, юшоқ нонларни, сариеғ ва гўштни кўзингга суртиб ейсан.

Ҳилола ўзи ҳам сезмаган ҳолда қулт этиб ютинди. Бироқ у ота-онасидан пул сўрашни хаёлига ҳам келтирмаётган эди. Аксинча, юзлаб чақирим наридан кузнинг совуғида Сулаймонтепани ахтариб келиши, йўлкиралари-ю сумкаларга тўлдирилган егуликлар харажати... Йўқ, Ҳилола бир тийин ҳам сўролмайди. Колонияда бир неча йил бекор ётгандан кўра ишлайди, маошини ййғади, ҳеч кимга оғирлиги тушмайди.

— Ҳамма нарсанинг фақат ноқонуний томонини ўйлайвериб, миянгиз заҳарланиб кетибди, — деди Сараева собиқ банк ҳисобчисига. — Шунинг учун ҳам қамоқда эканингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Давлатнинг пулини еманг эди! Мен-ку, пистафуруш эдим, сиз-чи? Шунча йил ўқиган олий маълумотли, уй-жойи, машинаси бор, бунинг устига эри ҳам топармон-тутармон аёлга нима керак эди пул ўмариб?

— Аҳмоқ, менга ақл ўргатма! Тушундингми? — газабини сочди Насиба.

— Менинг гуруҳимдаги қизнинг миясини заҳарлама!
Тошингни тер-да, нари қет!

— Чаласавод пистафуруш! Мен пул емаганман, камо-
мад қилганман! Сенинг фалсафанга юрадиган бўлсак,
нима, уй-жойи, машинаси йўқ, эри яхши топмайдиган
олий маълумотлилар пул ўғирлашлари керакми? А?!

— Қачон шунақа дедим? Вой тавба-а!

— Гапирган гапингдан қанақа хулоса чиқишини бил-
масанг, тилингни тишлаб, думингни қисиб, қумурсқа-
нинг уясида ўтир, эшитдингми? Сен қамалмасингдан
аввал оддий пистафуруш эдинг! Қамоқда бригадир бў-
либ, мансабдан бошинг айланиб қолдимми? Э, ўргил-
дим!..

Ўртага маҳкумалар тушмаганида иккиси ёқалашишар-
ди. Бир-бирини ейишга, сочини юлиб, гўштини бурда-
бурда қилишга тайёр аёллар кўп учрарди. Ҳилола аёл
деганда қишлоғидаги меҳрибон, куюнчак, ориятли хо-
тинларни тушунарди. Колониядагилардан уят ва номус
кўтарилган эди. Узини эркакча тутадиган, сўкинадиган,
бепарда воқеаларни мароқ ила ҳикоя қиладиган, куракда
турмайдиган орзуларни сўйлайдиган, дард-ҳасрати қорин
тўйғазишу пўриллаб ухлашдан иборат ғаройиб махлуқот-
ларга ҳам дуч келди. Қамоқхона элаги аёлларни элаб, на-
зокатини панжарадан ташқарига чиқариб ташларди гўё.
Аёллар бутунлай бошқа жонзотга айланиб қолаётгандек
эди. Кўнгли бўш, нозик хилқатга бола-чақасини, рўзфо-
рини, ота-онаси-ю ҳур кунларини соғиниб йиғлаш ҳам
тақиқланган эди. Кўз ёш тўкдимми, тамом. Ҳар томондан
маҳкумалар пашша мисоли талаб ташлашарди:

— Йиғига ҳеч кимнинг тоқати йўқ, ҳой шоқол!

— Йиғлар экансан, жиноятга нега қўл урдинг, овсар?!

— Анавининг овозини ўчиринглар! Ҳозир бўғиб ўл-
дираман!

— Ҳовлига битта сарафанда чиқариб ташланглар, мов
мушукка ўхшаб ўша ерда миёвлаб ўтирсин, лаънати!

Ҳаққига кўчганда, Ҳилола дастлабки кунлар "агар

қийналсам йиғлайман, қамалган аёлларнинг раҳми келиб, меҳрибонлик қилишади" деб кўнглидан ўтказганди. Колонияда йиғи-сиғи бошга битган бало бўлишини билгач, хўрсиниб қўйди. Ёш қиздан эркаклар матонати талаб этилаётган эди.

18. НУРИЯ

Якшанба куни ҳеч кимни ишга чиқаришмади. Йўқлама анча кеч, тўққиздан ўнгача имиллаб ўтказилди. Дам олиш кунлари ўн яримдан ўн бир яримгача баракларда "тарбиявий соат" вақти эди. Ҳилола худди шу "тарбиявий соат"да яхши одамларни кўрди. Асли бу "тарбиявий соат" эмас, маҳқумаларнинг ўзаро йиғилиши эди. Уларнинг орасидаги ёши улуғ, кўпни кўрган, ўқимишлиларнинг маънавият, одоб-ахлоқ, инсон тақдири хусусидаги маърузалари тингланарди. Колония бошлиқлари қамалганлар орасидаги нотик аёлларни рўйхат қилиб қўйишганди. Улар якшанба кунлари ўзларига ўхшаш, аммо умрида китоб ўқимаган дунёқараши тор, яшашнинг моҳиятини ўйлаб ҳам кўрмаган маҳқумаларга дарс ўтишарди. Бунинг учун баракдаги стуллар битта жойга тахланар, маҳқумалар театрга келган томошабинлар каби жой олишар, сўзга чиқувчининг нутқини жимгина тинглашарди. Отряд бошлиқлари "тарбиявий соат"ни эшик олдида кузатишарди. Бундан ташқари колония бошлиғининг ўзи ҳам келиб қоларди гоҳо. Ҳилола ўртароққа жойлашди. Ҳаммининг бошида рўмол, эгнида қалин халат; иситгич қувурларига ҳали иссиқ сув юборилмаган совуқ кун эди. Терлаган ойнадан рутубатли кузнинг ҳиссиз тумани мўраларди.

Бугун олий тоифали шифокор аёлнинг маърузаси экан. У бемордан пора олаётганда қўлга тушиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Билим эгаллашдан бошлаб, олға ҳаракат, тушкунликка тушмаслик, ялқовлик қилмаслик боблари билан давом эттирди.

— Одам робот эмас, — эътироз билдирди маҳқумалардан бири. — Масалан, мен тез-тез тушкунликка тушаман. Барибир ўламан-ку, деб яшаш ҳам ёқмай кетади. Ў-ў-ў-тираман ичимга чироқ ёқса, ёришмай.

— Ҳа, ҳаммамиз ўламиз, — деди маърузачи. — Йигирманчи асрдан тирик чиқсак ҳам, шу ерда ўтирган биронтангиз йигирма биринчи асрдан омон қолмайсиз. Невара-чевараларимиз яшаса, бўлди, дейсизми? Уларни ядро уруши кутиб турибдими, сув тошқинларими, бутунжаҳон қурғоқчилигими, ҳеч ким анигини айтолмайди.

— Э-э, шу ҳам далда беришми?!

— Тушкунлик — ҳамма нарсанинг ёмон томонини кўришдан келиб чиқади, — бош чайқади маърузачи. — Мен бор-йўғи уларнинг кўнглидан ўтадиган ўйларни, келажакни қандай тасаввур қилишларини айтдим. Сиз ёмонликни ўйлай бошладингизми, бугун-эртан албатта тушкунлик, стресс эшик қоқади. Умрингизнинг энг оғир кунларида ҳам яхшиликни ўйланг. Илм-фан, дин, оила қуришдан тортиб, бир пиёла чой ичишгача — барчаси яхшиликдир.

— Отишга ҳукм қилишса-чи? — сўради Сараева гапни ҳазилга буриб. — Тиржайиб туравериш керакми?

— Отилаётган одам сўнгги лаҳзаларда мусаффо осмонни, бахтли қушларни томоша қилиб, калимасини қайтарадимми ёки дод солиб йиғлаб, ваҳший қотилга ялинадимми, барибир отилади. Ўлаётиб ҳам бахтли бўлиб ўлган яхши эмасми?

— Қамоқда бахтли одам бормикан, Худо-ё, тавба қилдим! — энсасини қотирди салобатли хотин.

— Нега қамоқдагиларни бахтсиз деяпсиз? Менга беморлар пора беришарди. Кўза кунда синаркан. Умрим мобайнида олган пораларим учун эмас, ўша қўлга туширишган кундаги пора учун қамашди. Жамики пораларим учун қамалмаганимга хурсандман! Энди ҳеч

қачон пора олмаслигимдан ҳам мамнунман! Шу дунёнинг ўзида жазойим берилганига шукрона айтаман! Наҳотки, бахтсиз аёл бўлсам?

— Мен эса қамоқда эканимдан заррача хурсанд эмасман, — деди салобатли хотин. — "Қамалган аёл" деган тамға пешонамдан бир умр ўчмаслигидан қандай севишим мумкин? Бахтли аёл қамоқда нима қилади?!

— Сиз-чи, ҳой синглим? — сўраб қолди маърузачи Ҳилоладан. — Қамалганимдан кўра босқинчининг хоҳишларига кўнганим яхши эди, деган фикрдамисиз?

Ҳилола ўзига мурожаат этишларини кутмаган эди, атрофидагиларга аланг-жаланг боқиб, бошқа нишонни ахтарди.

— Сиздан сўраяпман, янги келган қиз!

— Йўқ, — деди Ҳилола. — Ундай ўйламайман... ҳеч қачон...

— Бахтсиз эмасмисиз?

— Йўқ, — такрорлади Ҳилола.

Маърузачи қарсақ чалиб, маҳқумаларга деди:

— Бизни хафа қилган ҳар бир йўлтўсар эркак ўлимга маҳқум демоқчи эмасману, аммо синглимизга тасанно. У умр бўйи бахтсизликни кўрмай яшайди. Негаки дунёқарашини кенг, ўз вақтида хулоса чиқаради. Бундай қизларни ёмонлар эголмайди.

Шу пайт бир назоратчи йўлакдан шошиб кириб, эшик олдидаги ходимага нимадир деган эди, у:

— Баҳромова! — дея хитоб қилди. — Ташқарига! Тез!

Ҳилола хотинлар орасидан сирғалиб ўтиб, навбатчи ходималарга яқинлашди.

— Суюнчига нима берасан? — деди ходима. — Уйингдан одамлар келишди.

— Одамлар? К... кимлар?

— Орқамдан юр.

Улар баракдан чиқиб, асфальт майдончани кесиб ўтишди-да, тиббий хизмат биноси олдидаги панжара

ёқалаб илдамлашди. "Нурия опам тирик... тирик..." — пичирларди Ҳилола. Навбатчи эса огиз очишни хоҳламасди.

— Кимлар? — тили зўрға айланди Ҳилоланинг. — Уйимдан... кимлар келишди?

— Онанг ва опанг, — деди ходима.

— Онам ва опам? — Ҳилоланинг қадамлари ўз-ўзидан тезлашиб кетди. — Ростданми? Ҳозир кўраманми? Дарровми? Шу хонадами?

— Келган бўлса кўрасан. Упкангни босиб, ўзингни одамга ўхшаб тут!

Тиббий хизмат биносининг орқасидаги аскарлар хонаси томонда овчарка вовиллагани, аскарларнинг овозлари эшитилди. Маҳкумалар салтанатининг маҳзун сарҳадлари тугаб, озодлик ерлари бошланаётган эди. Ҳилола боши тиканли симлардан ғовлаган деворлар билан тўсилган чегарагача бора олади. Ҳурлик нафасидан руҳи бирпас яйрагандек бўлади, вужуди қамоқда қолади, зеро пешонага ёзилган муддатнинг ажали етмаган эди ҳали.

— Нурия опамми? — юраги ҳаприқиб кетди қизнинг. — Нурия опаси дейишдимми?

— Исмини билмайман. Ҳозир навбатчиларга учрашсан, сенга айтади кимлар келганини.

— Нурия опам бўлса керак. Ишқилиб... у... у...

Ўтаётган ҳар бир сония, очилаётган ҳар бир эшик Ҳилоланинг сабрини синади. У умрининг энг бетоқат онларини бошдан кечираётган эди. Ниҳоят, дийдорлашувга бир кеча-кундуз вақт беришганини, онаси билан Нурия опаси кутаётганини, қонун-қоидаларни айтишди. Ҳилола тушуниксиз бош қимирлатди, кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб имзо чекди қоғозга. Навбатчи уни бошлиқнинг хонасидан чиқариб, колония ҳудудидаги учрашув уйига етаклаганида ҳам хаёлида фақат ва фақат опаси эди. Демак, у тирик! Ҳилола бежиз қамалмади! Опасининг бахти учун, ҳаёти учун барчасини

бўйнига олди: асаббузар терговлар, ички ишлар бўлимнинг тор ҳибсхонаси, Абадиян турмаси, Сулаймонтепа аёллар колонияси, энтак-тентак, қотил-жоҳил, заҳил-бахил хотинлар орасида кун кечириш, егани буханка, ичгани макарон шурва, турган-турмуши миннат... Барчасига Ҳилола чидайди. Нурия опасининг ҳаётини сақлаб қолди. Уни никоҳ кечасида чимилдиқдан кишанлаб чиқиб, қамоққа маҳкум этишган куниёқ юраги кўтаролмай ҳаётдан кўз юмарди.

Ҳилола оққа бўялган шинамгина хонага кирди-ю жун рўмолларини елкаларига ташлаб, байроқча рўмолда бетоқатланиб ўтирган икки аёлга кўзи тушди. Онаси ва... Иккинчиси Нурия опаси эди, анча тўлишган, аёллик шакл-шамойилга кирган, ҳатто кўз атрофларига билинар-билинемас ажин қўндиришга улгурган, қорни хиёл катталашган.

— Опажон... — шивирлади маҳкуманинг лаблари.

— Ҳилола! — йиғлади Нурия сингисини қучаркан. — Мени кечир, сингилжоним! Опамнинг тўйи бузилмасин деб қиз бола боши билан қамоқларда юрган сингилжоним!..

Опа-сингил бошларидан рўмоллари учиб, ҳўнг-ҳўнг бўзладилар. Онаизор ҳам кўз ёшларини тўхтатолмай қизларини оҳиста қучиб, унсиз зорланди.

— Бўлди, йиғламанглар, — деди ахийри она. — Бу ёққа ўтинлар, бемалол гаплашиб, хол-аҳвол сўрашайлик... — Опа-сингил каравотга ўтирди. — Айланай, ой қизимдан, Ҳилолажонимдан-ей! Сен айтган Сулаймонтепангни ҳам, мана, топиб келдик. Нега йиғлайсан? Йиғлама, болам! Биз тез-тез келиб турамиз. Бу кунларни ҳам кўрмагандек бўп кетасан! Опанг соғ, сен соғ, энг муҳими соғлик. Ёмон гўрда чириб ётибди.

Кўз ёшларини тиёлмай хол-аҳвол сўрашдилар. Чой ичишди, овқатланишди. Кўп ўтмай хийла босилиб, озодлик ва қамоқ ҳаётидан ҳикоялар бошлашди. Тўйдан сўнг Нурияни тўрт-беш марта терговга олиб кетишгач, ёши улуғлар аралашиб, тинч қўйишларини

илтимос қилишибди. "Васлини Ҳилола жароҳатлаган, ана, қилган ишини қилдим деб қамалиб ўтирибди, янги келинчакнинг рўзгорини бузманглар", дейишибди. Ҳарҳолда Нуриянинг эри тушунган йигит экан. Терговчилар келинчагини яна ахтариб боришганида ҳам муомалани жойига қўйибди. Қайнсинглисини кўришга, танишишга интиқ экану, аммо колонияга икки кишидан ортиғини киритмаслигини билгач, ноилож уйда қолибди. Ҳилоланинг тўйида бошдан-охир ўзим хизмат қиламан, дебди.

— Васи аканинг уйидагилар ҳам юришибдими? — сўради Ҳилола.

— Юрмай қаёққа кетади, — ух тортди она. — Хотини эрга тегди. Васи тентак билан тайинли яшамагани ҳам. Бўронгул деганини кўчада кўриб, тенгини бердим. Менинг ойдек қизимга уюштирган тухматинг шу дунёда ўзингга қайтмаса, рози эмасман, кеча-ю кундуз сени қарғаяпман, дедим. Даврон ҳам дуч келмаслик учун бошқа кўчага кириб, қочади. Қизим қамоқда ётиб, сенгина бахтингни топармикансан, кўрамиз, деганман унга ҳам.

— Йўқ, ая, бирортаси билан ҳам уришманг, — деди Ҳилола айбдорона жилмайиб. — Бировга ёмонлик қилмасангиз, бизга ҳам ёмонликнинг касри тегмайди. Қарғиш, бу — ёмонлик-ку, шундай эмасми?

— У ҳолда опанг икковинг Васиға нима ёмонлик қилгандинглар? Авваллари қарғамаганман-ку!

— Васи ака ичиб олганди. Ичкиликнинг касофатини тил билан таърифлаб беролмайман. Васи ака билан отамнинг ичган ароғи битта, ая! Бун тўғри тушунинг. Отамдан хафа эмасман. Лекин отам ичмаслиги керак... эди.

Онаси Ҳилолани бағрига босиб, ичида қон йиғлади. Қамоқдан қамоққа кўчаверган эркатой қизи катта аёллардек фикрламоқда эди. Бунчалар тез улғайиб қолмаса! Озиб-тўзиб, кўзлари киртайган Ҳилола онаси

ва опасини кўрганда қанчалар қувонмасин, нигоҳида барибир шодлик балқимади. Синфдош дугоналарига ҳар куни совчилар келаяпти, тўй-маъракаларда суриштиришяпти. Ҳилолани-чи? Одам ўлдиришда айбланиб қамалган қизни ким ҳам келинликка сўрайди? Йиллар ўтгач, у опаси учун аёллар қамоғида ўтириб, умрбод бахтсиз бўлгани учун афсус чекмасмикан?

Душанба куни эртaroқ тушлик қилишди. Учрашув вақти якунига етган эди. Онаси уни бағридан узди, Нурия яна йиғлади. Бироқ энди узр сўрашга тили айланмади.

— Келаётган янги йил биринчиси, — деди Ҳилола. — Ҳадемай иккинчиси. Сўнг учинчи янги йил. Бу ерда учта янги йилни кутиб оламан. Шу ҳафта цехга жойлашсам, вақт қандай ўтганини билмай ҳам қолсам керак. Учинчи янги йил келса, июнгача ушлаб ўтирмай, муддатидан олдин, январдаёқ чиқариб юборишади. Худо хоҳласа, тўрт йил тўлиқ ётмайман. Баракдаги аёллар икки йил ўтса, амнистия беради, дейишяпти.

Онаси ҳам, Нурия ҳам кўриб турардики, Ҳилола уйга кетишни истаётганини, осуда, тинч оиласини соғинганини таърифлашга тил ожиз. Аммо илож қанча! Тирик эканликларига, бир кеча-кундуз дийдорлашганларига шуқр қилишни ҳам унутишмаганди.

— Бу сафар ҳам иккитадан кўп одам келмасин, — деди колония ходими Ҳилоланинг онасига. — Икки ойда бир учрашув берадими, уч ойда, ҳозирча бирор нарса деёлмайман. Ҳаммаси қизингизнинг хулқига, яхши ишлашига боғлиқ. Бир кунлик эмас, тўрт кунлик учрашув сўрашга ҳам ҳақлисиз. Уйга телефон ўрнатилганми?

— Қишлоғимизда бойлардагина телефон бор.

— "Сельсовет"даги-чи? — онасига қаради Нурия.

— Ҳа, "сельсовет"никини ёза қолинглар.

— Қизингиз уйига қўнғироқ қилиш имкониятини қўлга киритиши мумкин, — деди ходим. — Бунинг учун мусобақаларда галаба қозониши керак. Бизда нуму-

нали хулқ, меҳнаткаш аёл, спортчи, чевар, санитария куни қаҳрамони, хуллас, бир неча хил йўналишларда ғолиблар аниқланиб, турли имтиёзлар берилади. Масалан, ҳар ойда учрашиш имтиёзи, телефонлашиш.

— Раҳмат, катта раҳмат сизларга, — Ҳилоланинг онаси миннатдорчилик билдирди. — Қизим ҳаммасида ғолиб бўлади. Мактабда ўқиганида баскетбол бўйича Ангренларга борган, доим "беш" баҳога ўқиган. Битта ёмон қасд қилиб, шу ерларда юрибди-да, айланай укажон.

Хайрлашиш онларида онаси Ҳилолага узрхоҳ нигоҳ ташлаб, деди:

— Қизим, биздан хафа бўлма, Янги йил байрамигача келолмаслигимиз мумкин. Кунлар совиб, йўлларни муз қопласа, осонмас. Отанг охириги вақтларда ичкиликка жуда берилди. Қишда пул ҳам бир бало.

Нурия бошини эгди. Бу — яқин бир неча ойда у ҳам келолмаслигини англатарди.

— Шароитингизга қаранг, ая, — Ҳилола бўғзига тикилган аччиқ нарсани ҳис этди.

— Хайр, илойим, бу ерлардан тезроқ чиқиб кет.

— Хайр... Яхши етиб олингизлар... Отамга, укаларимга салом айтингизлар...

— Хайр, Ҳилола, — деди Нурия ҳам.

Учрашув тушда бўлиб ўтгандек эди. Ҳилола қолган-қутган егуликларни сумкага жойлаб, баракка чиққанида, отрядидаги хотинлар кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришган экан. Валийни кўрган каби Ҳилолага ёпишишди. Йўқ, Ҳилолага эмас, сумкасига. Юмшоқ тандир ноң, майиз, парварда, ёнғоқ, яхна гўшт талаш-талаш қилинди. Ҳилоланинг ўзи эса ўша куни туз тотмади.

19. ҚАМОҚДАН ҚОЧИШ

Сешанба куни эрталаб отряд бошлиғи иккинчи смена билан ишга чиқишини айтганида, Ҳилоланинг

юзида мамнуният кўринди. Тушликдан сўнг тўрт юз чоғли маҳкума худди аскарлар каби саф тортиб, колониянинг асфальт майдонини зир титратиб, нариги дарвоза — фабрика қопқаси сари ҳайдалди. Уларнинг униққан қора этиклари тагидан чиқаётган гурс-гурс садолар ҳар кунгидек соҳибаларини хижолатга солди. Майдонни кесиб ўтишаётганида, кунботарга қаралса, колониянинг яна бир ички ҳовлиси бор эди. Кўпинча унинг беш юлдузли кулранг дарвозаси қия очиқ турарди. Яқин-атрофдаги вилоят ва шаҳарлардан қариндош-жигарларини кўргани келганлар асосий дарвозадан ичкари киритилиб, шу — иккинчи дарвоза олдида кутишарди. Шунинг учунми, маҳкумалар ишга кетаётиб беихтиёр кулранг дарвозага умидвор қарашарди. Ҳилола кечагина онаси ва опаси билан учрашиб, яна бир неча ой уларни кўришдан маҳрум бўлган эса-да, нигоҳ ташлади. Ташлади-ю милиция ходимлари ортида, бир неча хотин-халаж билан бирга турган таниш аёлни кўрди. У Бўронгул юрист эди. Даставвал кўзларига ишонмади. Яна бир марта қаради. Ўша! Кимга келган экан? Ҳилолани кўрдимикан? Бир хил қора кийимдаги юзлаб хотин-қизлар ичидан таниб олармикан? Таниганда-чи? Ҳилола Сулаймонтепа аёллар колониясида жазо муддатини ўтаётганини билгани учун ҳам келгандир? Илло қайси маҳкумани кўрмоқчи? Ва асл мақсади нима? Бўронгул юристнинг қариндоши — марҳум Васлининг қариндоши. Эндиликда бараклардан бирида Ҳилоланинг ҳаётига хавф соладиган душман пайт пойлайдими? Ким экан у?

Соат 13:00 да бошланган смена алмаштириш одатда 14:00 ларда тугарди. Ҳилола охириги бригадада бўлгани боис пешин чоғи — барча маҳкумалар ичкарига кириб бўлишгач, ўз фамилиясини эшитди:

— Баҳромова Ҳилола!

— Мен.

— Цехга "зона"дан ҳеч нарса олиб кирмайсиз ва ҳеч

нарса олиб чиқмайсиз, — деди уст-бошини пайпаслаб текшираётган аёл. — Меҳнат интизоми тушунтирилган-а? Битта қоида бузиш қимматга тушишини унутманг! Ёш экансиз, кўзга қараб ишланг!

Ҳилолани иккинчи қаватдаги тикув цехига чиқаришди. Колониядаги кийимлари ўрнига оқ рўмол ва кўкиш халат, енгил, малла пойабзал беришди. У Абдиян турмасидаги сингари Ёқубга ўхшаш йигитлар учрайди, деб ўйлаганди. Басавлат хизматчи аёлларгина дастгоҳлар оралаб юрарди. Кўнгли хотиржам тортганди ҳамки, лип этиб ёнида мўйловли йигит пайдо бўлди.

— Янги келган Баҳромова сизми? — деди у дастгоҳ мурватларидан бирини бураб. — Мен мастерингизман. Исмиб Аслиддин. Бемалол Аслиддин ака деб чақираверинг. Тикувчи экансиз. "Чайка"да ишлаганмисиз, "Подольск"да?

— "Подольск"да, — жавоб берди Ҳилола.

— Иккаласини ҳам тушунасиз, тўғрими?

— Тушунаман.

Милиция ходимларидан айримлари тикиш бўйича махсус курсларда ўқитилгач, фабрикада маҳкумаларга бош-қош бўлишарди. Аслиддин шундай йигитлардан эди. У бичиш цехидан келган шимларга янгича дастгоҳда чок уришни Ҳилолага ўргатди ва бир муддат кузатиб турди. Ҳилоланинг тиккан чокини қўлида текшириб, нариги қатордаги эркак ходимга мурожаат қилди:

— Буни қаранг, янгилик!

Ҳилола цехдаги биринчи кун, биринчи дақиқада мақтовни кутмаган эди. Ҳозиргина тикилган, иплари совиб улгурмаган чокдан Аслиддиннинг хурсанд бўлиши умид бахш этди.

— Янгилик шуми? — иккинчи уста шимга эмас, Ҳилолага синчков кўз ташлади.

— Янги қиз бир зарб билан қойиллатиб қўйди, иккинчи томонига ҳам қаранг.

— Тикувчимикан?

— "Подольск"да ишлаган, холос.

— Ҳм-м, қўли гулга ўхшайди, — деди иккинчи уста ва Ҳилоладан сўради: — Қаерликсиз?

Ҳилола айтди.

— Қанчага кесилгансиз?

— Тўрт йил.

— Нима иш қилгансиз?

— Бир йигитнинг бошини мажақлаб ўлдирган, — изоҳ берди яқинлашган колония ходимаси. — Нима гап, Аслиддин, Ҳусан? Тинчликми?

— Тинчлик, — деди Аслиддин, — бу қиз бир зарбда чокни ўйлаганимдан ҳам тоза, текис, аниқ, ҳатто бирор ипни осилтирмасдан тикди. Бизда тезлик ҳам муҳим. Унинг тезлигига эътибор беринг-а! Бугун биринчи куни! Қанийди, ҳамма қизларингиз шунақа бўлса!

Ҳилолага яна чок уришни буюрди. Тўрт девор орасида ўтган ойларда Ҳилоланинг ҳар бир бармоғи қайчи тутишга, бичишга, тикишга зор бўлганди. Бироқ бир неча ойга чўзилган танаффусдан сўнг қўллари қайишмаслиги ҳам мумкин эди, аммо Ҳилола бутун вужуди ила ишга шўнғиди. Дастгоҳ тариллаб, игна кўз илғамас тезликда титраб, мато силжиган сайин чок умуртқаси чўзилаверди.

— Яхши, — деди колония ходимаси, — лекин ҳайратланарли эмас.

— Э, ҳеч бирингиз ҳақиқий чок билан ҳақиқий истеъдоднинг фарқига бормайсиз, — куйиниб сўзлади Аслиддин. — Айримларга игнадан ип ўтказишни ўргатганимча эсим кетади.

— Бошини мажақлаб ўлдирганга тўрт йил беришмаса керак, Розия опа? — деди Ҳусан колония ходимасидан. — Ундан кўп беришади. Камида саккиз йил.

— Бе-е, бу қиз тўрт йил тугул, уч йил ҳам ўтирмайди, икки йилга қолмай қўйиб юборишади, — қўл силкиди ходима. — Қасддан бошини мажақлаган эмас, ўзини ҳимоя қилган. Тушунарлими?

— Вой-бў, — деб нари кетди Хусан. — Ўзини ҳимоя қилиш учун бир бечоранинг миясининг қатигини чиқарган бўлса, жаҳли ёмон экан.

Ҳилола унинг гапига парво қилмасликка уринди. Кеча онасига қамоқда уч йил ўтирмаслиги, икки йилдан сўнг чиқиши мумкинлиги ҳақида офиз очганди, колония ходимаси ҳам ҳозир кўнглидаги гапни гапирди. Дўзахда кўп қолиб кетмайди, умидвор эди у. Панжара ортида яшаётган ҳар бир маҳкумага сабр ёрдам берарди. "Эй Худо, қачон чиқар эканман?" деб кун санаб юрганларга ҳам, "Қамалганимга беш йил бўлибди", дея бош чайқаб қўядиганларга ҳам сабр керак эди. Сабрсиз бир соат, бир кун қамоқда ўтириш гўр азоби эди.

Ҳилола ўшанда биринчи иш кунини якунлаб, олтинчи баракка қайтгач, электр чойқайнатгичда қайнатилган чойдан ҳўплаб, каравотдоши берган қандни шимиб, суҳбатлашиб ўтирди. Маҳкумалар уйдан келтирилган қанд, парварда, майиз каби бирор егулик билан бир-бирини меҳмоң қилишарди. Ҳилола кеча кўпчиликни сийлади, бугун самарасини кўрмоқда.

Бироқ бор-будини тарқатиб юбориши танқидга учради:

— Кейинги сафар қандларингни асраб қўй, чой ичаётганда ўзингга керак, — деди каравотнинг биринчи қаватида ётадиган хотин. — Қамоқда жисмоний кучинг, тилинг, айёрлигинг, пулинг бўлса яхши яшайсан. Латталар ажалидан беш кун бурун ўлиб кетади. Ҳув анави хотинни кўраяпсанми?

Ҳилола қайирилиб қаради. Эллик ёшлардаги касалманд маҳкума каравотлар оралаб кийим йиғиб юрарди.

— Ушанга ўхшаб бирор тансиқ егулик, сигарета-пигарета илинжида кийимларини ювиб, малайлик қиладиган бўлиб қолма, демоқчиман-да.

Баракда егулик сақлаш ман этилган эса-да, маҳкумалар узун, совуқ кечаларда қоринни алдаш учун макко-

рона услублар қўллашларини Абадиян турмасида ётгандаёқ Ҳилолага сўзлаб беришганди. Бироқ томоқ ғамида кўз кўриб, қулоққа чалинмаган ишларга қўл уришларини тушида ҳам кўрмаганди. Ҳозир баракда ичаётган чойи электр чойқайнатгичнинг каромати. Чойқайнатгични баракка яширинча олиб киришган бўлиб, сув қайнатишдан ташқари, ҳатто овқат ҳам пиширишарди. Алалхусус, буханка нондан "хоним" тайёрлашларини кўриб, аёллар ҳар ниманинг иложини топишларига ҳайратланди. "Хоним" учун буханка нон, бир неча дона картошка, пиёз, шолғом, сариеғдан бир кесим топиш лозим. Чойқайнатгичда сув вақирлатиб қайнатилади. Унинг устидаги металл косада "хоним" пишади. Албатта, устини клёнка билан ёпиб, бугга димлашади. Ҳилола шанба куни ўз кўзи билан кўрди: ошхонадан ўғирлаб чиқилган буханкаларнинг ички, юмшоқ қисми косага хамирдек ёйилди. Картошка, пиёз, шолғом бир текисда тахлаб чиқилди. Сўнг сариеғ суркалиб, яна буханканинг юмшоғи билан ёпилди. Шу тариқа қават-қават қилинган, идиш клёнка билан чирмаб ташланди-да, чойқайнатгич токка уланди. Бир соат ўтган, баракдаги бир неча хотин энг ширин таом — қамоқхона "хоним"ини маза қилиб ейишди. Бошқалар ҳам шундай таомни пиширишлари учун ошхонадан картошка-пиёз ўғирлашлари ё ошпазлардан ундиришлари, сариеғ топишлари, ҳар кеч кийим орасига ёки кружка ичига нон бекитиб, баракка ғамлашлари зарур эди. Чойқайнатгич ёинки "хоним" масаллиқлари ила қўлга тушиш ҳарҳолда пичоқ билан қўлга тушишдек жазоланмаса-да, "шахсий варақа"даги салбий баҳоларни гуллатарди. Охир-оқибат, карцерга қамалиш, қўшимча жисмоний меҳнатга маҳкум этилиш, тўрт ойгача учрашувдан маҳрум бўлишга олиб келарди. Ҳилола бир аёл буханка юмшоғини этиги ичига солиб назоратчиларни алдаганини кўриб, ундан нафратланиб кетди. Колония овқатига қаноат қилмаган хотинлар нонни оёқлари остига яшириши нимаси? "Хоним" ейиш учун азиз нонни босиш... Ҳилола ўла қолса ҳам

бундай жиноятга кўнмасди, агарда колонияда маҳкумаларга овқат умуман пиширилмаса ҳам.

Иллюзионистка бир неча марта узоқдан маъноли-маъноли қараб қўйди. "Кутурганлар" барагидаги маҳкумаларнинг ўз ошхоналари, ўз истироҳат майдонлари бор эди ва улар камдан-кам ҳолатларда "олтинчи" барак билан тўқнаш келарди. Бир куни Ҳилола колония майдончасидаги ўриндиқда тоза ҳаводан симириб ўтирганида, рўпарасида Иллюзионистка пайдо бўлди ва гап қотди:

— Ҳилола, ошхонанглардаги ошпазлар сенга миқ этмай қўйишди. Кўрдингми, мен айтдим, улар қуллуқ қилишди. "Зона"га келган кунимиз нима деганим ёдингдами? "Лаъати колониянгга етмиш бешта тобут буюртма бер!" Ҳалигача куч-қудратимга ишонмаяпсан-а? Тўртта "холостой" ўқ, бешинчиси эса ҳақиқий. Аммо ҳақиқий ўқни отиш учун автомат затвори қайтадан тортилиши даркор. Нима демоқчи эканимни тушундингми? Биз улгураимиз. Яқинда қувурлар қазилади. Худо қарғаган қамоқхоналарига сув келиш тўхтайд.

Ҳилола унинг ғалати гапларидан довдираб, индамай ўтираркан, кимдир чақириб қолишини интизор кутди.

— Ҳилола, бу ёққа чоп! Хушхабар бор! — деди маҳкума қизлардан бири.

Ўрнидан турган ҳам эдики, Иллюзионистка енгидан тортди.

— Дугоналаринг колонияга келишди, — деди у. — Сенга тузоқ қўйилади. Тезроқ қочишнинг йўлини ўйла. Йўл менман. Ҳа, мен, мен.

Не тонгки, Иллюзионистка "дугона" масаласида алаҳсирамаган экан. Маҳкума қиз "карантин"дан олтинчи баракка тўртта янги хотин-қиз келганини айтди. Ораларидан бири "Баҳромова Ҳилола деган қиз борми? Биз Абадиян турмасида битта камерада ётганмиз, дугона эдик", дебди.

— Қани? — баракка кирди Ҳилола.

— Учинчи қаторга қара, иккинчи отряднинг каравотларининг энг охиргисига, — қўли билан кўрсатди маҳкума. — Ана, "катта"лар қаққайган жойда.

Янги келганларнинг ёнида колония бошлигининг ёрдамчиси билан отряд бошлиғи кўринди. Ҳилола бошлиқларнинг гапини қовоқ уюб тинглаётган маҳкумалардан бирини таниди. У Мақсуда эди. "Хўжайин"лар кетишгач, Ҳилола каравотдан тушиб, янгилар томон юрди. Мақсуда адёлни текислаётиб Ҳилолани кўрди, аммо танимаган одамдек қовоғидан қор ёғиб, юмушида давом этди.

— Мақсуда, яхшимисиз? — қучоғини очди Ҳилола.

— Яхшимисиз? — истар-истамай кўришди Мақсуда.

— Қачон келдингиз?

— Бугун, — пешанаси тиришди Мақсуданинг.

Ҳилола буткул ўзгариб қолган қизга тушунолмади. Бир жиҳатдан, у билан колонияда дугона тутинмоқчи эмасди, шунда ҳам кўнглига оғир ботди.

— Баракка бугун келганингизни кўриб турибман, Абадиянда бунча кўп ушлаб қолишди, шунга ҳайронман.

— Ҳа, томи кетганлар шунақа қилишди. "Карантин"да ҳам кўп ушлашди. Янги қоидалар чиққанмиш. Лекин биздан кейингиларга амал қилмади аҳмоқона қоидалари. Ўлсин, менга фарқи йўқ.

— Судингиз... Қанча беришди?

— Тўрт йил.

— Мен ҳам тўрт йилман.

— Биладан.

— Сойгул опа бир йилга қамалди, деб эшитдим, афсус, бошқа баракка тушибди-да, а? Кўринмайди.

— Иккинчида, — деди Мақсуда совуқ оҳангда.

— Тавба, нега иккинчида?

— Менинг қўлимда эмас-ку, Ҳилола! — қизарди Мақсуда. — Бу ерда кўп бўлмайман, уйдагилар чиқариб олишади. Ҳеч кимни ўлдирмаганман, ноҳақ қамалдим.

Ҳилола нари кетди. Мақсуда Нурия опасига ҳеч ҳам ўхшамаслигини ўйлади ва Абадиян турмасига келган куни янглишганига ҳайрон қолди. Шу тобда бу қиз эшик қўнғироғини босганда, уй эгаси худди Ҳилола каби кимгадир ўхшатиб эшик очгандек туюлди. Ман-фур босқинчи панадан отилиб чиққан-да, уй эгасига ташланган. Мақсуда ваҳшийларча ўлдирилган одамни эслармикан? Ёки дарду хаёли фақат ва фақат қамоқдан чиқишми? Бир инсоннинг ўлими қанча яқинларига оғир мусибат, Ҳилола туман ички ишлар бўлимидаги Жамола исмли конвойчи хотин бир кунда оиласидан жудо бўлганини ўйласа, ҳар гал юрак-бағри эзиларди...

Ҳа, нима ҳам дерди, Ҳилола ота-онаси Мақсудани тез орада қамоқдан чиқаришига ишонди. Шу важдан қотилнинг шериги ўзига бошқаларни тенг кўрмай қолдими? "Сизлар қамоқда йиллаб ётадиган бечораларсиз! Мен яқин-орада кетаман..." — демоқчи-да.

Бошқа бир куни Сойгул билан Шокирани кўрди. Гаплашишга имкон туғилмаса-да, қўл силкиб, жилмайиб қўйди. Шоқира нотўғри укол қилиш оқибатида норасидаларни ўлдириб қўйган эмасми, Ҳилола уни иккинчи баракдагилар худди сариқ сочли қотил аёлни жазолашгандек қийнашади, деб қўрққанди, йўқ, маҳкумалар эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларни аяшди: Шокиранинг сочи юлинмади, кўзи кўкармади, ташқарига яланғоч қувилмади. Эҳтимол, ҳамширанинг бир қарич тили, отникидек юраги ҳам хиёл иш бергандир.

Бирпасда яна якшанба келди. Ҳилола кунларни санамай қўйди. Кейин ҳафталар ҳам лип-лип, сездирмай ўтди. Озодликдаги бахтли кунларида шундай эди. Бир қараса қиш, бир қараса ёз. Фасллар гўё кўз илғамас даражада тез алмашарди, алмашаверарди.

Ноябрь охирлаб, қиш эшик қоқаётганда Ҳилола колония ҳаётига анча кўниккан ғамгин, камгап, меҳнаткаш маҳкумага айланган эди. Бир куни колония

ошхонасининг орқасидаги майдонда экскаваторлар ишлай бошлади. Хожатхона жўмракларида сув тўхтади. Иллюзионистка нимага писанда қилганини ўйлаган Ҳилола хавотир исканжасида қолди. Руҳий касалми, жодугарми? Ёки бўлмаса, барча гаплари чин йирик жиноятчимми? Озодликда унинг тиллаларидан умидвор юрган шотирлари бугун-эрта қамоқдан қутқаришса, орзуси ушалади, лекин минг бир азоб ва хунрезлик ила етишган бойлигини нима учун Ҳилолага ҳадя қилмоқчи? Ташландиқ тилла конидан топилган ёмби учун бир эмас, етти кишининг ҳаётига зомин бўлишда гумон қилинган аёл йигирма ёшли маъсума қизга нега меҳрибон? Ёш қиз унинг қандайдир янги жиноятига хомашёмикан?

Аксига олиб, кир ювиш хонаси олдидаги майдончада Иллюзионистка йўлини тўсиб, шивирлади:

— Шовқинга қулоқ сол, ер қазишяпти. Оддий қилиб айтганда, қамоқдан қочишга тайёрмисан?

— Зубайра опа, атроф тўла аскарлар, баланд деворлар, итлар! Қўйинг шунақа гапларни!

— Аскар, девор, ит учун йўқ деяпсанми?

— Мен қочмайман!

— Астароқ, қизалоқ, астароқ! — лабига бармоқ босди Иллюзионистка. — Соқчи ҳақиқий ўқ отишга улгурмайди. Немис концлагеридан қочаётганимиз йўқ-ку, дарров бизга жанговар ўқ узишса! Барибир аёл киши лапанглаб қаёққа ҳам борарди, деб дарвозадан айланиб келишгунча соатига бир юз қирқ километр тезликда "Волга"да кетаётган бўламиз.

— Опа, орамиз очиқ, — ниҳоят, шартта кесди Ҳилола.

— Бизнинг баракка тушган Сойгул билан турмада қалин бўлгандинг, унга раҳминг келмайдими?

— Сойгул опанинг нима дахли бор?

Иллюзионистка оғзини очган эди, лезвиянинг бола тирноғидек синиғи қизил тил устида оқариб кўринди. Ҳилола қамоқдагилар оғзига лезвия яширишига ишон-

масди. Тилиними, лунжиними кесиб юборади, деб ўйларди. Қарасаки, бутун лезвияни оғзига солишмас экан, тирноқча бўлаги ҳам кифоя эди.

— Сойгул опани ўлдирмоқчимисиз? — Ҳилола қўлини силтаб-силтаб гапирди. — Нечта боласи борлигини, қандай яхши аёл эканини биласизми? Мени мажбур қилманг! Сизни сотишга мажбур қилманг! Йўқ-йўқ, бу сотиш эмас! Одамхўрнинг режасидан бошқаларни огоҳлантириш!

— Чакагингни юм! — Иллюзионистка Ҳилолани бурчакка судраб, чап қўлини омбурдек қисди-да, лезвия тигини жонбахш томир устига қўйди. — "Зона"да биров "қора рўйхат"га тушса, у албатта йўқолади, уқдингни? Сенга ҳам, Сойгулга ҳам қасд қилмадим, мана, тириксанлар! Қасд қилмайман ҳам! — У қонсиз билакни бўшатди. — Таклифимни қайтарма, Ҳилола! Менга қиз бўл! Сойгулнинг эри ўша маъшуқасига уйланибди. Қамоқдан бир кунгина чиқсам, мени қаматган кундошимни ўлдирардим, деяпти. Сенингча, бир бузуқини калтаклаб қамалса-ю, кейин бузуқи унинг эрига турмушга чиқиб, болаларига она бўлиб олса, ким чидайди, айт!

— Сойгул опанинг эри уйланибдими?

— Ишонмасанг ўзидан сўра. Қишлоқдаги лақаби Радио экан. Ўзи ҳақидаги нохуш хабар тарқатадиган радиостанцияни кўрганмисан, деб биров сўраса, "кўрганман", де.

— Қамоқдан қандай қочмоқчисиз?

— Экскаваторчилар орасида одамим бор. У битта ҳовлининг пулига ёлланган. Қувур қазишаётганида, икки лаҳмчини тупроқ тагидаги ковакда қолдиради. Лаҳмчилар бир кеча-кундуз деганда "зона" девори тагидан тешиб ўтишади. Биз ошхонадаги канализация қувуридан тушиб, лаҳмга етиб оламиз. Девор орқасидаги шўр босган тиканзордан чиқиб, тиканли симларгача судралиб борамиз. У ёқда одамим кутиб ётган бўла-

ди. Тиканли симларни узиб, қамиш босган сассиқ кўл томонга йўл очади. Сўнг асфальт йўлгача балчиқлар оралатиб йўл бошлайди. "Волга"га ўтириб, айланма йўллардан чўлга кетамиз. Чўлдаги "совхоз" марказида нафас ростлаб, кийимларни алмаштириб, қалбаки ҳужжатлар билан яна йўлга чиқамиз. Аввал Қозоғистонга, кейин... Йўқ, у ёғини айтмайман. Жуда қизиқсанг, энг охирини билишинг мумкин. Биз Америкада яшаймиз. Калта юбка кийиб юрасан, денгизларда чўмиласан, университетда ўқийсан, машинанг бўлади, хоҳлаган йигитинг билан севишасан. Она сифатида ҳаммасига рухсат бераман. Ҳатто йигитинг билан Гавайи ороллари борасан. Пулдан муаммонг бўлмайди. Эҳ, бу мен орзу қилган ҳаёт! Эришолмадим! Нафақат пулларимни, ҳаётимни ҳам сенга бермоқчиман, Ҳилола! Менга насиб этмаган ҳаётда сен яшайсан. Орзуларимдаги ҳаётда яшаётганингни кўрсам, ҳузурланаман, сен сен эмас, мен бўласан.

– Ўзимнинг уйим, ўзимнинг ҳаётим...

– Сенда ҳеч вақо йўқ! Қамоқдан қачонлардир чиқсанг, ўлай агар, эс-ҳуши жойида йигит уйланмайди сенга! Пешанангга "Қамалган қиз" деган тавқи лаънат ёпиштирилган! Умринг ё фаррошлик, ё фоҳишалик билан ўтади! Кимга садоқат кўрсатиб, хор бўлмоқчисан? Ўтмишингни унутсанг, жаннатга эришасан, ҳой қиз! Ҳаммасидан кеч! Ва менга қўшил!

– Мақсадингиз бошқа! Биздан фойдаланмоқчисиз! – деди Ҳилола.

– Биринчидан, қочишни менга қўйиб бер! Иккинчидан, икковингдан ҳам қамоқдан қочишда фойдаланиб бўлмайди, аксинча, менинг соямдан қолманглар! Менсиз қўлларингдан нима иш келади ўзи?

– Сойгул опа бир йилга қамалган. Эри уйланган бўлса, қизиқ устида айтган-қўйгандир. Барибир қочиб кетолмайди, қўлга тушади, беш йил муддат қўшиб юборишади, кейин ўзини осади.

- Моҳбиби мўлтониға ўхшаб фолчимисан?
- Буладиган гапни айтдим.
- Қочмайсанми?
- Йўқ.
- Унда... – Рўмолини қайтадан боғлади Иллюзионистка. – ...мени қачон сотмоқчисан?
- Сойгул опани ўлдирмоқчи, деб ўйладим. Энди ишим йўқ.
- Бу ёққа юр, – Иллюзионистка уни колония ҳовлиси ўртасидаги ўриндиққа эргаштириб келди.
- Кир ёяётган маҳкумаларнинг айримлари низо чиққангани сезиб, иккисига зимдан қараб қўйишди. Баъзи хотинлар сарғайган заҳил юзларини офтобга тутиб, битта сигаретни навбатма-навбат тортиб ўтиришарди. Ҳув нарида ўн чоғли маҳкума янги келганни қуршаб олишган: турткилашаяптими, устки кийимларини тортқилаб ечишаяптими, билиб бўлмасди.
- Эй, саккизинчи отряд! – ўшқирди кружкасидаги сувни сепишга чиққан колония ходимаси. – Нима қилаяпсанлар уни? Қани, тарқал!
- Хафалашмаяпмиз, тартиб-интизомни ўргатаяпмиз, – дейишди маҳкумалар. – Асфальтга pista пўчоғини ташлабди.
- Қаранглар-да! Бир гап бўлса, биринчи қор ёққан куни соат тўртта туриб, "зона"нинг қорини курайсанлар! – колония ходимаси кружкасини тозалаб, хизматчилар хонасига кириб кетди.
- Мендан нимани сўрамоқчисан? – Иллюзионистка Ҳилоланинг елкасига қўл ташлади. – Энди мен билан ишинг йўқ экан, юрагингдаги саволларингни бемалол беравер. Турмада орқамдан сени "қулоқ"лика қўйишганди, яширма, бола! Сен ўйлаган анойилардан, погончилар ўйлаган савдойилардан эмасман.
- Умрингизда қанча одамни ўлдиргансиз?
- Етгита қотилликда айблашган, учта мамлакатнинг сохта фуқароси дейишган. Айтишларича, ташландиқ

тилла конидан топилган ёмбидан ташқари бир сандиқ тилла тақинчоғим бор эмиш. Бу маълумотлар ёлғон. Ҳеч кимни ўлдирмаганман. "Ўғрини қароқчи урди" деган мақолни биласан. Мен ўғриларни лаққа туширганман, бор гап шу. Ишонмасанг, ўйлаб кўр! Аёл бошим билан еттита одамни қандай ўлдираман? Беш кишини тупроқ босиб қолган экан, менинг гуноҳим нима? У бир бахтсиз воқеа эди. Асранди қизим-чи? Олтинчи қурбонимми? Бундан чиқди, мен уйимда ўтирган ҳолда юзлаб чақирим наридаги одамни осиб ўлдиरोлманми? Иллюзионистка иллюзия ёрдамида ҳақиқий ҳаётдаги сиртмоқни боғлашга қодирмас, ҳа, қодирмас. Мен фақат еттинчини бўйнимга олдим. Аслида ўша йигитни ҳам ўлдирмаганман. Қамалишим керак эди, қамалдим.

— Ўлдириб қўймасликлари учун атайин қамалганман, дегансиз. Сизни қутқармоқчи эканларига қандай ишонай?

— Биринчи гуруҳ ўлдирмоқчи, иккинчи гуруҳ халос этмоқчи, тушундингми?

— Тушунмадим, — деди Ҳилола. — Сиз кимга керак бўлсангиз, ўшалар қамалишдан қутқармоқчи эдилар. Мабодо нафи тегмай, қамалиб кетсангиз, қамоқдан ёлғиз ўзингиз қочишингизни айтгандингиз.

— Узр, бир оз янглишдим. Биринчи гуруҳ пулларимни тортиб олиш учун таъқиб қилганида, қамоққа тушиб, қутулдим. Иккинчи гуруҳ оқ кўйлак, қора костюм, жигарранг дипломатли нусхалар эди. Улар судда менинг ғалаба қозонишимга ваъда беришганди, ўхшамади. Қотилликни бўйнимга олиб, қамалишдан бошқа иложим йўқлигини тушундим. Учунчи гуруҳ ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар. Барибир мени қутқаришади. Мана, жонимга оро киришмоқчи. Ёрдам берса, барака топади. Улар юҳодек оч, аммо мен эркакдан ҳам мард аёлман, пулларимни аямайман.

— Пулларингизни олиб, ўлдириб юборишса-чи?

— Итни алдаш учун бир бўлак гўштнинг ҳаммасини олдига ташлайсанми ёки оз-оздан бериб, маррагача думини ликиллатишга мажбурлайсанми? Албатта, оз-оздан берасан. Ақлингга ҳам, иродангга ҳам балли. Анча ўзгарибсан, Ҳилола.

Иллюзионистка меҳр билан қучган эди, Ҳилола унинг оғушидан чиқиб, совуқда қизарган бурнини тортиб, деди:

— Афсуски, Зубайра опа, мен қамоқдан қочадиган қизлардан эмасман.

— Хаҳ-хаҳ-ха-а... Хиҳ-хиҳ-ҳи-и... — кулди Иллюзионистка. — Қамоқ сирларидан беҳабарсан-да, қизим! Қамоқдан қутулишни тўлиқ айтганим йўқ. Икки лаҳмчи қандай қилиб ер остидаги ковакда қолади, ўйлаб кўрмадинг-а? Қувур қазилаётган жой "зона"нинг ичкарисини бўлмаса ҳам, тиканли сим билан ўралган ихота ҳудуди. Ишчилар санаб киритилади, санаб чиқарилади. Юзингга битта тарсаки тушириб, битта дўқ қилишса, тамом, гапларимни оқизмай-томизмай милицияга айтасан. Бунинг учун сендан хафа бўлиш керак эмас, чунки қалбинг тоза, ёш, гўр, ҳуркак қизсан. Йўқотадиган нарсаларинг ҳам кўп.

Шу пайт ўртага олинган янги маҳкума зорланиб ялинди.

— Анавиларни қара! — деди Иллюзионистка. — Бечоранинг юрагини ёришяпти. Ўрнида бўлганингда сен ҳам қўрқардингми?

— Ҳа, — деди Ҳилола қашқирлар даврасида изиллаб йиғлаётган кўзичоққа раҳми келиб. — Одам қиёфасидаги, айниқса, аёл қиёфасидаги ёвузлардан қўрқаман.

— Болаларча фикрлаш!

— Бола ҳолимча қолганим яхши.

— Биринчи марта қамалганимда мени ҳаммомга судраб киришган. Шўронинг энг чекка, энг даҳшатли турмасида ётганман. Қанча аёллар ўлиб кетишган у

ерда! Ҳозиргилар эса чимчилашса ҳам кўз ёш тўкишадди. Сени кўз ёш тўктирмасдан олиб чиқаман бу ердан. КЭС нима эканини биласанми?

— Йўқ.

— Кўчма электр станцияси. Яъни "движок" дейишадди...

Ҳилолани отряд бошлиғи чақирди. У ўрнидан турган эди, Иллюзионистка енгидан тортиб:

— Баскетбол ўйнашга қалайсан? — деди.

— Баскетбол?

— Чап томонга, буғ чиқаётган деразадан эллик қадам нарига қара!

Дарҳақиқат, ғиштли деворга ўрнатилган баскетбол саватчасига кўзи тушди, оқиш тўри осилган. Қачон ўрнатишганини пайқамабди. Юрак-бағрига алланечук илиқлик югуриб, ўпкасини тўлдириб ҳаво ютди. У қамоқхонада ўзи учун қадрдон нарсани учратганидан хуррам эди-да.

— Мактабда баскетбол мусобақаларида қаҳрамонликлар кўрсатганингни билган куним қанчалар севинганимни тасаввур ҳам қилолмайсан, — деди Иллюзионистка. — Омад эди, омад!

— Сиз ҳам баскетболга қизиқасизми?

— Тирноқча ҳам қизиқмайман, — яна илжайди Иллюзионистка. — У сенга керак, менга эмас.

— Бахромова! — бақирди отряд бошлиғи.

Ҳилола бошлиғи томон шошилди. Ўша куни уларнинг отряди кечки сменада ишга чиқиб, ярим тунгача кўрпа жилдларини тикдилар. Қувонарлиси, кечаси ишлаганларда эрталабки ола-говур, жисмоний тарбия машқлари, ювиниш ва нонушта муаммоси йўқ эди. Чошгоҳгача ухлашарди. Кейин ҳар ким ўз иши билан банд бўлар, кечқурун яна ишга жўнашар эди. Фабрикага ҳаддан таш-қари кўп буюртма тушиб, тунги смена ташкил қилиниши ҳеч кимга ёқмаса ҳам Ҳилолага маъқул келарди. У кечаси эмин-эркин ишлар, тикув дастгоҳи олдида жамики ташвишларини унутарди.

Биринчи маошни оладиган кунлар ҳам яқинлашиб қолди. Кўп ўтмай Мақсуда ҳам цехга чиқди. Урталарида совуққина ҳол сўрашдан бўлак ришта қолмагани. Ҳилола фабриканинг биринчи қаватидаги омборхонага цехдаги тайёр либосларни ташишга тушган кунни Сойгулни ҳам учратди. Муаллима чўпдек озиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб қолганди. Кўзлари йиғидан эмас, касалликдан қизарганга ўхшарди.

— Эрим уйланибди, — йиғлаб юборди Сойгул. — Кимга де? Мени қаматган ифлосга! У ҳозир менинг уйимда... менинг ўрнимда... Болаларимни энамлар олиб кетган экан, эрим қайтариб келибди. Мен... мен уни ўлдираман! Қамоқда юрганимда, болаларимга, ҳеч бўлмаса, ота керак, майли, эримга пичоқ кўтармайман... Сен... сен, Ҳилола, нега кўнмадинг?

— Нимага кўнишим керак? — ўзини тушунмаганга олди.

— Бизнинг баракдаги Зубайра опа сен билан гаплашган экан-ку! Учаламиз...

— Йўқ-йўқ, у соғ эмас, Сойгул опа! Илтимос, алаҳсирашларига ишонманг! Тақдирингизга тан бериб, бир йилни тинчгина ўтказинг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қамоқдан қочиб бўлмайди. Қочган тақдирингизда ҳам...

— Демак, "йўқ" демоқчисан?

— Зубайра опа хавфли аёл! Асли кимлигини ҳеч ким билмайди! У бор ҳолингизни ҳам йўқ қилади.

— Сенсиз кетмоқчи эмас, — муаллима Ҳилоланинг ёқасидан бўғди. — Битта сенга қараб қолдик!

— Сойгул опа, бўлмагур гапни қўйсангиз-чи! Сизни нима жин урди? Наҳотки, "зона"дан қочишнинг иложи бор, дейсиз?

— Одам эмас экансан! — илон каби вишиллади Сойгул. Аслиддин ва Ҳусан уларни кўриб қолишди.

— Ҳей, чўқилашманглар! Қани, цехларингга марш! — дейишди усталар.

Ҳилола узоқ ўйланди. Нима қилса экан? Балки Сой-гулни олтинчи баракка ўтказишни бошлиқлардан сўраб кўрар? Иллюзионистканинг барча кирдикорларини бирин-кетин очишга тўғри келса-чи? Унинг оғзидаги лезвияни ўз кўзи билан кўрди. Қаттиқ режимли қамоқхонага сургун қилишмаса-чи? Яна қотилликми? Жиноят бобидаги устамонлигига оддий маҳкумалар қарши турулармикан? Бировнинг бошига етмаса қўймайди жонташна.

Эртасига учинчи сменага чиқаётиб, эркак ходимлар ускунага ўхшаш оғир нарсани колония ҳудудидан фабрикага ўтказишгаётганини кўриб, Сараевадан унинг нималигини сўради.

— Движок, — деди гуруҳ бошлиғи.

— Нима қилади?

— Нима қиларди, кечаси цехда ток ўчиб қолса, ишла-тади-да. Йилнинг охирида электрга ишонч йўқ.

Ҳилоланинг қулоқларида Иллюзионистканинг овози такрорланди гўё: "Кўчма электр станцияси... Движок... Движок..."

— Ҳаммасини олдиндан билаяпти, — деди Ҳилола ўзига ўзи. — У телба ҳам, иллюзиячи ҳам эмас, ўз тўдасидан узилиб қолган, қўли узун ёвуз жиноятчи.

Эсида, чоршанба эди. Цехлар буюртмаларни бажариб, маҳкумалар фақат икки сменада ишлай бошлаган совуқ, туманли кун. Қиш кириб келдими, маҳкумаларнинг оғзидан Янги йил тушмасди. Айтишларича, ўттиз биринчи декабрь куни колонияда ош қилинар эмиш. Ошхоналарни тансиқ таом ҳиди тутгани етмагандек маҳкумаларнинг яқин-атрофдаги қариндошлари турли егуликлар ҳам келтиришармиш. Ҳатто, колония ҳовлисида таниқли хонандалар концерт берармиш. Улар кетгач, маҳкумалар байрамни баракларда давом эттиришармиш. Колония бошлиқларининг кайфияти яхши бўлса, тунги соат биргача ётмасликка рухсат берилармиш. Аёлларнинг "Отбой соат бирда! Ур-е, отбой соат бирда!" деган қувноқ садолари ёйилармиш...

Девор ортидаги янтоқзорда таъмирлаш якун топган, трактор ва экскаваторларнинг овозлари тинган эди. Иллюзионистканинг қорасини кўрмай қўйган Ҳилола ҳар доимги ширин хаёлларини — қачонлардир қамоқдан чиқиб, ҳурлик ҳавосидан симиришни дилдан фориғ қилмай кечлик овқатга тушди. Васлини ўлдирмагани сабабданми, уни деярли унутиб юборган эди.

Кутилмаганда маҳқумаларга иккинчи ошхона томон юришни буюришди. Бу ердаги йўлак тор эди, маҳқумаларнинг тиқилинчи қорайди.

— Имилламанглар! Юринглар тез! — Навбатчи ходимлар бақир-чақир кўтаришди.

— Юраяпмиз-ку, намунча! — эътирозлар эшитилди.

— Шанғиллама! Тезлаш деяпман! — Ҳар кунгидан асабий эди хизматчилар.

Ҳилола ошхонага кириб, қўшни столда ўтирган иккинчи барак маҳқумаларига кўзи тушди: адоий тамом бўлган сариқ сочли хотин, ҳамон ўзгармаган Иллюзионистка, тажанг Сойгул, кўзларини лўқ қилган Шокира, қадларини бир хил букчайтириб пичирлашаётган, яқинда Абадиян турмасидан келган Норбуви, Зайтуна. Шу тобда Ҳилола Сулаймонтепа аёллар колониясидан Абадиян турмасига қайтгандек енгил сесканди.

Картошка, мақарон ва карам солинган серсув шўрва тортилгач, апил-тапил овқатланишди. Маҳқумалар ўринларидан гуррос туришганда Иллюзионистка Ҳилола томон бошини буриб, ўқрайди.

— Биздан узоқлашма, — пичирлади Сойгул. Ёнига унинг қандай келганини Ҳилола пайқамай қолди. — Ариза ёздик, иккаламизни ҳам олтинчи баракка ўтказишмади. Энди сен бизга ўтасан!

— Ўтмайман, — деди Ҳилола тирсагини тортиб. — Нималар бўлаяпти сизга, Сойгул опа? Бу.. нима керак?

— "Икки" билан "олти"нинг отрядлари! — ҳайқирди дўриллоқ овоз. — Аралашманглар! Аввал "Олтинчи" чиқиб кетсин!

— Нонни тиқдим этикка, ёр-ёр, ёрон-ей, — иккинчи баракнинг турқи совуқ маҳкумаси Ҳилолага қараб хиргойи қилди. — Этиккамас, этакка, ёр-ёр, ёрон-ей! Нонни берсам баракда, ёр-ёр, ёрон-ей, Шу қизчага керак-да...

Ҳилола кўзини чирт юмди. Колонияни маҳкумаларнинг жўровоздаги қийқириғи тутди. Ҳилола кўзини очди. Очди-ю ҳеч нимани кўрмади, талотўп уни бир бурчакка қисиб қўйди. Чироқ ўчиб қолган эди. Назарида қамоқхона ер қаърига равона бўлгандек ва ҳар ким жон сақлаш учун ўзини тирқишларга ураётгандек эди.

— Тўхтанглар! Тартиб билан! — бақирди ходима.

Қўл фонарлар ёқилди. Ола-чалпоқ ёруғда кўриндики, ёрдамга келаётган милиция ходимлари ошхона ичкари-сига ўтиладиган томонни занжир каби тўсишмоқда.

— У ёққа ўтсанглар ошхонанинг орқа ҳовлисидаги ювиндихонага чиқасанлар, "ремонт" бўлаётгани учун ҳаммаёқ ўйилиб ётибди, — шангиллади турқи совуқ маҳкума. — Деворнинг мазаси йўқ. Ҳандаққа тушсанг, тамом, деворнинг нариги томонидасан! Лекин ким қочади? "Бузоқнинг қочгани сомонхонагача, ёмоннинг қочгани Омонхонагача", дерди раҳматли энам. Қиш бўйи чироқ ана шундай ўчиб турса, буханкани мўлкўл ўғирлаймиз!

Икки юздан зиёд маҳкумани икки баракка кузатиш, биттама-битта йўқлама қилиш электр ўчган колонияда осон эмасди. Ҳилола кружкасини кўксига босиб, оқим бўйлаб туртиниб-суртиниб зинага юрган чоғ кучли қўллар елкасига ёпишиб, силтаб тортди. Йиқилган маҳкумалар орасида эркакча сўкинишлар эшитилди. Кимдир тарсаки еди шекилли, "Вой!" дея қарғанди, қоронғида дуч келганга жавоб қайтарди, қарғишлар кўпайди. Аскарларни ёрдамга чақирмаса, бўлмайдиганга ўхшаб қолди.

— Ҳилола, бу мен — Сойгулман! Тезроқ! Бу ёққа!

— Қаерга кетаяпмиз?

— Жим! Гапирма! — деди иккинчи овоз. Бу — Иллюзионистка эди.

Ҳилола барчасини тушунди: қоронғиликдаги олаговурдан фойдаланиб, улар таъмирланаётган бўлимдаги тўсиқдан ўтишмоқчи. У ёғи колония орқасидаги тиканли симлар билан ўралган майдон. Бу майдон соқчи минорасидаги аскар кузатувида. Мабодо қоронғиликда аскар пайқамай қолса, тиканли симгача етиб боришади, кейин озодлик.

— Мен ўлишга кетаяпман, — ҳансиради Сойгул. — Кундошимни бир ёқлик қиламану ўзим ҳам ўламан! Сен эса қамоқдан қутуласан! Чет элларда яшайсан! Нега қўрқасан-а? Жон-жон деб кетавермайсанми?! Қамоқни елкангнинг чуқури ҳам кўрмайди-ку!

"Ҳечам озодлик эмас, — Ҳилоланинг хаёлида чақин чақнади. — Қочоқ учун озодлик йўқ! Қачонки, унга озодликни ўзлари беришсагина..."

— Кимлардир нариги томонга ўтди! Қайтаринглар! — орқадан навбатчининг овози янгради.

Ҳилоланинг юраги товонига тушди. Энди оти қочоқми? Ҳеч бўлмаса, қочишга уринган маҳкума!

— Қўйворинглар, — ялинди у Сойгул билан Иллюзионисткага.

Идиш-товоқ ва қутилар орасидаги тор йўлакдан ўтиб, очиқ ҳавога, колониянинг бир парча ҳовлисига чиқишди. Олдинда тупроқ ва шағал уюми, темир-терсақлар кўлкаси, баланд девор.

— Жиннилик қилма! — Иллюзионистка Ҳилолани олдинга бошлади.

Кўз очиб-юмгунча девор тагидаги лаҳмдан ўтишди.

— Кетмайман! — пойдевор қиррасини қучоқлади Ҳилола. — Ундай қилолмайман, Зубайра опа, Сойгул опа!

Қувиб келаётганлар йўл-йўлакай қутиларни ағдариб юборишди. Барак йўлакларидаги юзлаб маҳкумаларнинг шовқин-сурони, ташқарида итларнинг вовиллаши оламини тутди. Ниҳоят, тревога сигнали ҳавони

ёриб, атрофга ваҳшат-ла ёйилди. Барчаси сониялар ичра содир бўлаётган эса-да, Ҳилола юз йилдан бери жиноятчилар билан қочиб юргандек ҳолдан тойган эди.

— Ўлиблар кетсин! — қичқирди Сойгул ва ҳандақдан чиқиб, тиканзор оралаб югурди.

Колония ходималари етиб келиб Ҳилола ва Иллюзионисткага ташланишди. Иллюзионистка миқ этмасдан таслим бўлди, Ҳилола эса елкасидан тортқилаётган қўлни силтаб, пойдеворни жон-жаҳди ила қучоқлаб олди-да:

— Сойгул опа! — деб қичқирди овози бориचा. — Қайтинг!

Соқчи минорасидаги ҳалокат чироғи ёнди ва тиканзорга қаратилди. Зулмат қўйинини тилиб ўтган ёруғликда беўхшов чопиб бораётган маҳкуманинг қора шарпаси кўринди.

— Тўхта! Отаман! — минорадан аскар огоҳлантирди.

Тиканли симгача эллик қадамлар қолган эди.

— Жин ургур, отиб қўймаса эди! — деб колония ходимаси Ҳилोलани қўйиб юбориб, ҳандақдан отилиб чиқди-да, минорага қўл силкиди. — Отманглар, қочиб кетолмайди! Отманглар!

Навбатчи аёл кечиккан эди: аскар йигит тепкини босди, автоматнинг тирикликни титратган овози қонсираган итдек акиллади. Иллюзионисткани тагига босиб турган ходима ҳам ҳандақдан отилиб чиқиб, иккала қўлини минорага силтаганча:

— Отма-а-а! — деб бўкирди.

Сойгул ҳамон қочиб борарди. Ҳилола пойдеворга ёпишиб, ундан кўз узмай тошдек қотди. Ҳаммаси узоқ чўзилгандек туюлса-да, орадан бир дақиқа ҳам ўтмаган бехосият лаҳзалар эди.

— "Холостой" ўқлар тугади, — деди Иллюзионистка. — Навбат ҳақиқийларига...

Унинг гапи ҳавога ҳазм бўлмасдан автомат иккинчи бор тариллади ва Сойгулнинг шарпаси томон қизил чўғлар ақл бовар қилмас тезликда учиб борди. Шарпа оёқлари тушовланган каби мункиб йиқилди.

— Сойгул опа! — чинқирди Ҳилола. — Сойгул опа-а-а!..

Колония ходималари "Нега отасан?!" деб дод-вой кўтарган кўйи Сойгул сари чопишди. Афтидан постда янги аскар турганди ва довдираб қолганиданми, хизматчи аёлларга қулоқ солмасдан етти-саккизта жанговар ўқ узишга улгурган эди.

Ичкаридан чиққан бошқа ходимлар Ҳилола билан Иллюзионистканинг оёқларини ерга теккизмай колонияга судрашди. Ошхона-ю йўлакларда, бараклару, колония ҳовлисида чироқлар ёниб, кўзлар қамашди. Оломондек гувиллаган маҳкумалар ин-инларига уриб кетган эди. Ҳилола юзлаб хотин-қизлар ичидан баайни бўйнига сиртмоқ тушганлардан эканини ўйлаб, шўр тақдири кўйида инграб юборди.

20. СУИҚАСД

Ҳилолани алоҳида камерага қамаб, якка ҳолда тергов қилишди. У барчасини рўй-рост сўзлади.

— Нега шуни олдин маълум қилмадинг? — жиғибийрони чиқди колония бошлигининг. — Яна ўша гумроҳлик, калта ўйлаш, қўрқоқлик! Нима бўлади энди? Муддатингга камида уч йил қўшилади! Етти йил ўтирасан! Шу керакмиди сенга, а? "Шахсий варақа"нда ижобий баҳолар, лекин катта фитнани сир тутгансан! Қандай тушунай?

Ҳилола кўз ёшларини артиб, бир нуқтага тикилганча қолди. Бир оздан сўнг:

— Сойгул опага нима бўлди? Нега ҳеч ким гапирмаяпти? — деди.

— Ўзингни ўйласанг-чи, тентак қиз! — папкани столга отди бошлиқ.

Терговчилар хонасига бир неча киши киришди. Ораларидан бирини — ҳарбий формалини Ҳилола таниди.

— У ўлаяпти, — деди ҳарбий формали. — Балки умрининг охирида сизга сирини айтар, Баҳромова?

— Қанақа сир? Сойгул опанинг қандай сири бор? —
Ҳилоланинг ичига қалтироқ кирди.

— Мен Иллюзионистка лақабли рецидивист ҳақида гапираяпман.

— Сойгул опа-чи?

Ҳарбий формали колония бошлиғига қаради. "Биз боғдан келсак, нега у тоғдан келади?" деб энсаси қотди шекилли. Дарвоқе, Ҳилоладан иш чиқиш-чиқмаслигини ҳеч ким олдиндан билмасди. Ҳарҳолда уни Иллюзионистка билан учраштириш учун тиббий хизмат қисмига жўнатишди.

— Бошингизга балолар ёғилди, — деди ҳарбий формали йўлда Ҳилоланинг қулоғига. — Қочмоқчи эмасдингиз, тўғрими? Улар... иккаласи ҳам айбингиз йўқлигини айтишди. Қамоқдан мўъжиза қутқаради. Мўъжиза юз беришини хоҳлайсизми?

— Қанақа мўъжиза? — Ҳилола ҳарбий формалининг кўзига тик қаради.

— Қамоқдан халос этувчи мўъжиза, — деб жавоб берди ҳарбий формали. У неча ойдирки, Ҳилолани алдаб-авраб, эрмак қилиб юрганга ўхшарди.

— "Кафан"ингизни топиб бериши керакми? Яна менми?

— Ҳа. Эҳгимол, шу туфайли мўъжиза юз бериб, қамоқдан чиқиб кетарсиз.

— Йўқ, керакмас.

— Бу ерда етти йил ўтиришни хоҳлаяпсизми? Қайси айбингиз учун бунчалар оғир жазо? Ёш қизга бир умрлик дегани-ку, ахир! Билмадим, кейинчалик яна қоида бузсангиз, қачон қутуласиз панжаралару бетон деворлардан?

— Абадиянда нима дегандингиз? — тўхтади Ҳилола. Соқчи юришга ундаган эди, ҳарбий формали бирпас холи қолдиришни сўради. Ҳилола юрагидагиларни тўкиб солди: — Кафан ҳақида шивирлаганларингиз, қаттиқ сир эканига ишонтирганингиз! Кафан сир экан,

Азамат ҚОРЖОВОВ

десам, сал ўтиб, ҳамманинг олдида бемалол муҳокама қилганингиз! Ўйин! Буларнинг бари ўйин! Сиз ваколатингиздан фойдаланиб, мени ўйинчоққа айлантирдингиз! Тинч қўйинг, илтимос. Жазо муддатини ўтаб, уйга кетаман. Сиздан ҳам, Зубайра опадан ҳам — ҳеч бирингиздан қарздор эмасман. У... у фақат менга сиришни айтади, деб ўйлашингиз хато. Балки умри охирлаб қолаётган бўлса, ўзингизга айтар? Нега менга айтиши керак?

— Сиз маҳқумсиз! Иллюзионистка дунёда битта-ю битта сизнигина сирдош қилди! Милиция ертўласидаёқ! Шунинг учун сиз...

— Мен маҳқум эмас, инсонман! — Ҳилола газабдан титраб кетса-да, қичқирмади. — Инсонманми, қўлингизда қўғирчоқ бўлмасликка ҳаққим бор! Мени сирдош тутган экан, айтган сирлари қани? Тупроқ тагида қолган бешта одам, ўзини осган асранди қиз, тиллалари яширилган жойни билдирувчи рақамлар ёзилган блокнот...

— Блокнот куйиб-кул бўлган. Ёлғиз умид асранди қизининг кафанидаги ёзувдан. Лекин қиз қаерга қўмилганини Рихсиеванинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди? Йигит ўлган, ўлдирилган!

— Устингиздан арз қиламан. Яқинда Тошкентдан текширувчи келади. "Зона"даги қизлар билан бошқаларга қараганда жиддий шуғулланишади. "Нима муаммонг бор?" деса, оқизмай-томизмай ёзиб бераман.

— "Шунинг учун сиз..." деган гапимни охиригача айтмадим.

— Мени тинч қўясизми, йўқми?

— Шунинг учун сиз охирги ва якка-ю ягона имкониятсиз, демоқчи эдим, Ҳилола! "КПЗ"да ҳам, Абадиян турмасида ҳам, Сулаймонтепада ҳам мен шахсан шуғулланишим керак бўлган жиноятчи, бу — Иллюзионистка бўлди, тушундингизми, ўртоқ инсон? — кўз қорачиқлари кенгайган ҳарбий формали қўл панжа-

ларини ёйиб сўзлади. — Рихсиева битта қотиллик билан айбланиб, қамалди. Қолган жиноятлар-чи? Ўнлаб хотин-қизларнинг тилла тақинчоқлари-ю ташландиқ кондан топилган ёмби қани? Булардан ташқари унинг пуллари, қўшни мамлакатдаги шериклари...

— Оёқларининг тирноқларини суғуринг, электрошок билан азобланг, сувга пишинг, ўласи қилиб дўппосланг, ухлагани қўйманг, бошига газниқоб кийдириб, оч қорнига тепинг... Шунақа дейишимни кутаяпсизми?

— Баҳромова, — ажабланди ҳарбий формали, — эсингиздан оғаяпсиз чоғи?

— Сиз эплолмаган ишни мен қанақасига эплейман?!

— Бошидаёқ илтимос қилганман. Ё мажбурладимми? Жиноятни очишда ёрдамлашиш фуқаролик бурчингиз! Муносабатларимизда қуюшқондан чиқмадим. Бугун сўнгги имконият. Рихсиева шаҳар шифохонасига жўнатилади, лезвия синигини ютиб юборган. Менимча, бу аёлни қайтиб кўрмайсиз.

Ҳилоланинг кўзлари пирпиради.

— Сойгул опа тирикми?

— Ўқ ялаб ўтган, ҳали кўп яшайди, — деди ҳарбий формали. — Хоҳласангиз, у билан ҳам учраштираман. Мен ҳеч кимни эрмакламайман. Рихсиева эса сизлар билан ўйин қилгани рост. Бунақа томошалар унга чўт эмас. Ҳозир ётибди, юраги ҳам кетган. Бунинг устига қанд касалига чалинган. Қамоққа олингандаёқ унинг нон-сувидан ўзим хабардор бўлиб турдим. Қандли диабетни нон билан сувдан қисиб қўйишса, ўлади-қолади. Иллюзионистка аввал-бошдан менга тириклай керак эди.

— Мени қиз қилиб олмоқчийди, — деди Ҳилола.

— Йўқ, бу найранг. У бировни фарзандликка оладиган аёл эмас.

— Агар қочиб кетганида... Ростдан машина кутиб турганмиди?

— Ҳеч ким кутмаган. Айтдим-ку, Иллюзионистка-

Азамат ҚОРЖОВОВ

нинг ўйини деб. У чет элга қочишни уддаласа, сизни сотиб, устингиздан пул ишлаб, кун кўрмоқчи бўлгандир, эҳтимол.

— Жирканч тахмин!

— Рихсиевага тарбиявий фильмлардан қўйиб беришган, айнан кўнгилни эзадиганларидан. Афсуски, аввалги қамалишида олти ой мобайнида йигирма бешта фильмни кўзларини лўқ қилиб кўрган. Киприги насланмаган ҳам. Оддий айтганда, у одам эмас.

— Ошиб-тошиб ётган пуллари бор-ку, — кўнгли айний бошлади Ҳилоланинг.

— Бор бўлса жуда яхши-да, — деди ҳарбий формали. — Тешиб чиққунча тўймайди.

Дори-дармон ҳиди анқийётган йўлакдан анча ичкарилашди. Деразасига икки қават панжара қопланган бир кишилик тор палатада ётган Иллюзионистка кўзини очмасдан:

— Келдингми, Ҳилола? — деди заиф товушда. — Ўтир... табууреткани судра-да, ўтир... Яна кимлар бор? Э, "чекист" ҳам келдимми? Унга бир оғиз гапираман. Мен ун олти йил аввал Олма-Отадаги циркда кўзбойлагич эдим. Аслида иллюзиядан шундай фойдаланганманки, фокус эмасди... Бугун охириг куним... Танамни ташлаб кетаман... Ҳамманг гафлатда қоласан. Шунга лойиқсанлар...

— Биз чиқиб турамиз, — деди ҳарбий формали. — Хайрлашишларингга рухсат беришди, маҳкума Рихсиева.

— Инсон Рихсиева, — гапини тузатди Иллюзионистка.

Ҳилола ва ҳарбий формали беихтиёр кўз уриштиришди.

— Ўйлайманки, яхшилигимизни тушундингиз, — деди ҳарбий формали.

Эшик ёпилгач, Ҳилола стулга ўтириб, Иллюзионистканинг қўлидан тутди.

— Ўхшамади, — деди Рихсиева. — Мен ўлаяпман...
Ўлимимдан фахрланаман.

— Соғайиб кетасиз, Зубайра опа, — юпатди Ҳилола.

— "КПЗ"ига кириб келганингда мени "хола" дегандинг, эсингдами? Лекин мен "она" дейишингни хоҳлагандим... орзу қилгандим... биласанми, сен... менинг ёшлигимсан... қизимсан... ўзимсан... Йўқ, сен бошқачасан! Айтайми, кимсан? Фариштасан.

— Нега фақат ёмон йўлларни танлайверасиз, Зубайра опа?

— Микрофон ўрнатишди... Кел, қулоғингга айтаман.

— Иллюзионистка Ҳилоланинг елкасидан қучди. — Асрандим кўмилган қабристон яқинидаги майдонда... Қабристонга шу майдончадан ўтилади... Сенинг севган дарахтинг бор. Меваси биттагина... Сенга насиб этади...

— Жумбоғингизни ечолмайман. Улар қандай қилиб бўлса ҳам қизнинг жасади кўмилган жойни аниқлаб беришимни сўрашяпти, Зубайра опа.

— Ҳа, ҳа... Баракалла.

— Раҳмат айтаяпсизми?

— Улар сени ёллаганини мендан яширмаяпсан-ку, — деди Иллюзионистка.

— Нима керак қандайдир буюрмаган олтинларни бекитиб? Нима керак қаёқларгадир қочиш, қонунларни бузиш, бировларнинг қони эвазига топилган пуллар?

— Насихат қилма, тентаккинам, — инқиллади Иллюзионистка.

— Айта қолинг шуларга! Сизга бировнинг ҳақи буюрмаяпти-ку, Зубайра опа! Мени ўзингизга қиз қиламан, дейсиз, лекин қарғиш теккан пуллар эвазига яшамасдим, бир кун ҳам! Ҳаром барибир тешиб чиқади.

— Йўқ, ҳозир айтмайман.

— Унда нега чақирдингиз?

— Сен уни топасан. Кўп йиллардан сўнг топадиган қилиб жумбоққа ўрадим. Ўқиёласанми?

— Махфий рақамларними?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Рухимга суралардан бирор нима ўқиёласанми, дедяпман?

— Майли, ўқийман, — Ҳилола кўз ёшларини артди.

— Агар қамалмасимдан аввал... Ёки ўн йиллар бурун учраганингда... тавба қилиб, яхшилар қаторига қайтардим. Ҳаёт ҳеч кимни буколмайди, синдирилмайди, чунки ҳаётнинг ўзи йўқ нарса. Ҳаёт, бу — одамлар! Мана, сен ҳаётсан! Сенинг поклигинг, мардлигинг, очиққўнгиллигинг олдида букилдим, синдирилдим, ўлдирилдим... Энди жўна! Сенга нимча тўқишни ҳам ўргатолмадим. У итдан баттар хор бўлиб ўлганди.

— Ким?

— Ўзини касалликка солиб, шаҳардаги шифохонага жўнатишларини эплаган маҳкума... дугонам. Конвойни доғда қолдирган, аччиқ қисматдан қочолмаган. Дала-ю даштда бўриларга ем бўлган. Дугонамнинг фожиасини иллюзия орқали кўрсатиб бермоқчи эдим, насиб этмади. Сенга иллюзиянинг кераги ҳам йўқ.

Иллюзионистканинг кўзларидан дурдек ёш думалади.

— Мен ҳам бир вақтлар беғубор қиз эдим, — деди у. — Пулга ишқим тушган, бебошлик кўчасига кирган кунимга лаънатлар... ← Заҳарханда кулимсиради бемор. — Алвидо, яхши қиз! Юрагингдаги эзгуликни сақлаб қолганинг учун сенга сифинаман. Кечир, кўзимни очмайман, куч тўплаяпман.

Иллюзионистка гавдаси силтаниб ўқчиди, лабларида қон қўпчиди. Ҳилола шифокорларни ёрдамга чақирди. Қўшни хона эшигида турган ҳарбий формалининг нигоҳи совуқ, ҳиссиз ва маъносиз эди. У бир им қоққанди, колония ходимаси Ҳилоланинг билагидан ушлаб:

— Кетдик, Баҳромова, — деди. — "Санчасть"да қиладиган ишинг қолмади.

— Сойгул опани кўрсатмоқчи эдингиз-ку? — Ҳилола қайрилиб қаради ҳарбий формалига. Бунга жавобан ҳарбий формали қўлини асабий силтаб, ходимага

"Йўқот!" буйруғини берди.

Карцер ва тергов ҳибсхонлари жойлашган бинога эмас, бошқа томонга юришди. Тез орада қулоқларга болаларнинг шодон қийқириғи, телевизорда намоийш этилаётган мультфильм овози чалинди. Ходима маҳкумаларнинг гўдаклари тарбияланадиган кенг деразали, гиштин бино биқинидаги эшикдан Ҳилолани колония ҳовлисига чиқарди.

Тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди унинг. Шу билан бирга руҳида ажиб енгилликни ҳам туймоқда эди. Балки айбсизлиги, балки Иллюзионистка ва Сойгул каби каравотга михланмаганидандир.

— Тўғри барагингга бор-да, бир-икки ҳафтадан бўладиган "звонкок"ни кут, — деди ходима. — Ишга чиқиш-чиқмаслигингни отряд бошлиғинг айтади. Муддатингга қўшишадими, афв этиб, тўрт йил ҳолингга қоласанми, ички судда маълум бўлади.

Ҳилола асфальт майдончадаги ўриндиқда бекорчиликдан тупланиб ўтирган, совуқда жунжиккан тўртинчи отряд хотинларининг ёнидан ўтаётганида, бири:

— Саломлашиб кетинг, яхши қиз, — деб чақирди.

Ҳилола йўлини бурди.

— Ҳеч бўлмаса, бир-икки йил қўшишади, инсоф йўқ буларда, — деди хотинлардан бири Ҳилоладан воқеа тафсилотларини эшитгач. — Амнистияга ҳам тушмайсан. Ўлдинг энди!

— Қизнинг юрагини ёрма, — шанғиллади иккинчиси. — Бечоранинг айби нима? Қўлидан судраса, иложсиз қолган-да! Йил-пил қўшмайди. Худо хоҳласа, келаётган Янги йилдан яна биттасини "зона"да кўриб, икки йилга қолмай уйига кетади.

Тиббий қисмнинг чекка эшиги очилиб, оқ халатли хизматчилар клёнкага ўралган мурдани ҳовлига чиқара бошлашди.

— Ўлик! — қўлини бигиз қилди чеккадаги хотин.

— Вой, ўлик! Ким ўлибди? — Маҳкумалар шошилишди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Ҳилола ҳам ихтиёрсиз эргашиди. Хаёлида Сойгул эди: "Ўқ ялаб ўтгани ёлгон!" Шу заҳотиёқ иккинчи тахмин бонг урди: "Сойгул эмас, Зубайра опа! Ҳозиргина тирик эди-я!"

— Тўпланманглар! — деди оқ халатли.

— Ким экан?

Оқ халатли уф тортиб, жеркиб берди:

— Нима қиласиз? Жанозасини ўқийсизми? Баракларингга боринглар, ким ўлганини эълон қилишади! Ҳозир "труповоз" келади! Тегинманглар, илтимос.

Маҳкумалар шовқин-сурон кўтаришиди:

— Вой, бечорани нега клёнкага ўраб ташладинглар?

— Асфальтга отиб юборишдими, нима бало?

— Э, ким экан? Гапирсанглар-чи?!

Оқ халатли уст-бошини қоққан бўлиб:

— Морггача клёнкада борса, ҳеч нима қилмайди, — деди. — "Труповоз" дарвозадан киргунча қўлда кўтариб турмаймиз-ку! Асфальтда беш дақиқа ётса, бирор жойи ейилиб қолмайди. Тагин кўнгилларингга тегмасину, у тобутда иззат-икром билан дафн этилишга муносибмас.

Маҳкумалар аччиқланишиди:

— Нималар деяпсиз?!

— Ўйлаб гапиринг!..

Бир хотин шартта майитнинг юзини очди.

— Иккинчи баракдаги-ку, — деди у. — Барибир ўлиб қолибди-да!

— Бегуноҳ боланинг қарғиши урди, астағфируллоҳ, — деди иккинчи овоз.

Бадани жунжиккан Ҳилола гандираклаганча сафни ёриб ўтди-да, ўз неварасининг қотили — сариқ сочли хотиннинг оғзи маҳкам юмилган, кўзлари чўккан, сарғиш юзли жасадига кўзи тушди. У ўликдан қўрқарди. "Ҳушимдан кетсам керак", деб кутди. Ҳақиқатан, кўз олди тиниб, боши айланди. Ўпкасига муздек ҳаводан тўйиб ютмоқчи эди, жағи қимирламади, бурни ҳам тош каби қотган, пахта тиқиб қўйилганга ўхшарди.

— Рангинг оқариб кетибди-ку! Бу ерда турма! — деди биров ва Ҳилолани майдонча четига судради.

Меҳр кўрсатгуччи собиқ банк ҳисобчиси Насиба бўлиб, Ҳилола ҳар сафар кўк кўзларига, сепкилли юзига қараганида, отасининг эрка, ўйламай иш қилувчи, аҳмоқ қизини кўрарди. Туман ички ишлар бўлимининг вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида у Абадиян турмасига бормаслик учун қанча томоша кўрсатган эди-я! Яхшиямки, аёл эканини милиция ходимлари ҳисобга олишди, акс ҳолда...

— Урдими? — ўриндиққа ўтирди ҳисобчи. — Ёнимга чўк, туячам! Қочмоқчи бўлганинг учун у ёқда, терговда урдими, деб сўраяпман.

— Йўқ, — деди Ҳилола тиззалари қалтираб.

— Ишга чиқасанми?

— Ҳа.

— Ўликка қарама, — майит томон нигоҳ ташлади ҳисобчи. — Кеча "санчаст"га ётқизишганди, бугун йўқ. Бегуноҳ гўдакни ўлдиргани учун ҳаёти шунақа тугади. Кўрдингми, дўхтирлар ҳам ижирганишаяпти.

Машина мотори гуриллади, сигнал чалинди. Формали эркалар пайдо бўлишди. Ўликни бир зумда машинага ортишди-да, жўнаб қолишди.

— Моргга опкетишди, — деди ҳисобчи. Кейин эса бир оз сирли оҳангда сўради: — Бўронгул тентак "район"даги судингда уриб, тепиб ташламадим сени?

— У кишини танийсизми?

— Қизиқмисан, "район"имизда ҳамма танийди. Айниқса, сен яхши билишинг керак. Қишлоғингга қариндош.

— Мени ўлимида айблашган одамнинг шаҳарда яшайдиган холаси эди. Бизнинг қишлоқнинг аёли эмас.

— Урдими, йўқми, шундан гапир!

— Нега ҳадеб "Терговчи урдими?", "Холаси урдими деярверасиз?" Биронтаси чертмади ҳам.

— Жаҳлинг чиқмасин, — деди ҳисобчи. — Бўронгул менинг янгам бўлади. Жуда чатоқ аёл-да.

— Қанақа янгангиз?

— Акамнинг биринчи аёли. Башараси қурсин!

Ҳилола ўйлаб қолди: "Колонияга мана шу опани кўргани келган экан-да?! Менга ёмонлик қилишни тайинлагани аниқ. Отряди бошқа бўлса ҳам, ётар жойимиз битта зал. У "Сочингдан бураб, баракни бошдан-охир айлангириб чиқаман", деб валдираганди. Чиндан бир касрни бошламаса эди..."

— Ҳалигача бизнинг фамилиямизда, шунинг учун колонияга бемалол кирди. Бунинг устига юристлиги ҳам бор. Лекин юрист эмас, шайтон у!

— Янгангизнинг жиянини мен ҳам ўлдирмаганман, опам ҳам. Маст ҳолда ташланди, биз ўзимизни ҳимоя қилдик, эртасига касалхонада жони узилди.

— Опа-сингил зўр экансанлар! Маладес!

— Ўрнимизда бўлганингизда, сиз ҳам ўзингизни ҳимоя қилардингиз.

— Тўғри айтасан, — қўлига таяниб, гавдасини орқага ташлади ҳисобчи ва пешонасига тушган сочни пуфлади. — Мен ҳам сенга ўхшамоқчиман, Ҳилола! Шу ерда, "зона"нинг ўзида! Одобли, инсофли, меҳнаткаш аёл бўлиб, қамоқдан тезроқ қутулмоқчиман. Қамоқдаги ҳар бир хотин-қизнинг ўй-хаёли тезроқ озодликка чиқиш, одамга ўхшаб яшаш, шундайми? Бу ерда ёлғиз, маза қилиб ухлолмайсан, бемалол чўмиллолмайсан, хоҳлаган овқатингни еёлмайсан, ҳар куни бақир-чақир, буйруқ, тўғри ўтир, тўғри тур, асфальтга тупурма, ҳатто ҳожатга ҳам сўраб чиқасан. Бир камимиз аскарларга ўхшаб шарт-шурт юришимиз-чи! Киноларда айтишганидек, ҳаммасини жин урсин! Мен уйга кетмоқчиман. Эрта-роқ! Ола-ғовур қаланғи-қасанғилар шунақа жонимга тегдики, мабодо озодликка чиқсам, кўчада шу хотинлардан бирортасини кўриб қолсам, етти маҳалла нарини айланиб ўтаман. Ўлай агар, Ҳилола! Сен-чи?

Ҳилола бармоқларини ўйнади. Бўронгул юрист биринчи эрининг синглисини кўриш учун олис Сулай-

монтепага қадам ранжида қилмаслиги кундек равшан эди. Бироқ Ҳилола лом-мим демади. Ҳарқалай, банк ҳисобчиси инсофга киргандек эди. "Ҳилолани тинч қўйма", "Бўғиб ўлдир", "Ёстиғи остига лезвия яшириб, йилига йил қўштир" каби қабиҳ амру фармонларни беминнат шипшигандир? Ё у Иллюзионистка билан алоқа ўрнатдимикан?

— Фақат сизга учрашдими? — бошини кўтарди Ҳилола.

— Ким? Тентак янгамми? Бўлмаса, яна ким бор, дейсан? — Ҳисобчи оёқларини саланглатиб ўтириб, бирдан чапак чалди. — Бировдан шубҳам бор. Ҳозир айтмайман, аста текшириб кўрай, хўпми? Сен — қизнинг ҳам шубҳанг йўқ эмас экан. Вой, шум-ей!

— Ҳар кимга инсоф берсин, — ўрнидан турди Ҳилола.

— Ётасанми?

— Ҳа, чарчадим.

— Оёқларинг чалкашиб кетаяпти, тезроқ бора қол! Мен иккинчи сменага ёздирдим. Эрталаб саккиз ярим-гача ухласам, миям жойига тушади. Сеники-чи?

— Миям жойида, опа, — деди Ҳилола.

— "Дачка" келса, шерик қил, эшитдингми? Янги йилда менга ҳам келади.

— Хўп, — жавоб берди Ҳилола ортига қарамасдан.

— Терговхонадан ҳовлига "ДМР" орқали чиқдингми? "Детский мать ребёнка"! Болалар бўлимини сўраяпман. Бўлмаса, уларнинг эшигида нима қилиб юргандинг?

— "ДМР"нинг ёнидан ўтдим. Кирмадим ичига.

— Ўша ернинг овқати "зона" бўйича энг зўр. Туберкулёзларга бериладиган овқат "ДМР"нинг овқати олдида шилдир шўрва! Ойлигингга цехдаги дўкондан сигарет сотиб ол. Эмизикли маҳкумаларга сигарет берсак, овқатларини дарчадан узатишади. Менда таниш бор. Яқинда туғадиган биринчи баракдаги наркокурьер хотинни ҳам ўзимга оғдирганман. Улар чекмаса ўлади, биз емасак!

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Йўқ, раҳмат.

— Сассиқ қиз, заҳарни қизганаяпсанми?

— Ҳозиргина мендек бўлмоқчи эдингиз-ку, опа!

Сулаймонтепа аёллар колониясида қора кунларни бошдан кечираётган Ҳилола ўша куни баракка қайтиб, алламбало тушлар кўрди. Тез кунларда қамоқдан чиқиши тушларида бот-бот такрорланди. Уйқудан уйғонгач ҳам тушлари таъсирида юрди, чиқишни ҳақиқатан кўнгли сезди. Қамоқда кўп яшамайди. Бирок бир нарса аён эмасди: қамоқдан соғ ҳолда қутуладими ёинки ўлиги чиқадими?

Ниҳоят, кутган воқеа содир бўлди. "Бульдог" лақабли бошлиқнинг навбатчилигида гупиллаб қор ёғди.

— Учинчи бригада, подём! — буйруқ янгради баракда.

— Тўрт дақиқадан кейин ҳовлида саф тортган бўлишларинг керак! Бугун ким смена бошлиғи эканини эслатишим шарт эмас. Имилламанглар! Бошлиқ ҳозирдан шу ерда!

— Соат беш-ку! — зорланишди маҳкумалар. — Бир соат бор.

— Қорни кураш навбатларинг! Асабга тегмасдан чаққон-чаққон бўлсаларинг-чи! — каравотни силкитди иккинчи ходима.

Ҳилола апил-тапил кийинди. Қиш аёзиди (қайси бригадининг навбати келган бўлса) ҳар кунги режимдан бир соатча аввал — саҳарда туриб йўлакларни қордан тозалаши, сўнгра қўл-оёқлари музлаб, дийдираб ошхонага киришлари, нарибери нонушта қилгач, йўқламадан ўтиб, ишга жўнашлари, кун бўйи дастгоҳ қаршисида ўтиришлари керак эди. Кимлардир таниш-билишларини ёки пулини ишга солишга, колониянинг кун осонроқ ўтадиган қанотидан жой эгаллашга тиришардилар. Жонни кўп ҳам қийнамасликнинг чораларини топиш мумкин эди. Ҳилола қиш кириши билан айрим маҳкумаларга уйларида иссиқ тўшаклар, қалин кийимлар юборилганини кўрди. Рангсиз, гулсиз тўшакларни, ичдан кийиладиган қишки кийимларни "зона"га киритишнинг йўлини қилишарди.

Эшиклар ғийқиллади. Колония ҳовлисини қалин қор қоплаган эди. Қордан шапка кийиб ҳурпайган бўғотлар, музлаган тиканли симлар, мўрилардан эриниб ўрлаётган тутунлар янада файзсиз кўрсатарди бу маконни.

— Сафлан! — амр этди бошлиқ.

Ҳилола бу эркакнинг беўхшов ияк ва бурнига разм солиб, маҳқумалар "Бульдог" лақабини бежиз танлашмаганини хаёлидан ўтказди. Шу хаёл билан бирга: "Унда нима айб? Балки йиллар давомида қамоқдагиларга қовоқ-тумшугини осилтиравериб, шунақа бўлиб қолгандир?" деган ўй ҳам ўтди кўнглидан.

Хизматчи ходималар куракларни келтиришди. Оёқлар остида қор нола-ю фиғон ила ғичирлар, саҳар осмонида тонг юлдузлари жимирлар эди. Кўзга кўринмас аёз лашкари хотин-қизларга оч ялмоғиздек ташланди. Маҳқумалар бирпасда қўнишиб, қўлларини ишқалаб, куҳ-куҳлай бошлашди.

Бошлиқ тартиб-интизом бобидан беш дақиқа маъруза ўқигач, Ҳилоланинг рўпарасида тўхтади. Кўзларида қишникидан-да совуқ нигоҳ музлаб ётарди.

— Қочмоқчи бўлган Баҳромова сенмисан? — деди у ғўдайиб.

— Ҳа, Баҳромоваман, — Ҳилоланинг овози зўрға чиқди.

— Тўрт йилга кесилгансан, тўғрими? Бир қадам олдинга чиқ! — Бошлиқ қор куровчи олтмиш чоғли хотин-қизнинг эътиборини унга қаратди. — Кўринглар тўрт йил етмагандек яна уч йилни "сотиб олган" шўрпешана маҳқуманинг аҳволини!

— Ҳали "звонок"ка чақирिशгани йўқ-ку, — деди кимдир.

— Чақирмасдан билмайманми? — ўқрайди бошлиқ. — Нима, биров етакласа, кетаверадиган онгсиз жониворми? — У газабдан кўкариб, гапини такрорлади: — Кўринглар, тўрт йил етмагандек яна уч йилни "сотиб олган" шўрпешана маҳқуманинг аҳволини! Бир уйнинг

бекаси, ширин-шакар болаларнинг онаси бўлиш ўрнига қилган қилгиликларингнинг оқибатини ҳеч ўйлаб кўраяпсанларми? Мен бирортанга аёл деб қарамайман! Ҳамманг мен учун маҳкумсан! Маҳкум эркакми, аёлми, фарқи йўқ! Бу ерда жазо муддатини ўтаяптими, у...

Бошлиқ гапининг яримини ютиб юборди ва орқа қатордаги хотин-қизлардан кимнингдир оёғига ҳайратланиб тикилди.

— Ж... жинси?! — деди у тутилиб. — Жазони ўташ колониясида жинси шим кийиб юрибдими? Чиқ бу ёққа!

Хотин-қизлар эгилиб-букилиб ўрта қаторга қарашди. Колонияда тақиқланган кийим кийганлар онда-сонда қўлга тушишарди. Мирғазабнинг сменасида қўлга тушган омадсиз ким экан?

— Сенга айтаяпман! — Бошлиқ ўзини сафга урди ва Мақсуданинг ёқасидан силтаб тортди.

Ҳақиқатан, Мақсуда кўкимтир жинси шим кийиб олганди. Қатордаги маҳкумаларнинг айримлари кулган, айримлари чимирилган бўлишди.

— Нима бу? — Бошлиқ навбатчиларга мурожаат қилди. — Нима бу деяпман, Розия опа? Маҳкума нега жинсида юрибди? А? Қаердан олди?

Шовқин баракларга ҳам эшитилди. Уйқуси ўчган ичкарисидаги маҳкумалар ҳам, навбатчи ходималар ҳам де-разалардан мўралашди.

— Ҳеч ким жинси киймасди! Қаердан топдинг, аҳмоқ қиз? — ходималар Мақсудага заҳрини сочишди. — Совқотаяпман, деса, битта-иккита кийимларга рухсат бериб, индамаганимиз сайин...

— "Индамаганимиз сайин" деманг, Толипова! — баттар тутақди бошлиқ. — Бу ер интернат эмас, судланганлар колонияси! Агар интернат бўлганида ҳам бунақа ўз бошимчалик учун кунини кўрсатишга ҳаққингиз бўларди!

— Еч! — деди Розия.

— Еч! — бақирди бошлиқ ҳам.

Мақсуданинг жинси шимини ҳамманинг олдида ечишди-да, девор тагига улоқтириб юборишди. Қиз малла жун рўмолда, енги осилган, тиззадан келадиган қирқинчи пиджакда, қора қишки трикода мулзам тортиб қолди. Бошлиқ:

— Минг марта айтаман! Тартиб-интизомни бузганларнинг охири вой! Нега гулдек умрларингни хазон қилишдан чарчамайсанлар-а?! — деб қайтадан панд-насиҳат ўқишга киришди. — Колонияда форма мажбурийми, демак, мажбурий! Совуқ тушгандан ҳаммангга қалин рўмол, пиджак, қишки триколар берилади, нима, онангнинг уйида юрибсанми, жинси киясан?!

Шундан сўнг қор курашга тушдилар. Қорнинг таги музлаб, асфальтга қатрондек ёпишган эди. Колония ҳовлиси куракларнинг асфальтни қиришидан ҳосил бўлган шовқинга тўлди. Ҳилола ва Мақсуда мавзуси эса маҳкумаларнинг оғзида бир соат чайналди. Биров маҳкума қизларнинг, биров бошлиқнинг устидан кулди.

— Ҳилола, энди сен бу сафар жинси кийиб чиқ, — дейишди хотинлар. — Ечилмайдиган қилиб, белини туғиб ташла! Қани, "Бульдог" нима қиларкан? Роса уринса керак. Бир маза қилиб кулардик-да.

— Эс-ҳушим жойида, — жавоб берди Ҳилола.

Ўша куни ошхонада ҳам, цехда ҳам Ҳилоланинг хаёлидан Мақсуда нари кетмади. Мақсудага кийим-кечак, адёл ва егуликлар сахийлик ила келтириб берилган эди. Тунов куни қулоғига чалинди: Мақсуда ўн беш чоғли баракдошларни кўчада тайёрланган тансиқ таом билан ҳам сийлабди. Кўнглини ўз-ўзидан хафагарчилик эгаллади. Тўғри, Мақсуданинг ундан қарздор жойи йўқ, аммо Абадиян турмасида муносабати бутунлай бошқача эди-ку? Дилдан суҳбатлашишлар, ҳаммомда бетайин хотинлардан ҳимоя қилишлар, бир майизни бўлиб ейишлар... Балки Ҳилола уни билмасдан ранжитиб қўйгандир? Ва лекин қаерда? Қачон?

Маош тўланган куни Ҳилола фабрика ичидаги дўконга кириб, атирсовун, шампун, печенье харид қилди. Қўлга нақд пул берилмаса-да, шунисига ҳам шукр эди. Бир кўнгли икки қути сигаретани ўз ҳисобига ёздирмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтди. Ўзи чекмайди, бировни ҳам заҳарламаслиги керак.

Дўконга Мақсуда ҳам кирди. Маҳкумаларнинг орасидан суқилиб ўтиб, Ҳилоланинг ёнига келди. Икки кўзи пештахтадаги молларда эди. Нигоҳида очлик, ташналик, мўлтираш бор эди. Ҳарҳолда, маош олмаган, пули йўқдир, деган хаёлда:

— Бизга ойлик беришганди, — деди Ҳилола. — Мабодо бирор нарса керак бўлса...

— Раҳмат, пулим бор, — юзини терс бурди Мақсуда.

У ҳам Ҳилоланикига ўхшаш нарсалардан сотиб олди, илло сигарета ҳам қўштирди.

— Жинси кийганларнинг эс-хуши жойида эмас, дебсанку, шунга хафага ўхшайди, — деди Шокира.

— Унақа демаганман, опа.

Шокира ҳафсаласизлик-ла қўл силкиди.

— Сойгул "санчастьдан шу ҳафта чиқармикан ё "Сангород"га жўнатишармикан? — Шокира оғзига конфет тўлдирди. — Ўҳ, ўҳ, мазасини!

— Билмасам, сизнинг хабарингиз йўқми?

— Хабарим йўқлиги учун сўраяпман-да. Битта янгилик айтайми? Мени "санчастьга санитаркаликка ишга олишмоқчи. Ҳозирча сир, ҳеч кимга гуллаб қўйма. Эҳ, "жит" қилиб яшардим-да!

Ҳилола қамоқхонада баҳузур яшаш ҳақида хаёлига ҳам келтирмас эди. Одамлар нима учун диққат-эътиборини ҳамиша енгилликка қаратишини тушунолмасди. Ҳарҳолда цехда ишлаш ҳам дўзах азоби эмасди. "Осонроқ ишга жойлашиш учун номус-орини сотадиганлар сон-мингта, — деганди Иллюзионистка. — Ўзингни асра! Ўзингга ўзингдек ишончли дўст топилмайди. Ишонавер!"

Гарчи маош олиб, баракка ул-бул билан қайтган эсада, Ҳилоланинг юрагини гашлик эзмоқда эди. Кўнгил сезган экан, баракда совуқ хабар қаршилади.

— Эшитдингми, — деди гуруҳ сардори Сараева тумбочкасини тартибга келтираётган Ҳилоланинг қошига келиб, — сени қочишга ундаган аёл ўлибди.

— Ким? — ялт этиб қаради Ҳилола. Хаёлига яна Сойгул келди.

— Иккинчи баракдаги тентак бор эди-ю, лақаби Иллюзионисткамиди-ей.

— Зубайра опаами?

— Ҳа, ўша. Шаҳар касалхонасида операциядан чиқмабди.

— Ростдан ҳам ўлибдими?

— Алдаб менга нима зарил? Айтишларича, сенга тилла ваъда қилганмишми? Баракда шунақа миш-миш юрибди.

— Бировнинг тилласи керак эмас, — Ҳилола ёстиққа бош қўйди. Бош қўйдию кўзига ёш қўйилди: "Эсиз, умр! Эсиз, аёл!.."

Кечки овқатдан кейин ҳар доимгидек баракка назоратчи келди ва эшик олдига Мақсудани навбатчиликка тайинлади. Сулаймонтепа аёллар колониясидаги баракларнинг эшикларига ҳар кеч маҳкумалардан бири журналбонликка қўйиларди. У чироқлар ўчирилиб, эшиклар бекитилгунча, яъни кечки соат ўн биргача эшикда ўтирарди. Кимдир колония ҳовлисига чиқмоқчи бўлса, қалин дафтарга қайд этарди. Мабодо маҳкума беш дақиқада баракка қайтмаса, чақириб келиши ёки колония назоратчисига хабар бериши керак эди.

Иллюзионисткани ўйлаб ўтирган Ҳилола унинг сўнги илтимосини ҳам эсламоқда эди. "Руҳига атаб нимадир ўқишим керак. Таҳоратга борсаммикан?" Кейин шубҳа гимирлади: "Лекин ўлгани чинмикан? Колонияга келганмизда, "карантин"да: "Қандай касалларга жавоб берасизлар?" деб сўраганида, "Ўладиганларга", дейиш-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ганди. Ўзини ўлганга солиб ётганмикан? Қўлидан ҳар бало келарди. Аммо ўликни моргга жўнатишдан аввал томирларини кесишади. У ҳолда барибир ўлган..."

Ҳожатхонага чиқиш баҳонасида оёққа қалқди.

— Абадиян турмасида ётганида, девор орасидан арвоҳдек ўтган экан, — гап сотарди уч каравот наридаги хотин. — Иккинчи баракдаги Зайтуна айтдики, у танасини қолдириб, руҳ шаклида кўчаларга ҳам чиқармиш. Хотинлар ишонмабди. Бир куни кечаси жасадидан уят овозлар чиқа бошлабди... Ие, Ҳилола буни мендан яхши билади. Бу ёққа кел-да, Ҳилол!

— Юз-қўлни ювиб келишга ким боради? — сўради Ҳилола.

— Аёзда ташқарига чиқма-е, — жеркишди маҳкумалар. — Ундан кўра Иллюзионистка ҳақидаги афсоналар билан даврани қизитайлик! Келсанг-чи, ахир! Сен "КПЗ"дан бошлаб, "зона"гача сирдоши бўлгансан. Аёлларнинг тилла тақинчоқларини алдаб-авраб олиб, бир сандиқ йиққанмиш, сенга васият ёзмоқчи бўлганмиш.

— Ўлган одамнинг гийбатини қилиш яхшимас, — деди Ҳилола эшикка юриб. — У кишининг ҳеч вақоси йўқ эди.

— Ўв, бу ёққа кел, дедим сенга, ипирисқи! Ёш бошинг билан бизга ақл ўргатаяпсанми? — шанғиллади асабий хотинлардан бири.

— Оғзингизга қараб гапиринг, опа! — деди Ҳилола.

— Ҳов, уришмаларинг сал нарсага! — нариги қатордан Сараева овоз берди. — "Контролёр" шовқинингларни эшитса, қиш совуғида кечаси ошхонанинг полини ювдиради. Керакми шу?

Мақсуда столга тирсакларини таяб, сақич чайнаб ўтирарди. Ҳилола каравотлар қаторидан чиққанда бирдан сергак тортди.

— Ташқарига... — деди Ҳилола овозидаги ўксиниш, алам, изтиробни яширолмай.

— Бахромова Ҳилола... — ёзди Мақсуда. — Соат йигирма биру қирқ уч... Ўнта камгача қайтинг. Орқангиздан бориб юрмай, илтимос.

Ҳилола барак остонасини ҳатлаб, сўлдаги ҳовличага чиқди. Бугун тозаланган асфальтга яна қор учқунламоқда эди. Иллюзионистканинг вафот этганигами, атрофдагиларнинг ҳақоратларигами, ўксиб-ўксиб йиғлагиси келарди. Ҳожатхонанинг ювиниш бўлмасига кириб, сувни очди-ю ўзини ортиқ тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди. Кўз ёш тўкаётганини ҳеч ким кўрмаслиги даркор эди: лабини тишлаб, бўғилиб, елкалари силкиниб, жўмакни маҳкам чангаллаб, унсиз фарёд урди у.

Бир неча дақиқа шу ҳолда турди. Сўнг бошини кўтариб, кўзгуга боқди. Боқдию эшикдан отилиб кирган қора шарпани пайқашга улгурди. Шарпа бўйнига сиртмоқ ташлаб, кучи борича бўғиб, полга йиқитди. Сиртмоқда бўғилишнинг қанчалик азоблигини Ҳилола ҳис этиб кўрмаганди. Даҳшатли азобдан ўзини ҳар ёнга отиб, оёқларини жон ҳолатда типирчилатди. Қичқирмоқчи, 'йўқ-йўқ, бўғувчига ялиниб-ёлвормоқчи эди, аммо томоғидан хириллашдан бўлак овоз чиқмади. Бир зумда кўзлари олайиб, ҳеч нимани кўрмай қолди. "Ўлдим", деган хаёл ялт этди миясида. Яна бироз чидашга, яна бироз яшашга аҳд қилди. Иккала қўли билан сиртмоқни чангаллашга уринар экан, Иллюзионистканинг маслаҳатини эслади: "Чилвир билан бўғиб ўлдирмоқчи бўлишса, томоғингга беҳуда ёпишма, аввало кўрсаткич бармоқларингни тик! Бу — қўлларингнинг ҳамма бармоқлари билан чиппа тармашишингдан яхшироқ! Ҳеч бўлмаса, бармоқларингни ўртага киргизсанг, сиртмоқни кенгайтириб, нафас оласан! У ёғи ғайрат-шижоатингга боғлиқ!"

Ҳилола кўрсаткич бармоқларини сиртмоққа амаллаб тикди-да, зўр бериб тортди. Душман чилвир билан эмас, рўмол ёки тасма билан бўғмоқда эди. Эзилаёзган

ҳиқилдоғи бўшашиди: оғзини қапа-қапа очди. Бироқ босқинчи Ҳилоланинг елкасига тизза босиб, билакларига куч ташлади.

Ҳаёт-мамот жанги эди бу. Ҳилола осонгина жон таслим қилишни истамасди. У яна бир уринишда сиртмоқ орасига бошқа бармоқларини ҳам солди-да, қўллари сингудек тортди. Бармоқлари ҳам, бўйин умуртқаси ҳам қисирлади. Ҳарҳолда Нафас олиши хийла енгиллашди. Тиззаларини букиб, чўнқайиб ўтирди. Кейин оёққа туришни удалади. Рақиб орқадан сиртмоқни тортмоқда, ҳансирамоқда, худди уни ҳам кимдир бўғаётгандек хирилламоқда эди. Иккови гандираклаб деворга урилди. Ҳилола тобора жонсизланаётганини сизди. Кураш шундай давом этса, ниқобли ёвуз уни сиртмоқни чангаллаган ҳолатида бўғиб ўлдириши турган гап эди. Ҳилола деворга оёқ тираб, рақибга елкаси билан зарба берди. Навбатдаги силташда эса бошини ишга солди. Биринчисида бўғувчининг бўйнига, иккинчисида жағига калла қўйди, учинчисида эса ёвузнинг ияги қарсиллаб кетди. Сиртмоқ юқорига силжиб, Ҳилоланинг томоғини эмас, оғиз-бурнини чирмади.

Олишув кўзгу олдига кўчди. Ҳилола душманнинг ниқоби бошидан учиб, қоп-қора сочлари тўзғиб кетганини кўрди. У ёш, асов маҳкума бўлиб, бирор шериги ёрдамга келса, аҳвол танг бўлиши муқаррар эди. "Буни тезроқ даф қилмасам тамомман", — хаёлидан ўтказди Ҳилола. Дарҳақиқат, қамоқхоналарда кўпинча бир неча киши биргаликда одам ўлдириши ҳақида гап-сўзлар юрарди.

Ниҳоят, сиртмоқни пешонасидан сирғалтириб, бошидан чиқариб юборди-ю қора ниятлининг сочига чанг солди. Рақиб ҳам чийиллаган кўйи Ҳилоланинг сочига ёпишди. Ёввойи мушуклардек биғиллашиб гоҳ у деворга, гоҳ бу деворга гурс-гурс урила бошлашди. Ҳеч ким ёрдамга келмади. Қишнинг аёзли кечасида колониянинг чекка ҳожатхонасидаги ҳаёт учун яккама-якка жанг ҳеч қандай гувоҳсиз содир бўлаётган эди.

Ҳилола охирги кучини тўплаб, рақибнинг бошини деворга урди, душман ҳолсизлангани яққол билинди. Иккала қўли юламан, узаман, бўғаман деб ҳамон ҳамла қиларди. Ҳилола алвастимонанд малъун қаллани раковинага икки марта уриб, ҳушидан айирди. Оппоқ раковинани қонга бўяб, полга гурсиллаб ағанади ёвуз.

Шифт, девор ва пол чайқаларди. Ҳилола эшикка талпинди. Қичқирганча соқчиларни ёрдамга чақирмоқчи эди, бўғзидан яна хириллаш эшитилди. Ҳовлининг ўртасигача мувозанат сақлади. Йиқилаётиб, баланд девор ортидаги минорадаги безовта соқчини илғади. "Аскар мени кўрди... Тревога кўтарди... Ёрдамга келишади..." — деди у.

21. МЎЪЖИЗА

Кўзини очганида, дераза ойнаси терлаган озода хонада ётарди. Ташқарида зулмат. Шуъла тушаётган йўлакда кимлардир гўнғир-гўнғир гаплашишмоқда эди. Қўлоёғини қимирлатганди, ёнидаги стул тарақлаб, ҳамшира қад ростлади.

— Кўзини очди, — деди у йўлакдагиларга.

Палатага бир гуруҳ кишилар кириб келишди.

— Яна у, — деди колония бошлиғи ёнидагиларга. — Доим бир ишқалга аралашиб юради. "Турма одами" деган ирим бормиш. Агар турма ўзига нолойиқ маҳбус келаётса, қабул қилмасмиш. Маҳкума Баҳромова ҳам яхши қиз. Битта маст йўлини тўсмаганида, бу ерларнинг тузини ялармиди. Цехда ҳам, баракда ҳам хулқи яхшилиги билан оғизга тушган.

— У... у қани? — сўради Ҳилола.

— Мақсудами? Бошқа палатада ётибди. Эртага юзмаюз қилинасан. Қўрқма, соппа-соғ.

— Мақсуда?.. Унга нима ёмонлик қилибман?

— Манави аёлни танийсизми? — колония бошлиғининг ёнидаги киши суратни яқинлаштирди. Суратда

Бўронгул юрист сочларини пичандек гарвайтириб, қо-воқ солиб, такаббурлик-ла тикилиб турарди.

— Танийман, — деди Ҳилола, — у Бўронгул опа... юрист.

— Судда сизга дўқ-пўписа урган. Ундан аввалроқ туман ички ишлар бўлими вақтинча сақлаш камерасида ҳам қўрқитган. Ҳаммаси эсингиздами?

— Эсимда.

— Эртадан бошлаб янги жиноий иш терговида ёрдамлашасиз, келишдикми?

— Хўп... У яқинда Сулаймонтепага... шу ерга ҳам келган, — тутилиб-тутилиб сўзлади Ҳилола. — Цехга бораётганимизда дарвоза олдида кўргандим... Унинг қайнсинглиси бизнинг баракда... Банкда камомад қилиб қамалган аёл... Насиба опа...

Дастлабки тергов тугагунча Ҳилола бир неча кун камерада ўтирадиган бўлди. Бўронгул юрист Мақсудани ўзига оғдиришни уддалаб, Абадиян турмасидаёқ уни яширинча пул ва озиқ-овқат билан таъминлай бошлаган экан. Турмада Мақсуда енгилтаклик сари оғиб, ўз ҳузур-ҳаловатинигина ўйлаб қолгани Бўронгул юристга қўл келганди.

— Ҳилолани ўлдирсанг, сени "зона"дан чиқариб оламан, деб ваъда берди... Гапларига учибман, кечиринглар, — деб йиғлади Мақсуда терговда.

— Бу таклифни аслида биринчи бўлиб менга айтган, — Собиқ банк ҳисобчиси ҳам Бўронгул юристни фош этди. — Янгамни яхши биламан. Шайтондан дарс олган ялмоғиз! Қолаверса, мен Ҳилоладек бўлмоқчиман. Катта мактабга айланди шу қиз!

Бошқа куни Ҳилола банк ҳисобчиси шундай деганини эшитди:

— Акамни адоий тамом қилган доғулини тезроқ қаманглар! Банкнинг пулини еб юборишни ҳам у анча йиллар аввал қулоғимга қуйган. Ёмон қовуннинг уруғи барибир ўсиб чиқаркан.

Ҳилола баракка қайтганида янгилик айтишди: якшанба куни колонияда Янги йил байрами муносабати билан концерт уюштирилармиш. Хонандалар байрам арафасида банд бўлишини ҳисобга олишибди ва концертни эртaroқ ўтказишга қарор қилишибди.

Бироқ эндиликда Ҳилолани ҳеч бир воқеа суюнтирмас эди. Баракда ҳам бир нуқтага тикилганча ўтирарди. Баъзилар уни юпатмоқчи бўлишди, Ҳилола ўзгармади. Якшанба куни ҳам энг орқада, колониянинг гиштин деворига суянганча саҳнага ҳиссиз боқди. "Қамоқнинг бир йили ҳам ўтмади, — ўйларди у, — шунча гаффо, шунча душман... Йилларга бардошим етармикан? Йўқ, ўлсам керак... Опам учун жонимни қурбон қилдим... Ҳеч қачон афсусланмайман..."

Душанба куни уни яна терговхонага чақиришди.

— Рихсиева ўлди, лекин сенга ҳақиқатан ҳам ташқарида жиной тўдалар муштоқми дейман? — стол устидаги дурбинни олди колония бошлиғи. — Ортимдан юр.

Улар йўлак охирига бориб, ўнгдаги хонага киришди. Бошлиқ дераза пардасини суриб, дурбинни Ҳилолага узатди.

— Асосий дарвозанинг нариги томонига, одамларнинг ҳовлиси орқасидаги, кўча бўйидаги дарахт тагига қара!

Ҳилола дурбинни кўзига тутди. Дарахт тагида бир йигит турарди. Қўлини ишқалаб, оёқларини ерга уриб қўйишига қараганда, совқотган эди.

— Танидингми? — сўради бошлиқ.

— Юзини яхши кўролмаяпман...

— У тўрт кун аввал эркаклар колониясидан озодликка чиққан. Фамилияси Ўразқулов, исми Ёқуб. Ходимларимиз шубҳаланиб, сўроққа тутишса, сени кутаётганини айтибди. Тўрт йил шу ерда кутаман, дебди. Албатта, бу соғ одамнинг гапи эмас. Биз ундан гумонсираяпмиз. Сенга колония ёки фабрика ҳудудида кимдир хат берган ёки бирор хабарни оғзаки айтган

бўлса, биздан яширма. Ўразқуловга билдирмасдан у билан махсус гуруҳ шуғулланаяпти. Яқинда бўлади-ган ички судда йилингга йил қўшилмаслиги мумкин. Ҳозир бирор нимани яширсанг, тўрт йил эмас, етти йил ўтирасан. Жувонмарг кетма, Ҳилола!

Дурбинга яна тикилди. Наҳотки, у Ўразқулов бўлса? Турмадаги шўх йигит унутиб юборди деса, шунчалар мажнунлик, телбалик, қайсарлик ила кутмоқдами? Ҳадемай бундан-да қаҳратон кунлар қиличини қайрайди. Нима еб, нима ичиб бир неча йилни аёллар колонияси дарвозаси тагида ўтказмоқчи? Кечаси Тошкентдаги аммасиникида овқатланиб, исиниб, ухлаб олар, анави маҳалладаги меҳридарё кишилар бошпана, иссиқ овқат берар, лекин энг чидамли соқчи ҳам қишин-ёзин, йиллар мобайнида эртадан кечгача кўчада кутолмайди. Ёқуб тарих яратмоқчими? Балки дунёда ҳеч ким уддасидан чиқолмайдиган тарзда севгисини исботламоқчидир?

Йигит колониянинг беш юлдуз қўндирилган кулранг дарвозасига, оққа бўялган деворларига, тиканли симлар ортида ҳурпайган биноларига кўз югуртирди. Ҳилола нафас олмай кузатарди уни. "Эй Худойим, кетса-чи, ахир! — нола қилди ичида. — Совуқ еб, сарсон кутиши нимаси? Милиция бирор жиноятда шубҳаланиб, айбдор деб топса, яна қамоққа тушадими?.."

— Қулоғим сенда, — бошлиқ дурбинни олди.

— Ёқуб ака мени кутмоқчи эди, — деди Ҳилола. — Биз Абадиян турмасида танишганмиз. Турмадаги супуриш-сидириш кунлари хотин-қизларга ёрдамлашиш учун қамалган йигитларнинг эсли-хушлиларини сувга ташишга, чиқиндиларни тўкишга олиб келишарди. Менга бир марта хат берган, ўша ёқда. Хатида севги изҳор қилиб, мени кутишини айтган. У яхши йигит, кўнгли тоза. Ишонмагандим, сўзининг устидан чиқиш учун қайсарлик қилаяпти. Ростини айтсам, Атоев Васлини урмаганман, қотил эмасман. Ёқуб ака ҳам қари

аёлнинг тақинчоқларини ўғирламаган, ўғри эмас. Сиз яхшилардан эмас, ёмонлардан шубҳалансангиз, ҳаммаси яхши бўлади. Ақл ўргатди, деманг, мени кечиринг! Нима керак у билан шуғулланиб? Мен учун дарвоза олдида турибди, бошқа нияти йўқ. Кеча қамоқдан чиққан ёш йигит "зона"га хавф солиб, кўчада туришига ишонмайман. Ходимлар хавотир олишаётган бўлса, менинг гапимни етказсин, у албатта кетади... уйда кутади...

— Ҳм... Романтик жавоб, — лаб бурди колония бошлиғи. — Навбатчи, буни олиб кетинг! Қачон керак бўлса, ўзимиз чақирамиз.

Чоршанба кун Ҳилоланинг умрбод эсидан чиқмайди. Тошкентдан тафтишчи келиб, унинг колонияда қандай яшаётганини текширгач, шикоятлар бўлса, бемалол айтиши мумкинлигини маълум қилганининг эртаси эди. Ҳилола яна цехга чиқди. У кимдан шикоят қилсин? Ишлайди, еб-ичади, ухлайди, китоб ўқийди, баъзан ёлғиз баскетбол ҳам ўйнайди.

Чамаси, соат ўнлар эди. Маҳкумалар брасида "Бугун "звоник"ка чақириб бошланармиш, кимнинг муддатига қанча йил қўшилгани аниқ бўлади" қабилидаги миш-мишлар тарқалган фэйзсиз онлар эди. Бир пайт цехга ўрнатилган карнайдан:

— Учунчи отряддаги маҳкума Баҳромова Ҳилола! — деган овоз жаранглади. — Отряд бошлиғи уни цехдан чиқариб, бошлиқлар хонасига келтирсин! Такрорлайман! Маҳкума Баҳромова Ҳилолани бошлиқлар хонасига...

Цехда бир зумга иш тўхтади. Ҳамманинг нигоҳи Ҳилолада эди.

— Катталарнинг кўзларига ёмон кўриниб қолдинг-да, баччагинам, — силаб-сийпалади лўли хотин. — Худо ёр бўлсин! Ишқилиб, йилингга йил қўшилмасин!

Отряд бошлиғи Ҳилолани етаклаб кетди. Колония ҳудудига ўтиб, иккинчи қаватга чиқишди. Хонада бир қанча мутасаддилар қўр тўкиб ўтиришарди. Ҳилола тик оёқда

уларнинг ижобий ҳукмига умидвор эди. Қўрқувдан оёқ-қўли титраб, тилига калима келмасди. "Неча йил қўшишар экан? Кечиришмаганга ўхшашади! Бир йил қўшса ҳам чидаёлмайман. Ортиқ бардошим қолмади... Уламан..."

— Баҳромова, — деди колония бошлиғи, — бизга амнистия келган. Янги йилгача қирқ бешта маҳкумани бўшатмоқчимиз. Шундай қилиб, рўйхат бошидаги, "А" ҳарфли маҳкумаларнинг саккизтасига ҳозир айтдик, уларни бараклардан чақирдик. Сен ишга кетган экансан. Мана, "Б" ҳарфида сен борсан. Ўзингни ҳимоя қилганингни, хулқингни, ёш қиз эканингни ҳисобга олдик.

Ҳилола уларнинг гапига тушунмай гарангсиди. Оёқ-қўллари ростмана дириллай бошлади. Вужуди дам қизиб, дам музлаб, териси бижирлади.

— Жуда қувониб кетма, тушундингми? Ҳар эҳтимолга қарши, барагинга бор-да, нарсаларингни йиғиштир, кўрпа-тушакларни топшир. Кассир маошингни нақд пул қилиб беради, йўлкирага ишлатасан.

— Нима?.. Мен... — Ҳилоланинг тили зўрға айланди.

— Нарсаларингни йиғиштириб, бошқармага кир, ҳужжатларни тўлдир, — деди бошлиқ. — Бугун кечкурун колонияда қолишинг қонунга хилоф. Яъни сен энди маҳкума эмассан. Уйингга кетасан.

— Н... Нега?

— Бунча довдирайди бу? — овозини баландлатди бошлиқ. — Давлат сени афв этди. Насиб этса, бугун уйингга кетасан.

Ҳилола полга кўз ёшлари чак-чак томаётганини кўрди. Отряд бошлиғи уни хонадан чиқариб, деди:

— Табриклайман, Ҳилола! Амнистияга тушдинг! Давлат сендек тилла қизнинг келажагини ўйлади. Қамалганингга жами қанча бўлди?

— Июньда... ёзда... — гўлдиради Ҳилола.

— Вой-бў, олти ойча ўтириб қўйибсан. Уйга кетиш маза-я?! Осмонда учаяпсанми?

Ҳилола унинг бўйнига осилиб, йиғлаб юборди.

ХОТИМА

Ҳилола баракка сармаст кирди. Ишга иккинчи сме-
нада чиқадиган отряддагилар унда-бунда гаплашиб
ўтиришарди. Қатор оралаб, каравотига шошилар экан,
бўғзига ҳайқириқ тиқилиб, ўзини зўрға тийди. "Ура-а!
Мен амнистияга илиндим! Уйга кетаяпман!" деб бақи-
риб-чақиришдан, тентакларча рақсга тушишдан, дуч
келганни қучоқлашдан юракка ўрнашган ҳадик тўх-
татиб турарди. Колония бошлиғи "Жуда қувониб кет-
ма, тушундингми? Ҳар эҳтимолга қарши, барагингга
бор-да, нарсаларингни йиғиштир, кўрпа-тўшакларни
топшир", деди. Озод этилгани ҳақидаги ҳужжатни кўр-
сатишса, имзо чектиришса ва колония дарвозасидан
чиқариб юборишса, кейин ишонади. Ҳозир қўрқаяпти,
бир англашилмовчилик, руҳан эзиш ўйини, бемаъни
туш бўлиб чиқишидан.

— Бизга амнистия беришди, — деди она-бола маҳку-
малар Ҳилоланинг ҳаяжондан қизарган юзига, чақноқ
қўзларига, нарсаларини йиғиштираётганига қараб. —
Сиз ҳам қутулдингизми? Концерт куни қандай тавба
қил-ганимизни кўрдингизми, Ҳилола? Давлат тавба-
мизни инобатга олди! — Айниқса, онаизорнинг кўз-
ларида ёш гилтиллади: — Варақа тарқатган қўлларим
синиб, ифлос тарғиботни ўқиган кўзларим кўр бўл-
майдими! Халқни заҳарлайдиган илоннинг тухумини
тарқатган биз — гумроҳларни ҳам кечиришди, Ҳилола
қизим! Орқасидан мақташ эмас-ку-я, давлат ҳақиқа-
тан мард экан! Бу мардликнинг қадрига етмасак, кўзим
очиқ кетсин!

Она-бола маҳкумалар йиғлашди, Ҳилола ҳам ўзини
тўхтатолмай кўз ёш тўкди.

— Амнистиями? Вой-й!.. — Собиқ банк ҳисобчиси Ҳи-
лолани қучиб олди. — Табриклайман, "землячка"! Жуда
зўр! Менга ҳам сенинг йўлингни берсин, айланай, син-

гилжон! Эшингдингми, Мақсудани иккинчи баракка — "қутурганлар"га ўтказишибди, "звонок"ка чақириб, муддатига уч йил қўшишибди. У энди одам бўлмайди.

Баракдагилар табриклагани келаверишди. Биров ҳавас, биров ғайирлик билан кузатиб қолди. Айрим хотинлар қамоқда умрбод қолиб кетишаётгандек кўнгиллари бўшаб, чекка-чеккага ўтиб йиғладилар. Гуруҳ сардори бўлмиш Сараева ва ўнлаб маҳкумалар цехда эдилар, Ҳилола улар билан хайрлашолмади. Шунингдек, Розия опа, Аслиддин, Ҳусан каби колония хизматчиларига ҳам сўнгги миннатдорчилигини билдиролмади. Колонияда ишлайдиганларнинг кўпчилиги Ҳилолага фақат яхшилик қилишган эди.

Отряд бошлиғига пилдираб эргашди. Қовоғини очмай, асосий дарвозага ўғринча қарай-қарай, сўлдаги бошқарма биносига юрди. Кун илиқ, осмон булутли эди. Ҳаводан қорнинг, Янги йилнинг, ҳатто қишлоқнинг иси келарди. Олисларда қолган туман марказидаги бозорда байрамолди савдо ҳам авжига чиққандир? Қишлоқ қизлари эшик-деразаларни ланг очиб, гиламлару олачаларни қор устига чиқариб, уй тозалашаётгандир? Ўҳ, қишлоғининг қизлари! Аммаваччалар, холаваччалар, синфдош дугоналар! Рўзғор юмушлари тугул оғиздан чиқаётган буг ҳам муборак!

Бир соат ичида йигирма тўртта маҳкума тўпланди. Афв этилганларнинг қолганларига эртага жавоб беришармиш. Расмиятчилик, ҳужжат тўлдириш пешингача давом этди. Кассирнинг пул тарқатишини кутиб, иккинчи қаватдаги йўлакда турган Ҳилола колония ичкарисига — мунғайган катта деразали баракларга, иситиш бўлинмасига, тиббий қисм жойлашган оқ бинога, қор қўнган, намиққан гиштли деворларга боқди, юраги эзилди, тезроқ бу ерлардан кетишни, умр бўйи қайтиб келмасликни истади. Сойгул ҳам хаёлидан ўтди. Унинг соғайишини Худодан тилади. "Қамоқдан чиқса, болалари барибир онага қайтади, — деди ичида. — Аввал-

лари қамалганларни ёмон деб ўйлардим. Мана, Сойгул опа яхши аёл. Ҳали фарзандларига шундай тарбия берадики, ҳеч қачон бошқаларнинг ҳақини емайдиган, бошқаларнинг оиласини бузмайдиган инсонлар бўлишади..."

Паға-паға лайлак қор ёға бошлади.

— Баҳромова, — деди йўлакка чиққан ходим, — кишлоғингиздаги "сельсовет" рақамига ўн марта қўнғироқ қилдик, гудок кетаяпти-ю кўтаришмаяпти. Уйингиздан ҳеч ким келмаса, қоронғида ёлғиз қолиб кетасиз...

— Ўзим кетоламан, — деди Ҳилола шоша-пиша. — Биз томонларга кечаси ҳам машина бўлади.

— Аниқми?

— Аниқ, аниқ! Уйга уч-тўрт соатда етиб оламан.

— Қор ёғаяпти, йўллар музлаб...

— Ёққани ёққандай эриб бораяпти. Бугун-эрта музламайди. Қаранг, кун қандай илиқ!

Ҳилола колонияда бир соат ҳам қололмаслигини юракдан туйди. Кассир келиб, ҳужжатлари билан андармон бўлганида, озод этилганларнинг сабр косаси тўлган, бунинг устига қоринлари очиқиб, ҳолдан тойгандилар.

— Манави хона бўш, кириб ўтира қолинглар, — деди бир ходима. — Чой-пой ташкил қиламан. Кўпчилигинг узоқ йўлга чиқасан, ичларингга иссиқ киргани маъқул.

Соат уч яримларда Ҳилолани чақириб, маошини тутқазишди.

— Юринг, дарвозага кузатиб қўяман, — деди навбатчилардан бири. — Дарров кеч тушади, уйингизга тезроқ етиб олинг.

Сўнгги текширувдан ўтгач, милиция ходимлари ортда қолди. Ҳилола дарвоза ёнидаги қоровулхонанинг тор йўлагидан юраркан, маҳкумаларни кутаётган эркагу аёлларга дуч келди. Уларга эмас, сал юқорироққа — ҳурлик дарахтларига, ҳурлик уйлари-

га, хурлик осмонига тикилган кўйи ташқарилади. Бир неча қадам, бир неча сония ва у умрбод ОЗОД! Амнистияга тушиб, уйига жавоб берилишини бугун эрталаб, ҳатто, ўзи ҳам билмасди. На отасини, на онасини учратади бу одамлар орасидан. Бироқ... бироқ Ёқуб кутаяпти-ку!

Ҳилола қадамини тезлатди. Қамоқдан чиққани бир жонажон қишлоғидан юзлаб чақирим олисдаги нотаниш маҳаллада бекат ахтариб бораётгани икки, Ёқубнинг пойлаб тургани уч — мазкур сабаблар атрофни тўлиқ идрок этишга қўймас, ҳаяжон, қўрқув, қалтироқ чулғаб, қадами унмасди. Бир аёлдан Тошкентга қатнай-диган автобуслар бекатини сўраган эди, муюлишдан ўнгга юрса, катта йўлга чиқишини, у ердан автобуслар ҳам, маршруткалар ҳам қатнашини айтди.

Шу пайт Ҳилола акация тагида қўнишиб ўтирган йигитни кўрди. Йигит совуқ ва очликдан ҳолсизлангани яққол билинарди. Жойидан зўрға қимирлаб, колония дарвозаси томонга қаради. Қаради-ю хотин-қизларнинг қамоқдан чиқаётганини кўриб, ўрnidан қўзғалди. Оёғи тойғониб, дарахтга суяниб қолди ва шундагина кўчанинг нариги ёқасидаги Ҳилолага кўзи тушди.

— Ҳилола! — қичқириб юборди у. — Ҳилола-а! Чиқдингизми? — Кўлмак сув ва эриётган қор балчиғини сачратиб кўчани кесиб ўтди. — Наҳотки, сиз бўлсангиз?! Кўзларимга ишонмайман! Уйлагандимки, икки йилда... уч йилда... шу дарахт тагида скелетим қолса керак, деб!.. Бунча тез чиқдингиз-а?! Э, узр, "Худога шукр" демоқчи эдим.

Ёқуб Ҳилолани бағрига босди. Ҳилола сафархалтасини қўйиб юбормади, йигитни-да кўчмади, қўллари шалвиради. Жун рўмол, рўдапо пиджак, бесўнақай ботинка кийдирилган жонсиз қўғирчоқ эди гўё.

— Беринг сумкангизни! Аммамникига борамиз! Бир кеча ётиб, эрталаб йўлга тушамиз! Фикрим чаккимасми? Ахир, бунақа об-ҳавода узоқ йўлда қийналамиз!

Ҳилола индамай кетаверди.

— Сизни эртага тушгача уйингизга эсон-омон етказмасам одам эмасман! Қачон ваъдамни бажармаганимни кўргансиз?

— Бажаргансиз, лекин мен...

— Э, биз жиноятчи эмасмиз! Негаки, юрагимизда муҳаббат бор! Ҳа-ҳа-ҳа-а... Ўзимни чимчилаяпман! Тушим эмасми ишқилиб?

Ҳилола уф тортди.

— Ота-онангиз кутаётгандир, нега мени пойлаб юрибсиз? Янаги йил чиқсам нима бўларди?

— Мени тўққиз ой кутишган, — кулди Ёқуб. — Шу уларга етарли бўлган. Аммамга бугун ош қилдираман! Мендан бошқа ҳеч кими йўқ! Ошни бошлаб пиширади. Янаги йил эмиш! Қўйсангиз-чи, Ҳилола, ваъдами ваъда!

Тошкентга етганларида эса қор анча қалинлашди. Имиллаб юраётган машиналар, қор учқунларини ёритаётган сарғиш чироқлар, қуюқлашаётган қоронғилик, ҳувиллаган бекатлар Ҳилолани Ёқубга ипсиз боғлади. Улар аввал метрода, кейин трамвайда қирқ-қирқ беш дақиқача юриб, ёлғиз яшайдиган кекса аёлнинг уйига бордилар. Ёқубнинг илтимосисиз ҳам ош тайёрлаб ўтирган аёл меҳмонларни илиқ кутиб олди. Ҳилола чўмилиб чиққач, уй соҳибаси совға қилган либосларни кийди, ярим ликобча ошни ийманибгина еди.

— Ёқуб ўғри эмас, — деди амма. — У севган қизини шармандаликдан қутқариш учун ўғрилиқни бўйнига олган жўмард!

— Керакмас, гапирманг... — зорланди йигит.

— Қиз турмуш қуриб кетди. Эшаги сувдан ўтди-да! Романтик жасоратни чиндан аҳмоқлик ҳисоблайдиганлар кўп. Хуллас, Ҳилола, сен Ёқубжонга турмушга чиқсанг, ҳеч қачон адашмаган бўласан. Ота-онаси ажрашиб, қариндошларининг қўлида улғайган бу ўғлонни эгишнинг, букишнинг, синдиришнинг иложи йўқ.

Қамоқдан кейин бир ажойиб кеча бўлди. Кулишдилар, йиғлашдилар, бахтиёр онлару қора кунларни эслашдилар. Сўнгра учаласи уч хонада тонг оттирдилар. Эрталаб икки ёш йўлга чиқди. Шоҳбекатда вилоятларга қатнайди-ган автобуснинг биринчи рейсида Абадиян турмасининг собиқ икки маҳбуси ёнма-ён ўтиришарди. Қани йўлларнинг адоғи кўринса, қани беш-олти соатлик вақт бирдан ўтса-кетса; Ҳилоланинг кўзларига уйқу ҳам келмади.

Туш чоғи вилоят марказида қор тўхтаган эди, кўчалар тирбанд, бозорларда ит эгасини танимасди. Ҳилола ҳар бир одамнинг юзига тикилар, бирор таниши учрамасди. Орадан олти ой эмас, олтмиш йил ўтиб кетгандек жамики одамзот бегона эди.

Туманга қатнайди-ган автобусда ўтиришга жой йўқ экан, текилинчда Ёқуб иккиси ёнма-ён тик турдилар. Бир соат ўтиб, туман марказидаги деҳқон бозори олдидаги бекатга тушдилар.

— Сомса-а! Қайноққина "заказной" сомса! — томоғи йиртилгудек бақирарди бир аёл.

Ҳилола сомса жарчисидан беш қадамлар наридан анг-райганча ўтди. Ким эди у? Аввал қаерда кўрган-ди? Ва ногоҳон таниди: туман ички ишлар бўлимидаги конвойда ишлайдиган Альфия-ку! Милициядан бўшаб, бозордан иш топибди-да.

— Ёқуб ака, — деди Ҳилола ҳамроҳига, — сизни уйимга олиб боролмайман, кечиринг.

— Ташвишланманг, Ҳилола, — юпатди йигит. — Таксичининг ёнида ўтираман, қишлоқдошларингиз ҳеч нимани сезмайди. Аммам совчиликка келганда адашмаслиги учун уйингизни билиб олсам дейман.

Туман марказидаги киракаш "Волга"ни уйгача ёлладилар. Машина кўчага тўхтаганида, айвонда мунғайиб ўтирган отаси бошини зўрға кўтарди, ошхонага кириш учун эшикни очган онанинг кўнгли сезди чоғи, бегона машинага тикилганча тошдек қотди. Ҳилола машинадан тушиб, бошидан рўмоли учиб, қор кечганча ота-онаси сари чопди.

— Ҳилолами? — ўрнидан туриб кетди отаси. — Ҳилола-ку!

— Вой, Ҳилолажоним! — онаси тиззалаб қолди. — Вой болам... болажоним...

— Аяжон!.. Отажон!.. — ўкириб йиғлаб юборди Ҳилола.

Бир ҳафта ўтгач, совчи келди. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди. "Ҳилола қамоқда ўзига куёв топганмиш, яқинда тўйи бўлармиш, Тошкентдаги аммасиникида туришармиш" каби миш-мишлар тарқалди. Бошида ростдан воқеалар оқими шунақага ўхшади, аммо...

Тўйдан олдин Ёқубнинг онасини ахтариб қўшни вилоятга жўнадилар. Бўлажак келин-куёв машинанинг орқа ўриндиғида атрофни томоша қилиб боришарди. Бир қишлоқ қабристонини яқинидан ўтишаётганида, Ёқуб текисликда ёлғиз қаққайган симёғоч устунига қараб, деди:

— Электр сими учун ҳаммаёққа бетон устунлар ўрнатилган, лекин битта ана шу симёғоч қолибди. Симсиз устунга чўпон болалар баскетбол ҳалқасини ўрнатиб, спорт майдончасига айлантиришибди. Қабристон яқинлигини айтмаса, ёмонмас.

— Тўхтатинг! — қичқириб юбораёзди Ҳилола.

У Иллюзионистканинг "Қабристондан юз-юз эллик қадамча нарида сенинг севган дарахтингни кўрдим... Меваси битта..." деган гапларини эслади. Мана, севган дарахти! Меваси ҳам битта — баскетбол коптоғи! Дарҳақиқат, Иллюзионистка баскетбол тахтасининг саватчасига колония ҳовлисида ҳам ишора қилмаганмиди? Нега Ҳилола аввалроқ жумбоқни ечолмади, ҳарбий формалига ёрдам беролмади?

— Бечора қизни шу қабристонга кўмган эканлар-да, — пичирлади Ҳилола.

Никоҳ оқшомидаги тантанага Ёқубнинг отаси ҳам, онаси ҳам келди. Тўйдан кейин Иллюзионистканинг жиний тудаси яширган тиллалари, машъум ёмби бўла-

ги, пуллар топилди. Давлат Ҳилола ва Ёқубни қуруқ қўймади: мукофот пулига Ҳилоланинг қишлоғидан ўн беш сотихли ҳовли бунёд этишди, туман марказидан тикувчилик цехи очдилар. Кейинги йил икки қаватли уй, ҳаммом ҳам қурдилар. Ҳилола иккинчи қават деразасидан жонажон қишлоғига термулар экан, опаси билан Чирой холаникидан қайтишдаги сой бўйини ҳам кўрарди.

Бўронгул юрист қамалди, Мақсуда Сулаймонтепа аёллар колониясида ўз жонига қасд қилди, Сойгул эса кунларнинг бирида иш сўраб келди. Ҳилола уни яхшигина маош билан цехга қабул қилди.

Бир куни Ҳилола тадбиркорлар йиғилишидан кейинги зиёфатдан чиқиб, машинаси томон бораётганида бир лўли хотин қўл чўзди. Қараса, Моҳбиби. Ҳилола унга қучоққа сиғмас гулдаста совға қилиб, икки юзидан ўпди.

— Ҳой, қандай бойиб кетдинг, дугона? Ўша қамоқда мен ҳам бўлгандим-ку! — деди лўли.

— Мен бойликни эмас, бойлик мени ахтариб келди, — кулимсиради Ҳилола.

У биродарлик қабристонига бир марта борган, аммо Зубайра Рихсиеванинг ҳаққига ҳанузгача дуо қилиб туради. Жиноят ботқоғидан чиқолмай қийналган аёлларга унинг раҳми келади.

Ҳилоланинг ҳозир бир ўгли бор, Нурия эса икки қизни — худди ўзи ва Ҳилолага ўхшаш опа-сингилларни дунёга келтириб, ўтган йили вафот этди.

МУНДАРИЖА:

1. Соё буйидаги воқеа	3
2. Дастлабки тергов	17
3. Иллюзионистка	23
4. Прокуратурадаги тергов	31
5. Бўронгул юрист таҳдид солади	41
6. Қон тўкилган сўқмоқда	46
7. Турмага жўнатишдан аввал.....	59
8. Абадиян турмаси	66
9. Учинчи камера маҳбусалари	87
10. Қафанга битилган сир	98
11. Ўразкуловнинг мактуби	107
12. Онаизор билан учрашув	123
13. Суд	129
14. Иллюзионистка жумбоғи	140
15. Ҳукм ва муҳаббат	162
16. Сулаймонтепа. Аёллар колонияси	176
17. «Зона»даги дилхира кунлар	194
18. Нурия	215
19. Қамоқдан қочиш	222
20. Суиқасд	244
21. Муъжиза	265
Хотима	271

Адабий-бадиий нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

ЗИНДОНБАНД ҚИЗ НОЛАСИ

Қисса

Мухаррир: О.Қанаев
Тех.муҳаррир: Ш.Ҳошимов
Бадиий муҳаррир: Р.Ташматов
Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева

Босишга берилди 10.10.2016. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ “Virtec Times Uz” гарнитураси. Шартли босма табоғи 16,90 Нашр босма табоғи 17,5. Адади 4000 Буюртма №38 .

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*